

к29

ВАЛЕНТИН КАТАЕВ

ПОЛК ЎГЛИ



ЎЗДАВНАШР



ВАЛЕНТИН КАТАЕВ

к20

ау

ПОЛК ЎГЛИ

ПОВЕСТЬ

ИККИНЧИ НАШРИ



И Гринштейн расмлары



УзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 1953

Ҳаким Назир ва X. Муҳамедханов
таржимаси

*Жекя ва Паслии
Катасоларга
багишланади*



Бу — күпларнинг шон-шараф йўли.

Некрасов

1.

Кунинг жимжит қоқ ярим кечаси. Ўрмон жуда намхун ва совуқ. Ўрмоннинг жигарранг майда хазонлар қоплаган қопқора ботқоқликларидан қуюқ туман кўтарилимоқда.

Осмонда ой сузади. У чарақлаб турган бўлса-да, унинг нури туманин аранг ёриб ўтади. Ойнинг дарахтлар орасига қия тушған тарам-тарам нурида ботқоқликдан буралиб-буралиб паға-паға буглар кўтарилимоқда.

Ўрмонда ҳархиил дарахтлар ўсган. Ой нури тушиб турган жойларда қават-қават кунгирадор минора шаклидаги баҳайбат арчаларнинг гоҳо қора шарпалари кўринар, гоҳо узоқликда қатор тизилиб кетган қайин дарахтлари кўзга ташланиб қолар; гоҳо ялангликда, ачиган сутдек парча-парча булутлар кезгани оппоқ ойдинли осмон манзарасида камалаксимон нурга чўмган тоғ теракларнинг ялангоч шохлари ингичка бўлиб гавдаланаарди.

Дарахтлар сийрак ўсган ҳамажойда оппоқ ой нурлари срга поёндоз тўшалгандек ёйилган эди.

Хуллас, бу манзарада қадимий ажиб бир гүзәллик акс этган бўлиб, ҳамма вақт рус қалбига кўп нарсаларни эслатар ва жажжи қалпогини чаккасига бостириб олиб, ҳумоқушининг патини рўмолга ўраб қўйнига қистирганича бўрига миниб кетаётгани шаҳзода Иванни, алвастининг баҳайбат йўғон чаңгалларини, омонат~~—~~кулбани ва яна кўпдан-кўп афсонавий манзараларини тасаввур этишга мажбур қиласди.

Лекин бу шарпасиз, тип-тип маҳалда разведкадан қайтиб келаётгани уч солдатининг Полесье ўрмони гўзаликлари блан ишлари йўқ эди.

Улар немисларининг орқа томонида жанговар топшириқни бажариб, бир суткадан ортиқ юрдилар. Бу топшириқ, душманинг ўт очиш жойларини топиб, уларнинг ўрнашган ерини харитада белгилаб келишдан иборат эди.

Бу оғир ва жуда хатарли иш эди. Разведкачилар бутун йўлни эмаклаб босишли дейиш мумкин. Бир сафар улар устига хазон сочиб қўйилган плаш-палатка тагига яшириниб, совуқ ва сассиқ ботқоқликда сурункасига уч соатча қимиirlамай ётиши.

Овқатлари қоқ иону, сувдоидаги яхна чой бўлди.

Ҳаммадан қийини шу бўлники, улар лоақал бир марта ҳам чекишига илож тонолмадилар. Ма’лумки, солдатнинг овқатсиз ва уйқусиз ҳам бир амаллаб юраолиши мумкин, аммо ўткир ва ачинқиниа тамаки тортиб олмасдан юриши жуда қийини. Бунинг устига, аксига олиб, уччала солдат ҳам бориб турган кашандада эди. Жанговар топшириқ кўнгилдагидек бажарилган ва разведкачилар бошлигининг сумкасидаги харитада яхшилаб разведка қилинган ўилаб немис батареясининг ўрини жуда аниқ кўрсатилган бўлининга қарамасдан, разведкачилар ўзларини асабий ва тажсанг ҳис қиласди.

Узларининг олдинги мэрраларига яқинлашган сари, чекиши уларни шунча кўп хумор қиласди. Ма’лумки, бундай пайтларда, боплаб бир гап отиш ёки ҳазиллашиб

чунки уларниң вазифаси — мүмкін қадар шов-шувсиз, душман күзига чалинмаған үз томонларига ўтиб олиб, немис батареяларининг ўрни белгиланған мұхим хаританы боңқарув изводининг командирига тезроқ етказиб берши әди. Эртага бұлалықтар жаңғыннан мұваффақияти күп жиҳатдан шуига болған.

Бутун атроф сүв құйғандек жимжит. Уруш шароитида бүндай жимжитлик камдан кам бұлады. Агар ол иседа отылған түлларининг гүмбурлани ішін орада пулемёт-дан қиека-қиека үзиліштің ўқ овозлары әтиборға олинмаса, оламда ҳечқандай уруш бўлмаётгандек әди.

Аммо, тажрибали солдат шу ерда, шу сокни ва хилват жойда урушининг яшириниб ётганини кўрсатадиган минглаб аломатларни дарҳол найқаб оларди.

Кўзга илінмай обек остида чўзилиб кетган қизил телефон сими шу яқин ўртада душманнинг команда пункти ёки заставаси борлығидан дарак бериб турипти. Қулаб ётган бирнече тогтерак ва наихон бўлған буталар яқин орада бу ердан ташк ёки ўзиорар тўи ўтганлигига шубҳа қолдирмас әди, ерга тўкилған сун'ий бензин ва иссиғи кетмаган мойнинг шамолда тарашиб битмаган ўзгача, думоққа ёт ҳиди бу ташк ёки ўзиорар тўпнинг немисларни-ки эканлигини билдирарди

Кўринмайдиган қилиб арча шохлари бостирилган ба-зи жойларга мина ёки тўи снарядлари саржиндей тахлаб қўйилган. Лекин уларниң ташлаб кетилганими ёки эртанги жанг учун атайнин тайёрлаб қўйилганими эканлиги аниқ бўлмаганидан, бу снаряд ва минайлар ёнидан айниқса эҳтиёт бўлиб ўтиши керак әди.

Снаряд йиқитган баҳайбас кекса қарагайлар танағаси уида-мунда йўлни тўсіб ётпили. Байланы радиодкачилик чуқур, айланма алоқа йўлларига ёки мустаҳкам шилланған командир блиндажига йўлиқадилар, блиндажининг эшиғи гарб томонга очилади, ўш нухта ишланып, томига олти қатор тўсин ётқизилған. Эшиғинин гарб томонга очилиши блиндажининг бицини бўлмай, балки немис-

ларники эканини аниқ күрсатыб туради. Лекин унинг ишада одам бор-йўқлиги нома’лум.

Ташлаб кетилган противогазларга, портлаш иштижисида пачоқланган немис каскаларига оёқ тез-тез қоклади.

Разведкачилар ойнинг хира нурида, ялтираб турғли сайдон бир жойда, ҳартарафга аганаб ётган дарахтлар орасида, авиабомба портлашидан ҳосил бўлган катта-кон чуқурни кўрдилар. Бу чуқурда юзи сарғайиб, кўз атрофлари кўмкўк мўматалоқ бўлган бирнече немис ўлиги ётарди.

Бир сафар ёруғ беручи ракета осмонга кўтарилиди. Унинг ёғдуси, дарахт учларини анча вақт ёритиб турлида, сўнгра ракетанинг хира ой нурига қўшилишиб кетган алангали зангор шу’ласи ўрмонни бошдан-оёқ ёритиб юборди. Ўрмондаги ҳарбир дарахтдан узун, яққол кўланка ташланди, ўрмон бирданига ёғоч оёққа мингана га ўхшаб кетди. Ракета ўчгунча уч солдат буталар орасида қимирламай турди. Улар ола-чибор яшил-сариқ плаш палатка ёлингланларидан, ўзлари ҳам ярим-ёрти барги тўкилган буталарга ўхшаб турадилар, плаш-палаткалар остидан автоматларнинг уни туртиб чиқиб туради.

Разведкачилар ўз манзилларига шу тахлитда секинаста яқинлашиб келабердилар.

Тўсатдан разведкачилар бошлиғи тўхтаб, қўлинни кўтарди. Шу заҳоти қолган икки разведкачи ҳам тўхтади, улар командирларидан кўзларини узмасдилар. Бошлиқ плаш-палаткасининг қалпоғини бошидан орқароққа суриб, шубҳали товуш эшитилган тарафга қулоқ солганича хийли вақт тўхтаб қолди. Бошлиқ йигирма икки ёшларга кирган йигит эди. У ёш бўлса ҳам, батареяда кўпни кўрган солдатлардан ҳисобланарди. У сержант эди. Ўртоқлари уни севар ва шу блан бирга ундан ҳайиқишар ҳам эди.

Бошлиқ деганимиз сержант Егоровнинг лиққатини тортган товуш жуда ғалати туйилди. Ўзининг жуда таж-

рибали бўлишига қарамай, Егоров бу товушнинг сирига тушунолмади.

Егоров астойдил қулоқ солди, тунги развелкаларда доим ўзи эшитиб келган ҳамма шубҳали товушларни бир ма-бир хаёлидан ўтказди ва: «Бу ниманинг овози бўлса?» деб ўйлаб қолди.—Шивирлашми? Йўқ. Белкурақ аста тиқиллаяптими? Йўқ. Эгов визиллаяптими? Йўқ»

Шу яқин орада, ўнг томонда, арча дарахтининг орқасидан аллақандай ғалати, жуда секин, узуқ-узуқ бир овоз эшитилиб турарди, худди ер остидан чиқаётганга ўхшарди, ниманинг овози, билиб бўлмасди.

Яна бир-икки минут қулоқ солиб тургач Егоров орқасига қарамай, имо қилди, шунда иккала разведкачи, қўланка сингари оҳиста юриб, овоз чиқармасдан секингина унга ёндашди. Егоров овоз келаётган томонни қўли блан кўрсатиб, эшитинглар, деб ишора қилди. Разведкачилар қулоқ солабошлиашди.

— Эшитилаяптими?— деб сўради шивирлаб Егоров Солдатларнинг бири, худди унинг ўзидек шивирлаб:

— Эшитилаяпти,— деди.

Егоров ўртоқларига қайрилиб қаради. Унинг озгин, қораҷадан келган юзини ой сал-пал ёритиб турарди. У, болаларнига ўхшаш қошлирини керди.

— Нима экан?

— Билолмадим.

Анча вақт учковлари қўлларини автомат тегисига қўйиб, тинглаб туришиди. Овоз ҳамон эшитилар, аммо ундан ҳечнарса англаб бўлмасди. Бир лаҳза бу овоз бошқараб өшитилди. Уларнинг уччаласига ҳам, ер остидав ашула овози келаётгандек туйилди. Улар бир-бирларига қараб олишди. Лекин овоз яна аввалгидай эшитила-верди.

Бу чор Егоров ётишга ишора қилди ва ўзи ҳам қироз тушиб оқарган барглар устига бағрини бериб чўзилди. У, ханжарини тишлаб, тирсакларига тиralганича эмак-лаб, жимгина олдинга сурилди.

Бир минут ўтар-ўтмас у арча буталарининг панасиға ўғди, яна бир минутдан кейин (бу худди бир соатдек улоқ туйилди) разведкачилар ингичка ҳуштак овозини ўшишиди, ҳуштак Егоровнинг ўз ёнига чақираётганини билдирарди. Улар эмаклаб боришиди ва шу манзарани кўришиди: сержант тиз чўкиб, арча буталари панасида-ги кичкина окопга тикилиб турарди.

Окопчадан хириллаган, хўрсинган, уйқу аралаш инграгаи, овоз барала эшитилиб турарди. Разведкачилар гап-сўзсиз, нима қилиш кераклигини англаб, окопчани қуршаб олишиди ва қўллари блан плаш-палаткаларининг этагини ёзиб ёруғликни тўсишиди. Егоров қўлидаги электр фонарчани окопга тутди.

Улар оддий ва шу блан бирга даҳшатли манзарани кўрдилар. Окопчада бир бола ухлаб ётарди.

У қўлларини кўкрагига босиб, картошка сингари қорайиб кетган яланг оёқларини ғужанак қилганча, кўкимтири, сассиқ кўлмак ичидан ётар ва уйқисида оғир босинқиради. Унинг сочи ўсиб, кирланиб кетган яланг боши орқага беўхшов ташланган. Озгин томоги дир-дир титрар, очилиб қолган оғзи ва безгакдан учук тошиб шишган лаблари орасидан хир-хираган овоз чиқарди. Пичирлаш, боши-кети йўқ узуқ-юлуқ сўзлар, хўрсиниш эшитиларди. Юмуқ кўзлари устидаги бўртиб турган қовоқлари сўлғин, қони қочған. Улар худди қаймоғи олингани сутдай кўкариб кетган. Калта, қуюқ киприклари бир-бирига ёпишган. Юзлари тимдалангандан, моматалоқ Қаншари устида қон қотиб қолган.

Бола ухламоқда, у ваҳимали тушлар кўради, ҳорғин бетида азоб бераётган даҳшатларнинг аломатлари кезарди. Башараси минут сайин ўзгариб турарди: гоҳ қўрқувдан қотиб қолар; гоҳ оғир азобдан тиришар; гоҳ бедаво вламдан унинг ботиқ жағи устида ажинлар пайдо бўлар; қошлари чимирилиб кетар ва киприкларидан томчилаб ёни оқиб тушар; гоҳ тишлари қаттиқ ғижирлар, башараси газабга тўлиб, қаҳрли тус олар; муштумини қаттиқ

қисганидан тирноқлари кафтига ботар ва бүғилган томоғидан секин хириллаган ун чыңарди.

Гоҳо у ҳушдан кетиб, noctor, аянч бир қиёфада болаларча жилмайиб қўяр ва эшитилар-эшитилмас, англаб бўлмайдиган бир ашула айтарди.

Бола шу қадар қаттиқ, шу қалар чуқур уйқуга толиб, оғир босиниқираганидан жони танидан ажралгандай эди, шунинг учун ҳам у тенасида туриб унга астойдил тикилган разведкачиларни ҳам, юзига тик тутиб турилган электр фонарчасининг ёргуни ҳам анчагача сизмади.

Кейин бирданига болани ичидан бирнима силтагандек сесканиб тушди. У сапчиб уйғонди-да, ўтириб олди, кўзлари беўхшов чақнади. У, дарҳол қаердандир учи ўткирланган катта мих олди. Егоров чаққонлик блан боланинг иссиқ қўлларидан ушлаб, кафти блан унинг оғзини ёпди.

— Жим. Ўз одамларингмиз! — деди Егоров шивирлаб.

Шундагина бола, солдатларнинг шлёмлари ҳам, автоматлари ҳам, плаш-палаткалари ҳам русларники эканлигини, унга энгашиб боқиб турган кишилар ҳам қадрдан руслар эканини пайқади.

Унинг толиққан башараси қувончдан хиёл жилмайди. У алланималар демоқчи бўлди-ю, лекин ниҳоят биргина сўз айтоди:

— Бизниkilар...

Шундай деди-ю, ҳушидан кетди...

Батарея командири капитан Енакиев қарағай теласидаги бақувнатийи устига қурнилган кичкина сўрида ўтиради. Сўрининг уч тарафи очиқ бўлиб, ғарбга қараган тўртничи тарафига ўқии тўсени учун бирнечта қалин тўсенилар қўйилган эди. Энг устки тўсинга кузатув дурбини ўриатилган Дурбинининг шохларига новдалар бойлаб қўйилганидан, у ўзи ҳам худди айри шохга ўхшарди.

Сўрига жуда узун ва энсиз иккита шотидаи чиқиб бо-риш керак эди. Пастки шоти қия қўйилган, у дарахтнинг ярмигача етади. Бундан тик қўйилган иккинчи шотига чиқилади.

Сўри устида, капитан Енакиевдан бошқа, яна иккита телефончи ҳам бор, уларнинг бири пиёда аскар, иккинчиси тўпчи. Уларнинг чарм ғилофли телефон аппаратлари қарагайнинг танга-танга пўстлоқли танасига осиб қўйилган. Жанговар участка бошлиғи, ўқчи батальон командири капитан Охунбоев ҳам шу ерда.

Сўри устига тўрттадан ортиқ одам сифмаганидан, икки тўпчи шотида туар эди. Уларнинг бири — бошқарув взводининг командири лейтенант Седих, иккинчиси эса—бизга таниш сержант Егоров эди. Лейтенант Седих тирсакларини сўрига тираб шотининг юқори поясида, сержант Егоров эса пастроғида бўлиб, унинг шлёми лейтенантнинг этигига тегиб туарди.

Батарея командири капитан Енакиев блан батальон командири капитан Охунбоев жуда ошғич, жуда муҳим ва жуда нозик иш блан банд эдилар Улар артиллерия разведкаси топиб келган ма'лумотларни аниқлаб, шулар асосида, ўз хариталарини тўғрилаб олмоқда эдилар.

Ранг-баранг қаламлар блан неча хил белгилар қўйилган бу хариталар олдиларидағи тахтага ёйилган. Ҳар иккала капитан қўлларида қалам, резинка ва линейка ушлаб, харита устига энгашган эдилар.

Капитан Охунбоев яшил шлёмини орқароққа сурис қўйиб, буғдой ранг кенг пешонасини тириштирганича энгашиб, йўғон бармоқларини тез-тез қимирлатиб, ялтироқ линейкани харита устида уёқдан-буёққа сурарди. У, гоҳ қизил қаламини, гоҳ резинкасини ишга солар ва шу орада Енакиевнинг юзига тез-тез кўз қирини ташлаб: «Ҳа, оғайни, нега чўзаяпсан? Қани давом этдир. Қани, тезроқ бўл» деяётгандек бўларди.

У ҳамма вақтдагидек қизишар ва ҳаяжонини яшираомлас эди;

Жанг соатлари, балки, жанг дақиқалари яқинлашға^н
ана шу пайтларда унинг назарида ҳамма нарса жуда се-
кин бораётгандек түйиларди. Унинг юраги тошарди.

Капитан Енакиев блан капитан Охунбоев жангда
синашган эски қадрдан әдилар. Улар кейинги икки йил
ицида ҳамма жангларда бирга бўлдилар. Дивизияда
ҳам: Охунбоевнинг батальони қаерда урушса, демак,
Енакиев батареяси ҳам ўша ерда урушаётпти, деб били-
шарди.

Енакиев блан Охунбоев бир-бирларини қўллаб-
куватлаб, шонли йўл босиб ўтдилар. Улар биргаликда
Духовщина ёнида, Смоленск остонасида немисларни
қийратдилар, Минскни бирга қуршаб олдилар, азиз туп-
роғимиздан душманни бирга қувдилар. Охунбоев баталь-
они блан Енакиев батареяси жанг қилган шавкатли
фронт шарафига пойтахтимиз Москва Ватан номидан
алангали салют бериб, Кремль устидаги тунги булутлар-
ни бирнечча бор чарақлатиб юборди.

Жанговар дўстлар жанг кунларида кўпинча бир
дастурхонда ош-нонни баҳам кўрдилар, кўп вақт бир
идишдан сув ичдилар. Устларига битта плаш-палаткани
ёпиб ёнма-ён ётган пайтлари ҳам бўлди. Улар бир-бирла-
рига худди ака-уқадек меҳрибон әдилар. Броқ хизмат
устида бир-бирларига ҳечбир ра'я-андиша қилмасдилар,
улар дўстлик ҳам, хизмат ҳам ўз йўли блан деган мақол-
га яхши амал қилишарди. Улар ҳечқачон бир-бирлари
олдида ўз қадрларини туширмас әдилар. Лекин улар-
нинг табиатлари ҳархил эди.

Охунбоев қизгин табиатли, бетоқат, ҳечнарсадан тап
тортмайдиган довюрак киши эди. Енакиев ҳам ботир-
ликда дўсти Охунбоевдан қолишимаса-да, лекин у, моҳир
тўпчига хос совуққон, вазмин ва тадбирчан эди.

Ҳозир капитан Охунбоев Енакиев разведкачилари кел-
тирган ма'lумотларни ўз харитасига кўчираётib, бу иш-
ни тезроқ тугатишга ошиқар ва разведка қилинган жой-
ларнинг схемаларини олиб кетиш учун роталардаи

юборилган алоқачиларни тезроқ жұннатишиңға шошилар әди. Алоқачилар пастда, дарахт тагида кутиб турмөжде әдилар.

Хужум бошлаш тұғрисида ҳали буйруқ олинмаган әди. Лекин, күпгина белгиларга қараб, тез орада ҳужум бошланади, деб үйлаш мүмкін әди. Үнгача эса Охунбоев роталарга бориб, уларнинг жангга тайёрлигини үзи текшириб күрмоқчи бўлди.

Аммо Охунбоевнинг целлулойд линейкаси харита устидага қанча тез сирғалса ҳам, қизил қалам үрмөнларнинг жим-жимадор чизиқлари ва дар'ёларнинг күкиш излари орасига доирачалар, ромба шаклчалари ва крест аломатларини қанчалик чаққон чизса ҳам, барибир, иш капитан истаганича тез бораётгани йўқ әди. Охунбоев ҳарсафар харитага янги белги қўймоқчи бўлганида, капитан Енакиев юмшоқ, жигарранг чарм қўлқоп кийган қотма қўлларини оҳиста, лекин қат’ий ҳаракатлантириб уни тұхтатиб қоларди.

— Ўтинаман, бир минут сабр қилинг, мел текшириб кўрмоқчиман. Лейтенант Седих!

— Шу ердаман.

— Харитандан ўн тўққиз-у беш квадратни қаранг. Ёлғиз дарахтдан қирқ беш метр шимол-шарқи-шимолда. Сизда нима кўрсатилган?

Лейтенант Седих шошилмасдан, шу блан бирга ивримасдан, кўкраги баравар келадиган тахталар устидага ётган планшеткани олдига тортиб, уйқусизликдан бироз шишган ва қизарган кўзларини пастга тикди-да, йўталиб олиб, деди:

— Пачоқланган ва ерга кўмилган танк. Уни душмав қўзғолмайдиган ўт очиш нуқтасига айлантирган.

— Буни қаёқдан билдингиз?

— Разведка ма'lумотларидан билдим.

— Рост, тўғри,— деди шошиб капитан Охунбоев. У тоқатсизланиб, плаш-палатканинг бўйнидаги боғичини дам ечиб, дам боғлаб туарди. — Менинг разведкам ҳам

худди шу хабарни келтирди. Демак, икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Харитага ладил ўтказавериш мумкин.

— Шундай бўлса ҳам бир минут сабр қилинг,— деди ўйлаб туриб капитан Енакиев. У энгашиб сўрининг четидан пастга қаради--- Сержант Егоров!

— Шу ердамал, ўртоқ капитан,— деб жавоб берди, шотида турган сержант Егоров.

— Харитангизлаги ўн тўқинч-у беш квадратда пачоқланган танк бор деянемзми? Ичингиздан чиқараётганингиз йўқми?

— Ҳечбир.

— Үзингиз кўрдингизми?

— Худди шундай.

— Үз кўзингиз блан-а?

— Худди ўз кўзим блан. Қетаётганимизда ҳам кўрдим, келаётганимизда ҳам. Ўша жойнинг ўзида қимиirlамай ётипти.

— Хўш, нима қилишипти? Демак, уни қўзғалмайдиган ўт очиш нуқтасига айлантиришган эканлар-да?

— Худди шундай. Қўзғалмайдиган ўт очиш нуқтасига айлантириптилар.

— Буни қандай қилиб билдингиз?

— Атрофини қазишаюти.

— Кўмишаяпти денг?

— Худди шундай.

— Балки танки олиб кетмоқчиidlар?

— Ҳечбир. Биз ўша ерда эканлигимизда, унинг ёнига бир ярим тоинали машинада ўқ-дори олиб келишди.

— Үзингиз кўрдингизми?

— Худди шундай. Үз кўзим блан кўрдим. Улар яшикларин туширишибтган эди. Шу вақтда биз чизиб олдик.

— Яхни. Шу кифоя.

— Шундай! Шундай!— қувонч блан деди капитан Охунбоев тинилари орасидан ва харитага кичкина қизил ромба шаклини чизди.

Ба'зан эса, капитан Енакиев тўсатдан биронта ни-

шонни аниқламоқчи бўлиб, оҳиста, лекин қат'ий ҳаракат блан тўхтаб туришга ишора қилар ва кузатув дурбини олдига тиз чўкиб, қават-қават туманли уфқдан алланималарни узоқ синчиклаб ахтарар, ҳа деб харитага қараб, унга целялюOID доирани қўйиб кўрарди,—капитан Охунбоевга эса бу ҳол жуда узоқ давом этгандай бўлиб туйиларди.

Бу пайтда Охунбоев тоқати-тоқ бўлиб тишларини ғижирлатгундай бўлар, фақат дўстини жуда яхши билгани учунгина ўзини тийиб қолар эди. У ғижинса-ғижинмаса, барибир бундан ҳечнами чиқмасди.

Капитан Енакиевнинг анча эскиганлигига қарамай, ўзига ярашиб турган, қора петлица ва сариқ тугмали бежирим шинелига, кўзи устига тушиб турган амиркои тасмали, қора ҳошияли, чорси козирёкли таранг фуражкасига, солдатлар киядиган мовутдан бежирим қилиб жилд тикилган сувдонига, шинелининг иккинчи тугмасига илингандан электр фонарчасига, ҳаво ҳарқанақа бўлгандай ҳам ялтираб турадиган пишиқ, ихчам этигига бир қарашнинг ўзидаёқ, бу одамнинг нақадар пухта, нақадар саранжом ва нақадар саботли одам эканлигини билиб олиш мумкин эди.

Эрталаб ҳаво бузуқ, совуқ эди. Тонгда тушган қироверни босиб, алла маҳалгача эримади. Мағзавага ўхшаш лойқа кўкимтири нам ҳавода қиров секин-аста буғланабошлади.

Дарахтларнинг учлари қимири этмасди. Броқ бу таассурот кишини чалғитар эди. Қарағайнинг тела шохлари давра ясаб чайқалар ва у блан бирга сўри ҳам чайқалар эди. У худди биртекис айлананаётган кенг гирдоб юзида сузучи солга ўхшарди.

Замбаракларнинг гумбурлаши ва портлашларидан ҳаво муттасил зириллаб турарди. Ҳавоининг шу хиллаги доимий бетинч ҳолатини сезишгина эмас, балки кўриш ҳам мумкин эди. Ҳар зарб сайин, ўрмонда дарахтлар силкишар, уларнинг сариқ барглари пирпираб ва лапанглаб тобора кўпроқ тўкиларди.

Үргаимаган кишиига ҳозир зўр жанг бўлаётгандек түйилар ва у ўзини шу жангнинг қоқ ўртасида қолгандек ҳис этарди. Аслида эса, унча ҳам кучли бўлмаган оддий тўп отишмаси бўлаётган эди. Бизнекими, немисларникими экани ма’лум бўлмаган аллақандай батарея янги нишонни белгилаб олмоқчи бўлиб бирича ўқ узди. Шу ондаёқ душманинг кузатучилари бу батареяниң ўрнини белгилаб олди ва ўша зоҳоти бунга қарата, батареяга қарши жанг қиласиган аллақандай маҳсус взвод ичкариликдан туриб ўт очди. Ўз навбатида, бу взводга қарши ов бошланиб кетди. Шу йўсинда, ҳаял ўтмай участкада ола-говур шуқадар авж олиб кетдики, қулоғингга пахта тиқдан блан ҳам фойдасиз эди. Ҳар тарафдан кичик калибрли, ундан ҳам кичикроқ калибрли тўплардан, кейин ўрта калибрли, йирикроқ калибрли, ниҳоят йирик ва жуда ҳам йирик калбрли тўплардан снарядлар отилабошлиди. Ба’зан эса ҳаддан ташқари катта замбараклар ҳам отишга тушар, уларнинг бўкириги узоқ ичкариликдан аранг эшитилар, бу замбаракларнинг баҳайбат снарядлари бирдан қаттиқ пишқириб, визиллаб, чирпирак бўлиб, сиддийгина кўринган бирор қишлоққа келиб тушар, снаряднинг портлашидаи қумлоқ устида шохлар ва дарахтлар аралаш қуон кўтарилар ва настга тошқўмирдек қоп-қора булут бўлиб қум-тупроқ ёгиларди, унинг орасидан чақмоқ ёриб ўтгандек бўларди.

Гоҳо аллақаёқдан, кутнілмаган бир тарафдан, снаряд парчаси учиб келиб зарб блан ерга урилар, сапчир, гир-гир айланар, тариллар, гувиллар, пилдироқдек визиллар ва ёқимсиз овоз чиқариб, дуч келган дарахтларнинг шохлари ва қуббаларини сидириб отилиб кетарди.

Шунга қарамай, қарагай тепасида туриб харита устида иш олиб бораётган кишилар ҳечнима қўрмаган ва эшитмагандек эдилар. Фақат, бирор жойда отишма ку-

чайиб кетган пайтларда, телефончи чарм қопланганни параграфининг қулоғини бураб, секингина дерди:

— Гунафшани бер. Гунафшами бу? Стул гапирайни. Линияни текшираяпман. Сиз томонда нималар бўляяни? Ҳозирча тинчликми? Бўпти. Бизда ҳам тинчлик. Жаңгии давом эттираберинглар. Хайр.

Ниҳоят, иш тамом бўлиши блан, капитан Охунбоевнинг чеҳраси очилиб кетди. У харитани тезликда дала сумкасига тиқиб, плаш-палатканинг боғичларини қисқа бўйлига жадаллик блан боғлади ва калта, бақувват, бироз қийшиқроқ оёқларига ростланган ҳолда, пастдаги даст'ерга қичқириб:

— Отни келтир! — деди.

Кейин у соатига қаради.

— Соатингизга қаранг. Менини тўққиздан ўн олти минут ўтипти. Сизники-чи?

— Тўққиздан ўн тўрт минут ўтипти, — деди капитан Енакиев, қўлига кўз югуртириб олиб.

Капитан Охунбоев керилиб, томогини қирди. Унинг кўзлари сузилиб, қорачўғи ялтираб кетди.

— Орқада қолаяпсан, капитан Енакиев.

— Ҳеч-да. Мен орқада келаётганим йўқ. Менинг соатим тўғри. Одатингизча сиз шошаяпсиз...

— Зайдев, аниқ вақтни айт! — деди шиддат блан Охунбоев.

Телефончи шу заҳотиёқ полк команда пунктига телефон қоқиб, вақтнинг тўққиздан ўн тўрт минут ўтганлигини билдириди.

— Сенини тўғри чиқди, уруш худоси, — деди тан бераби Охунбоев ва соатини Енакиевнинг соатига тўғрилаб, стрелкани суриб қўйди.

— Бу сафар сен айтганча бўлақолсин. Хайр, комбат.

У, плашини шилдиратиб, йўл бериб турган тўпчилар орасидан ҳар иккала шоти орқали бетўхтов пастга тушди ва харитани ад'ютантга иргитди, кейин сакраб отига

минди-ю, устига сариқ барглар тўкилган ҳолда елиб кетди.

Шундан кейин капитан Енакиев ён дафтарчасини қисиб қўйган резинка тасмани чиқариб, кузатув дурбини ёнига ўтди. Дафтарчада нишонлар ёзилган эди. Бу нишонларнинг ҳаммаен отиб кўрилган эди. Лекин капитан Енакиев уларни яна ҳам яхшироқ отиб кўрмоқчи эди. У, лозим бўлиб қолганда, ўз батареясининг пишонни қайтадан ўққа тутиб нақт сарф қилиб ўтирумасдан, дастлабки ўқ узищдаб юрҳол уни яксон қилишни истарди. «Нишонларни белгилаб чиқинш»нинг ҳечбир қийинлиги йўқ эди, албатта. Броқ, у анча олдинга, я’ни пиёда қисмлар линиясига бориб қолган ва яхшилаб яширган батареясининг элбурутдан ўзини сездириб қўйиши мумкинлигидан жангнир эди. Бутун вазифа — тамомила қўққисдан жангнир энг сўнги, ҳал қилучи пайтида ва энг кам кутилган жойга зарба беришдан иборат эди. Капитан Енакиевнинг фикринча, мана шундақа жой — жанг участкасининг ўнг қанотидан и йўлиниг айрилиши ва ёш дуб дараҳтлари ўстини чуқургина сойликка чиқаберишдаги ер эди.

Лйни пайтда бу жойниг ҳечбир қизиқарли томони йўқ, у бўм-бўщ эди. Унди ўт очини нуқталари ҳам, мудофаа ишиотлари ҳам йўқ оли. Олатта жанг майдонларида бирон томони билан одамишини дикқатини ўзига тортмайдиган бунақсанги жойлар жуда кўп бўлади. Бундай жойларда жанг кўши чўшимай ўтиб кетаверади. Капитан Енакиев буни яхши биларди, лекин унда ҳарбир нарсани нухта, аниқ чамалаш отати бор эди.

Капитан Енакиев, кутилган жангниг боришида учраши мумкин бўлган бутун ҳолатларни юз қайталаб кўз олдига келтиреада, ҳар сафар биргина манзарани кўрди, я’ни Охунбоев батальони немис мудофаа линиясини ёриб ўтади ва қарши ҳужум бўлиб қолса, олдини олиш учун батальоннинг ўнг қанотини шунга тайёрлаб туради. Сўнгра у марказий участкада жойлашган кучларини шоши-

лини суратда олға ташлаб, икки йўлиниг айрилиши ру-
парасидаги тепанинг панасига мустаҳкамланиб олиди,
кейин секин-аста резервларни келтиради ва йўл бўйлаб
янги, қат’ий зарба бериш учун куч тўплайди. Капитан
Схунбоев, худди шу жойнинг яқингинасида, икки йўл-
нинг айрилиши блан сойликка чиқабериш жойида тўх-
тайди, чунки жангнинг бориши шуни талаб қиласди: ўқ-
ларни ғамлаб олиш, ярадорларни йиғиб орқа томонга
юбориш, роталарни тартибга келтириш, энг муҳими,
жанговар сафни бундан кейинги зарба бериладиган то-
монига тўғрилаб қайта тузиш керак. Мана буларга оз бўл-
са-да, ҳарҳолда фурсат керак. Бу фурсатдан немислар-
нинг фойдаланмай қолиши мумкин эмас. Улар бундан
албатта фсайдаланади. Улар танкларини ишға солади.
Бу танклар ҳужуми учун энг қулай фурсат. Улар эҳ-
тиётдан сойликка яшириб қўйган танклар блан қўққис-
дан ҳужум қиласдилар. Капитан Енакиев қўлида бу ҳақда
ишиончили ма’лумотлар бўлмаса ҳам, сойликда немис
танклари яшириб қўйилган бўлишига у шубҳаланмас эди
деса бўлади. Унинг тажрибакорлиги, маневрнинг нозик
нуқталаригача тушуниб етиши, ҳисобда адашмайдиган
ўткир ақли шунга ишора қиласди. Воқиаларни ҳарқа-
чон тез ва аниқ-равshan таққослаб, шундан тўғри хуло-
салар чиқаришга одатланган ҳарбир яхши тўпчи офи-
цернинг хислати ҳам шунда.

«Балки ҳарнима бўлса ҳам таваккал қилиб синааб кў-
рилсамикан?»— деб ўз-ўзидан сўради капитан Енакиев,
кузатув дурбинининг ойнасини кўзига тўғриларкан.

Дурбин ойнасида хираланиб турган кулранг уфқ
ёришаборди. Қорайиб кўринган нарсалар аниқ-равshan
шакл олабошлади. Жойнинг манзараси кўзга яқинла-
шаберди ва худди театр декорацияси каби қават-қават
бўлиб, олдинма-кетин яққол намоён бўлди.

Қарағай дарахти устига кузатув пункти ўрнатилган
ўрмоннинг тепаси хира ва паст-баланд ҳолда ғалати тус
олиб, биринчи планда кўзга чалинарди. Ҳатто ҳалиги

қарағайнинг бир шохи жуда яқинлашиб келиб, ўзининг каттакон найза тиконлари ва иккита катта қуббаси блан худди кўзга кириб кетгундай бўлиб турарди.

Урмон орқасида ёйилиб кетган дала кўринади. Даланинг паст этагида бизниклар жойлашган олдинги қаторнинг эгри-бугри линияси кўзгудагидек равshan кўриниб туради. Унинг ҳамманишоотлари пухта ниқобланган, фақат кўзи жуда ўткир одамгина уларни пайқаб олиши мумкин. Капитан Енакиев унлаги блишдажларнинг туйнукларини, алоқа йўлларини, пулемёт уяларини кўзи блан кўрмаса ҳам, сезиб, пайқаб турарди.

Даланинг юқори этагида эса, бизнинг окопларимиз рўпарасидаги немис окоплари жуда яққол ва аниқ, лекин бирмунча майдароқ бўлиб кўзга ташланарди. Буларнинг оралиғидаги яланг бўшлиқ дурбин ойнасида шу қадар торайтириб ва қисқартиб яқин келтирилган эдикি, худди бутунлай йўқдек туйиларди.

Капитан Енакиев ундан нарида немисларнинг орқа томонидаги манзарани кўрди. У, узоқдан сувдек жимиirlаб кўринган бу манзарага кўп ҳам тикилиб турмади. Барглари тўкилиб қип-яланғоч бўлиб қолган чакалакзэрлар, топталган ботқоқликлар, бир-бирига ёпишириб қўйилгандек тепаликлар, хароба уйчалар кўз олдидан тез-тез ўтди.

Энг охири, капитан Енакиевнинг кўзи яна ўша икки йўл айрилиши блан тор жарлик ўртасидаги жойга тушиди, бу ер унинг ён дафтарчасида «17-инчи узоқ нишон» де'ёзилган эди.

Бундай қараганда ҳечқандай аҳамияти йўқдек кўринган бу бўши жойни капитан Енакиев жуда синчиклаб кўздан кечирди. Унинг хаёлида бу ерлар Охунбоевнинг жойдан-жойга кўчиб турган жангчилари ва жарликининг сирли камаридан тўсатдан кетма-кет чиқиб келадиган немис танкларининг кичик шарпаси блан тўлгандек эди, шу бугун эрталабдан бери у бирнеча марта шуни хаёлдан кечирди.

«Еки таваккал қылмаганим яхшироқмикиш?» деб ұл-
лади Енакиев, мүмкін қадар бу жойни күзатув дурбиди-
нининг нақ ўртасига келтиришга уриниб.

Буни юраксизлик деб бўлмайди. Иккилапи шам эмас
бу, йўқ, у ҳечқачон иккиланган эмас. Ҳозир шам иккила-
наётгани йўқ. У мулоҳаза юритиб, чамалаб кўрмоқда.
У энг тўғри йўлни ахтарарди. У, ўзига қайси бири қўл
келади, ўз батареяси турган жойни элбурутдан билдириб
қўйиш хавфи туғилса шам, «ўнеттинчи нишон» ни жуда
шам аниқ белгилаб олиш учун олдиндан отиб кўриш ма-
қулми ёки жангнинг энг оғир ва балки ҳал қилути пай-
тида мўлжални ростлаб олиш учун бирнеча минут фур-
сатнинг баҳридан кечиб бўлса шам, энг сўнгги дақиқа-
гача батарея жойлашган ўринни душманга билдиримай
туриш фойдалими?—шулар ҳақида ўзига муфассал ҳи-
соб беришни истар эди.

Лекин шу чоғ пастдан овоз келди, шоти силкинди,
шпорнинг жингирлагани эшитилди, кейин қорачадан кел-
ган пучуққина, қалин қора қошли, боладек кичкина ёш
офицер ҳарсиллаганича сўрига чиқди. Бу алоқа офицери
эди. У, бутун вужуди блан расмий ва ҳатто жиддий бў-
либ кўринишга интилса шам, бетида болаларга хос ис-
сиқ табассум барқ уриб турарди.

У шпорларини жаранглатди, қўлини шапкасининг ко-
зирёгига чақон олиб бориб, яна дарров силкиб пастга
тушириди ва капитан Енакиевга пакет узатди.

— Полк бўйича буйруқ... — деди у жиддият блан,
лекин ўзини босиб туролмай, ҳаяжон блан қўй кўзлари-
ни ялтиратиб: — ҳужум тўғрисида,— деб, қўшиб қўйди.

— Қачон?— деб сўради Енакиев.

— Соат тўққиздан қирқ беш минут ўтганда. Иккита
кўк ва битта сариқ ракета отиб сигнал берилади. Бунда
ёзилган. Кетсам рухсатми?

Енакиев соатига қаради. Соат тўққиздан ўттиз бир
минут ўтган эди.

— Боринг,— деди у.

Алоқа офицери шпорларини тағин жингирлатди-да, қаддини ростлаб, яна қўлини шапкасининг козирёгига олиб бориб, кейин силкиб пастга туширди ва эпчилик блан орқага ўгирилди, у ҳозир дараҳт тепасида эмас, тўпчилар мактабининг ошхонасида тургандек эди, кейин шотидан пастга бир зумда тушди, шпорлари бир нимага илиниб кетганида сўкиниб ҳам қўйди.

— Лейтенант Седих! — деди Енакиев.

— Шу ердаман, ўртоқ капитан.

— Эшитдингизми?

— Эшитдим.

— Команда пункти шу ер бўлади. Мен блан ҳамма взводлар ўртасида телефон орқали алоқа тутилади. Илгарига юрилганда тўхтовсиз телефон сими тортиб борилсин. Взводлардан бир секунд ҳам ажраб қолинмасин. Телефон алоқаси бузилгудек бўлса, радио орқали очиқ сўзлар блае хабар етказиб туринг. Ҳарбир рота командири ихтиёрига икки кинши — бир алоқачи ва бир кузатучи тайинланг. Нимаики ўзгариш бўлса, дарҳол телефон, радио ёки ракета блан хабар бериб туринг, тушундигизми?

— Тушундим.

— Саволлар борми?

— Йўқ.

— Ишга киришининг.

— Хўн.

Лейтенант Седих шотидан бир поғона пастга тушди-ю яна бирдан тўхтаб қолди.

Ўртоқ капитан, рухсат этинг. Бутунлай ёдимдан кўтарилипти. Болани нима қиласайлик?

— Қанақа болани? — Капитан Енакиев ҳўмрайди, кейин дарҳол эслаб: — Ҳа, айтгандай! — деди.

Унга бола ҳақида ганирган бўлсалар ҳам, у ҳали аниқ бир фикрга келмаян эди.

— Болани нима қиласайлик? Қаерда ўзи?

— Ҳозирча менда, бошқарув изводиди, риппөдкачилилар олдида турипти.

- Ҳоли қалай? Үзига келдими?
- Ёмон эмас, тузук.
- Нималар деялти у?
- Гапи кўп! Буни сержант Егоров яхши билади.
- Егоровни буёққа чақиринг-чи.
- Сержант Егоров! — деб қичқирди лейтенант Седих пастга қараб.— Батарея командири олдига келинг.
- Шу ердаман! — деб шу заҳотиёқ жавоб қилди у, кейин унинг шохчаларга бурканган шлёми сўрида кўринди.
- Болангизнинг ҳоли қалай! Тузукми? Гапириб беринг,— деди Енакиев.

Бошлиқларнинг ҳарқандай имо-ишорасини жуда яхши фаҳмлаб олучи сержант Егоров капитан Енакиевнинг бу ғайри-расмий муомаласидан, bemalol гапиришга йўл қўйилтанини онглади. Унинг оғзи блан қошлари гарчи жиддий қиёфасини йўқотмаган бўлса ҳам, уст-устига уйқисиз ўтган кечаларда толиқиб қизорган кўзлари очиқ ва равshan жилмайди.

— Гап бундай, ўртоқ капитан,— деди Егоров.— Отаси уруш бошланган кунларда фронтда ҳалок бўлган. Қишлоқни немислар эгаллаган. Онаси уларга сигирини бермайман, деса, уни ўлдирганлар. Бувиси блан кичкинтой синглиси очликдан ўлишган, кейин бола ёлғиз қолган. Немислар қишлоққа ўт қўйганлар. Болаларни қамайдиган ёмон бир жойга уни зўрлаб юборганлар. У ерда, албатта, қўтирилган, қичима юқтирган, терлама блан оғриб, бир ўлимдан қолган. Кейин қочган. Қўйинг-чи, икки йил тентираб, ўрмонларда яшириниб юрган, ҳамавақт фронтнинг бу томонига ўтмоқчи бўлиб юрган. У пайтларда фронт узоқ бўлганидан илож бўлмаган, соchlари ўсиб, ўзи ёввойилашиб кетган, сержаҳл бўлиб

қолган. Худди бўри боласининг ўзи, донм халтасида учи қайрилган мих олиб юрган. Буни қурол қилиб олган. Шу мих блан бирор фрицни ўлдиришни кўзлаган. Унинг халтасидан биз яна алифбе китобини ҳам топдик, йиртилиб кетган. «Алифбени нима қиласан?» — деб сўрасак,— «Ўқиш эсимдан чиқмасин, деб олиб юрибман» дейди. Нимаям дердик. Бола-да...

— Ёши нечада?

— Ун иккidan ўн учга қадам қўйдим, дейди. Афтига қараб, ўн ёшдан ортиқ деб бўлмайди. Очликдан ориқлаш кетган. Эти устихонига бориб ёпишган.

— Ҳа,— деди ўйлаб туриб капитан Енакиев,— ўн икки ёшда денг. Бундан чиқадики, шу кулфатлар бошига тушганда тўққизга ҳам кирмаган экан-да.

— У ёшлигидан кулфатга учраган,— деди Егоров хўрсиниб.

Улар тўп отишмаларишниг пасаяётган овозига қулоқ солиб, жим қолишиди, одатда ҳар сафар жанг бошланиши олдидан тўп отишмаси пасаяр эди.

Тезда кишини чилгитадиган оғир жимлик чўкди.

— Айтинг-чи, ўзи дуруст болами? — деб сўради капитан Енакиев.

Егоров, ўзини жуда эркин сезиб:

— Кўп яхши бола. Оёгидан ўт чақнаган, зийрак бола! — деди.

Капитан қопларини чимириб, тескари ўгирилди.

Бир вақтлар капитаниниг ҳам Костия деган ўғилчasi бор эди. Тўгри, у бироз бироқ, ҳозир бўлганда етти ёшга киради. Капитан Енакиевиниg ёшгина хотини блан онаси бор эди. Бундан уч йил муқаддам у бир куннинг ўзида буларниг ҳаммасидан бира-тўла ажралди. Барановичида эканида, батареяга етиб келиш учун, тревога берилиши блан, уйндан чиқиб кетди, шу, шу қайтиб уйини ҳам, ўғлини ҳам, хотинини ҳам, онасини ҳам кўрмади. Энди қайтиб кўролмайди ҳам.

Уларнинг уччаласи ҳам Минскга борадиган **Лўнда**, қирқ биринчи йилнинг даҳшатли июнь тонгида **Жонжон** юртимизга бостириб кирган босқинчилардни **қочиб** Минск тошийулидан яёв кетиб бораётган ҳимоясиз, **ожиб** кексалар, аёллар, болалар устига немис штурмчи **аэропланлари** ҳужум қилган пайтда ҳалок бўлишиди.

Уларнинг ўлганини капитан Енакиевга, ўша пайтди ўз қисми блан тош йўл яқинида бўлиб, шу воқиани кўрган эски бир ошнаси айтиб берди; у бу ҳодисанинг ниҳоятда оғир ва даҳшатли бўлганини айтиб бермади. Капитан Енакиев ҳам буни сўрамади, сўраб ўлтиришга жур'ат этмади, броқ ўша заҳотиёқ унинг кўз олдида уларнинг қай зайдилда ҳалок бўлганлари гавдаланди. Ўшандан буён бу манзара унинг хотиридан кўтарилимида ва кўз ўнгидан нари кетмади. Ўт, чақин, ҳавони тилка-пора қилиб ёручи портлашлар, осмондан эшитилган пулемёт овозлари; сават, чемодан, болалар аравачаси ва тугун кўтариб боручи, гангиб қолган халойиқ ва кўк матрос шапкача кийган тўрт ёшли боланинг ерни қўпориб ағнаб тушган қарағай илдизлари орасида мирфак қўлларини ёзиб қонга бўялган латта каби ётиши...

Айниқса, янги ленталар чатилган ўша кўк матрос шапкача капитан Енакиев кўзидан нари кетмайди, бу шапкачани болага ойисининг эски нимчасидан бувиси тикиб берган эди.

Капитан Енакиевнинг ёши ўттиз иккида бўлишига қарамасдан, бу ёз чакка соchlарига бирмунча оқ тушди, у совуқроқ, камгап, қаттиқ қўл бўлиб қолди. Унинг дардини полкда биладиган одам кам. Бу тўғрида у ҳечкимга галирган эмас. Броқ капитан танҳо ўзи қолганда ҳамиша хотини, онаси, ўғли тўғрисида ўйларди.

Енакиев ўғлини ўйларкан, ҳамавақт уни тирикдек кўз олдига келтиарди. Бола унинг хаёлида ўсиб борарди. Ҳар дақиқада капитан, бола ҳозир тирик бўлса, ёши неча йил-у, неча ойга тўлишини, афти-башарасининг қандай бўлишини, нималар галириши мумкинлигини ва

қандай ўқишини аниқ күз олдига келтиради. Ҳозир ўғли бўлганида, албатта у ўқиб ёзаолар ҳамда унинг матрос шапкачаси тор келиб қолган бўларди. Бу шапкача энди ойисининг комодида, Костяга сифмай қолган бошқа буюмлар орасида ётган бўларди, ё бўлмаса бувиси бу шапкачадан бирорта фойдали нарса — перо соладиган халтачами ёки ботинка артадиган латтачами қилган бўларди.

— Оти нима унинг?— деди капитан Енакиев.

— Вания.

— Вания холосми?

— Ҳа,— деди дарҳол сержант Егоров қувониб, унинг юзида мулойим табассум ўйнарди,— фамиляси ҳам жуда келингган. Вания Солнцев.

— Бўлмаса бундай,— деди ўйлаб туриб Енакиев:— уни мамлакат ичкарисига жўнатиш керак.

Егоровнинг афти тириши.

— Кўз қиймайди, ўртоқ капитан.

— Ия, у нима деганингиз?— деди Енакиев жиддий тарзда қовоғини солиб,— нега кўз қиймасин?

— Ахир, мамлакат ичкарисида қаёққа ҳам боради? У ерда қариндош-уруги йўқ. Етим бўлса. Ўлиб кетади.

— Үлмайди. Етим-есирлар учун маҳсус болалар уйлари бор.

— Шундай-ку-я,— деди Егоров, гарчи капитан Енакиевнинг овозида энди кескин, командирлик оҳангига эшитилабошлаган бўлса-да, Егоров ҳамон боягича эркин оҳангда гапирав эди.

— Нима?— деди капитан.

— Шундай-ку-я,— деб такрорлади Егоров, шотининг омонат поясида турган оёғини олмаштириб,— ҳарҳолда, нима десам экан, ҳа, биз уни ўзимизда, бошқарув взводига олиб қолсак деб ўйлаган эдик. Жудаям зийрак бола. Разведкачиликка ниҳоятда бол.

— Жуда ҳам ошириб юбордингиз,— деди Енакиев қизишиб.

— Йўқ, ўртоқ капитан. Жуда улдабурон бола. Жойларни шундай яхши биладики, худди катта разведкачи дейсиз. Ҳатто разведкачидан ҳам яхши билади деяверинг. Унинг ўзи сўрайпти. «Амакижон, мени разведкачилкка ўргатинг. Мен сизга, дейди, истаган жойингизни разведка қилиб бераман. Мен бу ернинг ҳар битта дарахтигача биламан»— дейди.

Капитан кулиб юборди.

— Ўзи сўрайптимиш... Сўраса сўрайберади-да, мумкин эмас. Қанақа қилиб биз жавобгарликни устимизга оламиз? Ахир она сути оғзидан кетмаган зифирдай болаку, бирор фалокатга учраса, унда нима бўлади? Уруш бўлгандан кейин, отиб қўйишлари мумкин. Шундай эмасми, Егоров?

— Худди шундай.

— Мана кўрдингизми! Йўқ, бўлмайди. Урушишга ёшлик қиласди, олдин ўссин. Ҳозир ўқийдиган вақти. Биринчи машина бланоқ уни фронт орқасига жўнатинг.

Егоров бўшашиб қолди.

— Қочиб кетади, ўртоқ капитан,— деди у ишончсизлик блан.

— Қочади, бу нима деганингиз? Нега ундај деб ўйлайсиз?

— «Агар орқа томонга жўнатсанглар, барибир йўлда қўлингиздан чиқиб қочаман» деди.

— Шундай деб айтдими?

— Ҳа, шундай деб айтди.

— Майли, буни ўшанда кўрамиз,— деди совуқроқ муомала блан капитан Енакиев.— Буюраман: орқа томонга жўнатинглар, бу ерда ўралишиб юрмасин.

Эркин гаплашиш шу блан тугади. Сержант Егоров қаддини ростлаб туриб:

— Хўп бўлади,— деди.

— Гап шу,— деди чўрт кесиб Енакиев.

— Кетсам рухсатми?

— Боринг.

Сержант Егөров шотидан тушаркан, ўрмоннинг узоқ бир еридан милтираб кўринган кўкиш юлдузча секин-аста осмонга кўтарилимоқда эди. У ҳали ўчмасданоқ, унинг изидан бошқа бир кўк юлдузча ва буниси кетидан учинчи — сариқ юлдузча осмонга кўтарилди.

— Батарея, жангга,—деди секингина капитан Енакиев.

— Батарея, жангга!— деди жарангдор овоз блан телефонист трубкага оғзини тўғрилаб туриб.

Ана шу жаранглаб чиққан хитоб ваҳимали сукунат босган ўрмоннинг яқин ва узоқ томонларидан бирданига юзларча акс садо берди.

4

Бу чоғ Вания Солнцев, разведкачилар палатасида, арча шохчаларий ~~устидан~~ яланг оёқ чўнқайиб ўтириб, котелокдаги чўчқа гўшти, картошка, пиёз, мурч, чеснок ва хушбўй барг солиниб пиширилган жуда қайноқ ва жуда мазали овқатни катта ёғоч қошиқ блан емоқда эди.

У овқатни жуда ошиқиб, очкўзлик блан еганидан, чайналмай ютилган жазлар ҳа деб томогига тиқилиб қоларди. Ўсиб кетган соchlари остидаги ўткир, қаттиқ қулоқлари чайнаш зўридан қимиirlар эди.

Дурустгина деҳқон оиласида тарбия топган Вания Солнцев, овқатни ниҳоятда беҳаловатлик блан еяётганини ўзи ҳам яхши сезарди. Одобга кўра шошмасдан, ба’зи-ба’зида қошиқни нон блан суртиб, ортиқча пишилламай ва чапиллатмай овқат ейиш лозим эди.

Одобга кўра яна, тез-тез котелокни ўзидан нарироқ суриб: «Ош-нонингиз учун раҳмат. Тўйиб кетдим, бўлди» деб қўйиш ва «Ҳани, марҳамат, тағин олинг» деб қайтакайта қистамагунларича қошиқ урмаслик ҳам керак эди.

Вания буларнинг ҳаммасини билса ҳам, ўзини тутолмас, чунки очлик ҳамма тартиб-қоидадан кучли эди.

Ваня, олдига тортиб олган котелокни бир қўли блан маҳкам ушлаб туриб, иккинчи қўли блан қошиқни тез-тез оғзига олиб борар, шу блан бирга узун ҳора нон бурдаларидан кўзини узмас ва яна бир қўли бўлса уни ҳам узатгудай кўринарди.

Дармонсизликдан хиёл толиққан кўк кўзлари гоҳ-гоҳ овқат берган солдатларга ҳадиксираш ва ўтинч блан боқар эди.

Палаткада икки киши бўлиб, булар сержант Егоров блан бирга болани ўрмондан топиб олган разведкачилар эди. Бири оғзи кемтик, суяги йўғон, қўллари панщаҳадек беўхшов узун, «Найнов» деб лақабланган полвон ефрейтор Биденко; иккинчиси ҳам ефрейтор бўлиб, бу ҳам полвонку, лекин бошқача полвон эли, тўғриси у полвонгина бўлмай, чин баҳодир эди, у силлиққина, семиз, юзлари думалоқ сибирли ~~Горбунов~~ эди, унинг лўппа лунжлари қипқизил, киприклари оқиш, ялтироқ бошидаги калта сочи сарғич бўлиб, лақаби «Қишлоқи» эди.

Бу икки полвон олти кишига мўлжалланган палаткага зўрга сифишар ва палаткадан ташқарига чиқиб кетмасин деб оёқларини сал-пал йиғишириброқ ўтиришар эди.

Урушгача Биденко Донбасс конларида ишларди. Тошкўмир гардлари унинг қорамтири терисига сингиб кетганидан, ҳануз кўкиш тусини йўқотмаган эди.

Горбунов бўлса, урушгача Забайкальеда ўрмон кесучи эди. Гўё ундан ҳозир ҳам янги ёрилган қайнин ёғочининг ҳиди келиб тургандай эди. Умуман унинг ҳаммаёни алланечук оқиш бўлиб, қайнин дараҳтигининг тусини эслатарди.

Улар иккаласи ҳам хушбўй арча шохчаларининг устида кенг елкаларига қавиб тикилган камзулларини ташлаб Ваниянинг овқат еяётганини тамоша қилиб ўтирадар эдилар.

Бола ўзининг баланд иштаҳа блан овқат еганидан хижолат бўлганини пайқаётган дилкаш ва сўзамол Горбунов, гоҳо кулиб дерди:

— Зарари йўқ, чўпон бола, тортинма. Бемалол ея-вер. Тўймасанг тагин берамиз. Бизда овқатнинг таги мўл.

Ваня овқатни ср, қошиқни ялар, усти долчин рангли юмшоқ солдат иопининг бурдаларини оғзига солар ва ўзини бу сахий полвон кишиларнинг палаткасида анчадан буён яшаётгандек сезар эди. Яқиндагина — куни кечака — қўрқинчли совуқ ўрмонда танҳо ўзи тунда аламзода бўри боласидек, оч, дармонсиз, олдида ўлимдан бошқа нарсанни кўрмай тентираганига ишонгиси ҳам келмас эди.

Очлик-ялангочлик, хўрлик, доимий қўрқув, мудҳии руҳий азоб ва умидсизлик блан ўтган уч йилнинг энди орқада қолганига ақли бовар қилмасди.

Уч йил мобайнида биринчи марта Ваня ўзини қўрқмаса бўладиган одамлар орасида кўриб тургани эди. Палатка кўнгилдагидек эди. Ҳаво айнаб турган бўлса ҳам, палаткага сариқ материядан қуёш нури каби кишининг баҳрини очадиган ёруғлиқ тушиб турар эди.

Тўғри, палаткада полвон одамлар ўтиргани учун, у торроқ кўришарди, броқ шундай бўлгани блан, ҳамма нарса сарашжом-сариншта, жой-жойига қўйилган ва жой-жойига илнигани эди.

Бунда ҳарбир нарса ўз ўринида. Яхшилаб тозаланган ва ёғ суртилган автоматлар палаткани ичидан тираб қўйилган сариқ ёғомларга осиглиқ, бир текис тахланган шинельлар ва плаш-палаткалар янги қирқиб келтирилган арча шохлари устида ётарди. Ястиқ ўринида чодирнинг тўрига қўйилган противогаз ва буюм халталарининг устига тоза сурип сочиқлар ёниглик. Палаткадан чиқаберишда устига фанер ёнилган челак туради. Фанер устида консерва банкасидан қилинган кружкалар, целлулоид совун қути, гилофи теник-теник қилиб ясалган рангбаранг тиш чўткалари на тиш настаси тартиб блан терилиб турарди. Соқол оладиган алюмин косача блан совун суртадиган чўткача бор эди. Думалоқ ойнана тепада осиг-

Лик турарди. Ҳатто этик тозалайдиган ва бир-бирига ёпишириб қўйилган иккита чўтка ва этик мойи ҳам тайёр эди. Шунингдек, битта «кўршапалак» фонарча ҳам бор эди.

Ёмғир суви оқиб кирмасин деб палатканинг атрофи текис ўйилган; қозиқчалар бут-бутун ерга маҳкам қоқилган. Чодир бир текис тараңг тортилган. Ҳуллас, ҳамма нарса қоидадагидек жой-жойида эди.

Разведкачиларнинг рўзгор ишига миришкор деб номчиқарганликлари бежиз эмасди. Ҳамавақт уларда қанд, ёғ, сухари ғамланган бўлади. Игна, ип, тугма ёки қуруқ чой, қачон сўраманг, уларда топиларди. Тамакидан-ку хотиржамлик эди. Уларда тамакининг ҳамма хилидан истаганча топиларди: оддий фабрика маҳоркаси, қўлбона Пенза маҳоркаси, енгил Сухум тамакиси, «Путин» папирослари-ю ҳатто ўлжа олинган кичкина сигараларгача бор эди; разведкачилар бу сигарани хуш кўрмас ва ночор қолганларидагина, ижирғаниб-ижирғаниб чекар эдилар.

Разведкачилар бутун батареяга фақат бу блангина ном чиқарган эмасдилар.

Даставвал улар бошқа қисмларгача ма’лум ва машҳур бўлган жанговар ишлари блан ном чиқарган эдилар. Жур’ат ва разведкага моҳирликда уларга ҳечким тенг келолмас эди. Улар душманинг орқа томонига ўтиб шундай ма’лумотларни қўлга киритар эдиларки, ҳатто ба’зи маҳалда дивизия штабидагилар ҳам ҳайратда қолар эдилар. Иккинчи бўлим бошлиғи эса бу разведкачиларни «капитан Енакиевнинг профессорлари» деб атарди.

Ҳуллас, улар қаҳрамонларча жанг қиласар эдилар.

Шунга яраша, улар оғир ва хатарли топшириқни бажариб бўлгач, яхшилаб дам олишга одатланган эдилар. Сержант Егоровни ҳисобламаганда, улар олти киши эди, разведкага ҳар уч кунда кўпинча жуфт-жуфт бўлиб борарадилар. Икки киши бир кун нарядга бел-

гиланса, икки киши бир кун дам оларди. Сержант Егоровга келсак, унинг қачон дам олишини ҳечким билмас эди.

Бугун, қалдрон оғайни ва доимий шерик бўлмиш Горбунов блан Биденко дам олмоқда эди. Гарчи эрталабдан бўби жаин давом этиб, ўрмонда ҳаво безовта, ер ларзага келган ва минут сайнин жангта бориб келаётган штурмчи самолётлар ҷараҳтлар тепасида паст учиб қулоқни кар қилингандек шовкун солиб ўтиб турган бўлса ҳам, ҳар икки разведкачи қилинг хизматларига яраша мазза қилиб ҳордик чиқармоқда эди, улар Ванияни ўзларига улфат қилиб яхини кўриб қолгаи ва унга «Чўпон бола» деб лақаб ҳам қўйиб олган эдилар.

Дарҳақиқат, қўлда тўқилган жигарранг иштон, увада камзул кийиб, елкасига тўрва осган, яланг сёқ, соchlари тўзғиган бу бола айни эски алифбе китобларида тасвирланган чўпон боланинг ўзгинаси эди. Ҳатто бетининг қора ва озғинлиги, чиройли қирра бурни ва эски бостирма уйларнинг похол томларини эслатучи тўзиқ соchlари остидаги жовдироқ катта кўзлари қишлоқи чўпон болаларнидан ҳен фарқ қилмасди.

Вания котелокни бўшатиб, уни бир бурда ион блан тозалади. Шу бурданинг ўзи блан қошиқни ҳам артлида, уни еб ўрнидан турди ва икки полвонга қараб бош этди, кейин ерга қараб туриб деди:

- Катта раҳмат. Сизлардан кўп хурсанд бўлдим.
- Яна ейсанми?
- Йўқ, тўйдим.
- Тўймаган бўлсанг, яна бир котелок қуйиб берамиз,— деди Горбунов, мақтанироқ, кўз қисиб.— Бизга ҳеч гап эмас. Нима дейсан, чўпон бола, яна хоҳлайсанми?
- Қорним тўйиб кетди, сифмайди,— деди уялинқираб Вания; унинг киприклари орасидан кўкимтири шўх кўзлари бирдан чақнаб кетди.



— Чүнөн бола, зарара йүк, тортиима. Ысмадол сипер.

— Емасанг — ўзинг биласан. Та'бинг. Таомилимиз шунақа, ҳеч кимни қистамаймиз,— деди ўзининг тұғри сүзлиги блан танилган Биденко.

Лекин разведкачиларнинг турмушига ҳамманинг ҳаваси келишини истайдиган шұхратпарат Горбунов эса:

— Хүш, Ваня, овқатимиз қалай?— деди.

— Яхши!—деб жавоб берди бола, қошиқнинг даста томонини котелокка солиб ва дастурхон ўрнига ёзилган «Суворовский натиск» газетасидан нон' ушоқларини тे-раётиб.

— Ростдан яхши-а? — деди тетикланиб Горбунов,— э, ука, бунақа маззали шұрвани дивизияда ҳечкимда топаолмайсан, бу та'рифи кетган овқат. Сен, ука, биз разведкачилардан ажрала күрма. Биз блан бирга бўлсанг, ҳечқачон кам бўлмайсан. Биздан ажралма, хўпми?

— Хўп,— деди шодланиб бола.

— Яхши. Биз блан бўлсанг ҳеч кам бўлмайсан. Сени ҳаммомда ювинтирамиз. Пахмоқ соchlарингни олдира-миз. Яхши кийим-бошлар тўғрилаб бериб, сени ҳарбийча қилиб қўямиз.

— **Разведкага-чи**, мени ҳам олиб борасизми, амакижон?

— **Разведкага** ҳам олиб борамиз. Сени жуда ўткир **разведклчи қилиб** чиқарамиз.

— **Амакижон**, мен кичкинаман. Ҳамма жойга сиғиб кетавераман,— деди қупонч блли, шайланиб Вания.— Бу атрофиинг ҳар туп дірахтини беш бармоғимдек биламан.

— Энг зарури ҳам шу.

— **Автоматдан** отишши ҳам ўргатасизми?

— **Бўлмаса-чи**. Влқти блли уни ҳам ўргатамиз.

— **Мен, амакижон**, бир мартагина отиб кўрсам бўлгани,— деди Вания, тўхтовсиз замбарак отишмалари зар-бидан **тасмаларда** тебрашиб турган автоматларга ҳавас блан қараб.

— **Оtasan. Хотиржам** бўл. Бу бўладиган иш. Сенга ҳарбий фанни тўла-тўқнс ўргатамиз. Энг аввал сенга ҳамма **та'минотни** бериладиган қиласиз.

— Қандай қилиб, амаки?

— Э, ука, бу жуда ўнғай. Сержант Егоров сенинг түгрингда лейтенант Седихга айтади. Лейтенант Седих батарея командири капитан Енакиевга айтади, капитан Енакиев сени ҳисобга киртиб қўйишни буюради. Ана ўша кундан бошлаб, сен ҳамма та'минотларни: кийим-бош, овқат, пул-мулларни олаберасан. Тушундингми?

— Тушундим, амаки.

— Биз, разведкачиларда ана шундай қилинади. Тұхта! Қаёққа бораяпсан?

— Идишни ювиб қўйтани, амаки. Ойимиз бизга доим овқат еб бўлгандан кейин идишни ювдириб, шкафга кўйдиради.

— Тўғри қилдирап экан,— деди жиддият блан Горбунов,— ҳарбий хизматда ҳам худди шунаقا қилинади.

Тўғри сўзли Биденко, насиҳатомиз бир тарзда:

— Ҳарбий хизматда даст'ёрлар йўқ,— деди.

— Ҳозирча идишни ювмай тур энди, чой ичамиз,— деди Горбунов мамнуният блан.— Чойга тобинг қалай?

— Ичаман,— деди Вания.

— Бу ишинг ма'қул. Биз, разведкачиларда қоида шунаقا: овқат еб бўлдикми, дарров кетидан чой ичамиз. Илож йўқ,— деди Биденко ва кейин:— чой ширинликсиз ичилмайди, албатта. Биз қандни аямаймиз,— деб қўшиб қўйди.

Тез орада палаткага катта мис чойнак олиб кирилди. Бу чойнакка разведкачилар жуда бино қўйган бўлиб, батареядаги бошқа жангчилар ҳамиша унга ҳавасланиб қарап эдилар.

Ростдан ҳам разведкачиларда қанд сероб бўлиб, уни аяmas эканлар.

Камгап Биденко майда-чуйда солиб қўядиган халтасини очди-да, бир ҳовуч қанд олиб «Суворовский Натиск» газетасининг устига қўйди.

Вания қўз очиб-юммасдан, Горбунов унинг кружкасига икки чақмоқ қанд ташлади, боланинг юзида зўр қувони

пайдо бўлганини кўрди-да, биз разведкачиларни билиб қўй, дегандек у учинчи чақмоқ қандни ҳам солди.

Вания икки кўллаб тунука кружкани ушлаб олди. Ҳузур қилганидан кўзлари сузилиб кетди. Ўзини ажойиб бир дун'ёга кириб қолгандай ҳис этди.

Атрофдаги ҳамма нарса унга ажиб кўринарди. Ҳаво айниб турганига қарамай, қуёш нури ёритгандек бўлиб кўринган бу палатка ҳам, яқин жойда бўлаётган жанг шовқии-сурони ҳам, кружкасига қандлар ташлаётган сахий полвон одамлар ҳам, унга ва’да қилинган, аммо жумбоқдек бўлиб туйилган «та’минотнинг барча турлари»—кийим-бош, овқат, пул ва ҳатто кружкадаги «чўчқа гўшти» деб катта ҳарфлар блан ёзилган сўзлар ҳам жуда ажойиб кўринарди.

— Қалай, тузукми?— деди Горбунов, боланинг лаблари чўччайиб чойни оҳиста ҳўплаётганига мағур соқиб.

Бу саволга Вания дурустгина жавоб ҳам қайтаролмади. Унинг лаблари қайноқ чойни ҳўплаш блан банд эди. У, сочини олдириб, кийим-бош бериб, автомат отишни ўргатадиган бу ажойиб кишилар қўлида, разведкачилар олдида қолишини ўйлаб, ўзида йўқ даражада хурсанд эди.

Унинг айтмоқчи бўлган гаплари миясида чувалашиб кетди. У, миннатдорлик блан бошини силкитди, қошлигини чимириб керди, кўзларини жовдиратди — бу блан маминият ва ташаккур изҳор қилган бўлди.

— Бола-да,— деди ачиниб ва сезилар-сезилмас хўрсишиб Биденко; у, тутун сарғайтирган йўғон бармоқлари блан қоғозни бурама қилиб ўраб, унга халтачадаги қўл-бала Пенза маҳоркасидан авайлаб солди.

Бу орада жанг шовқинлари бирнече марта ўзгарди.

Дастлаб улар яқиндан, тўлқин сингари бир текисда эшитилиб турди. Қейин бироз узоқлашиб, сусайди. Броқ ўша заҳоти яна уч баравар янги куч блан гувуллаб авж олди. Бу товушлар орасида авиабомбаларнинг тартибсиз-

дек туйилган шошқин, гулдирос овозлари ҳам эшитилиб қоларди. Улар аллақайси бир жойга устма-уст ёгилар ви бу ҳол зириллаб турган ерга катта түқмоқ блан гурсилатиб ургандек туйиларди.

— Бизниклар шўнғияпти,— деб қўйди Биденко, гап орасида қулоқ солиб туриб.

— Боплаб савалашаяпти,— дея Горбунов ҳам ма'қуллаб қўйди.

Бу ҳол хийли вақтгача чўзилди.

Сўнгра оз вақт жимлик чўкди. Шундай жимлик чўк дики, ўрмонда худди Морзе алифбеси блан телеграф берадётгандек, қизилиштоннинг дараҳт чўқиб ётгани аниқравшан эшитилиб турди.

Жимлик давом этар экан, ҳамма сукут ичидагу қулоқ солиб турди.

Кейин узоқдан милтиқларнинг тасир-тусир овозлари келди. У тоборо кучайиб, қаттиқроқ эшитилабошлиди Унинг даккам-дуккам овозлари бора-бора қўшилишиб кетди. Бирдан бутун фронт бўйлаб ўнларча жойда пулемётлар тариллади. Тўсатдан жангнинг даҳшатли машинаси, тўла сур'ат блан ишлаб турган ротация сингари,чуввос солиб, гувуллаб, чинқирабошлиди.

Жуда зийрак кишигини хилма-хил механизмларнинг мана шу беомон ҳайқириги орасидан, узоқ-узоқда одамларнинг бараварига «а-а-а» деган майин қийқиригини эшитаоларди.

— Жанг майдонининг подшоси — пиёдалар ҳужумга ўғди,— деди Горбунов.— Ҳозир урущ худоси — тўйлар жўр бўлади.

Унинг сўзларини тасдиқлагандек, яна катта-кичик колибрли юзларча замбараклар ҳар томондан отабони лади.

Биденко жанг бўлаётган томонга қулогини буриб диққат блан анча вақт тинглаб турди.

- Бизнииг батареянииг овози келмаянти-ку! — деди у шикоят.

— Ҳа, жим туритти,— деди Горбунов.

— Қапитанимиз пайт пойлаётгандир.

— Одатдагича бўляяпти. Кейин ҳиссасини чиқариб, шундай гумбурлатиб берадики...

Вания қўрққан кўк кўзларини полвон одамларнинг дам унисига, дам буинсига тикиб, уларнинг авзойидан бўлаётган ишларнинг биз учун фойдалими-заарлими эканлигини англаб олинига уринди. Броқ англай олмади. Сўрашига эса ботнимади.

— Амаки,— деди у ниҳоят, ўзига хушмуомала кўринган Горбуновга мурожаат қилиб,— ким зўр чиқаялти — бизми, немисларми?

Горбунов кулиб юборди ва секин боланинг елкасига қоқиб қўйди.

— Оббо, боласи тушкур-эй!

Биденко эса, жиддий тусда:

— Эй, Қишлоқи, яххиси, радиостлар олдига бориб нима бўлаётганини билиб келсанг бўларди,— деди.

Лекин шу чоғ, ташқаридаги қозиқларга қоқилиб, тез-тез юриб келаётган оёқ товуши эшитилди, палаткага энганиш сержант Егоров кирди.

— Горбунов!

— Мен.

— Юр. Ҳозиргина инёдалар орасида Кузьминскийни ўлдирдилар. Унинг ўринини эгаллайсан-

— Ўзимизниң Кузьминскийни-я?

— Ҳа, автоматдан ўнбитта ўқ тегипти. Тезроқ бўл.

— Хўп.

Горбунов энганиш, шоша-пиша шинелини кияр ва қурол-яроғларини бошидан ошириб елкасига осар экан. сержант Егоров блан ефрейтор Биденко ҳозиргина ҳалок бўлган разведкачи Кузьминскийнинг палаткадаги ўрнига индамай тикилиб қолишиди.

Бу жой бошқа жойлардан ҳеч фарқ қиласди. Бу жой ҳам саранжом-саришта бўлиб, яшил плаш-палатка тўшалган, унинг ҳам боз томонида буюм ҳалтаси турар,

устига сочиқ ёпилганди; фақат сочиқ устида дилди почтальони томонидан Кузьминский йўқ вақтда келинирилган иккита уч бурчак хат ва рангдор қилиб босилгани «Красноармеец» журналининг бир сони ётарди.

Кузьминскийни Вания бир мартагина, тонг пайтида кўриб қолган эди. Кузьминский навбат олмашиш учун боргани шошилар эди. Ҳозир Горбунов қилаётган сингари, Кузьминский ҳам ўшанда энгашиб олиб қуроляроғларини бошидан ошириб елкасига остан ва катта ҳалқали, мис шомполли тўппанчасининг ғилофи остида қайрилиб қолган шинелини текислаган эди.

Кузьминскийнинг шинелидан солдат шўрвасининг хушбўй ҳиди келиб турарди. Броқ Кузьминскийнинг ўзини Вания дурустроқ кўролмаганди, чунки Кузьминский дарҳол чиқиб кетган эди. У, тез орада қайтиб келишига ишонган киши сингари, ҳечким блан хайрлашмасдан чиқиб кетди. Энди ҳаммалари унинг сра қайтиб келмаслигини билардилар, шунинг учун ҳам унинг бўшаб қолган жойига жим бўлиб хомуш термулардилар.

Палатканинг ичи ҳувиллаб, кўнгилсиз бўлиб. қолди.

Вания секин қўлини чўзиб «Красноармеец» журналининг янги, шилдироқ қоғозини ушлаб кўрди: шундагина сержант Егоровнинг кўзи Ванияга тушди; Вания уннинг кулиб қарашини кутган ва ўзи ҳам жилмайишга ҳозирланган эди. Броқ сержант Егоров унга ҳўмрайиб қаради, шунда Вания қандайдир кўнгилсиз ҳодиса юз берганини пайқади.

5

— Ҳали ҳам шу ердамисан? — деди Егоров.

— Шу ердаман! — деб шивирлади бола гуноҳкор кишидай, гарчи ҳечқандай айб иш қилмаган бўлса ҳам.

— Уни жўнатишга тўғри келади, — деди сержант Егоров, худди капитан Енакиев сингари қовогини солиб. — Биденко!

- Мен!
- Қани, тайёрлан.
- Қаёққа?

— Батарея командири болани орқа томонга жұнатишни буюрди. Уни йўловчи машинада фронтнинг иккинчи эшелонига олиб борасан. У ерда тилхат блан командирға топширасан. Командир буни бирорта болалар уйига жүннатсии. Бизнинг орамизда ўралишиб юришининг ҳожати йўқ. Мумкин эмас.

- Ана холос! — деди Биденко очиқдан-очиқ ачиниб.
- Капитан Енакиев буюрди.
- Аттанг! Яхши бола әди-да.
- Ачинишнинг фойдаси йўқ, рухсат этилмайди.

Сержант Егоров баттарроқ қовоғини осилтирди. Боладан ажралишга ўзи ҳам ачинарди. Ванияни ўз ёнида алоқачи қилиб қолдириш ва бора-бора уни яхши разведкачи қилиб етиширишга у кечасиёқ ўзича қарор қилиб қўйган әди.

Броқ командирнинг буйруғи устида мунозара юритиб ўтириш мумкин эмас. Капитан Енакиев яхшироқ билади. Айтдими, бас. Бажариш шарт.

— Рухсат этилмайди,— деди яна Егоров, масаланинг узил-кесил ҳал бўлганини уқдириб қат'ий ва кескин оҳангда,— тайёрлан, Биденко.

— Хўп бўлади.

— Ишқилиб, бўлар иш бўпти-да,— деди Горбунов шинелининг тўппонча ғилофи остидаги ғижимини ёзиб—Хафа бўлма, чўпон бола. Капитан Енакиев буюриптими, бажариш керак. Ҳарбий интизом шунаقا. Ниманг кетаяпти, ҳеч бўлмаса машинада маза қилиб қоласан-ку. Шунаقا эмасми? Хайр, ука.

Горбунов шу гапларни айтганча, тез, аммо ҳовлиқ-масдан палаткадан чиқди.

Кичкина Ваня ранжиганча гангиб туради. У учук тошган лабларини тишлиб, гоҳ кийинаётган Биденкога, гоҳ ҳалок бўлган Кузьминскийнинг ўрнида ўтириб кўз-

лари ярим юмиқ, құллари икки тиззаси орасыга осилған
ва бүш фурсатни ғанимат билиб мудрамоқда бўлган
сержант Егоровга термуларди.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам боланинг кўнглидан нималар кечаеттанини жуда яхши тушунишар эди. Яқинги нада, буидан атиги икки минут аввал ҳамма нарса кўнгилдагидек яхши эди, мана энди бўлса тўсатдан ҳамма иш ёмоилашиб кетди.

Вания учун: олийжаноб ботир разведкачилар блан огайни бўлиб, улар блан бирга овқатланиш ва ширин чой ичиш, улар блан разведкага бориш, иссиққина ҳаммомда чўмилиш, автоматдан отиш, бир палаткада бирга ётиш; кийим-бошларни айтмайсизми, этикча, замбарак белгиси қадалган погонли гимнастёрка, шинель, эҳтимол, ҳатто компас ва ўқлари блан тўппонча олиб тақиши мумкин бўлган — гўзал ва жуда завқли ҳаёт бошланәётган эди.

Уч йил Вания уй-жойсиз, оиласиз дайдиб юрди. У одамлардан қўрқар, ҳамавақт оч юрар ва муттасил даҳшатли воқиаларни бошидан кечирар эди. Ниҳоят, у асл, яхши одамларни топиб олди, булар унинг жонини сақлаб қолдилар, иссиқ жой бердилар, қорникини тўйдирдилар, унга меҳр қўйдилар. Ана шу, ҳамма нарса ўз жойига келган, ниҳоят у қадрдан оила топиб олган сўнгги лақиқада, бирдан буларнинг ҳаммаси йўқ бўлиб ҳавога учди.

— Амакижон,— деди у, ёш томчиларини ютиб ва Биденконинг шинелига аста ёпишиб,— ҳой амакижон! Олиб кетманг мени, керакмас.

— Буйруқ шу.

— Егоров амаки... ўртоқ сержант! Мени жўнаттирганинг. Келинг, сизларда қолақолай,— деди бола ёлвриб.— Ҳарвақт котелокларингизни юваман, сувингизни ташнишман...

— Йўқ, рухсат этилмайди,— деди ҳорғинлик блан Егоров.— Ҳа, нима қилаяпсан, Биденко! Тайёрмисан?

— Тайёрман.

— Тайёр бўлсанг болани ол-да, жўна. Шу тобнинг ўзинда полкнинг олмашув пунктидан келган беш тоннлик машина бўши гильзаларни ортиб қайтиб кетади. Ҳозир борсангиз етасиз. Бизникилар бўлса тўрт километр илгарига сийлишига. У срда мустаҳкамланиб олишади. Тезда орқа томондагилар ҳам этиб келади. Унда болани қаерга қўямиз? Хайр, оқ йўл!

— Амакижон! — деб бақирди Вания.

— Мумкин эмас, — деб сўзини кесди Егоров ва ўз кўнглини бузмаслик учун тескари қараб олди.

Бола, бўлар иш-бўлганлигини тушуни. Яқин орада уни ўз ўғиллари сингари севган, чўпон бола, деб эркалатган кишилар блан ўзи ўртасида энди тўсиқ пайдо бўлганини пайқади.

Уларнинг кўз қарашлари, овозлари, хатти-ҳаракатларидан улар болани ҳали ҳам севишларини ва унга ачинишларини Вания аниқ пайқаб турарди. Броқ у бошқа нарсани, я'ни улар ўртасидаги тўсиқни қанча уринмасин ўтиб бўлмаслигини ҳам очиқ сезарди.

Шу пайт бирдан боланинг юрагида ғурур пайдо бўлди. Афтидан заҳар ёғилиб кетди. Шу заҳотиёқ юзи ориқлагандай бўлди. Қичкина ияги титраб, тишлари ғижирлади, кўзлари қинидан чиққундек олайиб кетди.

— Кетмайман, — деди бола зарда блан.

— Хомтама' бўлма, кетасан, — деди хотиржамлик блан Биденко. — Эҳе, жаҳлинг ёмои экан-ку. «Кетмайман!» эмиш-а. Машинага ўтқизаман-да, олиб кетаман. Бормай кўр-чи.

— Барибир, қочиб кетаман.

— Қочиб бўйсан, ука. Шу чоққача менинг қўлимдан ҳечким қочган эмас. Қани жўнайлик, бўлмаса машинадан қоламиз.

Биденко секин боланинг қўлидан ушлаган ёди, бола жаҳл блан қўлини тортиб олди.

— Ушламанг, ўзим бораман.

Кейин яланг сёқлари блан снгил одим ташлаб, палат-
кадаң ўрмонга чиқди.

Ўрмонда эса аравакашлар юкларини араваларга ёрта-
штага, шоферлар машиналарини юргизаётган, солдатлар
палаткаларининг қозиқларини суғураётган, телефончилар
галтакка симларни ўраётган эдилар.

Шинелли устидан оқ халат кийган ошпаз семиз қўй
тўштини тўнкага қўйиб, болта блан шошиб-пишиб чоп-
моқда эди.

Ҳамма ерда бўш яшиклар, похоллар, чети қирқилган
консерва қутилари, газета парчалари очилиб ётарди,
хуллас ҳамма нарса ҳужум қилиб бораётган қисмлар
кетидан орқа томондагиларнинг илгари силжий бошла-
ганини кўрсатиб турарди.

6

Эртаси куни анча кеч кириб қолганда Биденко ўз
қисмига қайтиб келди. У оч ва жуда тажанг эди.

Бу орада фронтда катта ўзгаришлар юз берди. Ҳу-
жум борган сари кучаяборди. Армия немисларни қувиб
бориб, ғарб томонга анча нари силжиди.

Кечагина жанг бўлган ерларда бугун иккинчи эшелон-
лар жойлашган эди. Кечагина иккинчи эшелонлар турган
жойлар эса бугун жимжит, бўмбўш эди. Фронт олди,
кечагина немисларнинг узоқ ичкари томони ҳисобланган
ерлардан ўтарди.

Ўрмон анча орқада қолди. Ўша ўрмонда бошланган
жанг энди ялангликда, далалар, ботқоқликларда ва
бугалар ўсган кичкина тепачаларда давом' этмоқда
эди.

Бу сафар разведкачилар командаси палаткада бўл-
май, балки немис офицерлари блиндажига жойлашган
эди, блиндаж тепасига тўрт қават йўғон хода ётқизилиб
устидан чим босилган, туппа-тузук каттагина хона эди.

Рұзғор ишларига миришкор бүлган разведкачилар, бу блиндажни, немислар құлида әканлигіда, немис офицерлари яшаб турған пайтдаёқ күз остига олиб қўйған эдилар. Немисларнинг ўт очиши позицияларини харитада белгилаш маҳалидаёқ, разведкачиларга жуда ёқиб тушган бу блиндажнинг турған жойини ҳам керак бўлиб қолар деб белгилаб қўйишган эди.

Биденко, йўлда ҳечкимдан сўраб-нетиб турмай, ўзининг разведкачиларга хос идроки блан бу блиндажни топиб келганида, бутунлай қоронги тушган эди.

Фарб томонда момоқалдироқдек гумбирлаган овозлар эшитиларди. Унда узун, қипқизил чўғлар муттасиъ яллугланиб отилиб турар, унинг шу'лалари маш'ум булутларда акс этарди.

Биденко, устига юпқа тахта тўшалган тупроқ зинадан тушиб, кенг блиндажга кирди.

Даставвал унинг кўзига ташланган нарса янги карбид лампаси бўлди, у шипга осиғлиқ бўлиб, жуда равшан ёнар, аммо аллақандай аччиқ ким'ёвий ҳид тарқатиб, кўқимтириф ёруғ бериб турарди. Афтидан, немислар шошиб қолиб, уни қолдириб кетганлар.

Девсрларда, махсус тахта токчаларда, немисларнинг дастаси узун қўл гранатлари, китоб тахлангандай, бир текис терилиб турарди.

Үртада оёғи ерга қоқылган овқат ейдиган маҳкам стол бор эди. Бурчакда немисларнинг сафарда олиб юрадиган чўяннин печкаси чўғдай қизиган, унинг ёнгинасидэ озроқ ўтин уйиғлик, буни ҳам немислар тайёрлаб қўйганди.

Немислар бу ерда ўз уйларидек бемалол ўрнашиб олсан ва унда қишлишни мўлжаллаганликлари кўриниб турарди. Улар ҳатто деворга ёғоч рамкали битта расм ҳам осиб қўйғанлар. Бу расм рангба-ранг бўёқли, чўққайма томли гўзал бир уйнинг фотографияси бўлиб, унинг атрофини оппоқ гуллаб турған олма дараҳтлари қуршаган эди. Бу бачканга оқ пушти расмнинг бутун

Энига қизил босма ҳарфлар блан: «Фрюлинг им Дейчланд» деган сўзлар ёзиғлиқ эди, бу — «Германияда баҳор» дегани эди.

Бошқа жиҳатлардан блиндаж худди руслар блиндажига ўхшар эди, койқаларнинг бош тарафига рус тўпчиларининг тахи бузилмаган шинельлари ёпилган ва палаткалар тўшалган, шунингдек озода сочиқлар ёпилган яшил буюм халталари турарди; печка устидаги ўша отоғлиқ мис чойнакда сув қайнатилмоқда; «Суворовский натиск» газетаси ёпилган стол устида катта буханка нон, атрофига тартиб блан терилган ёғоч қошиқлар ва кружжалар турарди; бурчакларда яшил ранг рус шлёмлари остида яхшилаб тозаланган ва қалин мой суртилган рус милитиклари осиғлиқ эди.

Блиндаж одамлар бланлик тўла. Аҳ'ён-аҳ'ёнда бир бўладигандек ҳозир разведкачиларнинг ҳаммаси бу ерга йигилишган эди. Биденко бу ерда ташқаридан келган кўпгина кишиларни ҳам кўрди. Булар таниш-билишлар ва бошқа взводларда хизмат қиласиган ўз элатлари эди. Улар, ош-нони сероб бўлиб, тўкис яшайдиган разведкачиларнинг олдига яхши тамакилардан чекиш ва машҳур чойнакдан қандли чой ичиб кетиш учун келган эдилар.

Мана шуларнинг ҳаммасига қараб, Биденко ўзи йўқ вақтида дивизиядаги қисмлар олмашиниб, уларнинг батареяси бу чоғда резервда турганини пайқади.

Одамларнинг деярлик ҳаммаси чекаётганлигидан, яхшилаб иситилган блиндажни қалин тутун босиб кетганди.

— Э, келдингми, омонмисан, Вася! — деди дўстини кўриб Горбунов, бу пайт у ўзининг севган иши — меҳмон кутиш блан машғул эди.

У бухапкани қорнига тираганича, уни йўғон-йўғон қилиб кесаётниб, деди:

— Хўши, қалай бўлди, болани топширдингми? Столга яқин ўтирир Чойнинг устидан чиқдинг.

У гимнастёркасиз, ёлғиз оқ суруп күйлакда эди, тұг-
малари ечиқ, әқасидан гүштдор, қызил кенг күкраги
күриниб турарди.

— Биз бұлсак, оғайни, ҳозир резервдамиз. Ялла қилиб
ұтирипмиз. Ечин, Вася, мана бу сенинг койканг, үзим
тузаб қўйдим. Қалай, янги уйимиз сенга ма'қулми? Оғай-
ни, бутун дивизияни ахтарсанг ҳам бунақа уйни ҳеч-
кимда тополмайсан. Қойил-мақом уй!

Биденко индамасдан ечинди, үз койкаси олдига келиб,
унга қурол-яроғлари ва шинелини жаҳл блан ташлади-да,
печка олдига чўнқайиб ұтириб, каттакон қора қўлларини
иситди.

— Хўш, фронт штабида нима гаплар бор, Вася?
Немислар ҳали сулҳ сўрашгани йўқми?

Биденко, ҳечкимга қарамай, оғир пишиллаб, жим
ұтираверди.

— Балки чекарсан?— деди Горбунов, оғайнисининг
кайфи қочганлигини кўриб.

— Э, қуриб кетсин ҳаммаси!— деб бирданига тўнғил-
лади Биденко ва койкасига бориб, ланж ҳолда, қорни
блан чўзилиб ётиб олди.

Биденконинг қандайdir кўнгилсиз ҳодисага учрагани
равшан эди, броқ бировларнинг ишига ортиқча қизиқси-
ниш разведкачилар ўртасида жуда хунук иш ҳисобла-
нарди. Одамнинг ўзи индамадими, демак галиришни
лозим кўрмайди. Ўзи лозим кўрмадими, суриштириш ҳам
керак эмас. Истаганида ўзи гапириб беради, қистаб ұти-
ришнинг ҳожати йўқ.

Шунинг учун Горбунов, қиттай ҳам кўнглига гап
олмай ва ҳечнарсани пайқамаган бўлиб, үз ишлари блан
овора бўлди, кейин кеча ҳалок бўлган Кузьминскийнинг
ўрнини босиб пиёдалар орасида турганида ўлиб кетиши-
га сал қолганини тўпчиларга сўзлаб кетди:

— Мен сенга айтсам, эндиғина ракетага уннаётган
эдим. Бизникилар ўқни сал нарироққа тўғрилаб стсин-
лар деб, битта яшил ракетани отмоқчи бўлиб турувдим.

• Бирданига битта мина ёнимга келиб тушса борми! Шундоққипа оёғим остида портласа-я! Зарбидан осмонга учеб кетдим деб ўйладим. Чархпалак бўлиб отилдим! Ер остин-устии бўлиб кетгандай бўлди. Бир зум қўз олдимни қоронгулик босди, бундоқ қарасам ер ўз ўрнида, қўзим олдида бут-бутун турипти. Қарабсизки, чўзилиб ётиб-ман...

Горбунов қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— ... Ҳамма ёғим шол бўлгандай. Энди бўладигани бўлди, туролмайман, деб ўйладим. Уёқ-буёғимни қарасам, бут-бутун, ҳечқаерим қонамаган. Ердан зарб едиммикин деб ўйладим. Лекин шинелимда олтита тешик пайдо бўлиб қолипти. Шлёмимнинг муштумдай ери эзилган. Сенга айтсан, ўнг оёқдаги этигимнинг пошнасини бутунлай учирив кетипти. Ўрни тап-такир бўлиб қолипти. Худди пишоқ блан қирққандай-я! Шунақаям иш бўларкан-а! Қизиқ, тирноқча еримга ҳам зарар етмапти. Мана пошнанинг учеб кетган ери. Кўринглар, оғайнилар.

Горбунов кулиб, меҳмонларга пошнаси йўқ этигини кўрсатди. Меҳмонлар уни диққат блан кўздан кечиришида. Ба'зилари қўллари блан ушлаб ҳам кўришди.

— Жуда расво иш бўлипти,— деб қўйди улардан бири.

— Бунақа ишлар бўлиб туради,— деди яна бири, Горбунов стол устига қўйган қандга қўз қирини ташлаб.— Биз ҳам бир маҳал шунақа ҳодисага дуч келганимиз. Борисов шаҳри яқинида Березина дар'ёсини кечиб ўтганимизда взводимиздаги Тёткин деган қизил аскарнинг белидаги камарини снаряд парчаси шарт узиб юборди, ўзига бўлса тегмади. Бунига ҳечмаҳал ақлинг бовар қилмайди.

— Кузьма,— деди бирдан Биденко койкасида ётиб, бегоб одамдай бўғиқ овоз блан,— менга қара, Кузьма, сержант Егоров қаерда?

— Сержант Егоров бугун навбатчи,— деди Горбунов, постларни текширгани кетди.

- Тез келармикин?
- Чойга етиб келаман девди.
- Шундай,— деди Биденко ва тиши оғриқ кишидек уұх тортиб қўйди.

Унинг бундай уұх тортишида: «дардимга шерик бўлинглар» деган ўтинч очиқ сезилиб турарди.

— Нега уфлаб қолдинг? — деди Горбунов бепарво,— у, қизиқсиниб эмас, шунчаки одамгарчилик юзасидан кўнгил сўраётган кишидек бўлиб кўринишга тиришди.

— Э, қуриб кетсин ҳаммаси! — деди бирдан яна Биденко хафаланиб.

— Чой ич,— деди Горбунов,— зора енгил тортсанг.

Биденко стол олдидаги курсига ўтирди, лекин кружкага қайрилиб қаррамади. У кўзларини печка томонга буриб, анча вақт индамай ўтирди.

— Билдингми, қанақа бемаза иш бўлди,— деди охирни, зўрма-зўраки баланд овоз blaи,— бошим қотган, сержант Егоровга нима деб ма'лумот беришимни ҳам билмайман.

- Нима бўлди ўзи?
- Буйруқни бажаролмадим.
- Нима деганинг?
- Болани фронт иштабига откизолмадим.
- Ҳазилингни қўйсанг-чи!
- Рост айтаяпман. Гафлатда қолдим. Қўлдан чиқиб кетди.

- Кимни қўлдан чиқардинг?
- Ҳалиги болани-да. Ваиямизни. Чўпон болани.
- Йўлда қочгандир-да?
- Ҳа.
- Сенинг қўлингдан-а?
- Ҳа.

Горбунов анча вақт индамай қолди, кейин эса семиз гавдасини силкитганича бир варакайига қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Қандай қилиб сен гафлатда қолдинг-а, Вася?

Шошма, Егоров көлсін — күннегиң күреатады Қани, то-
пир! Қандай бўлди?

— Қандоғ бўларди. Қочди-кетди, вассалом...

— Машҳур разведкачини қара-я! «Шу маҳалгача
қўлимдан ҳечким қочиб кетолган эмас» деб көрилгани
эдинг, бола қочипти-ку. Оббо Ваня-эй! Оббо чўпон бо-
ла-эй!

— Бало экан,— деди истар-истамас кулиб **Биденко**.

— Ҳа, кўриниб турипти, бало эканки, сендай профес-
сорни лақиллатипти. Қани айтиб бер-чи, Вася, бу қопиқа
бўлди ўзи.

— Қочди-кетди. Нимасини гапирай энди.

— Шундай бўлса ҳам гапир. Бўлган ишни гапир,
огайни. Барибир, билиб оламиз.

— Қе, қўй, қуриб қетсин!— деди Биденко, умидсиз-
лик блан қўлинни силтаб ва койкасига бориб, деворга
ўгирилиб ётиб олди, ундан ҳечнарсани билиб олиш мум-
кин бўлмади.

Фақат кейинчалик бу аломат ҳодисанинг тафсилоти
ипидан-игнасигача ма’лум бўлди.

7

Иш бундай бўлган эди.

Юқ машинаси бўш гильзаларни шалдиратиб, илдиз-
лар устидан сакрай-сакрай ўрмон бўйлаб эндинга беш
километрча йўл босган эдики, Ваня бирдан машинанинг
баланд четига ёпишиб юзини бужмайтирганича ўланзор
устига иргиди.

Бу иш шунча тез ва шунча қўққисдан бўлдики, ҳат-
то бошда Биденко нима қилишни билмай, гангиг қолди.
Дастлабки дақиқада унга, бола худди машина бурил-
ганди учиб кетгандай туйилди.

— Эй, секинроқ!— деб қичқирди Биденко, мунтуми
блан шоферинг кабинасини уриб.— Тўхтат, фалокит! Во-
ла тушиб кетди.

Шофер жадал кетиб бораётган машинага тормоз берини блан овора экан, Биденко, боланинг ирғиб ўрнидан турганини ва халтасини қўлига олганча ўрмонга қараб, кучининг борича югуриб кетганини кўриб қолди.

— Ҳой! Ҳой! — деб овозининг борича бақирди ефрейтор.

Броқ Вания ўтирилиб ҳам қарамади.

У, қўл ва оёқлари тоҳ кўриниб, тоҳ кўринмай, шоҳшаббаларга бошини урганича зингиллаб, қалин чакалакзор шига яниришиб кетди.

— Вания-а! деб бақирди Биденко, катта қўллари ни отзиға қўйиб, чўпон бола-а-а! Тўхта-а-а!

Броқ Вания жавоб қўймасди, фақат ўрмоннинг бўғиқ аке садоси йўл-йўлакан дарахтларга уриниб, аллақайси бирр чеккадан:

«А-ху! А-ху!» дегандай тикрорланарди.

— Тўхтаб тур, шайтон! деди жаҳли тақиб Биденко ва шофердан бирнас кутинин сўради-ла катта-катта қадам гашлаб, шоҳчаларни қирсанлабиб босганича, Ваниянинг изидан ўрмонга кириб кетди.

У, болани ҳами наси дегунача ушлаб олишига шубҳа қўймас эди. Ҷарҳақиқат, капитан Енакиевнинг энг машҳур «профессор» ларидан бири бўлмиш тажрибали разведкачига қочиб кепни бирр болани ўрмондан тоциб олиш нима деган ган? Бу тўғрила ганириб ўтиришининг ўзи қутили.

Вания тентаклик қўймай кайсан дея, эҳтиётдан теварак-атрофга овоз вериб борган ефрейтор Биденко, ҳарбий фанинг бугун қондалари асосида ахтаришга тушиб.

У, манишанин тўхтатган ерини дарҳол топиб олиш учун, дастлаб компасга қараб мўлжал олди. Қейин у компаснинг тилинин бола гойиб бўлган тарафга қаратиб бурди. Броқ Биденко азимут кўрсатган томонга қараб юрмади, чунки у, боланинг ўрмонда компассиз кетаётганлиги са-



Бұл шының тез заңғанда қўкқисдан бўлдики. бо иштаденек
шима қилишиб билмай, гаштиб қолди.

бабли, муттасил ўнгга қараб қайрилаверишини яхши биларди.

Биденко буни тажрибада кўрган эди. Қоронғиликда ёки кўриш қийин бўлган шароитда компассиз юрган одам, соат стрелкасининг юришидек айланаберади.

Шунинг учун Биденко, сал ўйлаб ҳам вақтни чамалаб, бироз ўнгга буриди-да, овоз чиқармай, боланинг олдидан тўсиб чиқмоқчи бўлди.

«Гўхтаб тур, сени худди ўша ерда тузокқа тушираман» деб ўйлади Биденко керилиб.

У, хаёлига шуларни келтирди: гўё у, чакалак орасидан овоз чиқармай бориб, тикка Ваниянинг тўғрисидан чиқиб қолади ва унинг қўлидан ушлаб олиб: «Бас энди, оғайни, ўрмонда ўйнаб олганинг етар. Қани, машинага борайлик! Лекин, тагин ҳазиллаша кўрма. Чунки барibir овора бўласан. Ефрейтор Биденконинг қўлидан қочиб қутиладиган киши ҳали дун'ёга келгани йўқ. Буни бир умр эсингдан чиқарма», деб айтади.

Бу ширин хаёли ўзига ма'қул бўлиб кетганидан, Биденко хурсанд бўлиб кулиб қўйди. Ростини айтганда, болани орқа томонга олиб бориб қўйгуси йўқ эди. У, кўк кўз, ўсиқ малла сочли, ориққина, хушмуомала ва шу блан бирга магрут, кези келиб қолганда ҳатто баджаҳя бўлиб кетадиган чинакам «чўпон болани» севиб қолгани эди.

Биденконинг қалбига Ванияга жуда мулойим, оталик меҳри ўйгоғсан эди. Бунла ҳам шафқат, ҳам фахрланиш ва ҳам боланинг тақдиридан ташвишланини ҳислари қўшилнишган эди. Биденконинг қалбига унинг ўзига ҳам англанишмас яна аллақандай ҳислар бор эди.

Ефрейтор Биденко Ванияни кўрганда ўзининг жуда кичкина болалик чогини, ўшанда уни сигир боққани юборганиларини бенхтиёр эслаб кетди.

Эрталаб ям-яшил ўтлоқзорларга чўккан сутдек оқ туман хаёлида гира-нира таваланди. Оч-яшил, бинафшарант ва чўтдек қинқизил бўлиб товланган шудрини

томчилари ҳамда қўлидан қўймайдиган ҳамишнайи ёдига тушди, бу най бир оҳангда равон, нозик иш шук овоз таратарди.

Вания жадал юриб бораётган машинадан Принглини кейин Биденко уни яна кўпроқ ёқтириб қолди.

«Довюрак экан, шайтон. Ҳеч нарсадан тац тортмай ди-я! Чинакам солдат бўладиган бола,— деб ўйлади Биденко,— уни орқа томонга жўнатиш эсиз. Лекин илож йўқ. Буйруқ шу».

Разведкачи шу йўсинда хаёл суриб, ўрмоннинг ич карисига кириб бораверди. Унинг мўлжалича аллаға чон болага дуч келиши керак эди. Аммо боладан дарак йўқ эди.

Биденко тез-тез тўхтаб, кузги ўрмон сукунатига қулоқ соларди. Лекин унинг зийрак қулоғига ўрмон уичалик жимжит сезилмасди. Биденкога ўрмонда турлитуман, аранг пайқаб бўладиган жуда кўп овозлар энтилиб турарди. Броқ у, бу овозлар орасидан одамнинг обёк босган товушини бир марта ҳам эшитмади.

Хуллас, бола йўқолди.

Ҳечқаерда унинг бирон изи кўринмасди. Биденко ҳарбир туп бутани, ҳарбир дарахтни беҳуда овора бўлиб қараб чиқди. У, бекорга ерга ётиб, тўкилган барглар, ўт ва гиёҳларни кузатиб кўрди. Ҳечерда ҳечқанақа шинон йўқ эди. Гўё бола осмондан учиб ўтгандай эди.

Энг уста разведкачи ҳам бунчалик билинтирмасдан юраолмаган бўларди, деган фикрга келди Биденко.

Анча диққати ошган Биденко йўлни ўзгартириб, ўрмонда тентираб юрди; боланинг ҳечқандай изсиз гойиб бўлганига ҳайрон бўлиб боши қотди.

Бир сафар у, ҳатто ясама овоз чиқариб, хотинчасиган
— Ҳув-в-в! Ванияжон-у-у-у! Ҳазилинг с-тар! Вақт бўлди, кетай-лик!— деб қичқириб ҳам кўрди.

Шу заҳоти ўзининг бу қилиғидан хижолат бўлиб кетди.

У соатига қараб, болани қидиришга тушганига икки соатдан күп бўлганини билди. Шундан кейингина, боланинг қўлдан чиққанига ва тутиб бўлмаслигига ишонди.

Кекса разведкачи Биденко умрида ҳечқачон буналил изза бўлган эмасди. Энди у сержант Егоровга нима деб ма’лумот беради? Унинг бетига қандай қарайди? Уртоқлари бўлса, турган гап, роса кулишади. Қани, шу пайт ер ёрилса-ю ерга кириб кетса!

Қайтишдан ўзга чора йўқ. Кечасигача ўрмонда алвастидай санғиб юришдан бир иш чиқмайди-ку.

Биденко компасига қараб олди-да, уҳ тортганча, машина томонга қайтди. Броқ машина, ўзи ўйлаганча, жойида йўқ, жўнаб кетган эди. Ошғич жанговар топшириқ олган шофернинг шунча вақт кутишига ҳақи ҳам йўқ эди. Гапнинг очиги: Биденкога энди машинанинг ҳам ҳожати йўқ, орқага қайтиши керак эди.

Лекин, орқасига қараб йўл олишдан олдин, Биденко чекмоқчи ва пайтавасини қайтадан ўраб олмоқчи бўлди.

У ўрмондан қулай тўнкани топиб ўтирди. У энди қозни бураб, халтачани аста силкиб махорка сепаётгандан, бирдан дараҳт шохидага алланима шитирлаб, тепадан бошига бир нарса тушди.

Буни бироҳ қушчадир деб ўйлади. Броқ шундай қараб Биденко қичқириб юборди. Бу нарса чўпон боланинг тўрвасида олиб юрадиган муқовасиз эски алифбеси эди.

Биденко дарров тепага қараб, дараҳтнинг энг учида, яшил шохлар орасида ўзига таниш жигарранг бўз иштонини кўрди, ундан Ваниянинг картошкадай қорайиб кетган яланг оёқлари чиқиб туради.

Шу ондаёқ, Биденко худди бирнима чақиб олгандек сапчиб ўрнидан турди-да, халтачасини, ўраб улгурмаган махорка қофозини ва тайёрлаб қўйган зажигалкасини ерга қўясолиб, бир зумда дараҳтга чиқди.

Вания қимир этмасди. Биденко энгашиб қараса, бома ухлаётган экан. У, сарғич бир айри шохга миниб олиб,

унинг ола-чиғор, бинафша ранг, ингичка танасийи қучоқ-лаб, унга бошини тираганча қаттиқ уйқуга толған эди. Күкимтир юзига киприклари сөя солиб турад, учук том-ған лабларида эса билинар-билинмас беғубор табассум излари бор эди. Шу зайлда бола оҳиста хуррак ҳам отарди.

Биденкога дарҳол ҳамма нарса аёи бўлди. Чўпон бола уни жуда оддий йўсинда алдаган экан. Разведкачидан қочиб бутун ўрмонни кезмай, Ваня, кўздан ғойиб бўлган замоноқ баланд дараҳт устига чиқиб олган ва ғалва тугагунча кутиб ўтириб, кейин хотиржамлик блан пастга тушиб ўз йўлига кетмоқчи бўлган. Агар йиртиқ тўрвачадан алифбе тушиб кетмаганда, албатта шундай бўларди...

«Оббо, айёр-эй! Худди тулкининг ўзи-я! Зўр бўлгандан кейин нима ҳам дейсан!» деди қойил қолганидан Биденко, Ваняни суйиб.

Биденко боланинг елкасидан авайлаб маҳкам қучоқлади, ва уйқули бетига термулганча, эркалаб деди:

— Қаяи, чўпон укам, пастга тушайлик-чи.

Ваня дарҳол кўзини очди, солдатни кўриб, бирдан қўзғолди. Лекин Биденко уни маҳкам ушлаб олганди.

Бола, қўлдан чиқиб кетаолмаслигини дарҳол пайқади.

— Ҳа, майли энди,— деди у уйқусираган бўғиқ овоз блан.

Беш минутдан кейин, улар алифбени, махорка ва ажигалкани йиғишириб олиб, кейин фронтнинг иккинчи үшелонга борадиган йўловчи машинага чиқиб олгани йўл ахтариб ўрмондан нари кетишиди.

Ваня олдинда, Биденко бир қадам кейинда, боладан қўз узмай борарди.

— Бис, оишам,— деди Биденко насиҳат қилиб,— ўр-

монда ўйнаганинг етар. Барибир ҳечшарса чиқмайди. Менинг қўлимдаи чиқиб кетадиган кини ҳали онасидан туғилгани йўқ. Буни билиб қўй.

— Ёлғон айтасиз,— деди Вания орқасига қарамай, зарда блан,— агар алифбейим бўлмаганида, мени сра тополмаедингиз.

— Хомтама' бўлма, тополардим

— Ёлғон айтасиз.

— Рост айтаянман! Менинг қўлимдан шу чоққача ҳечким қочиб қутилган эмас.

— Мен қочдим-ку.

— Қочиб бўисан!

— Алифбе бўлмаганида-ку, тополмасдингиз-а.

— Тополмай бўпман!

— Ёлғон айтасиз.

— Битта сўзни билиб олибсан.

— Ёлғон айтасиз. Ёлғон айтасиз,— деб ўжарлик блан такрорлади Вания.

— Бутун ўрмонни титиб бўлса ҳам топардим.

— Нега бўлмаса титмадингиз?

— Хўп, ана титмаган бўлақолай. Ҳадеб суриштира-веришдан фойда йўқ. Кўн гап эшакка юк дейдилар. Мени сени белгиларга қараб тонардим.

— Бўлмаса нега тополмадингиз?

— Топдим-ку.

— Ёлғон айтасиз. Мен сиздан ҳам айёрроқман. Мени комиас блан қидириб ҳам тополмадингиз-ку.

— Валдираф бермасангчи! Қачон сени комиас блан қидирдим?

— Қидирдингиз-ку. Сиз мени кўрмадингиз, мен бўл-сам дараҳтдан ҳаммасини кўриб турдим.

— Нимани кўрдине?

— Изимга комиас тўгрилаганингизни кўрдим

Биденко боланинг зийраклигига қойил бўлиб: «Оббо шайтон-эй, ҳаммасини билиб айтаяпти-я!» деди ичидা. Кейин эса жиддий тусда дели:

— Ука, бу ишларга сенинг ақлинг етмайди. Мен машинани йүқотиб қўймайин деб компасни тўғриладим. Бунинг сенга дахли йўқ.

Шу блан Биденко бироз ёлғонламоқчи бўлди-ю, лекин бундан фойда чиқмади.

— Ёлғон айтасиз,— деди бўш келмай Вания.— Сиз мени компас блан тутмоқчи бўлдингиз. Биламан буни. Ҳийла қилиб сизни чалғитдим, шунинг учун тутолмадингиз. Мен бўлсам сизни ҳарқандай ўрмондан: кечаси дейсизми, кундузи дейсизми, ҳечқанақа компассиз яrim соатдаёқ топар эдим.

— Ол-а, жудаям мақтаниб юбординг, укам.

— Қелинг, гаров бойлашамиз.

— Энди сен блан гаров бойлашиб ўтириш қолганмиди! Ёшсан ҳали.

— Келинг бўлмаса, гаров бойлашмасдан шундай синашиб кўрамиз. Сиз бирнима блан кўзимни боғланг-да, ўрмонга кириб кетинг. Беш минутдан кейин мен сизни қидира бошлайман.

— Барибир тополмайсан.

— Тополмаганимни кўрасиз.

— Ҳеч тополмайсан!

— Синашиб кўрамиз.

— Ке бўлмаса,— деб юборди Биденко, разведкачилик гайрати қўзғаб кетиб.— Ҳеч тополмайсан! Тўхта-чи...— деди у бирдан шубҳа блан.— Унда қандай бўлади? Мен сенинг ёнингдан нари кетиб ўрмонга бекинаман, сен бўлсанг бу орада яна ўмарилиб қоласан, шунақа-да? Э йўқ, тирмизак. Қараб турсам, пихини ёрган айёр экансан.

Вания кулиб юборди:

— Қочади, деб қўрқаяпсизми?

— Ҳеч қўрқаётганим йўқ,— деди қовоғини солиб Биденко,— бўлмағур гапларни гапирайсан. Миямни ачитиб юбординг.

— Сиз қўрқманг,— деди бола хушчақчақ кулиб,— мен шундай ҳам сиздан барибир қочиб кетаман.

Ефрейтор Биденко, жуда зүр ишонч ва қат'ий қарорга келиб айтилгандай түйилган бу кулгили сүзларга индамаса ҳам, ўзича ҳамавақт ҳуш'ёр бўлиб боришга аҳд қилди.

Бола эса худди қулоғи остига шапалоқ тушгандай бўлди. У Биденко олдига тушиб маҳкам яланг оёқлари блан дадил қадам ташлаб борар ва кўнглини раңжитган разведкачилардан ўч олган каби, барада, шу гапни такрорларди:

— Кўрасиз, қочаман! Ўзингизга бойлаб олсангиз ҳам қочаман! Кўрасиз.

— Нима деб ўйлаясан? Бойлаб ҳам оламан. Бу бирпаслик иш. Кўрамиз, шунда қанақа қилиб қочар экансан.

Биденко ўйлаб қолди.

— Үлай агар,— деди у бирдан.— Мана чилвир оламан-у боғлайман-қўяман!

Чиндан ҳам Биденко, ҳарбир эҳтиёткор разведкачидэ бўлгандек, ҳамиша беш метр келадиган ингичка, пишиқ чилвир олиб юрар эди. Ҳозир у, машинага чиқиб олгани миздал кейин Ваняни ўзимга боғлаб олсаммикан, деб астойдил ўйлайбошлиди. Машинада хийли узоқ юришга тўғри келади. Йўлда яхшилабгина мизгиб олиш ҳам мумкин. Лекин бола ҳарбир минутда машинадан иргиш пайида бўлганидан, қандай қилиб мизгиб бўлсин.

«Нима қилди, боғлайман-қўяман, иш тамом. Манзилга етганимиздан кейин ечаман. Шундан бошқа илож йўқ» деган қарорга келди Биденко.

Чиндан ҳам, йўлга чиқиб, йўловчи машинага тушиб олганиларида, Биденко чўнтағидан ихчам қилиб ўралган чилвирни чиқарди.

— Қано тайърати, чўпон бола, ҳозир сени боғлайман,— деди у тунгуб, болани хафа қилмаслик учун буни ҳазилга отиб.

Вани нариғин ишлак, хафа бўлишини хаёлига ҳам келтирмади. У, ҳанниламо айтилган бу гапни енгил қабул қилди ва шу тахлигда жавоб берди:

— Бойланг, амаки, бойлай қолинг. Лекин тугуанини маҳкам қилинг, яна ечиб юбормай.

— Тугуимни ечиб бўисан, укам. Мен денизнилорникидай қўш тугун қилиб боғлайман.

Шу сўзларни айтиб, Биденко чилвириниг бир уни блаш Ваниянинг тирсангидан, дентизчиларникидай, қўни тугун қилиб маҳкам, лекин оғримайдигаи қилиб боғлади, иккичи учини ўз муштумига ўраб олди.

— Энди ишининг чатоқ, чўпон укам. Қочолмайсан.

Бола чурқ этмади. У киприкларини қўйи солди, ушиш кўзларида кўкимтири учқунлар чақнади.

Машинанинг жуда сози учраб қолди. У, Америкации келтирилган, устига брезент ёпилган янги, катта «Студебекер» машинаси эди. У мўлжалдаги ерга юксиз бормоқда эди. Даастлаб унда Биденко блан Ваниядан бошқа йўловчи йўқ эди. Улар бўш қопларнинг устига ўтириб, шофернинг кабинкасига яқин ўрнашиб олишди, бу ер жуда тинч эди.

Биденко бирнечча бор болани гапга солмоқчи бўлди, броқ Вания сра ҳам чурқ этмади.

«Бунинг мағрурлигини қаранг-а!— деб ўйлади, меҳри товланиб Биденко.— Кичкина бўлса ҳам зардалик. Узубиларман. Турмушнинг аччиқ, чучугини кўп тотган кўринади».

Яна Биденконинг хаёлида ёшлигининг узоқ маизаралари гавдаланди.

Бу орада ҳарбир назорат-текшириш пунктида машинага янги-янги кишилар минишди. Тез орада машини тўлиб кетди.

Булар орасида, эндигина жангдан чиқиб олдинги маррадан келган солдатлар ҳам бор эди. Уларни бошлиарида шлёмларидан ва бўйинларига боғлаб, орқалинга туғиб ташлаб қўйган кир плаш-палаткаларидан дарҳол билиб олиш мумкин эди.

Машинада энсиз ялтироқ погонли тор шинельни миги тараға фуражка кийган иккита интендант ҳам бор эди.

Эгнида узун, кенг юпқа пальто, оёғига сув ўтмайды-
гаи калта этик кийган, воситоргда ишловчи қипқизил,
кулча юзли бир қиз ҳам бор эди, рўмолини кампирлар-
ниига ўхшатиб таңгидан, унинг бети худди бир
бош карамга ўхшарди.

Яна бирнече хуничакчақ қиручи-учучилар ҳам бор
эди. Улар авиация заводидаги қалин ойна чиқиндисидан
ясалган йилтироқ портентарларидан усти-устига папи-
рос чиқарип чекар әдилар.

Йўловчилар орасида йўғон, семиз бир кекса аёл-ҳар-
бий хирург ҳам бор эди. У, кўзига думалоқ ойнак тақиб
олгац, оқаргац калта сочи устидан бостириб, ҳаворанг
беретка кийган эди.

Хуллас, булар одатда ҳарбий йўлларда қатновчи ма-
шиналарда учрайдиган кишилар эди.

Қош қорайди.

Брезент чодирдан ёмғир шивалаб ёғаётгани эшитилди.
Ҳали йўл узоқ. Одамлар нари-бери жойлашиб секин-аста
мудрайбошлашди.

Ефрейтор Биденко ҳам чилвир ўралган муштини боши
остига қўйиб уйқуга кетди. Броқ унинг уйқуси зийрак
эли, дам-бадам уйғониб чилвирини тортиб қўярди.

— Ҳа, нима дейсиз? — дея уйқусираб жавоб қиласарди
Вания, — мени ҳали шу ердаман.

— Ухлайсанми, чўпон бола?

— Ухлайман.

— Майли. Ухла. Улумча линияни текшириб кўраяпман.

Шундай деб, Биденко яна уйқуга кетар эди.

Бир сафар, унга бирда Вания йўқдек туйилди.
Биденко ўтириб олиб, ишнганча чилвирни тортди, броқ
ҳечқандай жавоб бўлмади. Ефрейторнинг капалаги учиб
кетди. У, чўкка туниб ўтириди-да, ҳарвақт тахт ҳолда тут-
ган электр фонарчасини ёқди.

Хайрият, ҳеччима бўлмаган. Ҳамма нарса жойида.
Вания ёнида оёғини гужанак қилиб, боягидай ухламоқда.
Биденко боланинг юзини ёритди. У, ором олиб қаттиқ

ухламоқда, башарасига тикка тутилган электр фонар чанинг нури ҳам уни уйғоттомулади.

Биденко фонарчани ўчирди ва ўзлари Ванияни топиб олган кечани эслади. Ушанда ҳам фонарча тутиб, унин юзига ёруғ туширган эдилар. Лекин у пайтда унинг банин раси ҳоргии, мажмагил, суюклари чиққан, кўрқинчли эди. У вақт бола бирдан сесканиб тушган эди. Кўзлари қўрқувдан чақнаб кетиб, жуда ваҳимали тус олган эди.

Ахир бу воқиа бирнечча кунгина бурун бўлган эди-я Ҳозир бўлса бола бемалол ухлаб, ширин тушлар кўрмоқда. Ўз одамларини топиб олганинг ма'носи шу. Одамлар, ўз уйим — ўлан тўшагим, деб тўғри айтадилар.

Биденко ётди, кейин юк машинасининг бир мақомда тебратиши блан яна ухлаб қолди.

Бу гал у анча узоқ ва хотиржам ухлади. Аммо уйғонгач, ҳарҳолда чилвирни бир тортиб қўйишини унутмади. Вания жавоб қилмади.

— Ухляяпти, ҳайтовур,— деб ўйлади Биденко,— ҳайрият, толиқипти.

Биденко бошқа томонга ўгирилиб ётди, яна бироз ухлагач, ҳар эҳтимолга қарши, тағин чилвирни тортиб қўйди.

Қоронгиликда битта аёлнииг жаҳл блан:

— Ҳей, бу нимаси, нима қилаётганингиз бу? Тинч қўясизми, йўқми ахир?— деган овози шанғиллади.— Нега менга аллақандай чилвир боғлаб қўйипсиз? Нега мени тортаяпсиз? Ҳа деб уйқимни бузаётган ким ўзи!

Биденкоринг эти жимирилашиб кетди.

У электр фонарчани ёқдию бирдан кўз олдини қоронгулик босди. Бола йўқ. Чилвир бўлса хирург хотинининг этигига боғлаб қўйилган. Хирург хотин полга ўтириб олганича рўпарадан тутилган фонарга кўз ойнаги остидан скрайиб ўдағайлар эди.

— Эй, тўхта, шофер!— деб бақириб юборди Биденко, маҳнатли овоз чиқариб ва жон-жаҳди блан шофернинг киёнгасини муштлайбошлади.

Ү, машинанинг тўхташини ҳам кутмасдан, биронинг қўл-оёгини, биронинг боши, яна аллакимнинг халта-хултаси ва чемоданини босиб-туртиб орқага ўтди-да, машинанинг баланд бортидан бир иргиб, йўлга тушди.

Қоронги, ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган зимишон кеча. Сонуқ ёмғир инивалаб урмоқда. Ғарб томонда узоқда бўлаётган аргиллерия жангининг ёлқини милтиллаб кўринади.

Тои йўлдан ҳар икки томонга ўйларча, юзларча оғир ва сингил машиналар, транспортёрлар, аравалар, замбараклар, бензин ортган машиналар гизиллаб ўтиб турарди. Уларнинг чироқлари кўлмак устида чучварадек қайнаётган ёмғир томниларни гира-шира ёритарди.

Биденко обек-қўллари бўшашиб анча вақт туриб қолди. Сўнг у қаттиқ тупирди-да:

— Қуриб кетсин ҳаммаси! — деб қўйди.

Кейин, шошмасдан орқасига қайрилиб, олдинги маррага борадиган йўловчи машинага тушиш учун шу ер ёқинидаги йўл кўрсатучи олдига қараб жўнади.

9

— Ҳой, бола, эшик олдидан кет. Бу ерда бегона одамларнинг туришига рухсат йўқ.

— Мен бегона эмасман.

— Кимсан бўлмаса?

— Ўз кишингизман.

— Қанақа ўз кишимиз?

— Совет кишиси.

— Совет кишиси бўлсанг нима бўпти? Рухсат йўқ, дедимми, рухсат йўқ. Йўлингдан қолма.

— Бу ер штабми, амаки?

— Ишинг бўлмасин.

— Мен бошлиқ олдига киришим керак.

— Қанақа бошлиқ олдига?

- Энг катта бошлиқ олдига.
 - Бошимни қотирма, ўт.
 - Киритиб юборинг, амаки. Нимангиз кетади?
 - Жўна. Сен блан гаплашадиган киши йўқ бу ерда. Кўрмаяпсанми,— постда турибман.
 - Сиз, амакижон, майли, мен блан гаплашманг. Мени бошлиқ олдига қўйсангиз бўлади.
 - Оббо, зингарча-ей!— деди соқчи кулиб ва бирдан қовофини солиб бақирди:— Бу ерда ҳечқанақа бошлиқ йўқ!
 - Хо-хо, ёлғон айтасиз. Бошлиқ шу ерда.
 - Сен қаёқдан биласан?
 - Ўзи кўриниб турипти. Мана яхши уй. Ҳовлида эгар-ловлиқ отлар турипти. Бир хотин даҳлизга самовар олиб кириб кетди. Эшикда пойлоқчи бор.
 - Ҳаммасини кўрибсан-да! Ўзинг ҳам жуда пишиқ болага ўхшайсан.
 - Кирита қолинг, амакижон!
 - Мана мен ҳозир ҳуштак чалиб, қоровул бошлиғини чақираман, сени бу ердан дарров олиб кетади.
 - Қаерга олиб кетади?
 - Тегишли жойга. Қани! Сенга айтаяпман! Эшикдан нари кет. Рухсат йўқ. Гап тамом.
- Вания пари кетди. У, эски тегирмон тоши устига ўтириб, муштини иягига тираб, эшикдан кўзини узмай, сабр қилиб кутабошлади.
- Соқчи эса бўйнидаги автомат тасмасини ростлади, кейин оёғидаги қизғиш чарм қопланган оқ пиймали енгилгина босиб, атрофи ўралган боғчада уёқдан-буёққа юрабонилади.
- Биденконинг қўлидан иккинчи марта қочиб кетган Вания разведкачилар палаткаси жойлашган ўрмонни излар эди. Унинг бирон аниқ мўлжали йўқ эди. У аввалда жуда яхши ва мулойим муомала қилишган разведкачиларни Қумсар эди.

Уни орқа томонга жўнатганиликлари унинг назарида

кatta бир англашилмовчилик бўлиб, буни осонгина ҳал этиш мумкин, фақат яна бир марта яхшилаб ялиниб қўрилса кифоя деб ўйларди.

Аммо бола жойни қанчалик яхши танийдиган ва йўл топабиладиган бўлгани блан, ўша ўрмон ва ўша палаткани тополмади. Ҳамма нарса ғарб томонга қараб силжиган, ҳамма нарса ўзгариб кетиб, таниб бўлмас ҳолга келган эди.

Вания, ўзини уларнинг яқинида, ҳатто ёгнинасида адабиб юргандек сезарди. Броқ ўша ўрмон ҳам, ўша палатка ҳам кўринмае эди. Ўрмон ўшанга ўхшарди-ю, лекин у ҳозир бўм-бўш эди.

Иккى кунгача Вания ўзига иотаниш аллақандай янги ҳарбий йўллар, ёндирилган қишлоқларда тентираб юриб, учраган ҳарбийлардан разведкачилар палаткасини сўроқлади. Броқ, уларнинг қанақа разведкачи, қанақа қисмдан эканликларини билмагани учун, ҳечким ҳечнарса айтиб беролмади.

Бунинг устига ҳарбийларнинг барчаси камган, оғзи маҳкам одамлар эди.

Кўнинча Ваниянинг саволларига улар бундай жавоб қиласидилар:

- Билмайман.
- Нимага керак бўлиб қолди?
- Комендантга бор.
- Лайтиш мумкин эмас.

Ҳамма жавоблар ани шу хилда эди.

Вания жула умидсизликка тушди ва, чиндан ҳам фронт орқасидаги бирор шаҳарга бориб, болалар уйига киришни сўрасаммикни, деган фикрга келди.

Бу чоғ у тўсатдан бир бола блан учрашиб қолмаганида, қанчалик қайса бўлмасин, хой-нахой шундай қилган бўларди.

Бу бола Ваниядан салгина каттароқ. Ёши ўн тўртларда, башарасидан кичикроқ ҳам кўринарди. Ёпирай, бу қанақа бола денг!

Ваня бунақшы түкис болани умрила күрмалаш чең Устида гвардиячи отлиқ аекарларининг сафарда кийди айнишми. Товоонигача тушган узун шинель; қоракұлдини ғимнинган тепаси қызил кубаича шаика; елкасендә кичкини узаниги блаң бир-бирига чалиштириб иккита қылыш ало мати қадалған погон, этигида шпорлар ва буништеги оч қызил қулоқчин бўлиб, у орқага ташлаб қўйнишган буниси боланинг ҳарбий савлатига ҳусн бўлиб тушган эди.

Бола, сочи пешонасига тушиб турган бошни орқасида ташлаб жажжи казак қиличини сопигача ерга суқиб, то-залар эди.

Бу бола блан гапиришиш ўёқда турсин, унинг яқинига йўлаш ҳам хавфли эди. Броқ Ваня бўшанг болалардан эмасди. У писанд қилмай, тўкис боланинг олдига борди, кейин яланг оёқларини кериб, қўлларини орқасига олиб, унга бошдан-оёқ тикилди.

Ҳарбий бола лоақал қайрилиб ҳам боқмади. Ванияга парво қилмай, ўз иши блан машғул бўлди. Бола ҳар замонда чирт этиб туририб қўярди.

Вания жим турди. Ҳарбий бола ҳам индамади. Жимжитлик анчагача давом этди. Ниҳоят, ҳарбий боланинг сабри тугади.

- Нима қилиб турибсан? — деди у ўшшайиб.
- Ўзим турибман, — деди Ваня.
- Қелган ерингта жўна.
- Ўзинг жўна. Үрмон сеники эмас.
- Нима қилардинг, меники.
- Қанақасига?
- Шунақасига. Бу ерда бизнинг бўлинма туришти.
- Қанақа бўлинма?
- Бунинг сенга дахли йўқ. Отларимизни кўраян-санми?

Бола сочи пешонасига тушиб турган бошни орқасига силкиган эди, Ваня, ҳақиқатан ҳам, дараҳтлар орасида от бөглайдиган ходани, отлиқларининг қора чакмонлари ва қизил қулоқчинларини кўрди.

— Ўзинг ким бўласан? — деб сўради Вания.

Бола бепарво, аммо олипталик блан қиличини шир этиб қинига солди-да, ерга тупирди ва этиклари блан босди.

— Ҳарбий белгиларни тушунасанми, ўзинг? — деди бола ичининг аралаш кулиб.

— Тушунаман! — деб жавоб қайтарди дангал Вания гарчи ҳеч нарса тушунмаса ҳам.

— Ундаи бўлса, мана, кўр, — деди бола қат’ий йўсинда, погонига ишора қилиб. Погонига кўндалангига оқ тасма тикилган эди. — Гвардиячи кавалериянинг ефрейтори бўламан. Тушундингми?

— Ҳа! Ефрейтор! — деди Вания масхараомиз кулиб. — Бунақа ефрейторларни кўп кўрганмиз.

Боланинг та’би хира бўлиб, пешонасига тушиб турған сочипи силкиб қўйди.

— Ана шунақа, ефрейтор деб билавер, — деди у.

Бу гапидан ўзи қаноатланмагандай бўлди. У шинелининг олдини очди. Ваниянинг кўзи гимнастёркага қадалган кулранг ипак лентачага илинган катта кумуш медальга тушди.

— Кўрдингми?

Вания ҳайратда қолган эди. Лекин сир бой бермади.

— Катта иш қилибсан, — деди Вания лабини бурганча кулиб. Лекин, ичидан ғайрлиги келиб, йиғлашига сал қолди.

— Каттами, кичикми, иш қилиб медаль-да, — деди бола, — жанговар хизматлар учун. Қани, бўлди, адабингни емасдан келган ерингга жўнаб қол.

— Кўн олипталик қиласерма. Ўзинг адабингни еб қоласан.

— Кимдан? — деди қўзини қисиб пўрим бола.

— Мендан.

— Сендан-а? Ёшлиқ қиласан, ука.

— Сендан ёш эмасдирман.



— Үзүнг ким бұласан? — деб сұрады Ваня.

- Нечага кирдинг ўзинг?
- Ишинг бўлмасин. Сен-чи?
- Ўн тўртга,— деди бола, бироз ёлғонни қўшиб.
- Ҳе!— деди Ваня ҳуштак чалиб.
- Нима ҳе?
- Ундаи бўлса, қанақа солдатсан?
- Бошқаларга ўхшаган солдатман. Гвардиячи кавалериянинг аскариман.
- Гапир-а! Бу сра мумкин эмас.
- Нима мумкин эмас?
- Ҳали ёшлиқ қиласан.
- Шунда ҳам сендан каттаман.
- Барибир, мумкин эмас. Бунақаларни олишмайди.
- Мени олишди-ку.
- Қанақа қилиб олишди?
- Мана шунақа қилиб олишаберди.
- Та'минотлар ҳам беришадиган бўлдими?
- Бўмасам-чи.
- Алдаяпсан.
- Алдаш одатим йўқ.
- Онт ичгин-чи.
- Гвардияча сўзим.
- Ҳамма та'минотларга ёзишдими?
- Ҳаммасига ёзишди.
- Овқатга ҳам-а?..— деди шубҳа блан Вания.
- Овқатга ҳам!
- Хоҳ!
- Ана шунақа.
- Қурол ҳам беришдими?
- Бўлмасамчи! Нима лозим бўлса, ҳаммасини беришди. Қиличимни кўрдингми? Та'рифи кетган қилич, оғайни, Златоустда ишланган. Мен сенга айтсам, уни гардиш қилиб букканда ҳам синмайди. Бу ҳали ҳеч гапмас! Менга бурка ҳам беришди. Бурка бўлганда ҳам, унақа-бунақа эмас. Жуда келишган. Лекин мен уни фақат жангда кияман. Ҳозир бўлса кетимдан аравада олиб юришади.

Ваня тупугини ютиб, аравада олиб юриладигин бурканинг эгасига ма'юс боқди.

— Мени бўлса олишмади,— деди Ваня.— Бонди олишди-ю кейин, рухсат йўқ, дейишиди. Мен бир марта уларнинг палаткасида ҳам ётдим. Тўпчи разведкачиларнинг палатасида.

— Сени ўзларига ўғил қилиб олишни хоҳлашмаган бўлса, уларга ёқмагандирсан-да,— деди, совуққина қилиб, пўрим бола.

— Ўғил қилиб деганинг нимаси? Қимга ўғил қилиб?

— Кимга бўларди. Полкка-да. Бусиз мумкин эмас.

— Ҳали сен ўғил бўлганмисан?

— Албатта. Мен, оғайни, ўзимизнинг казакларга иккى йилдан бери ўғилман. Улар мени Смоленск ёнидаёқ ўзларига олишган эди. Мени, оғайни, ҳеч кимим йўқ, етим бўлганим учун, майор Вознесенский ўз фамилиясига ёздириб олди. Шунақа қилиб, мен ҳозир фамилиямни гвардия ефрейтори Вознесенский деб юритаман, ўзим ҳам майор Вознесенскийда алоқачи бўлиб хизмат қиласман. У мени, оғайни, бир марта ўзи блан сафарга ҳам олиб борди. Уша ерда бизнинг казаклар ярим кечада немисларнинг орқали томонида катта тўс-тўпалон кўтаришиди. Немислар штаби турган бир қишлоққа бостириб киришган эди, шунда немислар қип-ялонро чиқишига бўладими? Биз у ерда бир юз элликдан ортиқ немисни қириб ташладик. Калласини сапчадай узиб ташлайбердик.

Бола қиличини қинидан суғуриб, қандай қилиб немисларнинг калласини узганлигини Ваняга кўрсатди.

Ваня ҳаяжонланиб:

— Сен ҳам немисларнинг калласини уздингми? деб сўради.

Бола «бўлмасамчи» демоқчи эдию, аммо чамаси таъридинчилик виждони бунга йўл қўймади.

Йўқ, деди у хижолат чекиб,— ростини пайтесам, у шийтда қиличини йўқ эди. Мен фақат тачанкиди, стапокли шуломёт ёнида ўтириб бордим... Қани, бўлди ўнди

келган ерингга жұнаб қол,— деб юборди бирдан ефрейтор Вознесенский, аллақаердан келиб қолған ва хийли шубҳали күринган бу граждан блан үзини ортиқча яқин олиб гап сотиб юборганини пайқаб.— Хайр, оғайни.

— Хайр,— деди бүшашған ҳолда Ваня, кейин жұнаб кетди.

«Бундан чиқадики, мен уларга ёқмабман-да», деди алам блан үйлади Ваня. Броқ, шу ондағе, бу фикрининг нотүғри эканлиғини бутун қалбидан түйди. Йүқ, асло бундай әмас. Унинг қалби алданмас әди. Үзининг разведкачиларға жуда ёқиб қолғанligини қалбіда сезіб турарди. Ҳамма айб, уни үз күзи блан ҳечқаңон күрмаган батарея командири капитан Енакиевда.

Мана шундан кейин Ваняда, бирорта әнг катта бошлиққа бориб, капитан Енакиев устидан арз қилиш фикри туғилди.

Ана шундай қилиб, у тентираб юра-юра, правардида бир уйга дуч келиб қолди. Ваня, бу уйда хой-нахой бирон катта бошлиқ турса керак, деган фикрга келди.

У тегирмон тоши устида ўтириб олиб, шу уйдан күзини узмасдан, ўша бошлиқ чиқиб қолармикин деб пойлади.

Бирмунча вақтдан кейин юмшоқ мүйна құлқопини кийганича айвонга офицер чиқди-да:

— Соболев, отни келтир!— деб қичқирди.

Солдат бурчакдан югуриб чиқиб, эпчиллик блан дархол эгарлоглик иккі отни жиловидан тутиб келтирди. Буни күрган Ваня, бу кишининг әнг катта бошлиқ бүлмаганда ҳам, ҳархолда капитан Енакиевга сұзи ўтаоладиган жаттароқ бошлиқ эканligини дархол пайқади.

Погонидаги юлдузчалар ҳам буни тасдиқлаб турарди. Юлдузчалар анча мунча әди. Замбарак аломатларини

ұисобламаганда, бу юлдузчалар ҳарбір олтис погонда түрттадаң әди.

Ваша унинг ихчам, шпорлар тақылған озода этикелерге, әскериң бұлса-да, жуда бежириң бўлиб ярашиб тушган сафарда кийиладиган офицерча шинелига, иккинчи тұмасига илиб қўйилған элеңтэр фонари, бўйнидаги дурбини ва компасли дала сумкасига ҳавас блан тикилиб: «Қари әмас-у, генерал бўлиб олишти-я»— деган фикрга келди.

Солдат отларни дарвозадан күчага олиб чиқиб, эшик олдида тұхтатди. Офицер отниң олдига келиб, минишдан олдин әркалаб, унинг ялтираган бақувват ёлиға урып бир чақмоқ қанд берди.

Бу ҳол, унинг вақти чоғлигини билдиради.

Шу бугун полк командири уни ўз олдига чақирганида рости, у бироз ҳаяжонланған әди. Гарчи ишида ҳечқандай камчилик сезмаган бўлса ҳам, ҳарвақт бундай ҳолларда бўладиганидек, ган эшитаманмикан, деб ўйлаган әди.

Броқ қаттиққўлли полк командири унга бирон танбих бериш уёқда турсин, ҳатто батареясининг яхши ишланағанини айтib ўтди ва охирги жаңгда ўрнақ кўрсатған тўпчилардан ўнтасини мукофотга тақдим этишни буюрди Айниқса шу нарса кўнгилли әдик, оғир табиатли ва бирорни унар-унмасга мақтай бермайдиган полковник немисларның танк резервига қарши бехоедан қаттиқ ўтиб қилинган худди ўша ҳужумга юксак баҳо берди, правардида масалани ҳал қылған бу ҳужумни капитан Енакиев жуда чуқур ўйлаб тайёрлаган әди.

Полковник капитанга ўзининг сафарда олиб юриладиган самоваридан чой қуйиб берди, бу эса, полкда зўр шараф ҳисобланарди. У капитан Енакиевни йўлаккачали кузатиб қўйди ва хайрлашта туриб, яна бир марта:

— Умуман яхши урушаяпсизлар. Баракалла, капитан Енакиев,— деб қўйди.

Бундан капитан Енакиев қизариб:

— Совет Иттифоқига хизмат қиласаң, ўртоқ полковник! — деб жавоб берди.

Булар жуда күнгилни күтаручи гаплар эди, шунинг учун ҳам капитан Енакиев полк командирининг ўз батареяси ҳақидаги фикрини офицерларимга билдираман, деб ич-ичидан хурсанд бўлди.

Тўсатдан у бироннинг:

— Амакижон! — деган овозини эшитди.

У қайрилиб қараб Ваняни кўрди. Ваня унинг қаршисида қўлларини ёнига осилтириб, кўкимтири кўзларини тикиб қараб турарди.

— Гапирсам майлим,— деди Ваня, иложи борича солдатга ўхшашга тиришиб.

— Хўп, гапирақол,— деди капитан хуррамлик блан.

— Амаки, сиз бошлиқмисиз?

— Ҳа. Командирман. Нима эди?

— Қимга командирсиз?

— Батареяга командирман. Ўз солдатларимга, ўз замбаракларимга командирман.

— Офицерларга ҳам командирмисиз?

— Қанақа офицерлигига қараб-да. Масалан, ўзимга қарашли офицерларга командирман.

— Капитанларга ҳам командирмисиз?

— Капитанларга командир эмасман.

Боланинг юзида зўр ташвиш аломати пайдо бўлди.

— Мен бўлсан, сизни капитанларга ҳам командир деб ўйловдим!

— Нима ишинг бор эди?

— Керак эди-да.

— Қани айтгин-чи?

— Сиз капитанларга командир бўлмасангиз, айтиб нима қилдим. Менга, амаки, ҳамма капитанларга буйруқ бераоладиган командир керак.

— Ҳамма капитанларга нимани буюриш керак! Қизиқ гап-ку.

— Ҳамма капитанларга буюриш керак эмас. **Фиқат** биттасига.

— Айт-чи, кимга экан?

— Енакиев деган капитанга.

— А-а, ким дединг?!— деб сўради капитан Енакиев.

— Енакиевга.

— Ҳм... қанақа капитан экан ўзи?

— У, амакижон, разведкачиларга командир. Уларнинг энг каттаси бўлади. У нима буюрса, ҳаммалари қилишади.

— Қанақа разведкачиларга командир экан?

— Қанақалиги ма’лум: тўпчи разведкачилар бор-ку, немисларнинг ўт очадиган нуқтасини билиб оладиган, ўшаларга командир. Эҳе амакижон, уларнинг капитани бир сержаҳл одамки!

— Ўзинг ўша сержаҳл капитанни кўрганмисан?

— Кўрмаганман. Бутун гап ҳам шунда-да.

— У-чи, сени кўрганми?

— У ҳам мени кўрмаган. У фақат мени орқа томонга элтиб коменданта топширишни буюрган.

Офицер қошларини чимириб, болага қизиқсиниб боқди.

— Э, тўхта. Тўхта-чи... Отинг нимайди сенинг?

— Отимми? Вания.

— Ваниянинг ўзими?— деб кулди офицер.

— Вания Солнцев,— деб тўлиқ қилиб айтди бола.

— Чўпон боламисан?

— Ҳа, ўша,— деб юборди ажабланиб Вания.— Мени разведкачилар чўпон бола деб атардилар. Сиз буни қаёқдан биласиз?

— Мен, ука, капитан Енакиевнинг батареясида бўлаётган ҳамма ишларни биламан. Қани, менга айт-чи, акиси, капитан Енакиев сени орқа томонга жўнатиб юборишини буюрган бўлса, сен қандай қилиб бу ерга келлиб қолдинг:

Боланинг кўзларида кўкимтири учқунлар милтиллаб кетди, броқ у ўша заҳотиёқ киприкларини қуи солди.

— Мен қочдим,— деди у тортинибгина, ўзининг бутун кўришини блап хижолат бўлганини ифодалашга уриниб.

— Ия, қочдим дегин! Қанақа қилиб қочдинг-а?

— Қочдим-у, кетдим-да.

— Бу қанақаси, бирдан қочдинг-у, кетдингми?

— Йўқ бирдан эмас,— деди Вания, оёқларини бирбирига суйкаб туриб,— мен унинг қўлидан икки марта қочдим. Аввал қочганимда, тошиб олди. Қейинги гал шундай қочдимки, у тополмади.

— У деганинг ким ўзи?

— Ефрейтор Биденко амаки-чи, ўша уларнинг разведкачиси. Биларсиз?

— Эшитганман, эшитганман,— деди баттар қовоини солиб Енакиев.— Аммо сенинг Биденко қўлидан чиқиб қочганингга ишонгим келмай турипти. У бунақа одам эмасди-ку. Менимча, жиян, сен буни тўқиятган бўлсанг керак-а?

— Ҳеч-да,— деди Вания қаддии ростлаб.— Срап тўқиётганим йўқ. Ростини айтаяпман.

— Эшитдингми, Соболев?— деди капитан отбоқарига қараб. Отбоқар эса командирнинг бола блан бўлаётган гапларига астойдил қулоқ солаёттан эди.

— Эшитдим, эшитдим.

— Хўш, сенингча қалай? Бола Биденко қўлидан қочиб кетаолгаи, деб бўладими?

— Ҳеч бўлмаган гап!— деди Соболев жилмайиб.— Биденко қўлидан бу зигирча ўёқда турсин, катталардан ҳам бирортаси қочиб кетолмайди. Ўртоқ капитан, кечи-ринг-ку, лекин бу бола оз-моз ёлғонляяпти.

Вания алам қилганидан ранги ўчиб кетди.

— Ёлғон бўлса, ўлай агар!— деди у қат’ий ва, башарасини совуқ қилиб кибр блан отбоқарга ўқрайиб қўйди.

Кейин у тутақиб ва қизариб-бўзариб кетди-да, ўски разведкачини қандай қилиб лақиллатганини тез-тез унидан-бундан қилиб гапиришга тушди.

У, гапириб келиб, қўлига чилвир боялашга етганида, капитан ўзини тутиб туролмади. У кўзларида пайдо бўлган ёшларни қўлқопи блан суртиб, қаттиқ ва йўғон овоз блан қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди, бундан ҳурккан отлар қулоқларини чимириб, ер тепинди. Соболев бўлса, ўз командириининг олдида қаттиқ кулиб юборишдан ўзини тутиб, фақат бошини сарак-сарак қилас, муштумини оғзига тутиб кулгисини тўсар ва ҳадеб:

— Эссиз, Биденжо-я! Эссиз, машхур разведкачи-я! Оббо профессор-эй! — деб такрорларди.

Вания ҳарбий бола блан учрашганини гапирабошлаганида эса, капитан Енакиевнинг кўнгли бирдан ғашортди, ўйланиб қолди, уни ғам босди.

— Улар мени ўзларига ўғил қилиб олишди, дейди,— Вания ҳарбий бола тўғрисида ҳаяжонга тушиб сўзларди:— Мен энди уларга полк ўғлимсан, дейди. Мен, улар блан бирга бир марта сафарга ҳам бордим, дейди, тачанкага тушиб станокли пулемёт ёнида ўтирдим, дейди. Нега десанг, мен одамларга ёқиб қолдим, дейди. Сен бўлсанг дейди, одамларингга ёқмагансан, шунинг учун улар сени жўнатишган, дейди.

Шу ерга келганда, Вания чуқур хўрсиниб, соф, ёқимли кўзларини капитаннинг кўзига ма’юс тикди.

— Лекин, амаки, мени ўша одамларга ёқмагансаи, дегани ёлғон. Мен уларга ёққанман. Рост гап. Улар менга ачинишди. Лекин улар капитан Енакиевга қарши ҳеч нарса қилишолмади.

— Хўш, бундан чиқдики, сен ҳаммага ёқибсан-у, битта капитан Енакиевга ёқмабсан-да.

— Ҳа, амаки,— деди Вания, гуноҳ иш қилтандек киприкларини пирпиратиб,— ҳаммага ёқдим-у, капитанга ёқмадим. У бўлса мени бир марта ҳам кўргани йўқ. Ахир одамнинг ўзини кўрмасдан туриб, бир нима деб бўлади-

ми? Мени бир марта күрсайди, эхтимол унга ҳам ёқардим. Түғрими, амаки?

— Шунаңа деб ўйлайсанми? — деди капитан жилмайиб.— Хүп, бўнти. Кўрамиз.

У, бирдан оёғини узансига қўйиб, отга минди.

— Кечаси отни далага ўтлатгани олиб борганимисан ҳеч? — деди у жилдий оҳангда, кўзларини жилмайтириб ва от жиловини тортиб.

— Бўлмасамчи! Борганиман, амаки.

— Отда юраоласанми? Қани Соболев уни миндириб ол.

Вания кўз очиб юммасдан, отбоқар бақувват қўллари блан уни сурдан узиб, олдига мингаштириди.

— Разведкачилар олдига! — деб команда берди капитан Енакиев. Улар отни елдириб кетишиди.

— Биденконинг қўлидан қочиб қутилган бўлсанг ҳам, мендан қочиб кетолмайсан, ука,— деди отбоқар, болани маҳкам, лекин авайлаб бағрига босганча.

— Ўзим ҳам қочмоқчи эмасман,— деди Вания қувониб.

У, **юз** ҳаётида аллақандай жуда муҳим ва яхши бир ўзгариш юз берастганини сезарди.

Разведкачилариниң блиндажига етганда, капитан отдан сакраб тушди-да, жиловини отбоқарга тутқазди ва:

— Кутиб туринглар,— деб, шиорларини тез-тез жиринглатиб зинапоядан настга тушиб кетди.

11

Бу чор ҳамма разведкачилар жам' бўлиб домино ўйнаётган эдилар. Улар шу қадар жонбозлик блан суюкларни столга шақиллатиб ураг эдиларки, худди блиндаждада тўппонча огишаяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

— Турилсин! Смирно! — деб бақирди навбатчи, кириб келаётган батарея командирини кўриб.



— Шунақа деб ўйлайсанми? — деди капитан Енакиев.

Разведкачилар сұякларини стол устига ташлаб, чақ-қонлик блан тик туришди.

Шу куни бұлымда ефрейтор Биденко навбатчилик қилаётган әди, у павбатчи бүлгани учун бош кийимда ва қуролли әди. У, капитанга томон шахдам юриб бориб, рапорт берди:

— Үртоқ капитан! Сизнинг құл остиңгиздаги батареяга қарашли бошқарув взводининг разведкачилар командасимиз. Команда резервда турипти. Одамлар дам олишмоқда. Навбатчилик вақтида ҳечқандай ҳодиса юз бергани йўқ. Навбатчи ефрейтор Биденко.

— Салом түпчилар!

— Саломат бўлинг, үртоқ капитан!— деб баравар жавоб беришди разведкачилар.

Шундан кейин капитан Енакиев одатда «Вольно» деб команда берар ва ҳаркимга ўз машғулотини давом этдиришга рухсат этарди. Броқ бу сафар у индамасдан, ўзига қўйиб берилган курсига ўтириди-да, ўлжа қилиб слинган «Германияда баҳор» деган суратни анчагача кўздан кечириб турди.

Батареячилар ўз командириининг табиатини яхши билар әдилар. Унинг түпчилар киядиган фуражкасининг текис гардиши остидаги чимирилган қошларига, ён-вери қиёл ажин босган қисиқ қўзларига ва калта мўйлаби остидаги англашилмас, совуқ жилмайиш акс этган юмуқ лабларига бир қаращаётқ, бу он ундан яхшигина дакки емасдан қолмасликларини дарров фаҳмлаб олдилар.

— Шунаقا қилиб, ҳечқандай ҳодиса юз бермади денг?— деди капитан Енакиев, ечган қўлқопини столга уратуриб..

Батарея командириининг нимага ишора қилаётганини дарҳол фаҳмлаган Биденко индамади.

— Нега ахир индамайсиз?

— Ахборот беришга рухсат этинг...

— Ахборот бериб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ. Малум. Боланинг қўлида қўғирчоқ бўлган разведкачимга

«қойилман»! Бўлим командирига ма'лумот бердиңгизми?

— Худди шундай. Ма'лумот бердим.

— Хўш, нима бўлди?

— Бўлим командири менга навбатдан ташқари тўрғаряд берди.

— Бу кам. Унга айтингки, мен бунинг устига ишаккита наряд қўшишни буюраман. Жам'и — олти наряд.

— Хўп бўлади.

Капитан Енакиев ўз қархисида қаддини ростглаб турған солдатлардан бирмунча вақт кўзини узмади.

— Ўтиинглар, шоввозлар,— деди кейин у, шинелинг тугмаларини еча туриб; бу — расмий гап-сўзларнинг тугаганига ва энди ўзларини эркин тутишлари мумкинлигига ишора эди.— Дам олинглар. Сизларни рўзгорго миришкор йигитлар деб эшигтанман. Сизларда бир ғалати Пенза қўл бола тамакиси бор дейишади. Қани, ўшандан меҳмон қилингларчи!

У, шу сўзларни айтиб бўлмасданоқ, дарҳол бешта халтача, қирқилган бешта газета қофоз ва ишора қилса шартта ёндириладиган бешта зажигалка узатилди.

Ҳар томондан бундай ўтинч эшитилди:

— Меникidan олинг, ўртоқ капитан. Меники чучукроқ.

— Меникidan чекиб кўринг, бунга хушбўй япроқ қўшилган.

— Рухсат этинг, ўртоқ капитан, мен ўраб берай. Ҳечким менчалик ўролмайди.

— Балки енгил тамакидан хоҳларсиз? Меники Сухум тамакиси, хушбўй, хурмодек чучук.

— Тамакига бой экансизлар, бой экансизлар,— деди капитан, шошмасдан, қайбирининг тамакисидан олсан экан деб танлагани ҳолда.— Биденко, халтангни бекорга узатаяпсан. Барибир сеникидан олмайман. Сенинг тамакингдан чеккандан кейин ғафлат босиб кун бўйи ухлаб қолиш мумкин.

— Рост,— деб қўйди кўзини қисиб Горбунов.— Бу аниқ. У, шу тамакисини чекаверганидан машинада ухлаб қолиб, чўпон боламизни қўлдан бериб қўйди.

— Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да,— деди Енакиев.

— Ўртоқ капитан,— деди зорланиб Биденко,— у оддий бола бўлса бошқа гап эди... У бола эмас, бир бало. Рост гап.

— Нима, ростдан ҳам у яхши боламиди?— деб сўради капитан, Пенза тамакисини тутатиб,— сизларга мақул бўлганмиди?

— Боламисан — бола эди-да,— деди Горбунов оғзининг танобини қочириб кулиб. Ваня тўғрисида гап кетгандага ҳамма разведкачилар шу йўсинда чақчақлаб қулишга одатланган эдилар.— Эс-ҳуши бутун бола. Гапнинг хулласи — солдатликка жуда боп экан-да. Биз уни машҳур разведкачи қиласардигу, пешонасида йўқ экан-да.

— Ачинаяпсизми?— деди капитан Енакиев.

— Йўғ-э. Ачинишга ачинмайману... У орқа томонда ҳам йўлни топиб олади-я. Аммо нафсилаамр гап, одам ачинади ҳам. У чинакам довюрак, ҳарбий иш жони-дили эди. Армияга жуда лойиқ бола эди-да.

— Тўқиётганинг йўқми?

— Тўқиб нима қиласман! Бир кўришдаёқ ма’лум нарса бу. Сиз батарея командиримизсиз, сизга бу яна яхшироқ ма’лум, албатта.

— Хўш, йигитлар, нега индамай ўтирипсизлар?— деди капитан Енакиев, солдатларнинг юзига ўсмоқчилаб тикилганича,— сизларча қалай эди бола?

Ҳамма разведкачиларнинг юзида шу он кулги ёйилди, уларнинг бу жилмайшида бутун команданинг бир бутун зўр кулгиси ифодалангандай эди. Уларнинг ҳарқайсиси ўз ҳолиша эмас, балки бариси бирга қўшилишиб кулгандек туйиларди.

— Яна ўзларингиз ўйлаб кўринглар. У блан мен эмас, сизлар бирга яшайсизлар.

Жұда соз бола. Қисқаси — чўпон бола, олов бола, деб юбориши разведкачилар. Лекин улар капитаннинг нимага ишора қилаётганини ҳамон тұла тушуниб етмаган әдилар.

Капитан бўлса, уларга тикилиб қараб турди, бир мунца ўйлаб турғач, қат'ий оҳангда деди:

Хўп майли. Лекин шуни билиб қўйингларки, у сизларга ўйинчоқ эмас, жонли одам. Ҳей, Соболев!— деб қичқирди у, эшикка яқин келиб,— қани, чўпон болани олиб кир.

Ҳаммани ҳайратда қолдириб, останада Ваня пайдо бўлганида, капитан боланинг елкасидан маҳкам ушлаб туриб, деди:

— Чўпон болангизни олинг. Ҳозирча сизларда турсин, кейин яна кўрамиз.

12

Қапитан Енакиев блиндаждан чиқиши бланоқ, разведкачилар Ваняни қуршаб олишди. Ҳамма, бу ишларнинг қандай бўлганини тезроқ билиб олгуси келарди.

— Чўпон бола! Азизим,— деб хитоб қилди Горбунов.

— Қани, гапир-чи!— деди жиддий ғавишда Биденков. Қаёқдан пайдо бўлиб қолдинг? Қаерларга ғойиб бўлиб кетувдинг? Сени капитан Енакиев қанақа қилиб тониб олди?

Қайси капитан Енакиев?— деди Ваня, ҳайрон бўлиб.

Бояги сени олиб келган киши-чи.

Ҳалиги — капитан Енакиевмиди?

Ўша эди.

Товба-еý!

Ҳа, билмаганмидинг?

Қаёқдан билай!— деб юборди Ваня, калта киприларни пирширатиб.— Билсам кошки эди... Агар сал

билганимда ҳам... уида... Ростдан ҳам шу капитан Енакиевмиди-а, амаки?

— Ҳа.

— Батарея командири-я?

— Ҳа. Худди ўшанинг ўзи.

— Гўқ-эй, амаки, бироц айтасиз.

— Тўхта, чўпон бола,— деди Горбунов разведкачилар командасининг куягисини ўзида ифодалаб:— Яхшиси, сен жоврайверма, бўлган иншарни бирма-бир ганириб бер.

Вания, ҳаяжонланғанидан бўлса керак, сўзи-сўзига қовушимас эди. У, кўзларини олазарак қилиб, разведкачилар блаи биринчи марта тунаган палаткаси сингари таниш ва азиз кўринган уларнинг янги блиндажини завқ блаи кўздан кечириб чиқди.

Батартиб қилиб ёзиб қўйилган шинельлар ва плаш-палаткалар, ястиқ ўринда бошга қўйилган буюм халтлари, сочиқлар боягисидай тахт турипти.

Ҳагто печка устидаги чойнак ва Горбунов шошиб-нишиб столга қалаштириб қўяётган қандлар ҳам ўшандагидай.

Фақат, ўлжа олинган карбид лампагина бошқа. Унинг ўткир кўк нури кўзга ёқимсиз тегар, аччиқ ким'ёвий бу нур ҳам, ламнанинг ўзи каби бегона туйиларди. Болалампага кўзини қисиб қаради, бурнини чимирди ва бирон оғиз сўз айттолмаслигига ишора қилди.

Аслида эса, ростини айтганда, Вания уй ёнида ўзи ганиришган офицернинг капитан Енакиев эканлигини аллақачон фаҳмлаб слган эди. Фақат у спр бой бермай турди.

Солдатлар бир кўришдаёқ уни разведкачилликка бон деганилари бечиз эмас эди. Билмай туриб гап сотишдан кўра, билатуриб гап ютиш разведкачи учун энг биринчи қонда эди.

Шундай қилиб, қисқагина вақт ичиде Ваниянинг ҳаёттида уч марта ажойиб ва ғаройиб ўзгариш юз берди.

Кеч тонг пайтишинг хира ёруғи ботқоқлик устига билинар-билинмас ёйилди. Утлари чириган, қора тусли ййловлар, тутун қопланғансимон чакалакзорлар, ўрилған бўлса-да боғлари йигиб олинмаган зигирпоя далалори ўртасидаги ботқоқлик қалайи сингари оқимтирий йилтил замоқда.

Чакалакзорда тунаб совқотган қарғалар уйғониб, овқат гамида қағиллаб, шоҳдан-шоҳга қўнишди. Улар тунги намгарчиликдан оғир тортган қанотларини эринибгина силкийдилар.

Кўпроқ пастлик ерларни қуюқ оқ туман босган эди. Ўнг ерларнинг қуруқ ўт босган ялтироқ бетлари худди туман устида сузгандек туйиларди.

Кўз илгаган бутун атроф жонсиз, бўм-бўш, сув қўйгандек жимжит.

Фақат узоқ шарқ томонда туман босган ҳаво ўхтин-ўхтин зириллаб қўярди, бу худди бирор катта дарвозани салмоқлаб, аммо зўр куч блан қарсиллатадек тағаига ўхшарди.

Агарда бирон кўзи пишган одам, туман орасидаи гуртиб чиқиб турган дўнгларга диққат блан тикилса, икки дўнгчанинг бир-бирига жуда яқин турганини пайдоқаб оларди. Устини бир туғам ўт босган бу иккита қора дўнгча Биденко блан Горбуновнинг шлёми эди. Улар устига қорамтирик кўкатлар ёпиширилган плаш-палаткаларга ўралиб, уч соатдан буён ботқоқлик орасида ётардилар.

Разведкачилар шу тахлитда жойлашиб ётмоқда эдиларки, уларнинг ҳарбири иккинчисининг орқасида нималар бўлаётганини кўриб турар эди. Улар, юмшоқ ерга тирсакларини тираб, бошларини бироз баландроқ кўгариб, ҳарқайсилари ўзлари мўлжалга олган тарафларини синчиклаб кузатардилар.

Ҳар замонда улар бир-бирлари блан қисқа-қисқа гаплашиб олардилар:

— Ҳечнарса кўринаяптими?

— Ҳеч гап йўқ.

— Мен тарафда ҳам шунаقا. Бирорта жон асари кўринмайди.

— Иш чатоқ.

— Ҳа, мазаси йўқ.

Улар немисларнинг орқа томонида фронт линиясидан ўн уч километрча нарида эдилар; ҳар минут ўтган сайин уларнинг афти жиҳдийлашиб, ташвишили тус оларди.

— Кўринаяптими?

— Кўринаяпти.

— Аллақачон қайтса керак эди.

— Ҳой, соатингга қараб қўй. Менини тўхтаб қопти. Бирон нарсага уриб олибман шекилли. Кутганимизга кўп вақт бўлди-ку.

Горбунов соат тақилган қўлига кўз ташлади. У, чақ-қон ва эҳтиёткорлик блан силлиқ ҳаракат қилганидан, унинг шлёми устида биронта ҳам ўт шитирламади.

— Еттидан ўттиз икки минут ўтипти. Демак, уч соатдан ортиқ кутибмиз.

— Ҳху!

Улар кам деганда ўнбеш минутча индамай ётишди.

— Ҳой, Вася,

— Ҳа.

— Уни немислар ушлаб олган бўлса-я?

Горбунов Биденконинг анчадан бери кўнглини жуда безовта қилаётган гапни айтиб юборди. Лекин Биденко тажанглик блан тишини-тишига босди, унинг қорамтири лунжлари таранглашди. Қўзлари торайиб, ғазабга тўлди.

— Валдирاما. Бекорга гап сотгандан кўра, кузат.

— Кузатишга-ку кузатаяпман-а. Ҳечнарсанинг тайини бўлмаса, нима қилай.

Улар тағин анчагача жим қолиб, бутун кучни кўзга йиққанча кузатабердилар. Бирдан Горбунов қимиirlаб, сал бошини баланд кўтарди.

Бу ҳаракат аранг билинса ҳам, у зўр ҳаяжонни ифо-

даларди. Жуда узоқдагини күрадиган кишиларни **кикірга** ўхшаб, унинг күз қорачұғлари торайиб, тұғногиң учиден кичрайиб кетди.

Биденко Горбуновнинг жуда муҳим нарсани **күрағтга** нини пайқади.

— Нима бор экан, у ерда, Кузьма? — секин, лаблари орасидан пичирлаб сүради Биденко.

Горбунов ҳам секин жавоб берди:

— От.

— Бизникими?

— Бизники шекилли. Шошма. Чакалак орасига кириб кетди. Күринмай қолди. Ҳозир чиқади. Думини ликиллатаяпти. Келаяпти. Ана чиқди. Үзимизнинг Серко **екан**.

— Ростдан-а! — Қичқириб юборгундай бўлди Биденко.

— Серконинг ўзи. Энди аниқ кўринаяпти.

— Ундей бўлса, ҳозир чўпон бола ҳам кўриниб қолар. Айтмадимми! Сен бўлсанг, совуқ нафас қилиб юрибсан.

Қувончидан ҳовлиқиб қолган Биденко, бошқа вазиятларда ўзи ҳечбир қымайдиган қилиқлар қилди. У чаққонлик блан иккинчй ёнига ёнбошлади-да, дўсти қараб турган тарафга тикилабошлади.

Уларнинг ҳар иккаласи ерга қапишиб ётганликлари учун, унча узоқ масофани кўролмас эдилар. Уфқ жуда яқинга келгандек туйиларди. Шу уфқ бўйлаб, тутун босган каби чакалакзор орасидан, шиш тиззали олдинги оёғи блан оқсоқланганча ориқ от сургалиб келарди.

Ҳақиқатан бу от Серко эди. Аммо унинг ёнида чўпон бола йўқ эди.

— Бола орқада қолипти. Чарчаб қолган бўлса керак. Ҳозир кўринади.

— Айтганинг келсин.

Шундай қилиб ҳар иккала разведкачи қулоқ солабошлиди, улар синган туёғини ботқоқдан зўрға-зўрға суғуриб келаётган отнинг туёқ товуши орасидан одам оёрининги товушини ажратиб олишга тиришдилар. Броқ одам обгининг товуши эшитилмади.

Шундан сүнг Горбунов оғзига кафтини қўйиб туриб, ёввойи ўрдак сингари қағиллади. Бу шартли товушга ҳам ҳечким жавоб қилмади.

— Эшитмади. Қаттиқроқ қил.

Горбунов қаттиқроқ қағиллади, аммо бу сафар ҳам ҳечким жавоб бермади. Биденко жуда эҳтиёткорлик блан, ишҳоятда секин кўтарилиб, тиз чўкиб олди.

Уфқ бирдан нари сурилгандай бўлди, броқ кўриниб турғаи текис ботқоқликда ҳануз одам қораси кўринмасди.

— Боласи тушкур ўйнашаяпти. Билинтирасдан келмоқчи,— деди Биденко. Ўзи ҳам бу гапни унча ишонмай айтаркан, Горбунов қувватлаб қолармикан деган ниятда шеригига ҳаяжонланиб боқди.

Горбунов чурқ этмади.

— Қани, Кузьма, яна қағиллаб кўр-чи. Балки жавоб қилиб қолар.

Горбунов яна қағиллади. Бу гал ҳам ҳечким жавоб бермади.

— Ваня-а! Чўпон бола!— деб чақириб юборди Биденко, ҳарқандай ҳуш'ёрликни эсдан чиқариб.

— Гақирсаңг-бақирмасанг,— деди ҳомуми бўлиб Горбунов,— масала аниқ...

Бу орада қирчонги от яқинлашиб келиб қолди. Ҳар икки қадамда у тўхвалиб, бигта-яримта учраган чирик ўтларни бўлса ҳам саргайиб кетган тинилари блан узиб емоқ учун ориқ бўйинни ерга чўзар эди. Унинг сийрак, оқини мўй ўсиб чиққон туминугидан узун сўлаги оқиб тушарди. Онгин обёклари қалтирарди. Унинг бир кўзини сайдирга оқ боғсан, қовоқлари устидаги чуқурчалари қорайиб кўринарди.

— Серко, Серко!— деб секингина чақирди Горбунов, кейини оҳиста ҳуштак чалди.

От ҳоргинлик блан бир қулоғини диккайтирди ва оқсоқланиб развелкачилар томонга келаберди. У бошини қўйи солиб, уларинг слдига келиб тўхтади. Одатда ўз

шасини йўқотган от, ана шундай бепарво, **лиқаёнб** турди.

— Чўпон бола қаёқда қолди, Серко? — деб сўради Биденко. — Қаерда йўқотдинг уни?

Серко оғриқ оёғини әгиб қотиб туарди. Унинг синиқ түсқлари қора балчиққа беланган эди. Оқ-сариқ жун ўстган дағал териси қовурғалари устида тортишиб, қалтираб туарди. Садафдай оқ доғ тушган нурсиз кўзи ерга боққан. Фақатгина озғин думғазаси устидаги жунни тўзиб ингичка торған думи ўёқдан-буёққа силкинарди.

Серко анча ёшга борган, аравага қўшиладиган ёввош от эди. Гапираолганида эди, у разведкачиларга кўп нарса айтиб берган бўлар эди. Броқ, разведкачилар шундай ҳам кўп нарсани англадилар. Энг муҳими — улар, чўпон бола бирон фалокатга йўлиққанини пайқадилар.

Утган куни қош қорайган пайтда Биденко блан Горбунов Ванияни олиб разведкага чиққан эдилар. Улар биринчи марта болани разведкага олиб кетарканлар, буни командадагиларнинг ҳечбирига билдирамадилар.

Уларга берилган топшириқ, душман жойлашган ерларга мумкин қадар ичкарироқ кириб, йўлларни разведка қилиш эди. Бундан мақсад: олдинга силжиш зарур бўлиб қолганда ўз батареяларини ботқоқликдан ичкари томонга осонроқ олиб ўтиш эди.

Разведкачилар ўт очучи взводлар учун яхши позицияларни ахтариб топишлари, бўлажак кузатув пунктлари учун қулай жойларни белгилашлари, душманинг мудофаа иншоотларини разведка қилишлари ва, энг муҳими, немис резервларининг миқдори ва жойлаштан ери **тўр**-рисида ма'lумот тўплашлари лозим эди. Агар қайтишда ўзлари блан бир тузукроқ «тил», я'ни штаб офицери, ёнки артиллерия офицерини қўлга тушириб келсалар, чакки бўлмас эди. Броқ бу иш омадга қарайди. **Улар** болани йўл бошловчи қилиб олган эдилар, чунки у **бот**-қоқлик ва ўтиш қийин бўлган бу ерларни **жуда яхши** билар эди.

Шүниси ҳам борки, мабодо Ваняни шу фурсатгача ҳаммомда ювинтириб, соchlарини текислаб ва кийинтириб қўйган бўлганларида, уни разведкага олиб кетишлари гумон ҳам эди. Броқ чўпон болапнг омади келиб қолди. Фронтда ҳамиша бўлиб турадигандек, тўсатдан, батарея резервдан олиниб, тўппа-тўғри жангга солинди. Яна ҳаммаёқ алгов-далгов бўлиб кетди. Ҳаммомга тушиш тўғрисида ҳозирча гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ваня ҳам ўзининг асли ҳолица соchlари ўсиқ, тўзиган, оёқяланг, каноп тўрvasини бўйнига осган ҳолда, қишлоқ чўпон боласининг худди ўзи бўлиб, бошқарув взводи блан биргаликда, олға силжиб бораверди.

Бирор немис ўзининг орқа томонидан бу болани учратиб қолгапида, униг миясига, бу бола душман разведкачиси деган фикр келиб ўтирипти дейсизми? Ваня шу ҳолица истаган ерга, ҳеч қанақа шубҳа туғдирмасдан, бориши мумкин эди. Бундан ортиқ йўлбошловчини топиб бўлармиди.

Бундан ташқари, Ваняниг ўзи ҳам жуда илтимос қилиб туриб олди. У: «Мени ҳам олиб боринг, амакижон, нима қилади борсам? Мен бу ердаги ҳарбитта дарахтни биламан. Сизни битта ҳам немисга билинтиrmай бошлаб бораман. Кейин менга раҳмат айтасиз. Жон амаки!»— деб ёлворди.

У разведкачиларнинг кетидан қолмади. Ваня ўзининг катта, жовдироқ кўзларини уларга жуда ёввош ва умидворлик блан тикарди. Ялиниб, уларнинг этакларига ёпишарди...

Хуллас, улар Ваняни таваккал қилиб ёнларига олиши. Броқ, улар Ваняни шундайича олиб кетишабермади.

Аввало улар, яхши разведкачиларнинг одатича, бу ишни синчиклаб, ҳар тарафлама пухта муҳокама қилиши. Шундан кейин Ваняни йўл бошловчи қилиб олишадиган бўлиб, униг олдига аниқ, равшан вазифа қўйишиди.

Бу жанговар вазифа шундан иборат эди: чўпон бола

різведкачиларнинг олдида юриб, йўлни кўрсатиб ва хиниф-хатар тўғрисида огоҳлантириб бориши керак эди.

Ваня чўпон болага тағин ҳам кўпроқ ўхшаб кетсиз иш немислар жойлашган томонда бекор тентираб юрган шубҳали одам бўлиб кўринмасин учун, бир от топилган эди. Бола гўё йўқотган отини топиб олган бўлиб, уни отаклаб бориши керак эди.

Бунга лойиқ отни полкнинг иккинчи эшелонидаги привакашлар карвонидан топишди. Бу — қари, ориқ, ираланган қирчонғи кўкимтирик от бўлиб, кўзга оқиш кўринишарди, у аллақачонлар рўйхатдан чиқариб ташланган эди. Унинг номи Серко эди.

Ваня, канопдан асл чўпонча қамчи эшиб олди, Серко учун тизгин ясади ва ярим кечадан ошганда, тонг отарга иқин, уч разведкачи, шу жумладан Ваня ҳам ўзининг қирчонғи оти блан унча қийналмай, фронт линиясидан ўтиб олишди.

Ваня отини етаклаганича баҳузур олдинда борарди, ундан юз метрча орқада эса Горбунов блан Биденко ѝхтиётлик блан бир-бири орқасидан сургалишар эди.

Шу зайлда тўрт километр юргандан сўнг, қўйқисдан Ваня немис соқчиларига йўлиқди.

У чўчимади дейилса, тўғри бўлмайди. Ваня ўз қаршисида тўсатдан пайдо бўлган, плашли ва чуқур каска кийған учта қора гавдани кўрганида қўрқишиш ўёқда туриши, тўғридан-тўғри даҳшат ичида қолди. Унинг «немислар қўли остида» бўлганида бошидан кечирганлари ҳали-ҳали ёдидан чиқмаган эди.

Оёқлари бўшашиб кетди, юзига иссиқ қон югурди, ўз олдини қоронғулик босди. Тишларини шақиллатмаслик учун зўр бериб тиришганидан, унинг бутун а'зойи-бидани титрарди.

Унинг кичкина, жулдир кийимли гавдасига электр фонарининг ёруғи тушиб, сўнгра қоронғуликда ажинага ўшишиб кўринган кулранг, ориқ, қирчонғи отни ёритди. Немиснинг:

— Аблак, қоронғуда нима қилиб юрибсан? — деб хириллаган немисча дағал овози әшитилди.

Совуқ, ёвуз, жирканч ва шу блан бирга такаббурлик блан думоғдан ғулдираган бу қаҳрли овозда болага барча хил комендантлар, пазоратчилар, дала жандармалари, қоровул бошлиқлари ва соқчиларнинг ўнларча ва юзларча ўзига яхши таниш бўлиб қолган хунук, немисча овози әшитилиб кетди. У булардан кўпдан-кўп жабр-жафо кўрган ва тарсаки-шапалоқлар еган эди.

У дарҳол бошини елкасига қисиб, кўзларини юмганча, ўша заҳотиёқ калтак сийшини кутиб турди. Дарҳақиқат шундай бўлди. Немис, этиги блан унинг орқасига қаттиқ тепиб, хириллаган овози блан:

— Нега индамайсан, касофат? Гапга жавоб бер. Бўлмаса, яна калтак ейсан! — деди.

Бола немисчага тушунмаса ҳам, бу немисча гапнинг ма'носини bemalol фахмларди. Бу немисча гапнинг ма'носини тотиб кўрабериб, тушуниб қолган эди.

Шу пайт унда бирдан қўрқув йўқолди. Унинг бутун қалби қаҳр-ғазабдан ларзага келди. Ахир, Қизил Армия солдати, машҳур капитан Енакиев қўл остидаги машҳур батареянинг разведкачисини аллақаёқдаги муттаҳам фашист этиги блан тепишга қандай жур'ат этди?

Ванянинг кўзлари қонга тўлди. У немис устига сапчиб, муштуми блан тумшуғига туширишга ва томогини ғажиб ташлашига сал қолди. Вания ўзининг ёлғиз эмаслигини, ёнида дўстлари, содик жанговар ўртоқлари борлигини билар эди. Улар Вания чақирган замон ёрдамга ҳозир бўлиб, немисларнинг ҳаммасини, битта қўймай, сир ёқлиқ қиласидилар. Лекин бола шуни ҳам яхши билардики, у ҳозир душманнинг ичкари томонида разведкада юрипти ва салгина шэвқин кўтарса, группанинг бу ерда эканини билдириб қўяди, жанговар топшириқ ба жарилмай қолади.

Шуни эслаб, Вания ғазабини ва ғурурини зўрга босди.

Яна у, тунда оти блан адашиб қолган кичкина, тентак чўни бола қилиб кўрсатишга ўзини мажбур этди.

— Вой-вой, жон амаки, урманг!— деди у, худди хозир йиғлаб юборадигандек зорланиб,— ўзимнинг отими қидириб юрувдим. Зўрға топдим. Бир кечаю-кундуз сарсон бўлдим. Адашиб қолдим,— кейин у, қамчисини Серкога ўхталиб,— ҳе, ўлиб кет!— деди.

У яна ҳиқиллаб зорланди:

— Мени қўйворинг, амаки жон! Энди ҳеч қилмайман. Уйда ойим кутиб ўтирипти,— деди ва, ҳарқанча жирканч туйилганига қарамасдан, худди ўпмоқчи бўлгандек немиснинг қўлига ёпишабошлади.

— Йўқол, аҳмоқ!— деди немис шахтидан тушиб.— Кирчонғингни судра, түёғингни шиқиллат. Бундан кейин кечаси тентираб юра кўрма — қўлимга тушсанг дорга осиласан.

У тиззаси блан боланинг орқасига тепди ва автомат блан отнинг елкасига бир туширди, шундан сўнг, немис соқчилари қоронғулика кириб ғойиб бўлди.

Шундан кейин Вания, хавф-хатар йўқолганини билдиримоқчи бўлиб, ўрдак овозига ўхшатиб ғафиллади. Разведкачилар яна олға силжидилар.

Хуллас, иш ўнгланди.

14

Шундан кейин ишлар яна ҳам юришиб кетди.

Тонг отди. Куни блан ҳечқандай ҳодиса юз бермади. Раиседкачилар Ваниянг чиндан ҳам бу жойларни билдирилигига ишондилар. У, йўл бошловчилик вазифасини жуда аниқ ва пухта бажариб борди.

Биценко блан Горбунов бирон эски гарам ёки чакаллик юрда янириниб ўтиришар экан, Вания ўзининг кирчони отини ҳайдаб, олдинроққа бориб, теварак-кіроғини кўлани кечириб қайтар ва ўрдакдай қариллаб қулини бекавотир эканлигини билдирад эди.

Бу тахлитда ҳаракат қилганда иш бирмунча қулай-роқ ва тезроқ борарди.

Разведкачилар одатда Ваняни кутиб ўтирганда, вақтларини бекорга ўтказмасдилар. Улар йўл-йўлакай пайқаганларининг ҳаммасини харитага кўчирап эдилар. Бу сафар айниқса кўп нарса мўлжалга олинди. Капитан Енакиев батареясига ажратилган участка немис мудофаасининг энг ичкарисига довур астойдил синчиклаб разведка қилинди. Фақат қиргоқлари ботқоқли анҳорчани разведка қилиш ва тўпларни унинг нариги соҳилига яшириб олиб ўтишга қулай бўлган саёз ерларни харитада белгилаш қолган эди. Немис мудофаасини муваффақият блан ёриб ўтишда бунинг аҳамияти айниқса катта эди. Бу иш капитан Енакиевга, разведка қилиб-нетиб турмай қўйқисдан бир ҳамла қилишдаёқ тайёр маршрут блан ўз замбаракларини зарур пайтда олдинга олиб ўтиш ва чекинадиган немис колонналарини деярлик орқа томонда турибоқ қириб ташлаш имкониятини берар эди.

Броқ, бундай мураккаб разведкани — анҳорнинг қулай ва саёз ерини топиш, сувнинг чуқурлигини белгилаш ишларини айниқса кундузи қилиб бўлмас, бунинг учун тунни кутиш керак эди. Группанинг бошлиғи Горбунов, тонг ёришиши олдидан анҳорнинг ёнига стиб олиш ва эрталабки тумандан файдаланиб қиргоқни кўздан кечириш, саёз ерларни топиш, чуқурликни ўлчаш ва харитада белгилаб чиқиш учун ботқоқлик ўртасидаги ўтлоқда тунашга буюрди. Бу ишни тутгандан кейингина уйга қайтиш мумкин эди.

Шундай қилдилар ҳам. Улар ўтлоқда тунадилар, тонг отишга икки соат қолганида эса, Ваня отининг тизгинидан етаклаб, илгарига қараб кетди.

Биденко блан Горбунов уни кутабошлади. Анҳор узоқда эмас, уларнинг ҳисобича, Ваня энг кўп деганда бир соатдан кечикмай қайтиб келиши керак эди.

Броқ бир соат ўтди, кейин икки, уч соат ҳам ўтиб

кетди. Ванядан дарак бўлмади. Бунинг устига Серко Сир ўзи келди. Шундан кейин разведкачилар Ванянинг бирор фалокатга йўлиққанини англадилар. Уни қутқа-риб олгани бориш керак эди.

Биденко блан Горбунов бирмунча вақтгача бир-бirlарига термулишиб қолиши. Улар чурқ этмадилар. Бир-бirlарининг фикрини англаш учун уларга ҳеч-қандай сўзнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ҳамма нарса жуда оддий ва равшан. Ўз жонларини қурбон қилсалар ҳам, тездан чўпон болани қидиришлари керак эди.

Бошлиқ Горбунов Биденкога «Кетимдан келабер» деб ишора қилди. Улар зийраклик блан ўтлоқни ёқалаб, дўнгликлардан ошиб эмаклаб боришар, атрофни кўздан кечириб олиш учун гоҳо тўхташар эди.

Уларнинг баҳтига, тонг отар пайтида тушган туман тарқалмади. Аксинча, у қуюқлашгандек бўлди. Туман ҳамма нарсани кўздан яшириб, текис ботқоқлик устида бир шарпа каби сузарди. Ҳатто туман бўлмаганида ҳам бирон кишининг разведкачиларни кўриши мумкин эмас эди. Бу ер жуда хилват ва бўм-бўш эди. Гўё инсон қадами етолмайдиган бир жой эди.

Қўққисдан Биденко блан Горбуновга орқадан аллақандай шапиллаган овоз эшитилди. Улар орқага ўгирилдилар. Уларнинг кетидан яраланган оёғи блан оқсоқланиб, битта-битта қадам ташлаганича Серко сургалиб келарди. У туманда баҳайбат бир кўланкага ўхшарди.

— Серко, жўна, орқангга қайт! Бизни билдириб қўйма,— деди Биденко очиқ кўнгиллик блан кулиб,— сенга айтаяпман, чол! Изингга қайт! Кет!

Аммо Серко бошини ма'юс ҳолда эгиб ва кўзининг оқини кўрсатиб келаберди. У гўё: «Барака топкурлар, менни ташлаб кетманглар. Бу ярамас захкаш ўтлоқда, қўрқинчли туман орасида бир ўзим қолиб нима қила-май. Қари отга раҳмингиз келсин!» дегандай бўларди.

Разведкачилар ҳам буни тушуниб турғандилар. Броқ бу ёввош, беозор жонворни ташлаб кетиш қанча аянчли бўлса ҳам, илож йўқ эди. От уларга немисларнинг этиборини тортиб, бир оннинг ўзида ҳалокатга дучор қилиши мумкин эди.

— Эҳ, бечора! — деди хўрсишиб Биденко, Серко ёнига сургала бориб.

У чўнтағидан тасмани олиб, нимжон отнинг шишган, дармониз оёқларини тушовлади.

— Сенга ачинамиз, ошиам. Лекин илож йўқ. Ҳозирча шу ерда ўтлиб юратур. Қорнингни тўйғаз. Яна учрашамиз.

Кейин разведкачилар яна сургалиб кетишиди.

Серко уларнинг кетидан боришга интилди, броқ оёқлари маҳкам тушовланганидан, бир қадам ҳам жиломмади. У бутун кучини тўплаб, сакрамоқчи бўлди. Лекин жуда мажолисиз эди. У орқа оёқларини бироз олдинга сурди, лекин суюклари чиққан биқинини дўппайтириб, дарров таққа тўхтади.

Разведкачилар туила Вания жўнаган тарафга қараб сургалдилар. Ер юмишоқ бўлган жойларда, унинг яланг оёқ излари ҳануэ аниқ билиниб турарди.

Биденко бу изларга қараб туриб, ўйлаб кетди: «Эҳ, биз қандака уқувсиз кишилармиз-а. Шу топгача болапақирга оёқ кийими тўғрилаб бермадик. Ҳўп, ўтган ишга саловот, уни тониб, омон-эсон қисмга борайлик — бошдан-оёқ кийинтиармиз. Ўзига лойиғини топамиз. Ясантириб қўямиз».

Ботқоқлик бошлангандан кейин, излар бутунлай йўқолди. Энди компасга қараб анҳор томон юрилди. Теварак-атроф илгаригича туманли, бўйм-бўйш эди. Анҳор ҳақиқатан яқин жойда экан.

Тез орада разведкачиларга ўт босган нишаб қирғоқ кўринди, сувга яқин жойларда қалин қамиш ўсган. Қарши томондаги тик қирғоқдан ўрмон кўм-кўк бўлиб кўриниб туради.

Бундан нари силжишдан олдин, Гөрбүнов бланн Пиденко анчагача узала тушиб ётиб, төвіпрак-ятрофиғи синциклас текширдилар. Гарчи аңхор қыргоги бұш бўлса ҳам, хавфли кўринарди. Ҳали анча нам, ялтироқ ўтлоқ бетида юк машиналарининг беҳисоб излари кўриниб турарди. Бу излар этик мойинек қоп-қора бўлиб, юк машиналарининг бу ердан яқингинада ўтганилигидан дарак берарди. Балки, улар бу ерга аллақандай юк келтиргандир, эҳтимолки, иморат ёғочи олиб келишган бўлса, чунки ўтлоқнинг ба’зи ерларида янги пайрахадар сочилиб ётарди.

Яқингинада шу ўртага кўприк қурилганга ўхшайди. Шубҳасиз, кўприк шу ерга яқин жойда-ю, аммо уни қамишлар беркитиб туради. Кўприк бўлгандан кейин, албатта, соқчиси ҳам бўлади. Худди мана шундан хавфсираш керак. Нариги қирғоқдаги ўрмонда эса, албатта ҳарбий қисм бор ёки штаблар ўрнашган бўлиши керак: бирнече ерда ўрмон устидан тутун кўтарилимоқда, бир жойда дараҳтлар оролиғида устига кўк маскировка тўри ёйилган аллақандай инженерлик иншооти кўриниб турити. Бу иншоот тўп аслаҳалари блиндажи, кузатув пункти ё эса ён тарафи очик бўлган пиёдалар оқопини тўсив турган марза бўлиши мумкин.

Бундан ма’лумки, немислар бу ерда маҳкам ўришиб, узоқ давом этадиган мудофаага тайёрлашгани

Бу жуда муҳим янгилик эди. Разведкзчилар кейинчалик, имкон бўлганда, бу кўрган нарсаларини ўдакай харитага чизиш учун ҳамма майда-чуйдаларигача эслаб қолишга интилиб, атрофни жуда зеҳи блан кўзлан кечирдилар.

Лекин, ҳарнима бўлганида ҳам, бу ерда узоқ турмай, тезроқ кетиш керак эди. Броқ улар сусткашлик қилардилар. Ахир улар ўз шерикларини кулфатга қолдирниб, қисмга Ванясиз қайси бетлари блан қайтсан лар² Иккинчи томондан эса, улар яна нима қылаолишлари мумкин?

Мана улар ўзларидан олдин Ваня кетган анҳор ёқасига ҳам етиб олишди. Улар ўша анҳорни кўриб туришипти. Хўш, энди нима қилиш керак?

Боланинг излари йўқолиб қолди. Борди-ю ҳақиқатан ҳам уни немислар ушлаб олган бўлишса, албатта болани аллақачон бироита дала комендатурасига олиб кетишган. Лекин, шуниси ҳам борки, қирчонғи отни етаклаб кетаётган кичкингой қишлоқи чувириди болани ушлаб олишдан немисларга нима фойда бор? Уларнинг орқа томонида бу хилда тентираб юрган оч-яланғоч совет болалари озмунча дейсизми? Уларнинг ҳаммасини тутиб бўлармиди? — Иннайкейин — уларни қаерга ҳам жойлаш мумкин, улар блан ким борди-келди қилиб ўтиради? Ҳозирда бусиз ҳам немисларнинг тавиши бошидан ошиб ётипти, ҳаммадан бурун улар ўз жонларини сақлаб қолиш пайига тушишган.

Йўқ. Ваняни немислар ушлаб олган бўлишларига асло ишониб бўлмасди. Борди-ю ушлаб олган бўлганларида ҳам, болани айблайдиган қандай далил топа-оладилар? Очифи, ҳеч қанақа далил йўқ. Илма-тешик тўрва-ю, унинг ичида эскириб кетган, йиртиқ алифбе китоб, бор-йўқ ластмоя шу.

Шундай бўлгандан кейин, унинг қаёқса кетиши мумкин? Нега от ёлгиз қайтиб келди? Балки Ваня чидаш беролмай, жонидан тўйиб, булардан ўзича бе-зив кетдимикан? Броқ бундай бўлиши сра ҳам мумкин эмас. Ваня унақа болалардан эмасди!

Энг тўғрироғи, у анҳорга стиб борган-у, қайтишда адашиб қолгандир. Ваня-я, у адашадиган болами! Йўқ, бу ҳам бўлмаган гап.

Вақт ўтиб бораради. Қандай бўлмасин, бирор қарорга келиш керак эди.

Биденко блан Горбунов, ҳали жигарранг япроқлари тўкилмаган ёш дуб дараҳтлари ўсган чакалакзорда ётиб, бу ҳақда жиддий бош қотирардилар.

Тўсатдан Биденко бир нарсага кўзи тушиб, бақириб

юборишига сал қолди. Бу шарса «Химугомъ» марили кўк қалам эди, буни Биденко Ванияга қад’и қилигин, у ёлса бу қаламни доим ўз тўрвасида олиб юрарди.

— Кузьма!— деди пицирлаб Биденко ва қўзлари блан қаламга ишора қилди.

Горбунов кўриб, чўчиб кетди.

Шу заҳотиёқ ҳар тарафдаги майдо-чуйда жуди кўп белгиларга солдатларнинг кўзи тушди, бу белгилар жуда яқин турганидан, улар аввалда э’тибор бермашин эдилар.

Улар шохчага йилиниб турган бир тутам оқини от ёлини кўрдилар. Ерда чекилиб битмаган немис сигарети эзилиб ётарди.

Улар синдириб олинган шохдан сидирилган бирталай баргларни кўрдилар. Ниҳоят, сал нарироқда уларнинг кўзига Ваниянинг чилвир қамчиси илашди.

Атрофдаги ўтлоқ ерлар босилиб-янчилиб, темир шағали солдат этиклари остида пайхон бўлганди.

Мана шу аломатлардан дарҳол кўзлари олдида бирнеча соатгина бурун бу ерда содир бўлган воқиянинг даҳшатли манзараси гавдаланди.

Энди ҳамма нарса аниқ ва равшан.

Улар йўлни тўғри белгилаб олишган экан. Вания бу ерга оти блан худди шу йўлдан юриб келган. Немислар Ванияни худди шу ерда, ҳозир Горбунов блан Биденко ётган ернинг ўзида ушлаб олишган. Бутун белгилардан, немисларнинг болани қўққисдан ушлаб олиб қийнашгани кўриниб турарди.

Ернинг пайхон бўлганлиги, шохлар синдирилгани, тўрвадан қаламнинг тушиб қолиши ва қамчиннинг четга улоқтириб ташлангани, чекиб тугалмаган сигарет буллар ҳаммаси боланинг жон-жаҳди блан қаршилик кўрсатганлигига ишора эди. Кейин улар болани судраб олиб кетишган. Энг охири разведкачилар ерда Ванияни қийси томонга олиб кетганликларини кўрсатучи измирни ҳам кўрдилар.

Излар қамишзор томонга қараб кетган. Биденко блан Горбуновнинг мўлжалича кўприк ўша ерда бўлиши керак. Бундан чиқадики, немислар болани кўприкдан нариги тарафга, ўрмонга олиб ўтишган, барча аломатлар у ерда немисларнинг штаби ёки комендантураси борлигини билдириб туради.

Шундан кейин разведкачилар аҳволни муҳокама қиласлошлади.

Улар буни тезлик блан, лекин тўйчи разведкачиларга хос чуқур ва ҳар тарафлама муҳокама қилдилар. Бир қарорга келишгина қолди.

Биденко блан Горбунов унвонлари, кўрсатган хизматлари ва хизмат муддатлари жиҳатидан баравар эдилар. Броқ бу разведкага Горбунов бошлиқ қилиб тайинланган эди. Шундай бўлганидан, охирги сўёни Горбунов айтиши керак эди. Ана шу охирги сўз эса, муҳокама қилиб ўтирилмайдиган буйруқ бўларди.

Ўзининг қат’ий фикрини айтишдан бурун Горбунов чуқур ўйга толди. Биденконинг ўз дўстига ишончи зўр. У — Горбунов энг ма’қул қарорга келади, деб ишонарди. Броқ, Горбунов ўз фикрини айтганда Биденконинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У, бундан бошқа ҳамма парсани кутган бўлса ҳам, бунаقا фикр чиқишини сра-сра кутмаган эди.

— Менга қара, Василий,— деди қат’ий равишда Горбунов,— ваз’ият бир-бирамиздан ажralишин талаб қиласди. Тузукми? Сен қисмга қайтиб борасан. Мен бўлсан бу ерда қоламан.

— Нима? Нима деб буюрдинг?— қайталаб сўради Биденко.

— Сенга буйруқ шуки, қисмга жўнайсан. Мен бу ерда қоламан.

— Кузьма!— деди Биденко овозини баландлатиб.

— Гап тамом,— деди Горбунов, қошларини чимирганича, қисқа қилиб.

Шундан сўнг Биденко ортиқ гапиришга ҳожат қолмаганилигини англади. Шундай бўлса ҳам өтироҳ қилиб кўрди.

- Чўпон болани-чи, уни нима қиласми?
- Ўзим бу ерда қолиб, уни қутқазаман.
- Мен-чи?
- Сен қисмга жўнайсан.
- Кузъма, шу ерда икковимиз бирга қолсак, дейман.

— Гап битта!— деди чўрт кесиб Горбунов.
— Ахир, чўпон боласиз қайси бетим блан қайтаман?— деб ёлворди Биденко,— ўйқ, оғайнини, бу гап кетмайди. Нима қилсанг қил, мен болани ташлаб кетмайман. Каллам кетса ҳамки, уни қутқазаман. Ахир бу нима деган гап? У менга ўз ўғлимдай-ку!

— У ҳаммамизга ҳам ўғилдай. Лекин хизмат биринчи ўринда туради. Кимга хизмат қилаётимиз? Совет Иттифоқига. Буни биларсан. Гап шу, қисмга борасан. Мен бўлсан бу ерда қоламан.

— Қисмга бормайман!— деди Биденко, жаҳл блан кўзларини қисиб.

— Буюраман,— деди Горбунов,— бўйсунмас экансан, сени нима қилишимни ўзим биламан. Тушундингми? Менга қара, Вася,— деди у бирдан шахтидан тушиб.— Мени тушунмайди дейсанми? Тушунаман, оғайнини. Бошқа иложимиз борми? Батарея бизнинг ма'лумотларни кутиб турипти. Ноҳотки биз уни кўр кишидек маршрутсиз қолдирсак? Эсингни ема, Вася. Мен бу ерда қолай, сен қисмга жўна. Ма'лумотларимизни уларга етказ. Орқа-ўнгингга қараб юр, ишқилиб омончсон ет. Эҳтиёт бўл, билиб юр, яна немисларнинг тумшуги остидан чиқиб қолма. Тоққа суюнгандек сенга суннаман. Командирга ваз'иятни тушунтирасан. Тузукми?

— Тузук,— деди Биденко лунжини йигиб.

Биденкога узоқ тушунтириб ўтиришининг ҳожити ўйқ эди. У Горбуновнинг ўринда бўлганида, ўзи ҳам

худди шундай қиласарди. У, икковларидан бирорлари-нинг разведка ма'lумотларини қисмга етказиши лозимлигини тушунар эди. Горбуновнинг ҳужжатларни Биден-кодан жўнаттанлиги ҳам тушунарли, чунки Горбунов группа командири. У ўзининг ҳар битта одами учун жавобгар. «Чўпон бола» ни қутқариб олиш учун ҳамма чорани кўрмагунча, у қисмга қайтаолармиди?

— Буйруқни бажар,— деди Горбунов, белгилар чизилган харитани Биденкога узататуриб.

— Яхши қол, Кузьма!

— Йўлга туш, Василий!

— Хўп бўлади.

Бошқа бирор сўз айтмай, Биденко ортга сургалди. Ниҳоят уни қорамтири ердан ажратиб бўлмай қолди, туманга ғарқ бўлиб кўздан фойиб бўлди.

Горбунов ёлгиз қолди.

«Чўпон бола»га нима бўлди экан-а?— бу чигал ва мушкул масала унинг бошини қотирди.— Хўш, нима бўпти,— у ўзига тасалли берди.— Уни немислар ушлаб олишишти, комендатура ё штабга олиб кетишишти. Сўроқ ҳам қилишар. Хўш, ундан нимани билиб олишади? Ахир немислар қўлида Ваняга қарши ҳечқандай далиллар йўқку. Қўриниб турипти, оддий бир бола. Бироз ушлаб туриб, кейин қўйиб юборишади. Энг муҳими шуки, улардан қутилиб чиққандан кейин Ваняни кўздан қочирмаслик керак. Топишгач, қисмга бирга кетамиз. Гап шу».

Горбунов ўз-ўзига шу тасалли бергани блан, дилида, иш бунчалик осон бўлмай, бирмунча мушкулроқ эканлигини сезар эди.

Горбунов билмаган ва ҳали пайқаб етмаган аллақандай бир сир бордай сезиларди. Бу сир нима бўлса?

Чиндан ҳам, Горбунов бир нарсани билмас эди. Башарти у буни билганида, даҳшатдан баданини совуқ тер босарди. Ваня Солнцевнинг хулқини, ақли-хушининг зийраклигини, фаҳми-фаросатининг ўткирлигини

ва ундағи болаларға хос беғубор иззат-нифеси **Горбунов** билмасди. Мана шу сифатлари Ваняни сал **бұлмиса** ҳалок қилаёзди.

Разведкага йұлбошловчи қилиб олишиши **Вания Солиневнинг** күнглини унча тұлдирмасди. У йұл **бонлончи** бўлиш — фахрли ва мас'улиятли вазиға эканлигини биларди. Броқ, бу унга кифоя қилмас эди. Упинғ жуда қизғин, беканоат қалби бундан каттароқни талағ қиларди. У чинакам разведкачидек шуҳрат қозониб, ҳаммани қойил қолдиргуси келарди.

Разведкага жұнашдан олдин Ваня, ҳечкимга **бидирмай**, ўзига компас топиб олди. Қейин ма'лум бўлишича, у бир разведкачининг компасини билдирмай олган экан. Очиқроқ қилиб айтганда, у разведкадан кейин жойига қўйман деб компасни яширинча кроватьдан олган экан. Буни у ёмон иш деб ўйламаган, чунки компас эгаси бўлган разведкачи, болага шу компасни тақиб юриш учун ҳамавақт бериб турган ва ҳатто ундан қандай фойдаланиш кераклигини ҳам ўргатган. Ваняниң қалами бор эди. Езув дафтарчаси ўрнида у алифбе китобидан фойдаланмоқчи бўлган.

Шундай қилиб, чўпон бола беками-қўст қуролланиб слиб, ҳақиқий разведкачилардек ҳаракат қилабошлаган.

Разведка вақтида, Горбунов блан Биденко олдинга қараб кетган Ваняни кутиб ўтириб, унинг буларсиз **нишмалар** қилаётганидан бехабар эдилар. Улар: бола оти блан шундай боради-ю, жойни «ўрганиб» қайтиб келади-да, йўлнинг очиқ-ёпиқ эканини айтиб беради, деб ўйлир эдилар.

Ваня ёлғиз шу блангина кифояланмаган эди. У разведкачиларга тақлид қилиб, ўзича кузатув ишини **олиб** борарди. Бурнини тортиб ва пешонасини тириштириб, у компасни ишга солар, ёлғиз ўзигагина ма'лум бўлгани аллақандай манзил ва нишонларни алифбе китобининг бетларига ажи-бужи қилиб ёзиб оларди. Энг охири у, жойнинг планини туширмоқчи бўлиб кўрди. **Гўллир,**



У, пиниллаб ва пешонасими тириштириб, компас блан
банд эди.

даражтзорлар, анхор, ботқоқликларни әгри-бугри, аммо
аник қилиб шартлы белгилар блан чизиб олаверди.

Немис комендантинынг соқчилари уни худди шу ишни
қилиб турған пайтида тутдилар. У компаси ва алифбе
китоби блан, дуб буталари олдида ўтириб олиб, анхор
ва янги күприкни қўшиб, жойининг планини чизаётган эди.
Бу анхор блан күприкни эса Вания, ҳақиқатан ҳам қа-
мишзор орасидан излаб топган эди.

Шундан кейин нималар бўлганини тасаввур қилиш
қийин эмас.

Вания жон-жаҳдп блан қаршилик кўрсатди. Броқ бола,
немис коменданти соқчиларидан бўлган икки солдатга
қарши нима ҳам қилаолар эди?

Улар Ванянинг қўлини орқасига боғлаб, қўндоқ блан туртиб, янги кўприкдан тепаликдаги ўрмонзор томонига олиб кетдилар.

Бу ерда улар Ваняни чуқур, қоронғу блиндажга ташлаб, устидан қулфлаб қўйдилар.

15

Бирқанча вақтдан кейин бир солдат келди-да, Ваняни сўроқ учун бошқа блиндажга олиб кетди.

Тепасига икки қарағай устун ўртасидан маскировка тўри тортилган бу блиндаж кенг, иссиқ бўлиб, электр блан ёритилган эди. Бурчакда радио минфиљларди.

Уртада оёғи полга қоқилган узун қарағай стол олдида бир эркак блан бир хотин ёнма-ён ўтиради.

Эркак — немис офицери бўлиб, кумуш ранг уқа қадалган қора духобадан тикилган, кенг қайтарма ёқали, тор френч кийган эди; бу кийими блан у жаноза маросимини эслатар эди. Вания немиснинг башарасини кўрмади, чунки немис узук таққан ва тирноғи кир қўли блан юзини тўсиб турарди. Вания унинг ориқ, курканикига ўхшаган қизил бўйини, малла сочини ва қалин шалпанг қулоғинигина кўриб туарди.

Офицернинг башараси уйқусизликдан жуда толиққан ва ўткир ёруғ ғашига тегиб турган кишидай кўринарди. Унинг кенг, усти таранг амиркон козирёкли катта қора мовут фуражкаси орқадаги михда осиғлиқ туарди.

Бу фуражка ва айниқса немиснинг ичини юнг босгани шалпанг қулоғи боланинг дилига ғашлик солиб, алланечук нафратли, ёқимсиз таассурот туғдирди.

Хотинга келганда, гарчи Вания ўша заҳотиёқ ўзича нечундир «муаллима» деб гумон қилган бўлса ҳам, унинг ким эканлигини билаолмади.

У кўрсичқон мўйнасидан тикилган гулдор ёқали чеки кофта, тиззасига сал етадиган тўр юбка ва кўкиш речини

ка этик кийган эди. Ураб-ӯраб, шохга ўхшатиб қўйилган малла соchlари жуда дўнг ва энсиз пешонасида тиккайиб туарди, семиз қашшари устида кўзойнаги қизил чизиқ из қолдирган эди, у кўзойнагини қўлида ушлаб, бир парча латта сингари кўн блан артиб туарди. Унинг чақчайган кўкимтир кўzlари чақнарди.

Ванини стол ёнига кетириб қўйдилар, у шу заҳотиёқ, стол устига қўйилган компаси блан алифбе китобини кўрди, китобнинг ма’лум саҳифаси очиқ эди, бола бу саҳифага анҳор, кўприк ва ҳозирда ўзи турган ўрмоннинг плациини чизган эди.

Хотин ойнаги қалин, гардишсиз тилла кўзойнагини тез тақиб, четига тўр тутилган кичкина рўмолчасига бурнини қоқди, кейин ўргатилган майнадек, рус тилида ясама қилиб бундай деди:

— Бери кел, бола, менинг ҳамма саволларимга жавоб бер. Гапимга тушундингми? Мен сендан гап сўрайман, сен жавоб қайтарасан. Тузукми? Шундай қиласиз-а? Хўпми?

Вания бу гапларга унча тушунмади. Солдатлар блан бўлган муштлашиш зарбидан унинг мияси ҳамон ганги-моқда. Орқасига қайрилган қўллари сирқиллар ва билаклари қаттиқ оғрир эди.

— Қийналаяпсанми, бола?

Вания индамади.

— Жувонмаргнинг қўлини ечиб қўйинг,— деди у немис тилида тез гапириб, кейин тилла тишларини кўрсатиб илжайганича, русчасига қўшиб қўйди:— Бола бечоранинг қўлини ечиб қўйинг. У одобли бўлишга ва’да беради. Энди бизнинг солдатлар блан муштлашмайди, уларни тишламайди ҳам. Жаҳли чиқиб қилган-да, шунақами, бола?

Ваниянинг қўлларини счдилар, у хўмрайиб, атрофга тез-тез кўз ташлаб, чурқ этмай тураверди.

— Ана энди,— деди немис хотин тилла тишларини сал-пал кўрсатиб.— ана энди, бола, бизга яқинроқ кел.

Биздан құрқма. Биз сендан фақат сүраймиз, сен **бұлсанғы** жавоб қайтарасан. Тузукми? Қани энди, айт-чи **бизге** үзинг кимсан, отинг нима, қаерда турасан, ота-онанғ **ким**, сұнгра, бу мустаҳкамланган районга қандай қилиб **келиб қолдинг**?

Ваня ўшшайиб ерга қараб олди.

— Мен ҳечнарсани билмайман. Менда нима **ишишгиз** бор, үзи? Мен сизга текканим йўқ-ку,— деди у йигламси-раб.— Мен отимни қидириб юрувдим. Зўрга топдим. Бир кеча-кундуз сарсон бўлдим. Адашиб қолдим. Дам олай деб турганидим, сизнинг солдатларингиз урабошлишиди, қанақа ҳақи бор бунга?

— Ҳай, ҳай, бола! Бунақа қўпол гапириш ярамайди. Солдатлар ўз вазифаларини бажаришган, уларнинг ҳам сал-пал жаҳллари чиққан-да. Лекин биз билмоқчимиз, сен кимсан, қаердансан, ота-онанг қаерда?

— Мен етимман.

— Эҳ, бола бечора, ота-онанг ўлиб кетган экан-да, а?

— Улар ўз ажаллари блан ўлган эмаслар. Уларни **ўлдиришган**. Худди сизнинг одамларингиз **ўлдиришган**,— деди Ваня аччиқ заҳарханда блан, немис хотиннинг тер чиқабошлаган семиз қаншарига тикилиб туриб.

Немис хотин гангиб қолди ва рўмолчаси блан ғадир-бутир бурнини артабошлади.

— Ҳим. Уруш шунақа бўлади,— деди немис хотин,— жуда ёмон иш бўлипти, лекин хафа бўлмаслик керак. Бу ишда ҳечким айбдор эмас. Ҳаммаёқда етимлар тўлиб ётипти. Эҳ, бола бечора! Лекин сен ғам ема. Биз сени ўқитиб тарбиялаймиз. Сени яхшигина болалар уйнга жойлаштириб қўямиз. Ундан кейин, ўқув юртига ҳом киритиб қўямиз. Сен турмуш учун жуда зарур бўлган яхши касбни эгаллаб чиқасан. Тўғрими? Хоҳлайсанми?

— Мюллер хоним,— деди офицер немис тилида, та-жанглик блан, у бетоқат бўлиб сепкилли пешонасини бармоқлари блан чертиб турарди.— Бекорчи сафентини қўйинг. Бунинг ҳечкимга фойдаси йўқ. Бу аблиҳ комиш-

ни қаердан олган ҳам ким бизнинг мустаҳкамланган район схемасини чизишга юборган? Мен шуни билмоқчиман.

— Хўп, хўп, майор жаноблари, ҳозир аниқлаймиз. Сиз рус боласининг фе'лини билмайсиз, мен буни яхши биламан. Менга қўйиб бераверинг. Дастраб мен унинг юрагига қўл солиб кўраман, ўзимга ишонч туғдирмана, шундан кейин у менга ҳамма нарсани айтиб беради. Менга ишонсангиз бўлади. Мен бу халқнинг орасида ўнйил яшаганиман.

— Дуруст. Лекин беҳуда сафсата сотиб ўтирманг. Бу менинг жонимга тегди. Тезроқ қўлга олиб, бу ярамасга компасни ким берган ҳам ҳарбий об'ектларимизнинг схемасини туширишини ким ўргатган — шуни билиб беринг. Менимча, бу схема биладиган одамнинг иши. Қани, бошликтан!

— Шунаقا, бола, деди рус тилида немис хотин, зўрбазўр илжайиб ва тагин тилла тишларини кўрсатиб, — сен ўзинг кўриб турибсан: сени яхши кўраман ҳам сенга яхшилик қилмоқчиман. Менинг отам блан онам узоқ вақт Россияда яшагилар, ўзим бу ерда ўн йилдан ортиқ турганман. Кўраяпсанми, рус тилида қанақа гапирайман? Сендан ҳам яхшироқ гапираман. Мени рус хотинлардан ажратиш қийин. Сен менга тамом ишонавер. Мени ўз холангдай билиб, очиқчасига гаплашабер, чўчима. Мени хола деб тапир, шундай дессанг менга ёқади. Хўп, қани айт-чи, бола, бу компасни қаердан олгансан?

— Топиб олдим.

— Ҳай-ҳай-ҳай! Холанг сени шундай яхши кўрса-ю, сен уни алласанг-а, яхши эмас. Сен шуни билки, ёлғон гап кишининг бурдини кетказиб қўяди. Хўп, яна бир марта ўйлаб кўр-да, айт, компасни қаердан олгансан?

— Топиб олдим, — деди ўжарлик блан Вания.

— Бўлмаса, компас бу ерда қўзиқоринга ўхшаб ўсиб ётар экан-да?

— Бирор йўқотган, мен топиб олдим.

— Ким йўқотган бўлади?

— Бирон солдат йўқотгаңдир-да.

— Бу ерда фақат немис солдатлари бор. Немис солдатларида немис компаси бўлади. Бу компас эса русларни. Бунга нима дейсан, бола?

Ваня ўринсиз гапирганини сезиб, пушаймон етанича индамай қолди.

— Хўш, буниси қандай бўлди?

— Билмайман.

— Билмайсанми? Жуда соз. Тушундим. Сен ўзингга компас берган одамларни айтиб беришни истамайсанми? Сен жим туришни билар экансан. Бу сенинг яхши томонинг. Лекин, сенга компас берган одамлар яхши одамлар эмас. Улар жуда ҳам ёмон одамлар, улар жиноятчилар, биласанми, жиноятчиларни нима қиласидилар? Ахир сен жиноятчи бўлишни истамайсан-ку, шундай эмасми? Қани, айт-чи энди, компасни ким берди?

— Ҳечким.

— Бўлмаса қайдан олдинг?

— Топиб олдим.

— Хўп. Сенга ишонай. Сёни рост айтаяпти ҳам дея қолайлик. Ундан бўлса, айт-чи, сенга бунақанги ажойиб расмлар чизишни ким ўргатди?

— Расмингиз нимаси? Мен тушунмаяпман, нимани сўраяпсиз ўзи,— деди Ваня ўзини гўлликка солиб, ёнги блан бурнини арта-арта.

— Қани, берироқ кел-чи. Яқинроқ. Чўчима. Мен сенни урмайман, бу китоб кимга қарашли?

— Кимга деганингиз нимаси?— деди Ваня ва ҳўнграб юборди:—мэндан нималарни сўраяпсиз ўзи, билмай қолдим!

— Китоб кимники?— деди сабри тугаб немис хотин.

— Алифбеми?

— Ҳа. Алифбе. У кимники?

— Мешни.

— Унга сурат солган ким?

— Ниманинг суратини?

— Ҳай, бола, сен кўп мугомбирлик қилаберма. Бу схемани ким чизди?

— Қанақа схемани,— бўғилди Ваня,— мен ҳечқанақа схемагизни билмайман. Мен отимни йўқотиб қўйдим. Кеча-кундуз қидириб сарсон бўлдим. Қўйиб юборинг мени, жон хола, сизга нима ёмонлик қилдим?

— Буёқса кел деяпман, сенга!— деб бақирди немис хотин ва ўнинг кўзойнак остидаги кўзлари загчаники сингари чақчайиб кетди.

У, омбирдек қаттиқ қўллари блан боланинг елкасидан маҳкам тутиб, стол олдига силтаб келтирди-да, бурнини ишқаб алифбе китобини кўрсатди.

— Мана буни ким чизди, деяпман?

Ваня шима деб ҳам жавоб қилсин? Да лиллар очиқ-равшан эди. Ваня ранги қум ўчганича алифбе китобининг уриниб эскирган саҳифасига жим термулди, бу саҳифадаги ёзув ва суратларининг тепасида, беўхшов бўлса ҳам янги кўприк ва кечувлари блан анҳор схемаси хийли боплаб чизилган эди.

Айниқса анҳорнинг саёз кечувларини ўхшатиб чизганидан Ваня мамнун эди. Буларни унинг ўзи разведка қилиб кўрган на кейин разведкачиларнинг худди ўзларига ўхшатиб аниқ қилиб суратини чизган эди. Ҳарбир кечув қаршиисига йўғон ётиқ чизиқ тортилган, унинг тепасига ҳафсаала блан I рақами ёзилган, бу рақам чуқурликнинг бир метр эканлигини билдирад, чизиқча остига эса, анҳор тубининг қандайлигини билдиручи «Қ» ҳарфи ёзилганди. «Қ» — қаттиқ дейилтани эди.

Ваня, тониб бўлмаслигини ва энди қўлга тушганини фаҳмлади.

— Ким чизди буни?— деб такрорлади немис хотин худди таранг тортилган симдек титраган овоз блан

— Билмайман,— деди Ваня.

— Билмайсанми?— деди немис хотин. Унинг юзи аввалига унниқиб кейин ишқор сингари қорайиб кетди.

Бирдан хотин чаққон ҳаракат қилиб, темирдек **нишга** лари блан боланинг қулоғидан қаттиқ чўзди-ди, унинг бетини зўрлаб юқорига қаратди.

— Оғзингни оч, сенга айтаяпман, оғзингни очиб **тилингни** кўрсат!

Вания нима бўлишини англаб, тишларини маҳкам қисди. Шу пайт немис хотин бақувват тиззалари блан болани хотига қисиб туриб, бош бармоғини унинг лунжига ботирди ва илмоқ солгандек оғзини йиррабошлади.

Вания оғриқдан додлаб юборди ва хиёл тили кўринди. Немис хотин унинг тилига қаради-ю, хурсанд бўлиб:

— Мана энди билиб олдик! — деди.

Ваниянинг тили бутунлай кўкка бўялган эди. Чунки у схема чизаётганида ҳадеб кўк қаламни ҳўллаб турган эди.

— Иш шундай, бола,— деди немис хотин, қипқизил ўғон панжаларини жирканиб тўр юбкасига артар экан,— биз сендан сўраймиз, сен бизга жавоб берасан! Тузукми? Сенга топография схемалари қилишни ким ўргатди, у сдамлар қаерда туришади ҳам уларни қайдан топса бўлади? Сўзимга тушундингми? Ёнингга тажрибали учта ҳамроҳ оласан-да, уларга йўлни кўрсаৎсан.

— Мендан нимани сўраяпсиз ўзи, тушунмаяпман,— деди Вания.

Бола столга тиралиб турарди. У жон-жаҳди блан лабларини тишлар эди. Бошини қуий солиб олган эди. Кинриклари остидан дона-дона ёш томчилари китоб саҳифасининг хатсиз ерларига чизилган схема устига юмалаб тушарди. Схема, тўнкага ботирилган болтани тасвирланган қора расм блан эгри чизиқлардан ясалган тўр устига чиройли қилиб ёзилган: «Қуллар биз эмасмиз. Биз қуллар эмас» деган сўзлар ўртасидаги оралиқقا туширилган эди.

— Гапир,— деди секингина немис хотин ва бурни блан нафас олди.

— Айтмайман,— деди ундан ҳам секин овоз чиқариб Вания.

Худди шу пайт офицер узук таққан қўлини секингина настга чўзди, Вания унинг қипқизил қирра бурнини, кичкина кампир даҳанини, сепкилли юзини ва касалнамо афти-ангорини кўрди.

Вания офицерниг кўзларини кўраолмади, чунки унинг кўзлари ёниб, болага урилган қаттиқ шапалоқ Ванияни девор тагига улоқтириб юборган эди.

Вания устунга орқа мияси блан бориб урилди, лекчи йиқилгунча қўймай, уни бир силтаб яна стол томонга ытқитдилар. У аввалгидек иккинчи қаттиқ тарсакини еди. Бу сафар ҳам уни йиқилгани қўймадилар. У стёл олдида гангид, тебраниб турди, унинг бурнидан қон келди, бу қон алифбе китобидаги «Қуллар биз эмасмиз. Биз қуллар эмас» деган сўзларни бўяди.

Боланинг кўз олдида қўш-қўш оқ ва қора нуқталар жимирилашиб турарди. Қулоги ғувуллар эди, худди у ўш қозоннинг ичидаги, ташқаридан қозонни болға блан ураётгандай эди. Шу пайт Вания:

— Энди айтасанми?— деган товушни эшилди. Бу товуш унга ниҳоят даражада секин ва узоқдан келгандай эшитилди.

— Жон хола, урманг мени!— деб бақириб юборди бола, қаттиқ қўрққанидан қўллари блан бошини бекитиб.

— Энди айтасанми?— деб мулойимлик блан такрорлади узоқдан чиққан овоз.

— Айтмайман,—деб пичирлади бола лабларини аранг қимирлатиб.

Яна шапалоқ зарби уни девор тагига ирғитиб ташлади. Энди Вания ҳечнарсани сезмай қолди. У икки солдатнинг блиндаждан ўзини сургаб олиб чиққанини ва орқасидан немис хотиннинг:

— Тўхтаб тур, бола! Уч кун сувсиз, овқатсиз қолганингдан кейин айтмай бўпсан,— деб бақириб қолганини ҳам билмади.



— Оғзингни оч, сенга айтаяпман...

Ваня қоронғуда, ерни титратаётган қаттиқ ларзадан ҳушига келди. Зарб уни силкиб, деворнинг у чеккасидан бу чеккасига отар эди. Тепадан шитирлаб қум тұқилар ин. Гоҳо у ингичка тарновдан тұқилгандек тушар, гоҳо бирдан қуйиндең ёғиларди. Ваня устини оғир құм босғанини сезди. У ярмигача құмилиб қолған эди. Ұзини босған құмдан қутилиш учун у, зұр беріб құлларини ишга солди. Тирноқлари шилиниб жетди. У қанча вақт ҳүшсиз ётғанини билмасди. Аңча вақт ҳүшсиз ётған бўлса керак, чунки у кўнгли озиш даражасида оч қолған эди.

Муздек совуқ а'зойи-баданидан ўтиб кеттган эди.

Тишлари шақилларди. Бармоқлари увишиб қолиб, ғранг букиларди. Боши ҳали ҳам оғрир, аммо ҳуши жийида эди.

Ваня ўзининг сўроқ олдиdan қамаб қўйилган ўша блиндажда эканлигини ва атрофда бомбардимон бўлаётганини билди.

Бола, ларзага келаётган деворга урила-сурила, зўрбазур эшикни топиш учун уёқдан-буёққа сургалди. У эшикни анча вақт ахтариб, охири топди. Броқ эшикни ташқаридан қулфлаб қўйилганидан, очишининг иложи бўлмади.

Шу чоғ тўсатдан жуда яқин ерда, худди бошининг устида шундай зўр бир зарба урилдики, бола бирпас гарангсиб қолди. Тепадан бирнечта хода қулаб тушиб, бошига тегиб кетишига сал қолди.

Жуда ҳам яқинда, худди бир-бири блан ўзишиб ўйнаётгандек отилаётган сон-саноқсиз пулемётларнинг аралаш-қуралаш овози эшитилди.

Ваня ўтирган блиндажни ағдар-тўнтар қилиб юборган бомба охирги бомба бўлди. Жимлик бошланган пайтда, бутун куни блан давом этган жанг суронининг овози ҳар тарафдан барада эшитиларди. Боланинг қулоқлари яна эшитабошлади, унинг қулоғига, давом этаётган жангни

бу шафқатсиз шовқун-сурон орасидан аллақасерда одамларининг бир-бирига жўр бўлиб, куйлаётгандек бараварига, «а-и-а-а-а!» деган овози эшитилди.

Бир вақтлар разведкачилардан эшитгани: «Жин подиоси ҳужумга киришди» деган сўзлар шунда Ваня нинг ёдига тушиди.

Бола, ердан ясалган ва ҳозир кўмилиб кетган зина орқали блиндаждан бир амаллаб чиқиб олди-да, бағрицинг бериб ётди.

У ўрмонни кўрди, бу ўрмон яқинда немислар уни ушлаб олган ўрмоннинг ўзи эди.

У вақтда бу ўрмонда тўла тартиб, осойишталик ва жимлик ҳукм сурарди. Худди истироҳат боғларидаги сингари ҳамаёқда йўллар очилиб, уларга қумлар сепилгани, ариқларнинг устига оқ қайнин шохидан панжара қилиб кўприкчалар қурилган эди, штаб блиндажлари тўр блан ниқобланиб, устига яшил тўртбурчаклар ва қуббалар шакли солинган эди; тахтадан ясалган ола-була соябонлар остида қалин кийинган соқчилар турарди. Ҳар тарафга қора ҳам қизил телефон симлари чўзилиб кетганди; йўлдан саватча кўтарган қизлар ўтиб юришарди; сафарда олиб юриладиган электр станцияси аллақадаги қалин дарахтлар ичида дамба-дам гувиллаб қўярди. Чуқур қилиб қазилган махсус ўралар ичида штаб автобуслари ва «Оппель-адмирал» деган енгил машиналар шохларга ўраб қўйилган эди.

Яхши ускуналанган ана шу немис штаби жойлашган ўрмон ҳозир абжағи чиққанидан таниб бўлмайдиган ҳолга келган эди.

Бомба ўпирган чуқурлардан буруқсаб тутун кўтарилимоқда, чуқурлар атрофида илдиз-пилдизи блан қўпорилган қарағайлар, автомобилъларнинг турли хил синиқлари, куйниб ҳали ҳам тутамоқда бўлган шинельлари блан немис мурдалари ётипти. Дарахт шохлари учида маскировка тўрларининг парчалари осилиб туради. Ҳавони нафас бўгучи порох ҳиди босган эди.

Отилган ўқлар жиіліннің ургандағы сингары маңта овоз чиқарып, пүстілөқларни шилиб ва шохларни учирганича визиллаб үтиб турарди.

Шу заҳотиәк Ваня немисларнинг ўрмондан чиқиб кетгандарини, лекин ұали бизниkilар ўрмонга кириб етмагандарини пайқади. Бу пайт — қисқа ва шу блан бирга кишини толиқтирадиган даражада узоқ сукунат пайти эди, бу орада батареялар шошилинч ҳолда ўз позицияларини олмаштираар, миномётчиilar елкаларига ўз миномётларини ортар, телефончилар, чопиб кетатуриб, ғалтакларини ёзиб борар, алоқа офицерлари күп қирралы броневиклар устида уёқдан-буёққа үтишиб турар, миначилар узүичоқ исказбтопар асбоблари блан мина ахтариб борар, елкаларига милтиқларини осиб олган ўқчи аскарлар эса бундан беш минутгина бурун душман турған жойлардан энди ерга ётmasданоқ тикка үтиб борышарди.

Ваня ерга бағрини берганича юраги ўйноқлад, ўз одамларимиз қачон келишаркан деб кутиб ётди.

Ниҳоят улар күриниб қолиши.

Бүрінчи бұлиб, яғири чиққан йиритиқ плаш-палаткасының қилпиратиб, каттакон бир солдат күринди, у дарахтлар орасынан чопиб үтиб, тиз чўкиб олди ва тезлик блан автоматидаги дискини ўзгартириб, ерга чўзилди-ю, нишон олди.

Унинг нишонга олиши Ваняга жуда узоқ давом этгандай туйилди. Аслида эса у нишонни атиги бирнече секунд гина кўзлаган эди, холос. У нишон танларди. Ниҳоят у тепкини босиб юборди. Думалоқ қора дискли автомат ўқ чиқарып, тариллаб кетди.

Бирданига шу тобда Ваня солдатни таниб қолди. У Горбунов эди. Тавба-ей, мунчаям ўзгариб кетмаса! Бу солдат ўша ботир, зуваласи пишиқ, савлатли ҳам семиздан келган Горбуновнинг ўзгинаси эди, броқ унинг чеҳрасидаги ўзига хос мулойим табассумдан ҳечқандай асар колмаган: эди. Унинг киприги оқ, жанг ғазабидан ташвишли

тус олган ва дудлардан қорайиб кетган башарасыда дақ-шаш айе этарди.

Бу Горбунов, Ваня билган Горбуновга ўхшамас эди. Вани кўриб юрган Горбунов соқол-мўйловлари қирилган, онноққина, қирмизи юзли, чеҳраси очиқ киши эди...

Броқ ўша Горбунов оддий яхши кишилардан бўлган бўлса, мана бу Горбунов жуда асл одам эди.

Горбунов амаки!— деб қичқирди Ваня ингичка то-нушини жанг шовқунидан баландлатишга интилиб.

Шу дақиқанинг ўзида уларнинг кўзи-кўзга тушди.

Горбуновнинг юзида табассум пайдо бўлди — бу та-бассум аввалгидек ўз ўртоқлари блан бирваракайига ҳан-дон уриб, мустаҳкам тишларигача кўрсатиб кулишининг айни ўзи эди.

Чўпон бола! Ваняжон,— деб бақириб юборди Гор-бунов, унинг баҳодирона ва шу блан бирга бироз хотин-ларга ўхшашроқ шангироқ овози бутун ўрмонни тутиб кетди. — Оббо қурғур-ей! Сени қара-я, тирик экансан! Мек бўлсан сени бутунлай йўқ бўлиб кетган деб ўйловдим. Эй, қадрдон оғайнничам, бу қандоқ бўлди ўзи,— деди у, бир зумда Ванянинг ёнига етиб келиб.— Оббо, укагинам-ей, тоза ҳам бизни ташвишга қўйдинг-да!

У болани маҳкам қучоқлаб, бағрига босди. Кейин қизиб турган қўлини юзларига қўйиб, солдатча дағал лаблари блан унинг оғзидан икки бор чўпиллатиб ўнди.

Унинг жанг суронида қизишиб терлаган зўр гавдаси-нинг хароратини сезиб, Ваня жудаям хурсанд бўлиб кетди.

Ҳозир бўлаётган бу воқиалар Ваняга худди тушдай, мўжизадай кўринарди. У Горбуновга янада қаттиқроқ ёпи-шиб олгуси, плаш-палаткасининг ичига кириб кетгуси ва шу равишча жуда узоқ, ҳатто сурункасига — беш соат бўлса ҳам ўтиргуси келди, броқ, у ўзининг солдат эканли-гини, солдатга эса бундай беҳуда қилиқнинг ярашмасли-гини ўлади.

Горбунов амаки,— деди у шошиб-пишиб,— бу ўр-мовди битта штаб блиндажи бор, мени ўшатда сўроқ қи-

лишган. Бу блиндаж кўк лампалик блиндажимииздан ҳам яхши. Унга иккита келади.

— Чиндан-а!

— Батареяча чин сўзим.

— Иssiқ жойми? — қизиқсиниб сўради Горбунов.

— Ўҳу, иссиқ ҳам гапми? Уларда радио ҳам бор эди.

Ҳарвақт гапириб турарди.

— Радио? Радио бизга жуда ҳам керак,— деди Горбунов ҳовлиқиб ва ўзининг рўзгорпарастлиги қўзгаб кетиб, қани, қаерда блиндаж, кўрсат-чи! — деди.

— Шу яқин ерда.

— Бўпти, кириб оламиз. Бўлмаса бошқалар эгаллаб қўяди. Кўпдан бери командага шунаقا блиндаж топсам деб ўйлаб юрувдим. Радиоси ҳам бўлса дердим. Бизнинг батарея тўппа-тўғри шу йўлдан келиши керак.

Улар блиндажга югуриб тушишди.

— Шуми?

— Шу,— деди Вания ғижинган ҳолда кўзини сузиб.

Горбунов шундай ҳолларда керак бўлиб қолар деб атайи олиб юрган бир бўлак кўмирни шимининг чўнтағидан чиқариб, катта-катта ҳарфлар блан эшикка шу сўзларни бирпасда ёзиб қўйди: «Н-нчи артиллерия полкига қарашли енгилмас биринчи батарея бошқарув взводининг разведчиклар командаси томонидан эгалланди. Ефрейтор Горбунов».

Бу чоғ ўрмондан орқасига етмиш олти миллиметрли енгил тўпларни тиркаб олган юк машиналари дараҳтларни оралаб ғизиллаб ўтабошлаган эди.

Бу машиналар ўт очиш позициясини ўзгартираётган капитан Енакиев батареясининг машиналари эди.

— Чўпон бола, бас энди. Шунча ўйнаб олганинг етар. Ҳозир сени чинакам солдат қилиб қўямиз.

Ефрейтор Биденко шу сўзларни айтатуриб, кийим бош
Французий кўнга тугунини койкаға ташлади. Тугунини қиёниб
Боглагани янги чарм камарни ечди. Буюмлар ёйилди, Вания
кўрса, янги шим, погонлар тақилган янги гимнастёрка,
ҳом суриндан тикилган ич кийимлару-пайтавалар, буюм
соладиган ҳалта, противогаз, бежиримгина шинель, қизил
юлату қўлчалини қулоқчин шапка бор экан, ҳаммадан ҳам
этикини айтинг. Бу ажойиб кўн этик бўлиб, ости чарм
эди, унга қоқилган ёғоч михлар силил қилиб эговланган
бўлиб, михларнинг учи йилтиллаб тўради.

Вания бу дақиқани кўпдан бери кутган эди. Доим у
шунни орзу қиласар эди. Бунга етишажагини олдиндац пай-
қаб хурсанд бўлиб қўярди. Лекин бу дақиқа ётиб келга-
найди, кўзларига ишонмай қолди. Юраги орзишиб кетди.

Вў жудаям јхши ва пишиқ қилиб тикилган, япяниги
кийим-бош — катта бир бойликнинг ҳаммаси энди ўзиники
экаши сраям ақлига сифас эди.

Вания кийим-бошларга қўл тегизишга ботинолмай, ти-
килганича қараб турди. Айниқса, погондаги кичкина жез
тўпчаларни ушлаб кўргуси келарди. Алоҳол бўлмай бар-
моқларини жез тўпчаларга чўзган эди, броқ, тўпчалар
унинг қўлини куйдириб оладигандек, ўша заҳоти тортиб
олди.

Вания киприкларини пир-пир учиралиб, гоҳ буюмларга, гоҳ
Биденкога термуларди.

- Ҳаммаси менгами? — деди охири у чўчинқираб.
- Албатта.
- Йўқ. Ростини айтинг, Биденко амаки.
- Рост айтаяпман.
- Батареячи чин сўзингизми?
- Чин сўзим.
- Ҳам разведкачи чин сўзингизми?
- Бўлмасам-чи, — деди Биденко кулиб юбормаслик
учун қовоғини солиб. — Мен ҳатто сенинг ўрнингга ведо-
мостига қўл ҳам қўйдим.
- Вой-бўй, аллақанча нарса-я!

— Булар кийим-бош та'миноти бўлади,— деб қўйди жиддий тусда Биденко,— қанча тегишли бўлса, ҳаммаси шу ерда бор. Ортиқ-ками йўқ.

«Ведомость», «кийим-бош», ва ҳаммадан ҳам «қанча тегишли бўлса» деган жозибали ва сирли сўзларни эшигтгандан кейингина, Вания бунинг туш эмаслигини пайқади. Буюмлар чиндан ҳам унга тегишли эди.

Шундан кейингина у шошмасдан, буюмларни худди хўжайниларча бирма-бир ёруққа тутиб дикқат блан кўздан кечира бошлади.

Буюмларниң ҳаммасини кўздан кечириб кўнгли тўлгандан кейин, Вания:

— Энди кийим-бошларни кийсам майлими?— деди.

Броқ Биденко бошини тебратиб кулди.

— Сени қара-ю, мунича ичинг қуримаса! «Кийиниш» эмиш-а! Ёкиб қолипти-да! Йўқ, ука, аввал ҳаммомга тушамиз, кейин пахмоқ сочиниги олдирамиз, ана шундан кейингина сени аскар қилиб қўямиз...

Вания қаттиқ хўрсинди, лекин индаялмади. У кийим-кечакларни тезроқ кийиб, ҳозирданоқ чинакам солдат бўлиб олишни қанчалик истамасин, ўзидан катта одамнинг галини қайтаришга ботинаолмади. Ҳали ҳарбий интизомнинг нима эканлигини тўлиқ тушуниб етмаган бўлса ҳам, буни ҳозирданоқ сезабошлаган эди. У сўзсиз бўйсунишга энди ўрганиб қолған эди. Ўзбошимчалик блан иш қилишнинг оқибати нима бўлишини бир марта ўз бошидан кечирганди. У сўрамай-истмай топография блан машғул бўлиб, Биденко блан Горбуновни ташвишда қолдиргани учун, улар олдида ҳали-ҳали юзи шувит эди. Горбунов ҳар минут сайнин немис соқчиларининг қўлига тушиб, жопидан ажралиш хавфи остида икки кеча-икки кундуз немис «штаб ўрмони» да Ванияни ахтариб юрди.

Болага бу ма'лум эди. Аммо у кўп нарсани билмасди. Чупончи, Горбунов қисмга уни топмай қайтмасликка қат’ий аҳд қилганлигини билмасди. Горбунов Ванияни разведкага рухсатсиз олиб кетган ва унинг учун батарея коман-

дири олдида боши блан жавоб берарди. Биденко омон-эсон қисмга қайтиб келиб, юз берган ҳодисани командир-та ма'лум қылганида, капитан Енакиевнинг тела сочи тимоз бўлганини ҳам Вания билмас эди. Капитан взвод бош-қармасининг командири лейтенант Седихни судга бермоқ-чи бўлган ва болани ахтариш учун дарҳол беш кишини разведкачилар группаси юборишни буюрган эди. Ҳай-тавур омаддан бўлиб, ўша куни янги ҳужум бошланаб қолди-ю, ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетди.

Бу сафар немис фронти юз километрдан ортиқ кенглини-да ёриб ўтилди. Биринчи куннинг ўзидаёқ қўшинларимиз, немисларга тўхтаб ўзларини ўнглаб олишга имкон бермай жанг блан ўттиз километрдан ортиқ илгари силжидилар.

Шунинг учун ҳам ана шу шонли куннинг охирига бориб «штаб ўрмони» (хариталарда ва ма'лумотларда у шундай юритиларди) бизнинг узоқ орқа томоннимизда қолиб кетди, қўшинларимиз эса зарбанни кучайтира бориб, тўх-тамай олға силжидилар, шундай қилиб Горбуновнинг ўз командаси учун банд қилган блиндажининг иераги ҳам бўлмай қолди.

Шундай бўлса ҳам, Вания бу я'нати блиндажга бир кириб чиқди. Немислар шу қадар шошиб-пишиб қочган эдиларки, блиндаждаги ҳамма нарса боягидай жой-жойи-да туарар эди. Ҳатто қора фуражка юпқа тахта деворда ҳануз осиглиқ туарар эди.

Вания деворга осиб қўйилган ўзининг тўрвасини, ком-наси ва алифбе китобини олди. Китобнинг суратли ва ёзма ҳарфлар блан «Қуллар биз эмасмиз. Биз қуллар эмас» деган сўзлар ёзилган ма'лум саҳифаси ҳали ҳам очик бў-либ, унда қон юқлари қотиб ётарди.

Ҳужум тез кучайиб борди. Орқа томондагилар узоқда қолиб кетди. Шунинг учун Ванияга кийим-бош келгунча ишта нақт ўтди. Ундан кейин кийим-бошни боланинг оғанига лойиқ қилиб бошқатдан тикдириш керак бўлди.

Кун сайни бир жойдан иккинчи жойга кўчиб турилган омир широнитда бунинг иложи йўқ эди. Броқ разведкачи-

лар ийл-ийлакай, уста машиначи, этикдўз ва ҳаммадан ҳам зарури машинкасай бор сартарошни топиш учун ўзларининг этиборли ва та'сири эканликларидан фойдаландилар.

Хўжалик ииларига омил бўлган Горбунов зиёфат учун ҳечнарсани аямади. Чўчқа гўшти, ўлжа олинган юзларча сигаретлар, бир талай каллақанд ва бир сувдон тоза авиаация спирти — бари иш бериб қолди.

Иккинчи эшелондаги твардия миномётчилари орасидан топилган тўкучи, этикдўз ва сартарошни, худди азиз қариндошларидаи сийлаб улардан ҳечнарсани аямай, роса меҳмон қилдилар. Шунинг эвазига Ваняниг кийимбодши жуда қисқа муддатда битди. Кийимлар жуда мос, ихчам, келиштириб тикилган эди, бунга разведкачиларниг ҳаммаси қойил қолди. Ваняниг этигини қўргани эса ҳатто қўшни блиндажлардан ҳам солдатлар келишди.

Энди ҳамма нарса фақат ҳаммом блан сартарошга қараб қолди.

Ертўлага қурилган ҳаммом иситилабошлади, улар машинкали сартарошни кутардилар, ниҳоят Горбунов топган сартарош ҳам етиб келди.

— Қани оғайнилар. Сизлардан илтимос. Уралишманглар, ортиқча жойни бўшатинглар. Бўлмаса, сартарош ўртоқнинг ишлаши қийин бўлади. Унинг ишлашига зарур шароит керак,— деб Горбунов кўйди-пиштилик блан сартарошга жой бўшатдирди, кейин парчаланучи гранаталардан бўшаган бир яшикни олиб, тор, кичкина ертўланнинг ўртасига келтириб қўйди.— Бери кел, Ваня. Ўтири. Қўрқма. Ҳозир сартарош ўртоқ сочингни тарошлаб қўядилар,— деди.

Ваня янги, ажойиб ҳаёт бошлиётган кишидек, жуда ҳаяжон ичиди яшик устига ўтириди ҳам чўчинқираб қўлларини тиззасига қўйди.

Мана шу муҳим дақиқада ҳамманинг диққати солдат бўлиш учун тап-тайёр турган бу оёқяланг қичкина «чўпон болага» йўналган эди.

Сартарош анча ёшга кириб қолган киши эди, унинг шишиб, қизарган күзлари ёқимли боқар ва сариқ юзида майин табассум ёйилган эди. Унинг унвони сержант бўлса ҳам, погонлари кўринмас эди, чунки, қалин шиноль устидан тор ва калта хом сурп халат кийиб олганди, ёни чўнтағидан эса алюмин тароқ чиқиб турарди.

У военторг сартароши эди. Фамилияси Глазс эди. Броқ уни ҳечким фамилиясини атаб чақирмасди. Кўяинча уни «Саккиз-у қириқ» деб атар эдилар.

Сержант Глазс бу лақабни Орёл яқинида, бу ерга келган битта ёзучининг соқолини олганда орттирган эди.

Глазс ёзучини тепаликнинг орқа ёнбағридаги, майса устига ўтқазган эди. Ўша маҳалдаги ма'лумотларда бу ер «темир йўл виадукининг¹ ғарби-шимолидаги номсиз тела» деб юритилар эди.

У, соқолни немисларнинг олдинги маррасидан беш юз метрча масофада олаётган эди. Немислар бесаранжомлик туғдириш ниятида «номсиз тепаликка» қарата ҳамавақт миномётдан ўт очиб турардилар.

Шундай бўлса-да, сержант Глазс очиқ ҳавони ёқтиради, у тор окопчада айлангани жой тополмай қийналгандан кўра, ялангликда ишлашни афзал кўрарди, бунинг устига, немисларнинг беҳуда ўт очишлари одатда русларни ортиқча бесаранжом қилмаслиги ҳам ма'лум эди.

Сержант Глазс ёзучининг соқолини оларкан, у Военторгда сартарошлиқ иши жуда яхши йўлга қўйилипти, деган фикрга келсин, деган ниятда, бутун ҳунарини ишга солар эди. У ёзучининг соқолини икки бор тозалиб қирди, бир сафар соқолнинг ўсган тарафига қаратиб иккичи сафар қарши тарафига қаратиб устара юрги ўди. У ина учинчи марта ҳам қирмоқчи бўяган эди, броқ баууни:

— Бас, керак эмас,— деди.

Кейин Глазс ёзучининг орқа сочини тўгрилаб қўйди, паккасига келгандан, қандай қирқилишини ёқтира-

¹ Виадук йўл устидан кесиб ўтгани кўприк.

сиз — тўғри бўлсинми, қийшиқ бўлсинми, ёки севостопольча фасонда бўлсинми? — деб сўради.

— Барибир,— деди ёзучи, «номсиз тепалик» устида ёрилган миналар овозига қулоқ солиб туриб.

— Ундай бўлса, қийшиқ қилиб қираман. Бизнинг гвардиячи-миномётчиларимиз деярлик ҳаммаси қийшиқ қирқиншини ёқтиришади.

— Ҳай, қийшиқ бўлақолсин,— деди ёзучи.

— Озор бераетганим йўқми? — деб сўради Глазс, соч олдиручининг товушидаги бир қадар ғаши келганлигини сезиб қолиб.

— Шошиб турибман,— деди ёзучи.

— Кўп эмас, беш минут сабр қилсангиз бас,— деди Глазс.— Чаккангизни қоидасини келтириб текислаб қўйишим керак, ахир сиз Военторг сартарошларининг қандай ишлашини билиб қўйинг-да. Балки бу нарса мақола ёзганингизда иш бериб қолар.

Глазс ёзучининг иккинчи чаккасини текислаётгандага уларга анча яқин бир ерда мина ёрилди.

— Безовта бўлманг,— деди Глазс,— у мўлжал олмай таштайверади. Бунга ҳечким парво қилмайди. Упа сурини қўйишга рухсат этадиларми?

— Упангиз ҳам борми ҳали? — деб ҳайрон бўлди ёзучи.

— Бўлганда қандай! Маданий сартарошликка нимайки лозим бўлса, ҳаммаси бор.

— Ҳали одеколон ҳам бор денг? — деб яна кўпроқ таажжубланди ёзучи.

— Бўлганда қандай! — деди Глазс.— Сепсам бўладими?

— Сепинг,— деди ёзучи.

Глазс чўнтағидан шиша идишни чиқариб, унга найчани тиқди-да, ёзучининг бетига одеколон пуркади. У энди соқол олдиручининг юзини тивит сочиқ блан артиб қўймоқчи бўлиб туриб, бирдан алланимага қулоқ солди-да, деди:

— Ана энди сизга бир минутгина окопчага түшиб туришни маслаңат бераман.

Улар энди окопча ичига сакраб түшган эдиларки, қоқ ёниларига мина тушиб ёрилиб, Глазснинг майса устида қолдирган бутун асбоблари: совун суртадиган косача, устара-қайроқ, соқол креми ва ойнасини күз очиб юмгунча чил-чил қилди.

Шамол сариқ тутунни тарқатиб юборгач, ёзучи ҳазиллашиб:

— Хизматларига қанча сўрайдилар? — деди.

Шу вақт сартарош шишиб қизарган кўзларини осмонга тикканча, бирмунча вақт лабини пичирлатиб турди-да, нравардида деди:

— Саккиз сўм қирқ тийин.

«Чўпон бола»нинг сочини олиб қўйгани келган киши мана шунаقا эди.

Сартарош асбоблари ўралган тивит сочиқни ёзиб, уларни тартиби блан бўш койкага териб қўйди, сочиқни эса Ваниянинг бўйнига ўради.

— Ҳаммомга тушмаганингга кўп бўлдими? — нечандеки блан сўради у боладан.

— Қирқ биринчи йилдан бери тушганим йўқ, — деди Вания.

— Унчалик кўп вақт ўтмапти-ку, — деди «Саккиз-у қирқ».

Ҳамма унинг иззати учун кулди. Дарров ма’лум бўлдики, «Саккиз-у қирқ» — машҳур одам, у ўз соҳасида профессор ҳисобланади ва шу келиши блан буларга зўр марҳамат қилиб юборган.

— Юз граммни ҳозир ичиб оласизми ёки ишдан ке-йинми? — деб сўради Горбунов, сувдонни, кружкани, китта икки бўлак нонни ва очиб қўйилган бир банка чўчиғи гўшиги консервасини койка устига қўятуриб.

Урундан бурун бизнинг Бобруйскда ақли росим ономдир охами олдин ишлаб, кейин ичишар эди, — деди сорғарен шиндавандалик блан.

— Хўш, йигитчани нима қилиб қўяйлик?— деб сўрали у боланинг орқа томонидаги сочини икки панжаси блан кутариб.

— Боланинг сочини олиб қўйиш керак,— деди Биденко, хотинларча ачинган товуш блан ва «чўпон бола»га мулойим боқиб қўйди.

— Бу ўз-ўзидан ма’лум-ку-я,— деди «Саккиз-у қирқ»,— лекин қанақа қилиб олиш керак деган савол туғилди. Соч олини ҳархил бўлади. Нулавой дегани бор, подгребёнка қилиш бор, подбокс бор, сочни пешонага тушиб турадиган қилиб олиш бор.

— Пешонамга тушиб турадиган бўлсин,— деди Вания.

— Нега энди пешонага тушадиган бўлсин. Хўш?

— Мен бир гвардиячи отлиқ аскар болада шунақасини кўрганиман. Отлиқларини полк ўғли ефрейтор Вознесенский деган болада. Жуда чиройли кокили бор эди!

— Биламан. Узим қилиб қўйганиман,— деди сартарош.

— Йўқ, тўпчига пешонага тушиб турадигани ярашмайди,— деди қат’ий қилиб Биденко.— У, отлиққа кетади. Батареячига кетмайди. Батареячини нулевой қилиб олиш керак. Бош сип-силлиқ бўлсин.

— Нима деяпсан, оғайни, бўлмайди унинг,— деди Горбунов.—Нулевой кўпроқ пиёдага ярашади, тўпчига асло бўлмайди. Бошида битта ҳам туки бўлмаса, у қанақа қилиб уруш худоси бўлаолади? Ҳаммадан кўра, тўпчини подбокс қилиш керак. Энг ярашадигани шу.

— Подбокс учучиларга тузук,— деди бурчакдан аллаким бўғиқ овоз блан.

— Учучиларга дейсанми? Айтмоқчи, тўғри. Бўлмаса подгребёнка қилинаркан-да.

— Бу энди жуда танкчиларникига ўхшаб кетади-да.

— Рост, оғайнилар! Ундай қилганимизда, Ваниямиз бронетанкчиларга ўхшаб қолади. Бўлмайди бу. Унинг сочини шундақа қилиб олиш керакки, бир қараашдаёқ боланинг тўпчи экани билинсин.

Ваняниг сочини қандай олиш масаласини разведкачиларнинг ҳаммаси анчагина муҳокама қилишди. Сартарош сабр-тоқат блан кутиб турди. Правардида, сочини қанақа олса тўпчиларникидан бўлишини ҳечким билмаслиги ма’лум бўлгач, «Саккиз-у қирқ» мулойим табассум блан деди:

— Дуруст. Энди ўзимга қўйиб берасизлар, бунинг сочини мен ўзим истаганча қилиб оламан. Қани, бошингни эг, бола.

Шу сўзларни айтатуриб, ён чўнтағидан алюмин тарофини чиқарди.

— Ишқилиб, пешонага тушадиган бўлсин,— деди зорланиб Вания.

— Чаккасини қийшиқроқ қилишни ҳам унутманг,— деб қўшиб қўйди Горбунов.

— Хотиржам бўлинг,— деди сартарош, кейин унинг баланд кўтарилиган қўлида қайчи чиқирлаб своз чиқарабошлади.

Тивит сочиқ устига Ваняниг қалин соч толалари тушабошлади.

«Саккиз-у қирқ» ўз ишига жуда моҳир одам эди, буни ҳамма биларди. Лекин шу топда ўзининг билганидан ҳам ўтказворди. У боланинг сочини минг оҳангга солиб, ҳам ундоғ — ҳам бундоғ қилиб, қоидасини келтириб, ҳамма фасонларга тўғрилаб олди.

У қўлидаги асбобларни фокусчилардай чақонлик блан алмаштиради. Гоҳ қайчи чиқиллаб ўйнар, гоҳ машинка ғижирлар, гоҳ бирдан устара чаккада чақмоқдек ялтираб қоларди.

Тивит сочиқ устидаги қирқилган соч кўпайган сари, боланинг боши ғалати бўлиб ўзгариб бораверди.

Ваняниг эти жимиirlар, яланғочланган бошига совуқ небоб тегиб кетганда, ийманиб қиқирлаб кулиб қўярди. Ризведкачилар ҳам «чўпон бола»ларининг ўз кўз олдилирида кичкина солдатчага айланиб бораётганини кўриб кулишарди.

Боланинг сочдан ҳалос бўлган юпқа қулоқлари бирмунча каттароқ, бўйни бирмунча ингичкароқ бўлиб кўринарди, аммо бунинг ўрнига пешонаси очилиб дуб-думалоқ, дўнг экани билиниб қолди, аммо озроқ бежиримгина пешонасоч қолдирилганди.

Пешонасоч разведкачиларнинг айниқса вақтини чоғқилди. У, худди кўнгилдагидек бўлган эди. Пешонасоч отлиқларнинг тўзғиган чўққи сочига ўхшамасди, балки тўпчиларнинг келишимли, сипоҳгина пешона сочининг айни ўзи эди.

— Ана, ука, иш битди! — деб юборди севиниб Горбунов,— «Чўпон боламиз» оғир юқдан қутилди.

Вания ўзини тезроқ ойнада кўришни истарди, аммо сартарош чинакам артист ва талабчан рассом сингари ўз «асарига» охирги пардозни бериб, яна анча вақт уннади.

Энг охир у Ваниянинг бошини юмшоқ супургича блан супурди, кейин найчадан одеколон пуркади. Вания кўзларини юмолмай қолганидан, кўзлари ачишиб, ёшланиб кетди.

— Тайёр,— деди сартарош, Ваниянинг бўйнидан сочиқни ечиб олатуриб,— мана энди кўрабер!

Вания кўзини очса, олдида орқасига гулдор қоғоз ёпиширилган кичкина ойна турипти. Ойнада эса бегоналадай, аммо шу блан бирга яланг боши ялтираган, қулоқлари каттароқ, бежиримгина сарғиши кокилли, кўкимтирик кўзлари қувноқ жовдираб турган ғалати таниш болани кўрди.

Вания совуқ кафти блан қизиб турган бошини силаған эди, кафтининг ҳам, бошининг ҳам қитиғи келди.

— Кокил! — деб суюниб пичирлади бола ва ипакдай соч толаларини ушлаб қўйди.

— Кокил эмас пешонасоч дегин,— деб уқдирди Биденко.

— Пешонасоч бўлсаям майли,— деб қўйди ширингина кулиб Вания.

— Қани ука, энди ҳаммомга юр!

Машҳур уста асъобларини сочиғига ўраб, ҳаққи-ҳа-
лол юз граммини ичиб, закуска қилаётганда, Горбунов
блан Биденко болани ҳаммомта олиб кетишиди.

Ҳаммом кичкинагина немис блиндажига ўрнашган
эди; унда темир бочкадан қилингган печка-ю худди шуна-
қа темир бочкадан қилингган қозон ҳам бор эди, иссиқ
сувидан сал-пал бензин ҳиди келиб турарди, шунга
қарамасдаң, уч йилдан бери ювинмаган Вания учун бу
ҳаммом жаннат бўлиб кўринди.

Икки оғайни — Горбунов блан Биденко ҳаммомнинг
ҳузурини билишарди. Улар буғда терлаб юванишни
яхши кўрардилар, бошқаларни ҳам шундай терлаб ювии-
тиришга ишқивоз эдилар.

Улар болани роса яхшилаб ювинтиришиди.

Ювинтириш учун Горбунов бир бўлак атир совунини
аямади, бу совунни у вақти келганда ишлатилар деб ик-
ки йилдан бери халтасида сақлаб юрган эди. Биденко
бўлса капитан Охунбоев батальонидаги ҳамқишлоқлари-
дан чипта топиб, жуда яхши мочалка ясаб олганди.

Қайин супургига келганда, бу ҳам ҳар нарсанни ғам-
лаб юручи Горбуновдан топилди, бу эса Ванияни янада
ҳайрон қолдирди.

Ҳаммомда «кўршапалак» фонари ёниб турарди. Ўғ-
ланган қайин баргининг ўткир ҳиди тутган буғ тўла иссиқ
ҳаммомда ҳар икки разведкачи шилнинг тўсинларига
бошларини уриб олмаслик учун энгашиб, боланинг ат-
рофида парвона эдилар.

Уларнинг ҳайкалдай каттакон кўланкалари буғ ту-
манини ёриб ўтарди.

Ҳаш-паш дегунча ярим соат ичидан улар Ванияни шун-
чалик чаққонлик блан ювинтирдиларки, бола чиннидай
топ-тоза бўлди, бадани тобланган чўян почъ сингари қи-
зарib, йилтиллади.

Броқ бунга эришиш жилла ҳам осон бўлмади. Биден-
ко блан Горбунов боланинг баданидаги уч Йиллик кир-

ни сидириб тушириш учун йититлик кучларини аяшмади. Улар чипта мочалка блан навбатма-навбат унинг орқасини ишқалашди, баданини иссиққина хушбўй совун кўпигига кўмиб юбориши, устидан каттакон консерва банкасидан иссиқ сув қуийб туриши, уни силлиқ тахтага ётқизиб қўйиб икки супурги блан роса шапиллатиши, бу ҳаракатлари савагич блан юнг савалаганга ұхшарди.

Ваняни беш марта сув қуийб ювдилар ва ҳар сафар сув қуйғанларидан кейин совун суртиб турдилар.

Биринчи сафар қуйилган сув баданидан шунча қорайиб тушдик, у жуди сиёҳдек кўкимтир бўлиб кўринди. Иккинчи галги сув қоп-қора бўлиб тушди. Учинчиси кулранг, тўртинчиси — оч кўкиш рангда бўлди. Чиннайдай тоза бўлиб қолған бадандан қуйилган бешинчи сафарги сувгина садафдек тиниқ, йилтиллаб тушди.

— Ука дейман, сени чўмилтирамиз деб ўзимиз ҳам роса адабимизни едик, дармон қолмади-я,— деди Горбунов, юзидан терни сидиратуриб,— сени, ука, мочалка блан эмас, жилвир блан қашлаш керак экан.

— Қиргич блан деябер,— деб қўшиб қўйди Биденко. У «чўпон бола»нинг ориқ бўлса ҳам пишиқ ва роса қоматига, тўғри бақувват оёқлари ҳамда кичкина бўлса ҳам келингани ўмров суюкларига тикилиб қараб хурсанд бўлиб қўйди.

Ванянинг топ-тоза бўлган куракларининг туртиб чиқиб туриши разведкачиларининг меҳрини товлатди.

Ваня ўзига берилган янги сочиқ блан артинди ва даҳлизга чиқиб ички кийимлари — кўйлак ва қалайи тугма қадалган иштонни кийиб олди.

Шундай қилиб, энг муҳим дақиқа етиб келди. Ваня кийим-жечакларини кийиб олди. У ёқасининг ичига оқ суридан бежирим ҳошия тикилган шерстъ гимнастёрканӣ кийди. Ваня погонларининг қаттиқ картонини ҳамда маҳсус тешикчалардан ўтиб бу погонларни гимнастёркага ёпиштирган ипларнинг елкасига тёғиб турғанини сезди.

Бола погонлари борлигини сезиб, энди у шу дақиқа-

дан бошлаб оддий болашемас, балки **Қишил Армияниң солдаты бўлганлигини** фахмлаб турурланди.

У пешона сочи ҳўллигича, арча шохчалири тўшилгани ҳаммом даҳлизида оёқ яланг турарди. Кўзларини катти очганча ўз мураббийларига тикилиб, улаардаи: «Хўш, қалай? Тўғри кийинаяпманми?» деб сўрагандек бўларди.

Аммо улар боланинг қандай кийинаётганини диккот блан кузатиб, индамай турардилар. Ваня полвон одамларга ҳадеб кўз қирини ташлаб, топ-тоза, оппоқ сувда буришган бармоқлари блан қалин ёқаси ва тор енгларининг тугмаларини солди.

Одатланматанидан бу ишанча қийин бўлди. Маҳкам қадалган юлдузли мис тугмалар тор петлячалардан аранг ўтарди. Петлячалар ҳадеб қўлдан сирғаниб чиқиб кетарди. Аммо бола лабларини каттиқ тишлаганича ахир праварди бунинг ҳам уддасидан чиқди.

Энди енглар унинг билакларига зич ва маҳкам ёпишиб турар, тугмалари солинган ёқа бўйнини ўраб, уни бақувват ҳам тўғри тутиб турарди.

Энди камарни тақишу, этикни кийишгина қолди.

Бола қийин аҳволга тушди. У «қоидага кўра» олдин қайсибирини: камарни тақиб олиш керакми ёки этикни кийиш керакми, билмасди. Биденко блан Горбуновга савол назари блан қараб қўйди. Улар индашмади.

Бироз ўйлаб туриб, Ваня этикка тутинди.

— Тўғри,— деди Биденко.

Ваня оқ пайпоқни кийди да, иккиланиб туриб пайтаваларни олди. У бир умр пайтава ўрамаган эди. Қандай ўрашини сра билмасди.

Горбунов тирсаги блан Биденкони секин туртиб қўйди. Ваня аччиғланиб қовоғини солди ва қизариб кетди. У пайтавани нари-бери оёғигачувалаштириб ўраб олди. Горбунов блан Биденко индамай туришди. Ваня этикни олиб, пайтава ўралган оёғини тиқди, лекин оёқ қўнждини нари ўтмади. Ваня этикни оёғидан тортиб, аранг чиқириди.

— Сиғмаяпти,— деди у жарсиллаб.

Разведкачилар индашмади. Ваня янаям қизарыб кетди.

— Эх, құрғұр!— деди Ваня ва хуноб бұлиб оёғини яна этикка тиқабошлади.

— Сиғмаяптими?— деди Биденко раҳми келгандай бұлиб.

— Сиғмаяпти,— деди Ваня уұ тортыб.

— Тор экан-да,— деб қўйди Горбунов.

— Ҳа,— деди Биденко хўрсишиб.— Ярамас этик экан. Ла'нати этикдўз бузиб қўйипти-да. Этикдан воз кечишга тўғри келади. Нима дединг Қишлоқи?

— Бошқа илож йўқ. Буёққа бер-чи этикни, Ваня, ҳозирнинг ўзида улоқтириб юборақоламан.

Ваня қўрқа-писа Горбуновга қаради.

— Йўғ-е, амаки. Уни мен пайтавасиз кийиб кўраман. Сиғиб қолар.

— Пайтавасиз кийиш мумкинмас. Қоидага тўғри келмайди.

«Қоидага тўғри келмайди» деган ишкал сўз болани хуноб қилди.

У этикни олиб, яна кийишга тутиндиги. Оёғи ярмигача стиб борди. Ундан нарға сра ўтмади. Шундан кейин Ваня этикни суғурмоқчи бўлиб уринди. Буни ҳам эпломади. Оёғи этикка маҳкам тиқилиб қолган эди. На уёққа, на буёққа силжийди.

— Иш чатоқ бўлди,— деди бамайлихотирлик блан Биденко.

— Тўхтаб тур!— деди Горбунов,— балки этик тор эмасдир-ку. пайтава жуда қалиндиндир?

— Ҳа жудаям қалин экан!— деди Ваня, у, гап этикда ҳам эмас, пайтавада ҳам эмаслигини, балки бунда аллақандай солдатча бир сир бор-у, Горбунов блан **Биденко** бу сирни жуда яхши билсалар ҳам, унга айтгилари келмай, синашаётганларини пайқади.

Бола ўз устозларига ўксенииб боқди, шундай **кейин**
улар болани ортиқ қийнамай қўяқолдилар.

— Бу қанақаси, чўпон бола,— деди Биденко **жиддий**
насиҳатомиз бир оҳангда,— бундан чиқади, сени тўпчи
үёқда турсин, чинакам солдат ҳам бўлолмас экансан-да
Ахир бундай бир қоидасини келтириб пайтава ҳам ўром-
масанг, сени ким батареячи деб айтади! Унда сени
ҳечам батареячи деб бўлмайди, ошнам. Бундан чиқди
сени бошқатдан граждан кийимларингни кийдириб, орқа
томонга жўнатишдан бошқа йўл қолмайди, ма’қулми?

Вания кийим-хечакдан ажралиб қолиш ва орқа томон-
га жўнатилиш хавфидан қайғуга ботиб, жим қолди.

— Ишлар шунаقا, Ваняжон,— деб давом этди Би-
денко.— Мен буни, шунчаки мисол учун айтаяпман. Биз
сенни орқа томонга жўнатмаймиз, албатта, негаки буй-
руқдан ўтгансан, яна шуниси ҳам борки, сенга жуда
ўрганиб қолдик. Фақат бир йўл қолади. Ҳарбир маданий
жангидан талаб қилинганидек, пайтава ўрашни ўрганиб
олишинг керак. Бу сенинг биринчи солдатлик ҳунаринг
бўлади. Кўриб қўй.

Биденко шу сўзларни айтатуриб, пайтавасини ерга
ёзди ва устига яланг оёғини **маҳкам** қўйди. У оёғини
пайтаванинг четига яқин келтириб, кўндалангроқ қилиб
қўйди, кейин пайтаванинг уч бурчакли четини панжалари
остига қистирди. Сўнгра пайтаванинг узун томонини та-
ранг қилиб тортган эди, биронта ҳам ғижим изи қолма-
ди. У таранг пайтавага бирпас завқланиб қараб турди-да
бирадан чаққон, енгил, аниқ ҳаракат блан оёғини ўради
товори томонини ҳам таранг қилиб бекитди, бўш қўли
блан пайтаванинг бир учидан ушлаб, узун бурчак ҳосил
қилди-да, пайтаванинг қолган қисмини болдирига икки
иёллантириб ўради.

Учинг оёғи чақалокни йўргаклагандек таранг ва сил-
лиқ ғуллди.

Кўғирчоқдай бўлди!— деди-да, этикни кийди
Биденко.



— Бу сенинг биринчи солдатлик ҳунаринг бўлади, — деди Биденко. — Кўриб қўй.

У этикни кийгач, олипта гарчилик қилиб товони бланер тепиниб қўйди.

— Қойил, — деди Горбунов, — сен ҳам шунача қила оласанми?

Вания бутун зеҳнини қўйиб Биденконинг ҳаракатларига кўз тикиб турарди. Унинг биронта ҳаракатини ҳам кўздан қочирмасди. Унга шуларнинг ҳаммасини, худди ҳозир кўрганича ўзи қилаоладигандек туйилди. Лекин у

солдатлар блан яшаб, уларнинг эҳтиёткорлинига ўрганиб қолганди. У тагин уялиб қолмай дерди.

— Қани, Биденко амаки, яна бир марта қилиб кўрсатинг-чи.

— Хўп, ука.

Биденко иккинчи оёғига ҳам пайтава ўраб; этикни кийди да, янада эпчилроқ ва аниқроқ ҳаракат блан ер тениниб қўйди.

— Кўрдингми?

— Кўрдим,— деди Вания, жудаям жиддий тус олиб.

У пайтавасини худди Биденкога ужнатиб таҳтачинг устига ёзди. Пайтава устига оёғини қўйишдан илгари анча мўлжал олиб турди. Унинг башарасидан, ҳаяжонлангаётгани ва ҳатто чўчиётгани кўриниб турарди. Броқ Вания жўртгага тортиниб турганди. Унинг қутий боқсан кўзининг киприклари орасида қўкимтири шўх учқунлар чақнаб турарди.

Бетидаги кулгини яширмоқ учун Вания чўмилишидан кейин кўкарған лабларини тишларди.

Шу чоқ у, бир зумда роса қоидасини келтириб, пайтавани таранг ва силлиқ қилиб оёғига ўраб олди.

— Қўғирчоқдай бўлди!— деди у қичқириб ва этикни кийиб олиб, пошиаси блан чаққон ер тенинди.

— Бўш келмайсан!— деди Горбунов ва Биденкога ма'ноли қараб қўйди.

Кун сайин болага уларнинг меҳри-муҳаббати ошаборди. Улар бу бола хусусида янглишмаган эдилар. Бу бола чиндан ҳам эс-ҳушли, ҳушёр бола эди, у ҳарбир нарсага идроки етиб, тез илиб оларди. Унинг жуда ихши солдат бўлиб чиқишига ҳеч шубҳа қолмаган эди.

Вания этикни кийиб, яп-янги, ғижирлама камарни боғлаб олганда, иккала разведкачи завқланганларидан хокомлаб кулиб юборишиди. Бола улар олдида қомати роси келишиган, жуда бежирим бўлиб, қўлларини икки бинига осилтириб, шўхчан кўзларини ўйнатиб тик турар-

ди. Ҳатто той-тоза бурни устидаги сөйкиллари ҳам яптираб кетган эди.

— Жойида,— деди Биденко.— Балли, чўпон бола! Мана энди чинакам аскар бўлдинг.

Броқ болага бошдан-оёқ диққат блан кўз югуртириб чиқсан Горбуновнинг кўнгли тўлмади.

— Қани, бери кел-чи. Икки қадам олдинга!— деб команда берди у.

Ваня яқинлашиб келганида, Горбувов унинг камари орасига муштумини суқди.

— Бу ҳечбир бўлмайди, ука. Камаринг сиғирни эгарлаганга ўхшаб шалвиллаб ётнити.. Бутун бир муштум сиғиб кетди-я! Қоидага кўра, фақат иккита бармоқ сиёшиш керак. Камар қайтадан бойлансин.

Ваня дарров камарни ечди-да, сиқиб боғлади, аммо бошқа тешиги бўлмагани учун қадай омади. Шунда Биденко шимининг катта чўнтағидан вичоқ чиқариб Ваниянинг камаридан яна бир тешик очди. Энди қоидага мувофиқ, камар Ваниянинг белини сиқиб туради.

Бола уларнинг ортиқ танбиҳ беришларини кутмасданоқ, гимнастёркасининг этагидан маҳкам тортди ва ҳамма буршиб қолган жойларини орқага сидириб қўйди.

— Бу ишинг дуруст,— деди Горбунов.— Қойилман энди.

Қийим-бошларни кийиб, шай бўлиб олган Ваниянинг разведкачилар блиндажида пайдо бўлиши ҳаммани астойдил шодлантириб юборди. Лекин разведкачилар ўз ўғилларини тўйиб тамоша қилиб олгуналарича ҳам йўқ эдики, ертўлага сержант Егоров кириб келди.

У дарров болага бошдан-оёқ зеҳн солиб чиқди ва, қаноатланди шекилли, ҳечқандай танбиҳ қилмади.

— Чўпон бола,— деди у,— тез бўл. Батарея командири олдиға борасан.

Урушда ҳамма нарса тез содир бўлади. Солдатларнинг тақдири қўққисдан ўзгариб туради. Кўз очиб юмишга улгуролмай қонасан киши.

Шундай қилиб, эгнинг яшги шинель, боянига яхти шамы ия кийиб олган (шапка соchlари тараашланған сияниң бөшига чуқур тушиб турарди) Вания орданаң ишкі минут үтар-үтмас батарея жойлашган ердан командир бинадижини ажтариб борарди.

19

Капитан Енакиев дам олаётган эди. Унинг дам олган вақти кам бўларди. Лекин ба'зан ярлақаб бирон кун, бирон соат дам олишга чиққанда ҳам, бу фурсатдан хизмат учун яхшироқ фойдаланиб қолгуси келарди.

Жанг кунлари қўли тегмай йигилиб қолган ишлари кўп эди. Буларнинг кўпчилиги биринчи галда бажариладиган ишлар бўлмаса ҳам, ҳарҳолда зарур ишлар эди. Капитан Енакиев буларни ҳечқачон унутмасди. Лекин фақит бирмунча бўшроқ пайтга қолдиарди.

Хусусий ишларига келганда, унинг хусусий ишлари йўқ деса бўлади. Оиласидагилар ҳалок бўлганидан кейин унга хат ёзадиган одам ҳам, ундан хат оладиган одам ҳам қолмади. Унинг қариндош-уруғи йўқ, ёлғиз бош эди. Бунинг устига ўзи камгап ва тортинчоқ одам эди. Бошидаги қайғуси ва ёлғизлигидан полкда ҳечким хабардор эмас, деса бўларди, фақат битта-яримта одамгина буни пайқар эди.

Батарея капитан Енакиевнинг оиласи бўлиб қолганди. Ҳарбир оиласидаги эса ўзига хос ички, хусусий ишлари бўлади. Капитан Енакиев худди ана шу оиласий ишлар билан одатда ўзининг дам олиш кунларида шуғулланарди.

Вания Солицевнинг бундан кейинги тақдирни масаласи ҳам шу ишлар қаторига киради.

Капитан Енакиев бола блан атиги бир марта кўриб ганишининг эди. Лекин Вания одамларга бир марта кўришишиш эк ма'қул тушиб қоладиган ёқимтой бола эди. Бўз тўғри осиб олган бучувринди, қишлоқи «чўпон бола»да

ва унинг похол ёған кичик бостирмага ўхшаш пахмоқ сочи ва кўкимтир тиниқ кўзларида аллақандай одатдан ташқари жозиба бор эди.

Капитан Енакиев ҳам, худди ўз солдатларига ўхшаб, болани бир кўришдаёқ ёқтириб қолганди.

Броқ, разведкачилар Ванияни ёқтиришда дали-гуилик, балки хиёлгина енгилтаклик ҳам кўрсатишди. Улар болани ҳазиллашиб ўелимиз дердилар. Аммо, тўғрисини айтганда, у разведкачиларга ўғил эмас, уқадай эди, бу шўх ва қизиқ бола уларнинг оғир жанговар ҳаётида анча-мунча овунчоқ бўлиб қолганди.

Энди капитан Енакиевга келсак, унинг дилида бола анча муқур ҳислар уйғотганди. Вания унинг қалбидаги ҳали, битмаган ярани янгилади.

Капитан Енакиев разведкачиларга Ванияни ўз ёнларида олиб қолицга рухсат бергаёт, уни унтутиб юбормаган эди. Ҳар сафар, лейтенант Седих взвод бошқармасининг ишлари тўғрисида ҳисобот бериб бўлгаёт, капитан Енакиев албатта бола хусусида ҳам суринтириб қўярди.

У болани тез-тез эсга олиб қўярди. Болани ўйлаганида албатта хаёлига ўз ўғли ҳам келарди, агар ўша матрос шапкали кичкинагина бола ҳозир ҳаёт бўлганида, етти ёшга кирган бўларди, афсус у йўқ ва ҳечқачон дун'ёга қайтиб келмайди.

Вания унинг ўлган ўғлига ўхшармиди? Йўқ. Ваниянинг айти-башараси ҳам, ёпи ҳам ва айниқса характери унга сра-сра ўхшамасди. Унинг ўғли ҳали жуда кичкинтой бўлиб, бирон аниқ характерга эга бўлиш даражасига етмаган эди. Энди, Ванияни бўлса, эсини таниб қолган одам деса бўларди. Йўқ, гап бунда эмасди, албатта. Гап, Енакиевнинг ўлган ўғлига бўлган тетик, қизғин муҳаббатида эди.

Бола кўпдан энди дун'ёда йўқ бўлса ҳам, капитаннинг меҳри совимаган эди.

Капитан Енакиевга Вания қатнашган разведка тўғрисида хабар етказганларида ва у «штаб ўрмонида» юз бер-

ған ҳодисани билиб қолганида жуда яччиғланди. **Фақат** ўшандагина у, ўзига бегона бўлғаш сепкилли бу **бомонинг** унга қанчалик азиз эканини сезди. У Ванияни разведкачилар олдида қолдиришга рухсат этган бўлса ҳам, броқ болани разведкага юбориш хусусида ҳечнареа демаган эди. Хайриятки, ишнинг охири хайрли битилти, бўлмаса нақ лейтенант Седих балога қоларди.

Капитан Енакиев ўша вақтда қулай бир фурсат туғилди дегунча Вания Солнцев блан яқиндан шуғулланишин кўнглига тушиб қўйган эди.

Командирнинг квартираси жойлашган ер ҳарвақт бир-қанча белгилари блан ажралиб туради. Вания Солнцев, разведкачиларнинг одатича ҳечкимдан сўраб-нетиб турмай, шу белгиларга қараб капитан Енакиевнинг блиндажини дарров топиб олди.

Вания янги этигининг бирмунча бўртиб турган силлиқ таг чарми блан пиллапояни ўзгачароқ дукиллатиб, командир блиндажига тушиб борди.

У ўзини енгил ва чаққон сезса ҳам, бирмунча ҳадиксирап эди, командирнинг чақириғи блан унинг олдига борадиган солдатда ҳамиша шундай ҳол рўй берарди.

Капитан Енакиев уй шароитида юргандек аҳволда эди — у этиксиз, кителининг олди ечиқ бўлиб, ичидан ҳаворанг жун фуфайкаси кўриниб турарди, у сафарда олиб юриладиган ва устига ёпиқ тўшалган койкада ўтирганди.

Унинг койкаси разведкачилар койкасидан фақат жилди янги дазмолланган ёстиғи блан фарқ қиласар эди.

Вания, батарея командирини шинельсиз, фуражкасиз, бирмунча уринган орден ленталари тақилган кителъда кўриб, унча-мунча оқ оралаган чекка соchlарига кўзи тушаркип, унга батарея командири биринчи марта учртганда гидни кексанароқ кўринди.

Ваня икки құли блан шапкасини бошидан чангаллаб олдида:

— Салом, амаки! — деди.

Капитан Енакиев атрофини ажин босған қора күзларини тикиб, сезилар-сезилмас күзини қисиб қўйди. «Чўпон бола» Ванияни бундай қадди расо ва хийлигина бўйчан солдатча ҳолида кўраркан (этик уни бўйчан кўрсатарди) ва тўпчилар погони қадалган ҳамда ҳошия тутилган янги шинелининг кенг ёқасидан чиқиб турган юмалоқ бошига кўзи тушаркан, капитан Енакиев уни бирдан таниб ололмади.

— Салом, амаки,— деди тағин Ваня баҳтиёр кўзларини жовдиратиб, батарея командирининг диққатини ўз кийимларига тортгандай бўлиб.

Лекин Енакиев қамон индамай тургани учун Вания эшик ёнидаги яшик устига сокингина ўтира қолди-да, этигининг қўнжини бир тортиб қўйиб, шапка ушлаган қўлини тиззасига қўйди.

— Сен кимсан?— деди ниҳоят капитан бепарвогина қараб.

Шундан бошқа ҳечқандай савол Ванияга бунчалик ёқ мас эди.

— Мен Вания, чўпон боламай-ку,— деди у, ишшайиб,— ташимадингизми?

Вания капитан кулади, деб кутган эди, броқ у кулмади. Аксинча унинг чеҳраси аввалгидан ҳам жиддийроқ тус олди.

— Вания?— деди у кўзини қисиб.— Чўпон бола?

— Ҳа.

— Қанақа кийимлар кийиб олдинг ўзинг? Елкангдаги нарсалар нима?

Вания хиёл довдиради.

— Булар погон,— деди у иккилани броқ.

— У нега керак?

— Қоида шу.

— Ҳа, қоида шу дегин! Нега қоида шунақа?

— Қондага нұра қашма солдатлар тақиши мереңда, деди, Ваня, капитанинг бундан бекебарлығын жайрон қолиб.

— Хүп, ахир буни солдатлар тақиши мераң да. Сенчи, солдатмисан?

— Бұлмасам-чи! — деди Ваня фахр блань — Бүйруқдан ҳам үтганман. Тегишли кийим-кечакларни ҳам олдим. Ял-янги. Чиройли.

— Иүқ, күрмаямсан.

— Неге күрмаямсан дейсіз, амаки? Мана-ку, кийимларим. Этикча, шинельча, погонлар. Погондаги замбаракларни күриб қўйинт. Мана!

— Погондаги замбаракларни кўралмай-у, солдатни кўрмаямсан-да.

— Солдат мен ўзим-да, ахир, — деди ма'носиз кулиб, паст өвөз блан Ваня, капитанинг совуқ шуомалаеи уни тамом калака қилиб қўйганди.

— Иўқ, ошнам, сен солдатмассан.

Капитан Енажиев хўрсииди ва бирдан уминг башараси жиддий тус олди. У қўлидаги тарих журнали орасига қалам қистириб, уни стол устига қўйди-да, қичқирғундай бўлиб, чурт кесиб деди:

— Солдат ўз батарея командири олдига бу ажволда келмайди. Ўрнингдан тур!

Ваня иргиб турди-да, қаддини ростлаб, қотиб қолди.

— Қайтарилсин. Бошқатдан кел.

Бола, бутун хаёли кийим-бошда бўлиб, бошқа ҳамма нарсани — ўзининг кимлиги, қаерда тургани, кимнинг олдига чақирилганлигини унутиб қўйган эди, буни фақат эндиғина фаҳмлаб қолди.

У чақонлик блан шапкасини бостириб кийиб, тезгина эшикка чиқди, шинелининг орқасидаги белбоғчага илениб қолған камарини тузатди-да, қайтиб блиндажга кирди, лекин бу сафар тамом бошқача тахлитда кириб келди.

У сафда юргандек өдим отиб, этик пошинасини гурсил-

Патиб, қўлини шапкасининг козирёғига чаққон олиб бориб, яна шундай чаққон пастга туширди.

— Кирин мумкинми? — деб қичқирди у, болаларча йнгичка овоз блан. Бу иш ўзича жуда кесқин ва ҳарбий-часига бўлгандек сезилиб кетди.

— Киринг!

— Ўртоқ капитан, сизнинг буйруғингиз блан қизил аскар Солнцев ҳозир бўлди.

— Мана эйди бу бошқа гая, — деди капитан Енакиев кўзлариниң ўзи блангина кулиб туриб.

— Салом, қизил аскар Солнцев.

— Саломат бўлинг, ўртоқ капитан! — чечанлик блан жавоб қўлди Ваня.

Шундан кейин капитан Енакиев қувноқ, самимий табассум блан муомала қилабошлади.

— Койилман! — деди у, фронтда бу жуда расм бўлган сўз эди. Горбунов ҳам, Биденко ҳам, бошқа разведкачилар ҳам болага кўп марта шундай деб айтган эдилар.

— Мана эйди, Ваняжон, сени солдат десам арзиди. Қани, ўтири. Гапиришамиз. Саболев, чой қайнадими? — деб сўради капитан Енакиев.

— Чой тайёр, — деди Саболев ва буғи чиқиб турган катта чойнакни олиб кирди.

— Қуй икки стакан. Менга ҳам қизил аскар Солнцевга. Тағин булар бизнинг разведкачилардан ёмон яшаркан деб ўйламасин. Тўғрими, Саболев?

— Бу турган гап, — деди Саболев, капитаннинг разведкачилар тўғрисидаги фикрига тамом қўшилган оҳангда, у разведкачиларни, ақли-ҳуши жойида одамлар бўлса ҳам, меҳмондорчиликлари блан кишини ўзига оғдириб оладиган устамон кишилар деб биларди.

Саболев стол устига кумуш стакан тагликларда иккита стакан олиб келиб қўйди. Кейин аччиқ қип-қизил чой қўйди, чойдан хушбўй ҳид тарқалди.

Мана шундан кейингина Ваня чинакам мўлчилик ва ҳашматнинг ма'носини тушунди.

Тұғри, буларда чақмоққанд үрнига шакир бор үли, оммо шуниси ҳам борки, Соболев уни шиша вазаада олиб келди. Картонка солиб пиширилған чүчқа гүнгі бунда йүқ әди. Броқ, бунинг үрнига капитан Енакиев столға «Красний Октябрь» деб ёзилған бир коробка печенең блан «Спорт» деган яхлит бир бұлак шоколад құйғанида, «чүпон бола»нинг оғзи очилиб, таңг қотиб қолди.

Капитан Енакиев хуррамлик блан Ваняга қаради.

— Қани, чүпон бола, айт-чи: қаер яхши — бу ер яхшими, ёки разведкачиларники яхшими?

Ваня бу ернинг яхшилигини сезиб турғанди. Лекин разведкачиларни хафа қылгуси ва уларни айниқса орқаларидан ёмонлагуси келмасди.

У үйлаб турди-да, иккиланыб:

— Сизнида серобгарчилик экан, ўртоқ капитан,— деди.

— Сен ичинғдан пишган күринасан, Ваняжон. Үз одамларингни хафа қылгинг келмаяпти. Тұғрими, Соболев? Үз одамларини хафа қылгиси йүқ-а?

— Тұғри. Солдат үз шерикларини хафа қиласмиди?

— Хүп, майли, Соболев. Ҳозирча бұшсан. Биз қизил аскар Солнцев блан үзаро очилишиб гаплашмоқчимиз. Шунақа, Ваняжон,— деди капитан Енакиев, Соболев ташқарига, үз жойига ниқиб кетгандан кейин.— Бундан бүёғига сени нима қылсам экан? Масала мана шунда.

Ваня, мени яна орқа томонга жұнатадилар шекилли деб, чүчиб түшди. У яшиқдан иргиб, командири олдида қалдини ростлаб турди.

— Кечириңг, ўртоқ капитан. Батареячасига чин сүз бераманки, энди сра бундақа бўлмайди.

— Нимани айтаяпсан, нима бундақа бўлмайди?

— Олдингизга келишда қоидани бузишлик.

Ха, ука. Тұғрисини айтишим керак: келишни үрнига қўблмадинг. Жуда хунук бўлди. Лекин бу тузатса бўлади ап ши. Үрганиб кетасан. Үзинг зийрак бодасан,

Ҳа, нета тик турибсан? Ўтир. Мен ҳозир сен блан хизмат йўлида эмас, оилавий йўсинда гаплашаман.

Вания ўтирди.

— Сени нима қилсам экан дейман? Ўзинг ҳали кичкина бўлсанг ҳамки, ҳарҳолда бадастур одамсан. Тирик жонсан, Дун'ёга эндиғина келаяпсан. Йўлдан сра-сра адашмаслик керак. Шундай эмасми?

Капитан Енакиев мулойимлик блан болага қаттиқ тикилди, бу блан у боланинг қалбига жуда чукур кириб бормоқчи эди.

Қадди-қомати келишган ва қизларни кидай нозик бўйни шинельнинг дағал ёқалариға ишқаланиб қизариб кетган бу солдатча, бир маҳал полк штаби олдида у блан сўзлашган — соchlари тўзиган, оёқяланг «чўпон бола»га сра ўхшамасди. Шу қисқагина вақт инида у жудаям таниб бўлмае даражада ўзгариб кетипти! Унинг қалби ҳам ўзгардимикан? Ўшандан буён бу қалб ўсиб, чиниқиб, улғайдимикан? Бу қалб келажакдаги ишларга тайёрмикан?

— Вания ҳам айни шу пайтда, шу дақиқада ўз тақдирининг чинакамига ҳал булажагини сезди. У одатдан ташқари жиддий тус одди. У шу қадар жиддийлашгандики топ-тоза болаларча дукки пешонасида катта солдатларни кидай ажин пайдо бўлди.

Башарти разведкачилар уни шу тобда кўрганларида, ўзларининг шўх, қувноқ «чўпон бола»си эканлигига ишонмаган бўлардилар. Улар болани ҳечқачон бу зайлда кўрмаган эдилар. Эҳтимол, у умрида биринчи марга шу ҳолатга тушган бўлса.

Унда ҳозирги ўзгаришнинг юз беришига сабаб бўлган нарса: капитан Енакиевнинг ҳаёт тўғрисидаги содда, жиддий сўзлари ва атрофларини ажин босган, бирмунча толиққан кўзларининг жиддий, майин боқишлири эмас, балки бунинг сабаби Ваниянинг танҳо, жуда ғариб кўнглига та'сир этган асл оталик меҳрибонлиги эди. Боланинг қалби эса бундай шафқат ва меҳрибонликни

жуда-жуда соғынгац, буига бутун жолтаси блан гана
эди.

Батарея командири блан Вания иккаласи ягона, чуқур
хис ичида, узоқ жим қолишиди.

— Хүш, Вания, нима дейсан, а?—деди ниҳоят капитан.

— Сиз нимани буюрсангиз шу,—деди астагина Вания
ва кишикларини қуйи солди.

— Менинг буйруқ беришим осон. Лекин ўзинг нима
фиркрга келасан, мен шуни билмоқчиман.

— Нима фирмрга келардим? Мен аллақачон бир фирмр-
га келиб қўйганиман.

— Қани, нима фирмрга келгансан?

— Сизда тўпчи бўламан.

— Бу жуда жиддий масала. Асли буни ота-онангдан
сўралса, чакки бўлмас эди-я! Лекин ҳечкиминг қолмаган
шекилли?

— Ҳа. Ҳечкими йўқ етимман. Яқин кишиларимнинг
ҳаммасини немислар ўлдириб юборган. Бошқа ҳечкимим
йўқ.

— Демак, ўзингдан бошқа маслаҳатгўйинг йўқ
экан-да?

— Ўзимдан бошқа маслаҳатгўйим йўқ, ўртоқ капитан.

— Мен ҳам худди шунақаман, ўзимдан бошқа масла-
ҳатгўйим йўқ,—деб юборди ўзи ҳам кутмаганда, ғам-
нилик блан жилмайиб капитан Енакиев, лекин ўша
зайдотиёқ ўзини тутиб, ҳазил аралаш қўшиб қўйди:
— Бир мия яхши-ку, иккита бўлса ундан ҳам а’ло бўлади-
ла. Тўгрими, чўпон бола?

Капитан Енакиев қошини чимирди-да, кўрсатгич
пармоги блан калта, қаттиқ мўйлабини силаганича, бир-
мунча вақғ ўйга толиб, жим қолди, унинг ҳамиша узил-
кесил бир қарорга келиш олдидан шунақа қилиш одати
бўр эти.

Бўйти, деди у қат’ий қилиб ва кафти блан секин

столга уриб қўйди.— Сенинг разведкага боришингга ҳали вақт эрта. Менда алоқачи бўласан. Соболев!— деб қичқирди у ўодиёна ва кескин овоз блан.— Разведкачилар олдига боргин-да, қизил аскар Солицевнинг койкаси блан буюмларини менинг блиндажимга кўчириб келгин.

Шу тариқа, урушда ҳар доим одамнинг тақдиди қанчалик тез ўзгариб турса, Ваниянинг тақдиди ҳам яна шундай тез ўзгарди.

20

Шу кундан э’тиборан Вания асосан капитан Енакиевникида яшайбошлади.

Броқ капитан Енакиевнинг уни ўз бағрига олишдан муддаоси болани алоқачи қилиш эмасди. У, бундан кўра каттароқ мақсадни кўзда тутарди. Ванияни шахсан ўзи тарбияламоқчи эди.

Капитан Енакиев, ўзига хос пухталик блан, тарбиялаш режасини тузди. У, ўз батареясининг жанговар вазифаларини бажариш йўлларини қанчалик батафсил ўйласа, болани тарбиялаш масаласини ҳам худди шундай, ҳар тарафлама ўйлаб чиқди. Лекин, режани этрофлича, шошилмасдан, ўйлаб тушиб олгац, буни амалга оширишга тез ва қат’ий киришди.

Бу режага кўра, Вания даставвал тўп расчётидаги ҳамма номерларнинг¹ вазифасини бажаришни аста-секин ўрганиб бормоғи керак эди.

Бунинг учун, капитан Енакиев ўзининг старшинаси блан маслаҳатлашиб олиб, Ванияни биринчи взводнинг биринчи тўпига запас номер қилиб юборди.

Бола дастлабки кунларида ўзининг разведкачи дўстларини жуда соғинди. Аввалига у ўзини жона-жон оила-сидан ажралиб қолгандек сезди, лекин тез орада кўрдики, унинг янги оиласи эскисидан сра қолишмас экан. Бу оила ҳам уни худди ўз фарзандидай қабул қилди.

¹ Тўпларга қарашадиган аскарлар номерларга бўлинади. Ред.

Ваня солдатларининг ҳар нарсадан хабардор кишилар бўлишларини ҳали билмас эди. Солдатлар доим ҳамма ишқитан хабардор бўлиб юрадилар. Улар ҳамма янгиликларни, одамлар айтмоқчи, «солдат телеграфи орқали» бир зумда билиб оладилар.

Вания биринчи тўп расчётига келганда, ўзининг тариҳи аллақачон бу ердагиларга ма’лум бўлганлигини билди, тоза ҳам ҳайрон қолди. Тўпчиларга боланинг бошидан кечганлари жуда яхши ма’лум эди. Уни разведкачилар ўрмондан қандай топиб олгани, Биденко қўлидан чиқиб қочгани, кўр отни етаклаб разведкага боргани, немисларнинг қўлига тушиб қолиб, қандай қутулгани ва хуллас компасдан тортиб, «Қуллар биз эмас. Биз қуллар эмасмиз» деб ёзилган алифбе китобигача бошдан-оёқ ҳаммасини билишар эди.

Тўпчиларга Биденко блан бўлган воқиа айниқса ёқиб тушиди.

Улар ҳамиша Ванядан шу ҳангамани энг бошидан ганириб беришни қисташарди. Унинг ҳикояси арқон воқиасига келиб етганда, улар болалар каби қотиб-қотиб қулишарди. Улар бошларини бир-бирларининг елкаларига уриб, орқаларига қоқиб, ичаклари узилиб қулишар ва кўз ёшлини енглари блан артишар эди. Устма-уст кулигидан нафаслари ичларига тушиб, гапиришга мажоллари қолмас эди.

Эшитаяпсанми, Никита, у арқонни тортса, бу ўзини ухлаганга солипти. Кўрдингми?

Оббо, қурғур-эй!

Худди бир оқизоқ ўйини бўпти, деявер.

Рост. Худди оқизоқ ўйини. У арқонни тортганда, ҳурирак отаётгандай бўлади. У яна бошқатдан тортиб кўрсанки, бундан ном-нишон йўқ. Қани, энди топиб кўрчи!

Оббо, чўпон бола-эй! Оббо, оғайничалиш-эй! Шундай ман-ман деган разведкачини лақиллатибсан-ди бу ҳаркимшининг қўлидан келавермайди.

— Рост, нимасини айтасан. Қойилман!

Разведкачилар батареяниң пешқадамлари саналарди. Ҳеч сүзсиз, уларниң рўзғори жойида, улар тўкис яшашарди. Ўша машҳур чойнакларининг ўзиёқ ҳарнарсага арзийди! Лекин тўпчилар ҳам чакки яшәшмасди. Тўгри, уларда бунақангисоз чойнак йўқ, ўлжабобида разведкачиларнинг ҳамиша олдига тушаолмасдилар. Чунки разведкачилар ҳамиша олдинда боришади.

Лекин буларниң жуда бир ғалати, ичи сирланған катта кострюли бор эди, бунда улар ўзларига жуда ҳам мазали овқат пиширишарди. Улар кундузги овқатнинг гўштларидан олиб қолиб, гречиха бўтқаси блан аралаштириб сари мойда қовиришарди.

Тўпчилар жуда аҳил яшашарди. Улар, чамаси, разведкачилардан ҳам иноқроқ яшардилар. Бунинг сабаби ма’лум. Разведкачилар аҳ’ён-аҳ’ёнда бирга тўпланишади. Тўпчилар бўлса ўз замбараклари ёнида доимо бирга эдилар. Улар биргаликда жанг қилишар, бирга дам олишар, бирга овқатланишлар, борингки, қўшиқини ҳам бирга қўшилишиб айтишарди.

Қўшиқини ҳақиқатан жуда боилаб айтар эдилар, чунки овозлари бир-бирига жуда мос тушиган эди.

Бундан ташқари, уларниң разведкачилардан яна бир шараси ортиқ эди: уларда жуда ажойиб, қимматбаҳо баян бор эди. Тўпчиларни оталикка олган ташкилот вакиллари 1942 йилда Ўролдан меҳмон бўлиб келган маҳалларида бу баяни совға қилган эдилар. Яна тағия уларниң орасида бутун дивизияга доиги кетган баянчи сержант Сеня Матвеев бор эди, у тўп командири эди. Ҳужум вақтида батарея позициясини ўзгартирганда, биринчи тўпнинг олға музика чалиб борган пайғи ҳам бўлган. Ўшанда тўп расчёти юқ машинасида ўтириб олиб бараварига қўшиқ айтар, қора мўйловли Сеня Матвеев бўлса, шапкасини пешонасига тушириб олиб, шинелининг олдини очиб, оёқларини маҳкам тираган ҳолда, ҳад’я қилинган баяни завқ блан шундай чалардики, бу чор пиё-

далар бенхенер йўл бўшатиб, тўхтаб қолишарди. Бу шо ли-хуррам одамлар тушиб олган юқ машинасининг кети-ла қичкина замбарак чангга беланиб, сакраб-сакраб бо-рафи, шунда ниёда аскарлар машинадагиларга тикилиб дурмат билан:

Омон бўл, уруш худоси! Та’зирини бер уларнинг.
Унни очашнирма!— дея қичқириб қолишарди.

Хозир бошлимиз,— деб жавоб берарди Сеня Мат-вееи, баянини яна ҳам авжига чиқариб,— сиздан угинатю, биздан бугина. Хайр, жангоҳ маликаси! Жанг майдонида кўришгунимизча хайр!

Лекин, муҳими бу эмас эди, албатта. Муҳими шу эди-ки, капитан Енакиев батареясига қарашли биринчи взвол биринчи тўпининг тўп расчёти ўз соҳасида разведкачилар командаси сингари бутун дивизияга танилган эди.

Биринчи тўп жуда аниқ ва ниҳоятда тез отабилиша билан машҳур эди. Бошқа тўплар, ҳатто уларнинг энг ях-шилари ҳам эндиғина иккита снаряд чиқарганда, биринчи тўп учтасини отиб бўларди. Бу эса, умуман бутун тўп расчётининг ва ундаги ҳар битта номернинг жуда яхши ишланидан дарак берарди.

Фронтнинг энг яхши наводкачиси, Совет Иттифоқи Каҳрамони Ковалёв айниқса машҳур эди.

Хуллас, Ванияни қабул қилиб олган янги оила жуда отоқли ва жуда этиборли оила эди. Тўпчилар камтар одамлар бўлиб, ўзларининг жанговар ишларидан ортикли ганирмасалар ҳам, Вания буни дарҳол сезиб олган эди.

Вания илгари разведкачилар командаси билан қанчалик фахрланган бўлса, биринчи тўп расчёти билан ҳам худди шундай фахрланадиган бўлиб қолди. Бу нарса унинг юригинда чин солдатлик ўти борлигини жуда аниқ ва ранинан кўрсатиб турарди. Зотан, ўз бўлинмаси билан фахрланмайдиган яхши солдат бормикан?

Лекин боланинг кўпроқ фикри-хаёlinи ўзига торти-сан ва разведкачилардан айрилганининг ҳуморини осон-роқ гаридатнинга ёрдам берган нарса — тўп бўлди.

Тўп деган сўзниң ўзиёқ болага ҳамиша жозибали ва даҳшатли эшитилади. Бу сўз Вания эшитиб юрган ҳамма ҳарбий сўзлар ичида энг зўри эди.

Блиндаж, пулемёт, атака, жанг, разведка, азимут, авиация, милтиқ, дзот каби ҳарбий сўзлар шунчалик кўпки, санабсаногига етиб бўлмайди. Лекин шу сўзларниң ҳеч қайсиидан жанг шовқин-сурони, снарядлар чинқириғи, пўлатларниң жаранг-журунги тўпникидек равшан эшитилмас эди. Вания артиллерияни «уруш худоси» деб аташларини билар эди. Вания бу ҳайбатли, зўр худони ғира-шира тасаввур этса ҳам, шу худонинг номи бўлган биргина «тўп» сўзини аниқ-равшан эшитарди.

Вания «гўн» деган сўзни неча бор эшитган, аммо тўпни ўз қўли блан ушлаб кўриш уёқда турсин, ҳатто яқиндан туриб қарашиб ҳам унга камдан-кам мусассар бўлган эди. Тўпниң ўзида, айниқса унинг жанг қилишида ақл бовар қилмайдиган бир сир бордай туйиларди. Теварак-атрофда юзларча, ҳатто мингларча тўплар на’ра тортарди. Бутун осмон тўп отишмаларидан бир лаҳза ҳам тинмай оловланиб турарди. Одамлар шовқин зўридан бирбириларининг қулоқларига бақиришиб гапирадилар. Снарядлар жуда катта қайроқ тошдек шарақлаб, бош устидан бетўхтов ўтиб турарди. Портлашлардан ботмонлаб қора тупроқ осмонга совуриларди. Мана шу ишларниң ҳаммасини қилаётган тўпларниң ўзини эса, кўриб бўлмасди. Улар ҳамма ерда ҳозир бўлсаларда, ҳеч ерда бўлмагандек эдилар.

Энди бўлса Вания тўпни яқиндан кўриб, уни ушлаб боқиш блан қолмай, балки ётишга ёрдам бериши ҳам керак эди.

Бу тўп биринчи взводнинг биринчи тўпи эди, шундай бўлгандан кейин унга қисман Ванияниң ҳам дахли бор эди.

«Чўпон бола» биринчи марта тўп олдига келган ажоийиб ва ғаройиб куни умр бўйи ёдидан чиқарманди.

Капитан Енакиев батареясида ҳаммаси бўлиб тўрттаги-

на түи бор эди. Булар бир бирдан қырк мегр орамнода қатор ўрнатилғанды. Түплар бары бир бирита жуда ұхшарди. Шундай бұлса-да, Вания ҳадикесираб өнігін борған түи тамоман бошқача, жақонда ягона ва тенни йүк түи эди, чунки бу түи «ўзлариники» эди.

Түи ярим донра қилемінде қазилған кичкина окоңчада стволине гарбға қаратыб, қазилған ерга сошник блан тирилиб турарды. Вания ҳайратланған күзларини түидан уммай ҳадикесираб уни айланиб чиқди. Гарчи стволине отзига қоңқоққа үхшатыб, кичкина брезент ғилоф кийгизиб қўйилған бўлса ҳам, Вания унинг рўпарасидан ўтаётуб, тагин бирдан отилиб кетмасин дегандай чўчиб, эҳтиётдан қадамини тезлатди ва бошини эгди.

Хуллас, түи жуда осойишта ва саранжом кўринар эди. Бир қарашлаёқ, унга эгаларининг бино қўйиб қарашлары билинарди. У ярақлатыб артилған ва мой суртилған эди. Унинг ҳамма нарсаси жойида бўлиб, саранжом солдат кийимида бежирим эди. Снаряд парчаси тегиб тенилған ё мертилған жойлари бўлса, яхшилаб ямалған, бўяб қўйилған эди.

Стволининг оғзидаги ғилоффдан бошқа, тўпда яна иккита брезент ғилоф бор эди. Бунинг бири қулфга кийгизилған, иккинчиси бўлса тўпнинг қалқони ёнидан тутиб чиқиб турған жуда ғалати бир нарсани ёпиб турди.

Тўп устида тағин аллақанаقا парракча, ғилдиракча, иникчалар бор эди. Тўп стволи ўрнатилған станокка белкурак, метин, болталар маҳкам қилиб илиб қўйилғанды. Ана шулардан ма'лумки, тўп ўзи блан анчагина хилма-хил зарур буюмларни олиб юриши лозим экан.

Лекин ҳали булар ҳаммаси эмас эди.

Яхни, батартиб колхоз хўжалигининг кўпхонали бош биноси сингари, бу тўп теварагида режаси блан ҳархил хитмат ўринилари, кичкина бинолар ва хоначалар жойлыштырылди. Тўп ёнидаги ғилдирак гупчаги баравар ерга кўмилини заряд яшиги Ванияга бош конторага үхшаб

күринди; оғзи очиқ теп-текис ёғоч яшикларга зич жой-лашган мис гильзали ўқлар ва ранг-баранг йўлли снарядлар кўриди, булар худди ўт ўчиручилар омборига ўхшиарди; телефончининг околчаси ҳаммомни эсга туши-рарди; тўпчилар ётадиган чуқурчалар хирмон атрофига қазилган зовурни эслатарди; унда-бунда сочилиб ётгая кора гильзалар ремонтга қўйилган қишлоқ хўжалик ас-басбларига ўхшаб кетарди; маскировка арчалари уй олдидаги боғчани эслатарди.

Шу блан бирга бу осойишта кўринган манзараларда қандайдир қўрқинч ва хавф-хатар сезиларди.

Дастлаб бу хавф тугдирадиган нарса нима ва у қаер-далигига боланинг ақли етмай юрди. Лекин кейин ту-шуниб олди. Бу хавф-хатар у аввалда унча парво қилма-ган, снаряд ўйиб юборган чуқурлар экан. Тўплар атро-фида ҳар ер-ҳар ерда бунақанги чуқурлар анча-мунча эди.

Булар янги, яқиндагина пайдо бўлган чуқурлар эди. Чуқурлардан отилиб, қорайиб кетгани ўтлар устига туш-ган тупроқ ва лойлар ҳали ҳам чўкмаган нам ва ҳатто иссиқдай туйиларди. Бундан чиқадики, шу яқин орада, балки эрталаб бу ерга немис снарядлари келиб тушган. Немислар, албатта, мана шу тўпни мўлжаллаб отганлар.

Илгари Вания ўз йўлида дуч келган бунақа чуқурлар-га ортиқча э’тибор бермас, иши ҳам бўлмасди, чуқурлар ёнидан бамайли хотир ўтиб кетаверар ва бўлар иши бўни-ти, снарядлар қилгулигини қилиб бўпти, хавф тугапти, деб биларди.

Энди-чи, чуқурларни кўриши замон бутунлай бўлак-ча та’сирга берилди. Немис снарядлари ҳозиргина бата-рея атрофига келиб тушган. Улар тўп атрофига тушиб ёрилиб, жуда хунук из қолдирипти. Лекин батарея қўз-голмапти. Тўп олдинги ўринида турипти. Фронтда ҳеч-қанақа ўзгариш бўлгани йўқ. Бундан чиқадики, немис снарядлари ҳар зумда яна келиб тушиши ва бу гал фа-локат етказиши мумкин.

Шу тобдаги совуқ куз ҳавосининг ўзиңгі пижандан да-
рак береб турғандай түйилди. Булутлар устида, **артиллерия**
шохида ва ерларда ажал шарнас кезарди. Аммо ғүчин-
лар буни ҳеч пайқамаёттандай кўринарди.

Уз тўпи теварагига жойлашиб олган солдатлирининг
харқайиси ўз иши блан овора. Бири, қарагай тахтадан
ясалған снаряд яшигига ўрнашиб олиб, кўк қаламини
тупуклаб, шлёмини бошидан орқароқ суреб, хат ёзмоқ-
да; иккинчиси тўп станогига ўтириб олиб, шинелига ил-
гак тақмоқда; яна бири кичкинагина артиллериачилар
газетасини ўқимоқда; бошқаси эса маҳорка ўраб, чақмоқ-
дан учқун чиқариб, ўзи ясад олган пиликни туташтириб,
онпоқ тутун бурқситмоқда.

Вания, разведкачилар блан бирга яшаб, жанг майдо-
нини турли тарафдан кузатиб юриб, урушни кенг доира-
да ва хилма-хил ҳолда кўришга ўрганган эди. У йўлларни,
ўрмонларни, ботқоқликларни, кўприкларни, ўрмаловчи
танклар, югуриб ўтучи пиёдалар, миначилар, сой-
ликларда тўпланишаётган отлиқларни кўриб юрган эди.

Бу ерда, батареяда ҳам уруш бормоқда эди, броқ бу
уруш тор доирада, бир парча ерда борганидан, биттаги-
на тўпнинг қақир-қуқуридан (қўшни тўплар ҳам кўрин-
масди), уни бекитиб турган арчалар ва хира куз осмони
кесиб турғандек туйилган тепалик ёнбағридан бошқа
хечнарса кўринмасди. Тепаликнинг орқа томонидан гоҳ-
гоҳ отишмалар овози келиб турса ҳам, Вания у томонда
нима борлигини билмасди.

Вания, бўйи баравар келадиган тўп фидираги олди-
ла туриб, букикроқ тўп қалқонига ёпишириб қўйилган
қоғозни кўздан кечира бошлади. Бу қоғозга йирик қи-
либ тушь блан аллақандай номер ва рақамлар ёзилган
эли, бола уни ўқимоқчи бўлиб бехуда уриниб турган эди,
бировининг:

Қалай, Ванияжон, тўпимиз сенга ма'кул бўлди-
ми? лекин йўғон, ёқимли овозини эшишиб қолди.

Бола, ўтирилиб, наводкачи Ковалёвга кўзи тушди.

— Ҳа, жуда ёқли, ўртоқ Ковалёв,— деди чаққонлик блан Вания ва ихчам бўлиб қаддини ростлаб, честь берди.

Капитан Енакиевнинг берган сабоги беҳуда кетмагани кўрнишиб туарди. Энди, катталар блан муомала қилганда Вания ҳар доим қаддини ростлаб олиб, саволларга дадил ва чаққон жавоб қайтарарди. Наводкачи Ковалёв олдида эса у эпчиллик қиласман деб, ҳатто қоиддан ошириб ҳам юборди. У қўлини шапкасининг козирогига олиб борганича, туширишни ҳам унтиб тураверди.

— Бўнти, қўлини тушир. Вольно,— деди Ковалёв, кичкина солдатнинг келишган қоматига мароқ блан тикилиб.

Ковалёвнинг сиртқи кўриниши — абжир солдат, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, фронтнинг энг яхши наводкачиси деган та’рифга унча мос келмас эди.

Аввало, у ёш эмас эди. Боланинг назарида у «амаки» дан кўра, кўпроқ «бобо» дейишга муносиброқ эди. Урушдан олдин у катта бир паррандачилик фермасининг мудири бўлган. Фронтга бормаса ҳам бўладиган эди. Лекин урушнинг дастлабки кунидаёқ, у кўнгилли бўлиб ёзилди.

Биринчи жаҳон уруши вақтида у артиллерияда хизмат қилган ва жуда машҳур наводкачи бўлган. Шу сабабдан, бу урушда ҳам у артиллерияга наводкачи қилиб олишларини илтимос қилди. Бошда батареядагилар унга унча ишонмай қарашди, негаки у жуда ҳам юмшоқ кўнгил ва ўтакетган содда, мўмин одам кўринди. Лекин биринчи жангнинг ўзидаёқ ўз ишига жуда моҳир, жула эпчил ва уста эканлигини қўрсатди, шундан бошлаб унинг тўғрисидаги шубҳалар бутунлай чиппакка чиқди.

Унинг тўп ёнида туриб қилган ишлари энг юқори сан'ат ва маҳорат намунаси эди. Наводкачиларнинг яхши, қобилиятлилари бўлади. Исте'додли наводкачилар ҳам бўлади. Илфор, отоқлилари ҳам бўлади. Ковалёв бўлса мисли йўқ исте'додли наводкачи эди. Ҳаммадан қизиги шуки, икки уруш орасида ўтган чорак аср мө

байнида у ўз сан'атини унтутиб қўйини уёқди турсан. **Билки** уни яна ҳам мукаммаллаштиргандай кўринишарди. Яниги уруш артиллери олдига кўпгина янги вазифалар қўяди. Бу уруши кекса наводкачи Қовалёвният ишлари урушиди тўла-тўкис рўёбга чиқмагани кўп фазилатларини очиб берди.

Рўнарадан туриб отишда унга тенг келадиган одам йўқ эди. У ўз расчёти блан бирта тўпни очиқ ерга олиб чиқар эди-да, ўқ ёмғури остида ҳеч ҳовлиқмасдан, аниқ ишон олиб, жуда тезлик блан немис цепъларига сочма ўқ отар ёки немис танклари устига пўлаттешар сиарядлар ёғдиарди.

Бу ишда маҳорат ҳарқанча зўр бўлгани блан биргина буниинг ўзи кифоя қилмасди. Бунда бениҳоя мардлик ҳам талааб қилинарди. Худди шу хислат Қовалёвда бор эди. Қовалёв кўринишида оддий ва содда бўлса-да, одатдан ташқари ботир ва жасур одам эди.

Хавф юз берган пайтларда, у тамомила ўзгариб кетар, унинг осойишта вужудидага ғазаб ўти аланга оларди. У бир қадам ҳам жетга чекинмасди. У ўқ тугамагунча тўндап отаверарди. Сўнгги ўқни отиб бўлгач, у тўпи олдига ётиб олиб, автоматдан отар, ҳамма дисклардаги ўқлар битгач, у ҳеч ҳовлиқиб қолмай, қўл гранаталари солинган яшикни келтирас ва қўзини қиса-қиса то немислар чекинмагунча кетма-кет граната иргитаберарди.

Одамлар орасида ботирлар кўп учрайди, лекин Ватанини онгли равишда чин юракдан қизғин севишигина бошири қаҳрамонга айлантиради. Қовалёв чинакам қаҳрамон эди. У Ватанини қизғин, аммо вазмин севар, унинг барча душманларидан нафратланар эди. Немисларни у, аввалги урушданоқ қаттиқ ёмон қўриб қолган эди. Унинг немисларда алоҳида ўчи бор эди. Улар ўн олтичинчи йилда уни бў учи газ блан заҳарлаган эдилар. Ўнинчидан бери Қовалёв ҳарвақт оз-моз йўталадиган бўйлаб қоланди. У немислар тўғрисида гапиргандада, лўнда қилиб.

— Мен уларни яхши биламан. Улар ҳаромзодалар Бизнинг уларга жавобимиз фақат битта бўлиши мумкин, у ҳам бўлса, тез-тез ўтиб, шартта қириб ташлаш. Бошқача муомалага улар тушунишмайди.

Унинг уч ўғли армияда эди. Улардан бири ҳалок бўлди. Унинг хотини врач эди, у ҳам армияда хизмаг қиласади. Ўйда ҳечкими қолмаган. Армия унинг уйи бўлиб қолган эди.

Қўмондонлик бирнеча марта Ковалёвни юқорироқ вазифага кўтармоқчи бўлди. Лекин ҳар сафар Қовалёв ўзини наводкачилик ишида қолдирин ва тўпдан ажрат-масликни сўради.

— Наводкачилик менинг ҳақиқий қасбим,— дерди Ковалёв,— бошқа ишни бунчалик яхши уddaрай олмайман. Гапимга ишонаверинг. Мен амалга қизиқмайман. Аввалги урушда ҳам наводкачи эдим, бу урушнинг правардигача ҳам наводкачи бўлиб қолмоқчиман. Командирликка бўлса мен ярамайман, қариб қолдим. Ёшлигарга йўл бериш керак. Сизлардан бирдан-бар ўтинчим шу.

Хуллас, қўмондонлик уни ўз ҳолига қўйди. Дарвоқи', Ковалёвнинг гапи ҳақдир. Ҳарбир киши ўз ўрнида турса яхши фойда келтиради. Ахир, дарҳақиқат, иш манфатини кўзлагандан, ўртача бир взвод командири бўлгандан кўра, отоқли бир наводкачи бўлган яхшироқ-да.

Буларнинг бари Ванияга ма'lум эди, шу сабабдан у, донги кетган Ковалёвга ҳайиқиб ҳамда ҳурмат блан боқди.

Ковалёв баланд бўйли, қотма одам, у янги бўлсаям тўп мойи теккан калта пахталикни елкасига ташлаб олган эди. У уйда юргандай бошяланг эди. Сочи тўкилиб камаябошлаган ба'зибир одамларнинг одатича, у ҳам сочини қирдириб олдирган эди. Бўйинлари қип-қизил, шамол ялаган, бутун бетини тарам-тарам ажин босган, сариқ мўйлаби ва топ-тоза қирилган даҳани солдатча эди.

Умуман унинг усти-бояни гарчи сипо, тўпчиларникидай

покиза бўлса-да, бир қадар эскича модили **эди**, **ш'ини** эгнидаги қора мовут шими ҳам (уни армияга ўзи **нишон** келган эди), оғзидаги жез қопланган ва тугунли қораллаб кетган трубкачаси ҳам «ўтган уруш хотирасини **жо** латиб турарди.

Қовалёвдан Вания кўп нарсаларни сўраб олинии **ис** тарди. Масалап, тўпдан қандай нишонга олиниади, **кини** дай қилиб отилади, дастлабки ҳалқача нимага керак, гилофлар кийгизиб қўйилган нарсалар нима, Қалқонги ёништириб қўйилган қофозда нималар ёзилган, тўпни қачон отишади — яна шу каби кўп саволлар **болани** қизиқтиради.

Лекин ҳарбий одоб унинг катта одамдан бурун **гар** бошлишига йўл қўймас эди.

21

— Тўпимиз сенга ёқкан бўлса тузук,— деди наводчи Қовалёв,— номи чиқкан тўп бу. Билган кишига, баҳоси йўқ. Жуда иш берадиган тўп.

У, отнинг ёлидан силагандай, тўп стволини қўли блан қоқиб қўйди, сўнг кафтига қаради, унга сал-пал чаанг юқкан эди, буни кўриб чўнтағидан топ-тоза қуруқ латта чиқарди-да, тўпни яхшилаб артди.

— Тўпим озодаликни ёқтиради,— деди у ўзининг **қитмирлиги** учун узр сўрагандай.— Хўш, демак, сени бизга батарея командири та’лим кўргани юборипти-да?

— Худди шундай, ўртоқ сержант.

— Ҳадеб қўлингни кўтараверма. Ҳожати йўқ. Бемадол туравер. Яхши келибсан, бу ишинг дуруст. Ҳамонки тузук тўпчи бўлгинг келса, ёшлиқ чоғингдан тўи ёнида ишланаётган ўрган, ўрганиб олганингдан кейни, сочинг **окар** тушча бу эсингдан чиқмайди.

У тўи станогига ўтириб олиб, омбир блан кўз ойнатиши туянатабошлади, шунда у Ванияга қараб-қараб қўяр-

кан, кўзлари одатдан ташқари мурувватли ва шу блан бирга жуда узоқни кўраоладиган одамларниқидай зийрак, ўткир боқарди.

— Шунақа, бўтам. Тўпга ёшлиқдан меҳр қўйиш керак. Мен ҳам бир вақтлар батареяга келганимда, сенга ўхшаган гўдак эдим. Бу, иним, бундан роппа-расо ўттиз йил бурун бўлган иш. Оз-мунча вақт ўтмади. Лекин у худди ҳозиргидаёт ёдимда. Мен, албатта, у вақтда сендан хиёл тикроқ эдим. Ёшим ўн тўққизга қадам қўйган эди. Узим ишқивоз бўлиб урушга боргандим. Аммо барибир бола эдим. Бу аломат ишни қара: батареямиз ўшанда ҳам худди мана шу яқин ўртадаги бир ерда турган эди. Кўрдингми умрнинг айланиб келишини? Ҳозир бу жойларни таниб ҳам бўлмайди, албатта.

У атрофга кўз ташлаб, қўлини силкиб қўйди.

— У шайтдан берли бу ерлар жуда ўзгариб кетипти. Урмон бўлган жойлар дала бўлиб қолипти. Дала ерлар бўлса, дарахтзорга айланиб кетипти. Аммо, иш қилиб, шу ўртада, Германия чегарасида, бўлгандик. У вақт чекинган эдик. Энди бўлса ҳужум қилиб бораяпмиз. Фарқ шу.

Бу сўзлар Ваняга жуда та’сир этди. Армия Шарқий Пруссияга қараб ҳужум қилаётир, Шарқий Пруссия эса Германиянинг ўзи, совет қўшинлари тез орада немис тупроғига қадам қўядилар, деган гаплар, албатта, кўп марта унинг қулоғига кирган эди.

Армиядаги ҳамма одамлар сингари, Ваня ҳам провардидада албатта шундай бўлади деб астойдил ишонарди. Аммо эндиликда узоқ зориқиб кутгани «Германия чегараси» деган сўзни эшитаркан, у негадир Ковалёвнинг нима тўғрисида гапираётганини унча тушунолмай ҳам қолди. У, жуда ҳовлиқиб кетди ва ҳатто, ўзини тута олмай, Ковалёвни амаки деб юборди.

— Германия қани, амакижон? Чегара қаерда?

— Ҳув анови ернинг ўзи-да,— деди Ковалёв қўлидаги омбирини елкаси устидан узатиб туриб. Унинг бу ҳо-



Наш чучинқираб ва ҳурмат блан машхур Ковалёвга
тикилди.

лати гүё худди адашган йўловчига таниш кўчани кўрса-тиб юбораётганга ўхшарди.— Анови тепалик срқасида. Бу ердан беш километрча келади. Ундан ортиқ эмас.

— Ростми, амакижон? Мени алдаётганингиз йўқ-ми?— деди бола зорланиб, чунки у, ба’зибир солдатлар-нинг ўзига ҳазил ишлатишларини кўрган эди.

Лекин Ковалёвнинг кўзлари тамомила жиддий бо-қарди:

— Тўғри айтаяпман,— деди у,— орада бир дар’ё бор, холос. Худли унинг нарёғидан Германия бошила-нади.

— Батареячи чин сўзингизми?— деб сўради Ваня шо-ша-пиша.

— Бу ганинг нима ҳожати бор, ахир биз ҳалигина нишон белгилаш учун у ерга ўқ отиб кўрдик-ку! Мана, белгиланган нишонларни кўрдингми?

Ковалёв омбири блан тўп қалқонидаги номерлар ёзил-ган қофозни кўрсатди.

Броқ Ваня ҳали ҳам шубҳада эди. Ўша даҳшатли, қонхўр, жирканч ўлканинг шу ерга яқин жойда, атиги беш километрча масофада эканига ишонгиси келмасди. «Германия» деб аталган бу юрт эса унинг таҳқирланган, хўрланган қалбида ана шундай хунук из қолдирган эди.

Мени алдаманг, амакижон!— деб юборди Ваня кўзларига ёш олгундай бўлиб.

— Вой, тентагей,— деб кулди Ковалёв,— ишонмай-сан-а. Ажабланадиган нима бўити? Ахир кечагина раз-ведкачиларимиз худди шу Германияга кетишган эди, бугун эрта блан қайтишди-ку. У ёқда ҳаммани ваҳима босган дейишади.

— Нима! Разведкачилар Германияга боришидими?

Ковалёв Ванининг кўнглига қандай ғулғула солиб қўй-ганини асло кўз олдига келтираолмас эди. Демак, раз-ведкачилар Германияга боришипти. Германияга Бидепко блан Горбунов ҳам албатта боришган бўлса керак. Сержант Егоров-ку, сўзсиз борган-а. Бундан чиқди, агар-

да Ванияни ўт очини изводига ўғказашимгили, у ҳам Германияга борган бўларди. У разведкачиларни буни қўнидиради. Улар Ванияни оборишигаи бўларди. Бу турган гап. Бу, Ванияга қаттиқ алам қилиб кетди. Ҳарҳолда у разведкачиларнидан ҳали ҳам кўнгил узмаган эди. Ишинг нафси қаттиқ ранжиган эди.

Бўлмаса-чи! Ҳамма разведкачилар бориб келишини ти-ю, у бўлса боргани йўқ. Хўрлиги келиб, қиш-қизарий кетди ва, лабларини тишлаб, киприкларини қўйи солди. Киприклари намланди.

— Германияга борган бўлганимда, уларга кўрсантиб қўярдим,— деб юборди у бирдан тишларини қисиб туриб, бу чоғ боланинг кўзларидан кўкимтири учқунлар чақнаб кетди.

Ковалёв болага қизиқиб қаради, лекин кулмади ва ҳечнарса демади, шу тобда бошқа ҳарқандай солдат бўлганди ҳам, албатта болага: «Чўпон укам, жуда сержаҳл экансан-ку!» деб айтган бўларди. Ковалёв ҳозирги дақиқада Ваниянг кўнглида нималар бўлаётганини пайқаб турган эди. У трубкасини олди-да, унга махорка солиб тутатди, сўнг чекиб бўлиб тешик қопқоқчасини ёпди-да, мўйловлари орасидан хушбўй, оппоқ тутун чиқариб туриб, жуда жиддий тусда танбиҳ берди.

— Сабр қил, чўпон бола. Ҳарбий хизматда бўйсuna бўлиш керак. Энди сен тўп ёнида бўлишинг зарур. Германияга ҳам ана шу тўп блан бирга кириб борасан.

У, сўзим болага қуруқ насиҳатдангина иборат бўлиб қолмасин деб, илжайганича:

Музика блан кириб борилади!— деб қўшиб қўйди.

Худди шу дақиқада, аллақайди, арча маскировкаси ирдесидан баланд овоз блан айтилган:

Батарея жангга! Биринчи тўпдан отилсин!— деган команда энтилиб қолди.

Телефончининг окончасидан сержант Сеня Матвеев ўсағдан сакраб чиқиб қолди. У юрган йўлида қора петлиниши шинслининг тугмаларини солар ва ғижимини тес

кислар эди. У, ёш, сергак башарасини тетик тутиб, «р» ҳарфини чўзиб, овози борича қичқирди:

— Биринчи тўп, жангга! Ўн тўртинчи нишонга тўғрилаб, граната блаи. Парчаланиб портлатучи хилидан. Сакиз ноль-нольниң ўнг тарафига. Мўлжал бир юз ўн.

Ванияга сирли бир афсун бўлиб туйилган бу сўзлар ҳали айтилмасдан бурун, бир лаҳзадаёқ теварак-атрофдаги ҳамма нарса ўзгариб кетди — одамлар ҳам, тўпнинг ўзи ҳам, унинг атрофидаги нарсалар ҳам, ҳаттоки яқин уфққа мингашган осмон ҳам — бутун нарса роса силлиқ ва мойланган пўлат каби товланиб, шиддатли ва даҳшатли тус олди.

Ҳаммадан олдин наводкачи Ковалёв ўзгариб кетди.

Вания ҳали турган ердан қимиirlагани ва «Ана, бошлияяги!» деган сўзлар дилидан ўтган ҳам йўқ эдики, бирдан Ковалёв тўп шотисидан ирғиди-ю, бир қўли блан аллақаердан шлёмини топиб олиб кийди ва иккинчи қўли блан қалқон ёнидан туртиб чиқиб турган нарса устидан брезент ғилофни кўтарди: унга боя Ваниянинг кўзи тушган эди.

Устидан ғилоф олингач у нарса янайм гўзалроқ ва Вания ўйлаганидан кўра ҳам сирлироқ бўлиб кўринди. Бу нарса Вания кўн марта кўргаи дурбин, стереотрубага ҳам ўхшар ва пўлат ҳалқалари, айланучи барабанчадарига бир талай майда ва йирик рақамлар ўйиб ёзилган аллақандай машиначага ҳам ўхшаб кетарди. Бу машинача боланинг хаёлига «арифметика» деган сўзни келтирди. Булардан ташқари, қорайтирилган қиррали пўлатдан ишланган тағин алланима бўлиб, унинг устидаги қабарчиқ ойнаси, қийшиқ кўзгуси ҳамда узуничоқ кесиги бўлган яесси қора қутичаси бор эди. Бу эса «фотоаппарат» деган сўзни хотирга тушириб юборди.

Наводкачи Ковалёв, қора трубка устига энгashiб, кўз тикканча ва оёқларини кериб боғанича, ҳайкалдай қотиб турарди, қўллари эса шу вақтда асбоблар ус-

тида жуда илдам баланд-настта чиқиб тушир, швижалари айлануучи барабанчалар ва ҳалқаларга ушиш эди.

Боланинг кўзи нимага қарашини билмай, жондириб қолди.

Дастлаб, аллакум бир зумда тўғ устидан иккичи гилюфии кўтарди, шунда Ванянинг кўзи тўп затворига туңди, роса ярқиратиб мойланган бу пўлат затвор жуда каттакон ва оғир бўлиб, унинг алюмин дастаси ва одамнинг жағига ўхшаган қийиқ ва бақувват пўлат банди бор эди.

Ҳаммадан ҳам муҳими, Ваня тепки шнуруни кўрди — бу шнур — устига эски чарм қопланган пўлат занжирча эди. Бу нарсанинг нималигини у дарров билди. Шу чарм қопланган занжирча бир тортилса бас — тўп отилиб кетади.

Қулфчи дастадан ушлаб тортиши блан, бир пудли қулф хамирдан қил суғургандай силлиққина, овоз чиқармай очилиб кетди. Буни кўриши бланоқ, дарров Ваня, бу солдатнинг қулфчи эканлигини билди. Қулф очилиши блан унинг қоқ ўртаси тешик қиррали цилиндри ва бўш тўп стволининг ярқироқ бурама каваги кўриниб кетди Ала шу чоқ Ваня зўр иштиёқ блан ўқларга тикилиб қолди.

Улар яшиклардан олинган ва худди мис қалпоқли солдатлардай, ерга текис қилиб терилган эди; ўқлар устларидаги йўлларининг рангига қараб: қораси — қорага, сариғи — сариққа, қизили — қизилга ажратилган эди. Ўнг тиззасини ерга тираган солдат бир ўқни чап тиззасига қўйиб олган эди, бу солдат — яшикчи солдат эди, у снаряднинг қалпоғини бир нима қилмоқда, худди шу тобда бошқа бир солдат иккинчи ўқни тўп ёнига келтирди да, уни тезда ствол тешигига суқиб, кафти блани итариб юборди. Ўқ орқасига жилиб кетмасдан, қулфчи дарҳол уни затвор блан итариб юборди.

Затвор шарақлаб ёшилди. Қовалёв, қора трубкадан

кўз узмай туриб, бир қўли блан тепки шиурини ушлаб, иккинчи қўлини баланд кўтариб:

— Тайёр,— деди.

— Огоń!— деб бақирди сержант Матвеев, қўлини қаттиқ силкиб.

Вания эса ҳушини йиғиб, нималар бўлаётганини ўйлаб кўргунча ҳам йўқ эдики, наводкачи Ковалёвнинг афти дарғазаб ва кескин тус олиб, занжирни силтади ва қулф орқага қайтганда туртиб юбормасин деб, дарров қўлини тортиб олди.

Тўп шу даражада қаттиқ отилдики, бўланинг назарида худди ундан ҳамма томонга қараб шангироқ қизил халқачалар жимиirlаб учиб чиққандай бўлди. Шунда Вания думогига ўқ-дорининг аччиқ ҳиди келиб урилганини сезди.

Бир лаҳза ҳамма Германияга қараб учиб кетган спаряднинг сустгина шовқинига қулоқ солиб, жимнб қолди. Кейин Ковалёв тағии панорама ёнига келиб, бармоқларини барабанчаларга тегизди. Қулфчи затворни тортди, ундан тутун бурқситиб мис гильза отилиб чиқди-да, шарақлаб ерга юмаланди.

Вания ҳозиргиша ўз кўзи ўнгига юз берган бу му'жи zakor отишдан қулоқлари битиб, ҳайрон қолганича, қотиб тураверди. Кейин у, иши блан байд одамлар орасида бекор турганидан ўнгайсизланиб қолди. У ҳали ҳавридан тушмагани, аммо сал-пал рағни хира тортган бўш гильзани олиб бир чеккага, тўплаб қўйилган бошқа гильзаларга элтиб қўшиб қўйди. Вания, ҳаммаёни жуда юпқа ва жуда енгил бўлса ҳам, ванъка-ветанъка қўғирчоғи сингари таг томони қалини ва спир бўлган гильзани қўлида кўтариб бораркан, у худди отилиш зарбидан ҳануз майнингина жингиллаб тургандай туйилди.

— Тўғри қиласайсан, Солнцев,— деди сержант Матвеев, бу пайт у қалам блан эскирган ёи дафтариға алла нималар ёзар ва шу блан бирга, янги команда кутиб телефончининг окопчасига тикилиб-тикилиб қараб

күйр әди.— Ҳошта, бүшаган гильзаларни ғигиб түри-
вер, улар обек остида ўралашып ётмасин.

Хүп бўлади, — деди севиниб Вания ва чиди ұзи
ҳам муҳим, жуда шарафли ишга алоқадор эканини се-
нуб, қаддииш ростлаб қўйди. Бу муҳим ишни фронтда
ҳар вақт ҳурмат блаи: «Артогоны»¹ деб атагучи эдилар.

Отии тўхтагандан кейин санаб чиқасан-да, бўш
лотокларга тахлаб қўясан,— деди Матвеев.

Вания лоток деган нарса нималигини унча яхинч
билимаса ҳам, янайм зўр хурсандлик блан:

Хўп бўлади,— деб жавоб берди.

Вания бўшаган ҳамма гильзаларни қатор қилиб тах-
лади, кейин қилган ишига завқланиб қаради, броқ ҳо-
зирча қиладиган иши қолмагани учун Ковалёвниг
олдига борди.

— Амакижон, — деб гап бошлади Вания, лекин бу
чоғ жанговар вазифани бажариш устидаги турганини
найқаб, дарҳол гапини тўғрилади.— Ўртоқ сержант,
гапиришга рухсат этинг.

Қани гапир-чи,— деди Ковалёв.

Сиздан сўрамоқчи эдим: ҳозир қаёққа отдингиз?
Германиягами?

— Германияга.

Олдин нишон олдингизми?

Ҳа, олдин нишон олдим.

Сиз анови қора трубкага қараб кўзлаб нишон
олдингизми?

Худди шундай.

Вания бироз жим қолди. У яна гапиришга ботинаол-
мади. Сўрамоқчи бўлган нарсаси назарида — қуюшқон-
дан ташқари — одобсизликдай туйилди. Бундай илтимос
учун кийим-бошларини ечиб олиб, орқа томонга жўна-
тиб юборишлари ҳам мумкин. Шунга қарамасдан, эҳ-
тифкорликдан кўра ҳавас устун чиқди.

¹ Артогоны ўти демакдир.

— Амакижон,— деди Ваня, овозини иложи борича мулойимлаштириб,— амакижон, иш қилиб, мени уришманг. Агар мумкин бўлса, майли, мен ҳечнарса демайман. Сиз нишон олган трубкадан бир марта қарай, амакижон, атиги бир мартагина!

— Бўлади, майли. Қарай қол. Лекин эҳтиёт бўл. Нишонни бузиб юборма.

Вания жонини ҳовучилаб, оёқ учиди юриб борди-да, Қовалёв бўшатган ўрилга туриб олди. Бола, тағин бир нима бўлиб бирдан наводкани бузиб қўймай деб, қўлларини четта тортди-да, ҳали Қовалёвдан кейин қизиғи сўнмаган трубка окулярига кўзини қадади. Унга равшан доира кўринди, доирада кўқимтири паст-баланд ўрмон блан ботқоқлик ерлар манзараси яқиндан гавдаланди. Иккита қуюқ ингичка чизиқ бир-бирига мингашган ҳолда доирани тиккасига ва ётиғига кесиб ўтган эди, у ҳалиги манзарани кўчирма сурат сингари янайм аниқлаштириб кўрсатарди. Худди шу чизиқлар кесишиб ўтган жойда Ванияга ўрмондаги бошқа дараҳтлардан ажралиб турган алоҳида бир узун қарағайнинг уни кўринди.

— Хўш, қалай? Ҳечнарса кўраяпсанми?— деб сўради Қовалёв.

— Кўраяпман.

— Нимани кўраяпсан?

— Ерни, ўрмонни кўраяпман. Жуда чиройлик экан!

— Бир-бирига мингашган чизиқларни кўраяпсанми?

— Ҳа. Кўраяпман.

— Якка дараҳтга кўзинг тушдими? Ҳалиги чизиқлар худди шу дараҳтни кесиб ўтган-а?

— Кўриб турибман.

— Мен худди ана шу қарағайга нишонни туғрилагачман.

— Амакижон,— деди Ваня овозини паслатиб,— шу Германиями ўзи?

— Каер?

— Мен күраёттап жой.

— Пүк, ука. У Германия эмас. Германия бу ердии күришмайды. Германия у ёқда, олдинда. Сен орқа томондаги нарсаларни күраисанми.

Қанақа қилиб орқа томонда бўлени? Сиз ахир, амакижон, у ёқни нишонга олдингиз-у?

— Ҳа, у ёқни.

— Бўлмаса шуёқ Германия экан-да?

— Пүк, унақа эмас. Шу ёқни нишонга олганим тўғри. Карагайни мўлжал қилдим-у, аммо бутунлай бошиқ тарафга отдим.

Вания, Ковалёв ҳазиллашаянтими ё тўғри гапирайнтими деб, унга бақрайиб қараб қолди. Ахир бу қандоқ бўлди: орқани нишонга олиб, олдинга қараб отса? Жуда галати ши-ку. Вания Ковалёвнинг афтига тикилиб, бирон яширини сир борлигини билиб олмоқчи бўлди. Лекин Ковалёвнинг қиёфаси тамом жиддий эди.

Вания бу сирга тушунмай диққат бўлганидан, дам у оёғига, дам бу оёғига босиб, тебраниб турарди.

— Ковалёв амаки,— деди правардида Вания, бегубор тиниқ пешонасини қаттиқ тириштириб.— Иш қилиб снаряд ўзи Германияга отилдими?

Германияга отилди.

— Ӯша ёқда ёрилдими?

— Ӯша ёқда ёрилди.

Қандоқ ёрилганини трубкадан кўрдингизми?

Йўқ, кўрмадим.

Эссеизгина,— деди Вания ачиниб.— Сиз снарядни бекордан-бекорга таваккал қилиб отиб юбораверар экансиз-да.

Нега ундей дейсан,— деди мийигида кулиб ва ғулабиб Ковалёв.— Биз таваккалига отмаймиз. У ёқда кулагун пунктида одамларимиз бор, улар қандай отаётганини иш тикириб туришади. Агар бизда бирон чаюғлик бўлса, улар дарров телефон қоқиб, қандай қилишини иштинганди. Биз тўғрилаб оламиз.

— У ерда ким ўтиради?

— Кузатучилар ўтиришади, старший офицер ўтиради. Ба'зи взвод офицерлари ҳам ўтиришади. Хуллас гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ. Масалан, бугун капитан Енакиевнинг ўзи отишни бошқарайпти.

— Капитан Енакиев у ердан Германияни кўриб турдими?

— Бўймаса-чи!

— Ўқимиз тушиб ёрилганини ҳам кўрдимикан?

— Албатта. Мана қараб тур. Ўқимиз қандай бориб тушганини ҳозир у бизга айтиб қолади.

Вания индамади. Унинг хаёличувалашди. У фикрини бир жойга тўплаб ололмас ҳамда қандай қилиб срқани нишонга олатуриб, олдинга отишларига ва капитан Енакиевнинг бир ўзи ҳамма нарсани кўриши ва билишига ақли стмасди.

— Ноль учдан чапга! — бақирди сержант Матвеев. — Парчаланучи гараната блан. Мўлжал бир юз ўн саккиз.

У кучли қўллари блан Ванияни қўлтиқлаб, ғилдиракдан нариёқча ўтказиб қўйди. Ваниянинг ўрнига эса яна боягидай Ковалёвнинг ўзи келдида, панорама олдида туриб, кўзларини қора окулярга тикди.

Бу сафар ҳамма иш аввалгидан кўра ҳам илдамроқ бажарилди. Иш шуичалик шошқии бўлишига қарамай, Ковалёв болага юзини ўгириб:

— Мана, кўрдингми, бироз адашибмиз, тўгрилаб олдик. Энди жойида бўлади, — деб қўйди.

— Огонь! — деб бақирди Матвеев ва янада қаттиқроқ куч блан қўл силтади.

Тўп ўкириб юборди. Лекин бу галги отиш болани унча чўчитмади. У ўзининг жанговар вазифасини маҳкам ёдида тутиб, чаққонлик блан тўп орқасига югуриб ўтди, шунда тўп стволи орқага тисарилгандан сўнг яна олдинга ўз ўрнига силлиққина сирғилиб бормоқда эди,

Бода отилған иессік гильзани тұпдан приб түштін әлемден ушлаб олди.

— Яша Солицев,— деди Матвеев, букилған тишиңга ён дафтарини қўйиб шошилғанича яна бир шималарни битастиб.— Қанча ўқ сарф бўлди?

— Иккита парчаланучи граната!— дея эпчил жавоб берди Вания.

— Яша!— деди Матвеев.

Вания, «Совет Иттифоқига хизмат қиласман»— деб жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, лекин бунақанги арзимаган нарсага шу сўзни айтишга уялди.

— Арзимайди,— дея минғиллаб қўйди уялганича.

— Бўш келма, чўпон бола!— деди шодлик блан қичқириб Ковалёв, кўз ойнагини тўғрилаб туриб.— Мана ёиди йиғишга шошиб қолмасанг бас. Ҳозир гильзаларни тог-тоғ қилиб уйиб ташлаймиз.

Шундай бўлдиям. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, оқомчадан телефончининг кўк шлёми кўринди, шундан кейин сержант Матвеев йўғон, баланд ва тантанали овоз блан:

— Кетма-кет тўрт ўқ! Ифлос немис ерига қаратиб оғонь!— деб бақирди.

Тўрт марта деярлик устма-устига ўқ чиқаркан, Вания ушиб тушган тўртта гильзани зўрға ушлаб олди. Үбуларни ушлаб оласолиб, қатор қилиб тизиб, текислаб ҳам қўйди.

Шу пайтдан бошлаб, тўп бир минут ҳам тўхтамасдан, шул бовар қымайтилган ажойиб тезлик блан отишга тушни.

Енди тинмай югуриб келиб гильзаларни йиғаркан, куюқ солиб, биринчи тўпдан бошқа тўпларнинг ҳам оғасишини эшилди. Ҳаммаёқдан қаттиқ команда овозлари, загверларнинг шарақ-шуруқи, тўпларнинг гумбуздарини шинтилабошлади. Энди капитан Енакиевнинг буғун батаресен отмоқда эди.

Синорга тар тишимсиз, кетма-кетига, гоҳо иккитаси

ва ҳатто утаси бараварига қулоқни кар қилгундай чин-қириқ солиб, тепалик чўққиси оша Германияга қараб учар ва у томоннинг осмони энди рус осмонига ўхшамас, балки алланечук жирканч, хира — ма’дан каби шурсиз, ясама, немислар осмони эди.

Тўп расчётининг номерлари Ковалёв олдига навбат блан югуриб қелишарди. Ковалёв эса уларнинг ҳарқайсисига бир-икки мартадан шнурни торттириб, Германияга ўқ отдишарди. Улар отатуриб, бундай қичқиришарди:

- Ла’нати немис ерига — огонь!
- Кўриб қўй, Германия! Огонь!
- Ватан учун, Сталин учун! Огонь!
- Гитлерга ўлим! Огонь!
- Қўлларингдан нима келди, аплаҳлар? Огонь!

Вания Ковалёв ёнига бориб, калта пахталигидан тортди.

— Ковалёв амаки, мен ҳам бир марта Германияга отай.

У, Ковалёв кўнмас деб қўрқанди. Ранги қум ўчди ва тулкиники каби думалоқ бўлиб керилиб кетган бурин кавагидан тез-тез, калта-калта нафас олабошлади. Лекин Ковалёв уни пайқамади. Шу пайт боланинг бирдан афти қизариб кетди, жаҳли чиқиб оёғи блан ер тепинди ва талаб қилган оҳангда, титроқ овозини отишма овозидан баландлатишга уриниб бақирди:

— Ўртоқ сержант! Мурожаат қилишга рухсат этинг. Германияга бир отай. Мен ҳам хизмат қилдим-ку. Мана қаранг, битта ҳам қўймай, бўш гильзаларни йиғиб олдим.

Шундан кейингина Ковалёв уни пайқади.

— Хўп, чўпон бола, кел. Отақол. Лекин қўлингни тез торт, тағин затвор уриб юбормасин.

— Биламан,— деди Вания тез ва Ковалёвнинг қўлидан тепки шнурини юлиб олди ҳисоб.

У шнурни жон-жаҳди блан қисмлаганидан бармоқларининг бўғинлари оқариб кетди. Энди дун’ёда ҳеч-

қандай бир күч унинг қўлидан чарм қолланни, уни ҳалқалик бу занжирин тортиб олоимайди индай эди Бөланинг юраги қаттиқ дукиллаб тенарди. Шу тобда унинг дилини биргина ҳисе — тагми отилмай қолмасинда, деган қўрқув боғсан эди.

— Оғонь! — деб қичқирди Матвеев.

— Торт,— деди секин Ковалёв.

Ковалёв буни айтмаса ҳам бўларди.

— Мана, пес, сенга! — деди бола бақириб ва газабга тўлиб, кучи борича занжирни тортиб юборди.

Назарида шу чоғ унинг ёнида тўп жони бордай чўчиб бир сакраб тушгандай бўлди. Тўп оғзидан ўт яллиги чақнаб чиқди. Қулоқлар шангиллаб кетди.

Узоқдаги ўрмондан Ваниянинг Германияга отган снаряд шовқини эшитилди.

22

Капитан Енакиев совуқдан бадани жунжиб, оғир эснаб қўйди.

— Негадир жуда кеч тонг отаяпти-я!

— Куз бўлиб қолди-да, ахир,— деди Охунбоев.

— Кеч куз кирди, учиб кетди зағчалар, ўрмон қипланғоч, бўм-бўш далалар,— деб қўйди Енакиев, тағин бир эснаб.

— Чиройли ёзилган,— деди Охунбоев.— Куз жуда гўзал тасвирланган.

Капитан Охунбоев бу сўзларни тез-тез тамаки тортаётib айтди. У эзилган немис сигаретини шошиб чекиб тутатмоқда ва пешонасини тиришириб туриб, окол устидан кўтарилаётган сигарет тутуни кўп сезилмасин учун унни қўли блан тарқатмоқда эди. Лекин, бу жуда ортиқча эҳтиёткорлик эди, чунки тонг эндигина ёришмокла, теварак-атроф намхуш ва туман эди.

Капитан Охунбоев ўзининг команда пунктини вақ-

тинча жойлаштирган эски немис окопи — картошка экилган даланинг чеккасида эди.

Шундокқина кўзга яқин ерда қорайиб турган картошка палакларида майда сув томчилари оппоқ милтиларди. Ўнг тарафда кўз илғамас тош йўл чўзилиб кетган. Унинг икки ёнини эски бужун дарахтлари қоплаб олган. Бу дарахтларнинг йўғон таналари ва яланғоч шохлари оппоқ тонг осмонида хира ойнада экс этгандай ғирашира кўринарди.

Чап тарафда минора сингари ўртаси чўққайган бир нечта том кўзга ғира-шира ташланиб турипти.

Рўпарада эса қорайған, нам картошка даласи қиялама пастликка қараб ёйилиб кетган, дала сиртини кўқимтири туман қоплаган. Шу пастликнинг нариги томонида яна адр бошланган бўлиб, броқ уни шу тобда сра кўриб бўлмасди. Худди шу адр устидаги немис позицияларига бугун кундузи капитан Охунбоев батальони капитан Енакиев батареясининг ёрдами блан ҳужум қилиб, уни эгалламоғи керак эди.

Охунбоевнинг ўзига хос тезлик ва чаққонлик блан тузган ҳужум плани асосан қўйидагилардан иборат эди:

Икки рота, кун ёришгунча немисларнинг ўнг томонидан яширинча айланиб ўтиб, уларнинг алоқа йўлларини қўлга олади ва иложи борича, ўт очмасдан, ўз кучларининг миқдорини билдириб қўймасдан, ими-жимида пойлаб туради. Сўнг бир рота ҳамма тўпларнинг мадади блан немис позицияларига рўпарадан ҳужум қиласди. Бир рота резервда қолиши керак. Капитан Охунбоев, бир рота блан душман позицияларига ҳужум қилиб, немисларни окоплардан чиқиш ва қарши ҳужумга ўтишга мажбур қиласман деб мўлжаллади. Разведка берган ма’лумотга қараганда, душманинг бир батальонча кучи бор эди. Худди душман қарши ҳужумга қўзғалган пайтда, айланиб ўтиш учун юборилган ҳалиги икки рота ён тарафдан ва балки орқа тарафдан ҳам зарба бермоғи керак. Шу тариқа, немислар исканжага

тушиб қолар ва би томондан очилған күпли **Фт көрғаси** остида ўз сафларипи қайтадан тартыбын солиншы **маж-бүр бүлар** эди, бу ҳол эса ҳамавақт жуда **китіп тұла-фот** күришга, правардиде эса, әгаллаб түрін жоғдан ғоз кечишга мажбур қыларди, ё бүлмаса немисларнинг орқадаги резервларидан ажралған ҳолда, аввалин **то-монда** жаңгии давом эттиришлари лозым бүларди. Броқ бунда капитан Охунбоев, душманнинг орқа томонида ҳаракат этаётган икки ротага мадад учун резерв **рота-сипи** юборади ва бу ерда **куч жиҳатидан** душмандан устун бўлиб қолади ҳам уларни қуршовга тушириб, немис позицияларини ичкари томондан ишғол қиласи.

Бу илан яхши эди, душман аскарларининг ма'навий аҳволи ёмонлигини ҳамда Охунбоев ўқчиларининг мөхирлигини э'тиборга олганда, бу планни батамом юзага чиқаришга унинг кўзи етар эди.

Лекин ҳарбир майдап-чуйда нарсата ҳам алоҳида аҳамият бериб, қирқ ўлчаб — бир кесишга одатланган капитан Енакиев учун эса бу планинг бир ноаниқ томони бор эди. Бу шундан иборатки, немисларнинг қанча резерв кучга эга эканлиги аниқ ма'lум эмас эди. Разведка келтирган ма'lумотга кўра, уларнинг резерви учча кўп эмасди. Лекин улар бу жойга кечаси бир талай мадад кучлар келтирган бўлишлари эҳтимол. Шундай қилмаганлар деб ким айтаолади? Балки, ҳозир, худди шу теснинг ўзгинасида капитан Охунбоев ҳужум қилмоқчи бўлган топаликнинг нариёғидаги бирор жойда немис пиёда аскарлари транстортёрлардан тушаётгандир,— у тақдирда бир ротагина резерв жуда ҳам озлик қилиб, капитан Охунбоевнинг аҳволи чатоқлашиб қолиши мумкин.

Броқ, капитан Енакиевнинг бу шубҳалари аниқ да-нилларга асосланган бўлмай, балки фақатгина тахминларга асосланган эди, шунинг учун ҳам у, планни тинглаб, жанговар топшириқни олга, қисқа ҳам оддийгина қилиб:

— Хўп бўлади,— деб қўйди.

Тұғриси, бошқача қилишнинг иложи ҳам йўқ эди. Охунбоев роталари мэрраларни эгаллаган, ҳужум машинаси сезиларли бўлмаса ҳам, харҳолда ҳаракатга келган эди, капитан Енакиев бўлса қабул қилинган қарордан ҳечқачон қайтмаслик кераклигини яхши биларди. Фақат у, жанг қаттиқ бўлишлигини ва башарти немисларда янги резервлар пайдо бўлиб қолса, у тақдирда ўз тўпларининг аниқлик ва тезлик блан отишларигагина умид боғлаш кераклигини тушунарди.

У ён дафтарига қараб, бор ўқларни ҳисоблаб кўриб, пешонаснини тириштириб қўйди ва телефонда, мумкин қадар тезроқ ўт очиш позициясига яна бир комплект ўқ келтиришни буюрди.

Энди бу ишларнинг ҳаммаси битди, фақат кутиш қолди, холос.

— Хўш, капитан,— деди Енакиев, замш қўлқоп кийгани қўлинни Охунбоевга узатиб,— хайр бўлмаса.

— Сиз қаерда бўласиз?

— Кузатув пунктимда. Сиз-чи?

— Мен резерв рота блан бирга бўламан.

Улар маҳкам қўл қисишиди ҳам ҳар гал хайрлашиш вақтидаги одатларича, соатларини тўғрилашиб. Охунбоевнинг соати олтидан ўн икки минут, капитан Енакиевники эса олтидан тўққиз минут ўтган эди.

— Орқада қолипсиз,— деди капитан Охунбоев.

— Ўзингиз ошиқаяпсиз,— деди капитан Енакиев баланд келиб.

Улар ўз соатларининг тўғрилигини айтиб, бироз тортишиб олишиб. Бу тортишув фақат шунчаки эски одатларича бўлган тортишув эди. Охунбоев Енакиевнинг соати мутлақо тўғри юришини биларди.

— Тан бердим,— деди Охунбоев, чақнаган ўткир қора кўзларини шўх ўйнатиб ва соатини уч минут кетга сурив қўйди.— Ишқилиб, мен сизга тоққа 'суюнгандек суюнаман.

— Суюнаверинг.

— Уқни аяманг.

— Аямаймиз. Сиздан угиниаю, биңдан бугини, — деди Енакиев, у хәели қочганидан, унчалик жоғын көлмесе да, бу солдатча мақолни ишилатди.

— Энг муҳими, кейинда қолманг.

— Кейинда қолмайман.

— Хайр. Энди немис мудофаа линиясında күришамиз-да.

— Балки ундан олдинроқ күришармиз.

— Хүп, омоп бўлинг,— деди Охунбоев, энди командирларча кескин оҳангда.— Ишга киришинг.

— Хўп бўлади.

Улар яна бир марта қўл қисишиб, сўнг хайрланниди.

Биринчи бўлиб окопдан капитан Енакиев чиқди ва ўз телефончинига симни бу ердан кўчириб, командир кузатув пунктига тортишни буюрди, ўзи батареяда шималар бўлаётганини кўргани ётди.

Тонг отиш олдидан ёқимсиз шамол эсар, ба’зи ерларда оёқ остидаги музлар қирсиллаб қўярди. Теварак-атроф тип-тинч, фақат ғарб тарафда унда-бунда немислар отган ёруғлантиручи ракеталарнинг титроқ нурлари ўйнар ва оқариб келаётган осмонда жуда хира акс этарди.

Капитан Енакиев кетидан изма-из босиб, бўйнига автомат осиб олган Соболев бормоқда, капитан бата реяига етганда шарқ томонда туман оч пушти рангга кирди, шамол эса одамни яна кўпроқ беҳузур қилиб жабоилади.

Батареянинг ўти очиш позицияси кулранг харсанг тошлиардан ясалган, жуда узун ва кўримсиз девор орқасидаги катта олмазорга жойлашган эди. Деворнинг бир неча ернин снарядлар ўпириб юборган. Ўпирилган шу жойларнинг биридан капитан Енакиев боқقا ўтди.

Тўплар бир текис ўтқазилган кекса олма дарахтларни орасидаги ерларни чуқур ўйиб ўрнатилган, улар-

нинг оралиғи бир-биридан анча узоқ, устларига түр маскировкалар тортиглик. Тұпларни яқин орадан ҳам пайқаш қийин әди. Лекин олма дарахтининг яланғоч шохлари орасидан, боғнинг нариёғидаги узоқ бир ердан деразалари күчирилган, қорамтири, бесүнақай иморат-нинг черепица ёпилған узун томи күзга ташланиб турар әди; бу құрғончада ҳали үчирилмаган фонарча тонг ёруғида ҳорғин ва хира нур беріб милтилламоқда әди, бу чироғ түрги нишон нұқтаси вазифасини ўтаб, батарея-нинг шу ердалигини билдиради.

Автоматини ўқталған ва бетида ҳамон тун шарпасы акс этган соқчи, капитан Енакиевнинг йўлини түсди, лекин ўзларининг батарея командири эканини пайқаб қолиб, йўл беріб тик қотди.

Капитан биринчи түп олдига борди.

Түп расчётининг номерлари таппа-тахт, шлёмларини кийған ва қуролланған ҳолда, тақир ерда, ҳарким ўз ўрнида ухлаб ётар әди, қайси бирлари бошларига бўш гильза, қайси бирлари снарядлардан бўшаган яшик, яна ба’зилари котелок ёки фақат қўлларини қўйиб ётар эдилар.

Ухлаб ётганлар орасидан капитан Енакиевнинг кўзи Ваниянинг үичкина гавдасига тушди. Бола оёқларини ғужанак қилиб, шлём кийған боши остига муштумини тираб, түп станогида ётиб ухламоқда, у қўлига дистанцион калитни ваҳкам тутамлаб олган әди. Унинг лаблари эрталабки совуқдан хиёлгина кўкарған, лекин бир раҳмдил одам унинг устига мойланиб кетган пахталигини ёпиб қўйган әди, бола уйқусида сирли жилмайиб ётар әди.

Бу жилмайишни кўргач, капитан Енакиевнинг ўзи ҳам кулиб юборай деди, аммо олдига сержант Матвеев-нинг рапорт бериш учун келаётганини кўриб, юзидаги табассумини яшириб, хўмрайиб олди.

Бугун батареяда навбатчилик қилаётган түп коман-диридан рапорт олиб, саломлашгандан кейин, у:

- Хүш, бола қалай? — деб сұриди.

Бола чаккимас, ўртоқ капитан, — деб жаңоб берди сержант ва «севастопольча фасонда» ялгигина құйылған қора мүйлови блан қоп-қора чакка сочларини сипогина силаб қўйди.

- Ишләяптими?

- Ишләяпти.

— Тўпда қанақа вазифани бажарайти?

— Шу кунгача у менда бўшаган гильзаларни тўплаб турган эди. Бугундан бошлаб, тўғриси, кеча кечқурундан бошлаб мен уни олтинчи номерга ёрдамчи қилиб қўйдим.

— Хўш, қалай? Уддаладими?

— Чаккимас, қалпоқчаларни олишни бинойи эп-лаяпти. Кутдирмай бажаради. Буюрсангиз, тўп расчётини уйготай.

— Керакмас, ухлашсин. Бугун иш кўп бўлади. Ўқ келтирилдими?

— Келтирилди.

— Дуруст. Анави ерда деворнинг бирнеча жойи бузилған. Сиз текшириб кўрмадингизми? Бирон ҳодиса юз бериб қолса, ўша оралиқлардан тўпларни чиқариб олиш мумкинми?

— Ҳа. Текшириб кўрдим. Тўп сиғар экан.

— Дуруст. Буни назарда тутинг. Кузатув пунктлари блан телефон алоқаси тузук ишләяптими?

— Тузук ишләяпти.

— Үнг четдаги тўпда навбатчи ким?

— Айттолмайман.

— Билиб келиб, менга айтинг, кейин, бу ерга менга машина юборишсин.

— Хўп бўлади.

Биринчи тўп ёнида сержант Матвеев блан телефонидан ташқари, яна бир одам ухламаётган бўлиб, у наводкачи Ковалёв эди. Қапитан Енакиев батареяда бирдан-бир очилишиб гаплашадиган одам шу эди.

— Хүш, ишлар қалай, Василий Иванович? — деди капитан Енакиев, тұп сағнининг чеккасига — Ковалёв ёнига ўтираётіб.

— Менимча чаккимас, Дмитрий Петрович. Мана, Шарқий Пруссияга ҳам етиб келдик.

— Ҳа, Германияга келдик,— деди капитан Енакиев хаёли паришон бўлиб ва жуда катта, аммо кўримсиз боққа, бу боғдаги таналари оқартирилган дарахтларга ҳамда қишиш тушгач, бу дарахт таналарини ўраш учун тайёрлаб қўйилган қучоқ-қучоқ похолларга кўз югуртириди.

Тўғрисини айтганда, капитан Енакиевнинг батареяда қиласидиган ҳеч иши йўқ эди. Лекин ҳар сафар жанг бошланиши олдидан у бирнеча минут бўлса-да, ўз хўжалигига бир келиб-кетиб, одамлар ҳамда тўпларнинг жангга шай эканликларини шахсан кўришни истарди. Бундай қилмаса, ҳеч ҳам хотиржам бўлолмасди.

У бирорта тўпга кўз ташлаши бланоқ, бутун батареясининг қай аҳволдалигини тўла-тўқис билиб оларди. Ҳозир ҳам буни билиб олди. Батарея жуда яхши аҳволда эди. Буни у ҳамма нарсадан кўриб билди: чунончи, ҳарким ўз ўрнида, кийинган ва қуролланган ҳолда хотиржам ётиб ухламоқда, чуқурчалар қазилган, отиш учун ўқлар таҳт қилиб қўйилган, тўплар устига яхшилаб маскировка тўри тортилган, ҳатто тунда нишон олиш учун иморат томи остига ўрнатилган фонарча ҳам равшан ёниб турипти. Лекин у, фонарни шу заҳотиёқ ўчириб қўйишни буюрди, чунки тонг отиб, сўнук шафақ шу'ласи атрофи очиқ, шипшийдам боғ ичига пастлаб ёйилиб, ер бетини жуда намхуш ва хирагина йилтиратган эди, ер бетини эса қиров босган хазонлари, хас-хашаклар қоплаб ётарди.

Қуёш туман орасидан бир дақиқа аранг юз кўрсашиб, яна қалин булутлар орасига кириб, кун бўйи йўқолиб кетадигандай туйиларди.

Капитан Енакиев соатига қаради. Кузатув пунктига

жүнайдиган вақт бўлиб қолған эди. Броқ бу сифар унинг негадир ўз хўжалигини ташлаб кетгуси келмаеди. Тұң олдида, ўзи севиб ҳурмат қилған кишини Ковалёв әндиде лоақал яна беш минутча ўтиришини истарди. Гўд у, бугун ўзининг бутун жисмоний ва руҳий кучларини шинга солуви лозим бўлишини сезиб тургандай ва сўнгги дақиқалардан фойдаланиб, шу кучларни тўплаётгандай эди.

— Уртоқ капитан, сўзлашга рухсат этинг: ўнг тарафдаги кузатув пунктида старший сержант Алейников иавбатчилик қилаяпти,— деди тошириқни бажариб келған Матвеев.— Машина келди.

— Дуруст. Айтинг, кутиб турсин. Боринг.

23

Капитан Енакиев чарм портсигаридан папироे чиқариб, биттасини Ковалёвга узатди. Улар чекишиди.

— Шундай денг? Демак, бола дуруст кўринадими?— деди капитан Енакиев.

— Яхши бола,— деди Ковалёв жиддий ҳолда ишонч блан,— арзийдиган бола.

— Арзийдиган денг?— деб сўради Енакиев бирдан ва кўзини қисиб Ковалёвга тикилди.

— Ҳа, мёнимча, арзийдиган бола.

— Ундан иш чиқадими?

— Албатта чиқади.

Менга ҳам шундай кўринди.

— Мен боя у блан тўп панорамаси олдида бироз шунулландим. Қарангки, ҳамма нарсага ақли етятти-я. Олам ҳайрон қолади. Онаси наводкачи қилиб туқканми дейсан.

Кинизи Енакиев кулиб юборди.

Разведкачилар бўлса, уни тугма разведкачи дейиншини йўзиниг қайси бири тўғри бўлди экан. Хуллас, бу бодомиз аломат бўлиб яратилган экан-да. Тўғрими?

— Тұғма түпчи деяверинг.
— Тұғриси туғма жангчи-да.
— Ҳа, шундай деса чакки бұлмайды.
— Биласизми, Василий Иванович,— деб юборди тұсатдан капитан Енакиев, болаларни кидай ишончга тұлған күзларини Ковалёвга астойдил тикиб,— мен уни үғил қилиб олсам дейман, нима дейсиз шунта?

— Жуда соз бұлади, Дмитрий Петрович,— деди дархол наводкаши, худди үзи ҳам шу саволни кутиб турғандай.

— Мен үзим әлгіз одамман. Оилам йүқ. Үғлим бор эди, түрт үйл бұлдик... Сизга ма'лум-ку?

Ковалёв жиіддій үйінде бөшини әгди. У бундан хабардор эди. У батареяда бу воқиани биладиган бирдан-бир киши эди. Капитан Енакиев жим қолиб, қисилған күзлари блан қаршиисига тикилди, гүё у, узоқ бир ердан күк матрос шапқача кийған ва ҳозир тирик бұлса етти ёшга тұладиган кичкина болани ахтараётгандай эди.

— Бу-ку, албатта, унинг үрнини босолмайды,— деди у, Ковалёвдан яширмай, чуқур хұрсинаш,— лекин... лекин, Василий Иванович, иккита үғиллилар ҳам бұлади-ку, тұғрими?

— Уч үғиллилар ҳам бұлади,— деди дилгир ҳолда Ковалёв ва үзи ҳам ошкора хұрсеншіб қўйди.

— Хўп, сизнинг маслаҳатиниздан жуда хурсандман. Мен, очиғи, болани раюмийлантириши учун дивизион командирига рапорт ҳам беріб қўйдим. Одобли, ақл-хушли бир үғилчам бұлсин. Тұғрими?

Капитан Енакиев папиросини қаттиқ бир тортди-да, оғзидан тутунни аста-секин чиқарғанича, шу тутун орасидан яна олисларга боқиб, хаёлга чўмди. Шунда бирдан авзо'йи ўзгариб кетди. У қулоғини олдинги марра томонга бироз бурди-да, қовоғи солинди. Үнга, ўнг қанотнинг узоқ бир ерида, немис мудофаасининг ичкарисида милтиқ ва миномётлардан қаттиқ отишма бошланиб

кетгандай түйилди. Капитан Енакиев Ковалёвға сөвөл ишары блаң қаради.

— Аниқ, Отишшайты, Қаттиққина жаңғ бўлияшти, — деди Ковалёв, қулоғидаги пахтани олиб.

Капитан Енакиев яна қулоқ солди. Лекин әнди қулоқ солмаса ҳам аҳвол ма’лум бўлиб қолди. Милтиқ ва миномёт отишмалари овозига тўпларнинг гумбурлани ҳам қўшилиб кетди. У шу қадар қаттиқ гумбурладики, буни эшишиб, ба’зибир солдатлар уйғониб кетишди. Улар иргиб бош кўтаришлари бланоқ, ўтирган жойнинг ўзиди шлёмларини тўғрилай бошладилар.

Капитан Енакиев ўнг қанотда тўсатдан бошланиб қолган бу қаттиқ отишманинг боисини дарҳол тушунди. Унинг кўиглидан ўтган хунук бир иш юз берган эди. Немислар кучли резервларини етказиб келаолган ва ҳозирда шу резервлар Охунбоевнинг душман орқа томонидан айланиб ўтиш учун юборилган икки ротасини қийратмоқда эди.

Капитан Енакиев Охунбоевга телефон қоқиши учун телефонни окопчага югорди. Лекин шу тобда унинг қаринингта окопчадан сержант Матвеев югуриб чиқиб:

Батарея, жангга! — деб қичқириб юборди.

Канитган уни йўлдан итариб юбориб, окопчага иргиб тушди.

Командир кузатув пунктини беринг,— деди тезлик блаң у.

Иўл очиқ,— деди телефонист ва трубкани енги блаң ариб олиб, унга тутқазди.

Телефонда олтинчи гапирайти,— деди капитан Енакиев, ўзини босиб гапиришга тиришиб.— Сиз тарафда имма бўляяпти?

Сокуизничи сонли нишон атрофида душман ҳаралити кучаймоқда. Атакага ҳозирланиб, куч тўплаётган кўринади.

Кучи қанча келади?

Вир батальонча бор.

— Яхши. Ҳозир етиб бораман,— деди капитан Енакиев, у трубкани ташлаб юборай деган жойда дарҳол ўзини тутиб, шозилмасдан трубкани телефонист қўлига тутқизди.

Саккизинчи сонли нишон капитан Охунбоев қоқ рўпарасидан ҳужум қилмоқчи бўлган тепаликнинг устиди эди. Энди бутун аҳвол очиқ-ойдин ма’лум бўлди. Ўйлангандан кўра ҳам баттарроқ воқиа юз берипти, я’ни немислар Охунбоевнинг планини пайқаб, ундан олдинроқ от қамчилаб қолган эканлар.

Капитан Енакиев «виллис» машинасида ариқчалар, полизлар оша гириллаганича тикка кузатув пунктига бораётганида (у фронтнинг олдинги линиясида кам дан-кам ҳолларда отда юарди), унинг қулоғига орқа тарафдан ўз батареясининг устма-уст отаётгани ва шундоққина боши устидан снарядларнинг ҳуштак чалиб ўтаётгани, олдинда эса пиёдалар жанг бошлаганини барала эшилди.

24

Командир кузатув пункти анча олдинга кўчирилган эди, шу сабабли ундан жанг майдонини бемалол кўриб бўларди.

Капитан Енакиев амбразурадаи бир қарашининг ўзидаёқ, бутун вазиятни пайқаб олди. Немис пиёда аскарлар батальони капитан Охунбоевнинг рўпарадан туриб ҳужум қилишга мўлжалланган ва лекин ҳали ишга киришмаган ротасига ҳамла қилмоқ учун тепаликдан тушиб келмоқда эди.

Энди капитан Охунбоев, вазиятни ҳисобга олиб, фақат икки йўлнинг бирини танлаши: ё бироз чекиниб, жарликнинг буёғидаги эски немис окопларида бирмунча қулайроқ мудофаага ўтиб туриши керак эди, шундай қилиш анча ма’кул ҳам бўларди; ё бўлмаса у ўзиники,

даи кучи ортиқ душманга қарши жатып **бояныши** **ни ни** тиёридаги бирдан-бир резерв ротасини дарҳол **ни ни** солиши керак эди, буниси ортиқча мардумик **күрестини** бўларди.

Қапитан Енакиев ўз дўсти Охунбоевнинг фе'лини яхни биларди. Унинг қарши ҳужум бошлани турған гап. Ҳақиқатан ҳам Енакиев эндиғина шу тўғрида ўйлаб турганида, телефонист ўзининг пастдаги уясидан унга телефон трубжасини узатиб қолди. Енакиев отишма овози гапга халал бермасин деб, окоп остига чўнқайиб, Охунбоевнинг ҳаяжонли, хушчақчақ овозини эшитди.

- Ким гапирайапти? Олтинчимисиз?
- Олтинчи эшитаяпти.
- Овозимдан танияпсизми?
- Танияпман.
- Жуда соз. Аҳвол сизга ма'лумми?
- Бутунлай ма'лум.
- Резервларни ишга соламан. Атака қиласман.

Кўмаклашинг.

- Хўп.
- Қанча вақтдан кейин кутса бўлади?
- Ўн беш минутдан кейин.
- Узоқ-ку.
- Бундан эрта бошлолмайман.
- Орқада қолаяпсиз, ўғлон,— деб ҳазил қилди

Охунбоев.

Вазият қанча оғир бўлишига қарамай Енакиев ҳам унга ҳазил блан жавоб қайтарди.

Биз-ку орқада қолаётганимиз йўқ-а, ўзингиз одатдагича шошилайпсиз,— деди Енакиев, шу тобда юраги гаш бўлса ҳам.— Қаерда турибсиз?

Харитангизда стрелкали кўк доирача блан кўрсантилан нуқта бор-ку, ўша ердамиз.

Ҳа, тушундим, қўшни эканмиз.

Марҳамат қилсинлар.

Хошир тошишамиз.

- Бажони-дил.
- Хайр.
- Ўзингизни ҳам бутун хўжалигингизни ўтиб, қу-
чоқлаб қоламан.

Телефонда бўлиб ўтган бу ентил, қувноқ ҳангома биринчи назарда бекорчи гапдай туйилса-да, аслида чуқур мағнога эга эди. Бу гаплар Охунбоевнинг пиёда аскарлар ҳаракатига тўплар мадад бериб турсин, деган талабини, Енакиевнинг эса бу талабга розилигини англатарди. Бу гаплар — Охунбоевнинг: «Ҳой азиз дўстим, оғир дақиқада мени доғда қолдирмайсанми?» деган саволини ҳамда Енакиевнинг: «Хотиржам бўл, менга ишонавер. Биз жангда ҳамавақт бирга бўламиз. Ёиргаликда галаба қиламиз, башарти ўлсак ҳам бирга ўламиз» деган жавобини билдиради.

Шундан кейин капитан Енакиев телефонда ўз батареясининг биринчи взводига буйруқ берди, бу буйруққа биноан взвод дарҳол ўзи турган ердан қўзғалиб, бир дақиқани ҳам бекор ўтказмай олға силжиши, тўпларни дастлаб, иложи борича юқ машиналарда, ундан кейин қўлда, роталар ўрнанига өргача етказиб бориши керак эди. Иккинчи взводга эса у, капитан Охунбоев зарбдор ротасининг очиқ қанотини паналаб, тўхтовсиз отиб туринглар, деб буюрди.

Шунда, Ваниянинг биринчи взводда эканлиги лоп этиб эсига тушиб қолди. Дастьлабки дақиқада у ўзининг буйруғини ўзгартиб, иккинчи взводни олдинга юбормоқчи, биринчи взводни эса жойида қолдириб, унга очиқ қанотни паналаб туриш вазифасини топшироқчи бўлди. У энди телефон трубкасиға қўлини чўзган ерида, тағин бирдан кескин ўгирилди ва отишни бошқаришни старший офицерга топшириб ўзи икки телефонист блан икки разведкачини ёнига олиб, Охунбоевнинг команда пунктига жўнаб кетди.

Йўлнинг бир қисмини энгашиб босиб ўтдилар, бир қисмини эса сурғалиб, эмаклаб босдилар, чунки жой

теп-текис бўлиб, аллақаёқдан буларга томон биринчи марта пулемёт ўқ узабоилигаган эди.

Охунбоевнинг команда пункти картоникадан сўнгаган даланинг ўрталигига, ёмғирдан қорайган картошки поялари уюлиб қўйилган иккита катта гарам орқасиди эди, бу ерларнинг ҳаммаси картошка экиладиган дала эди.

Капитан Охунбоев ҳозир бу ерда йўқ. Ўз ўрнида алоқачи блан телефонистни қолдирив, у резерв ротаси блан олдинга кетган эди.

Охунбоевнинг бу қадар жадал ҳаракат қилаётгани Енакиевни ҳайрон қолдирди. Энди аҳвол Енакиевга унчалик оғир кўринмади. Иккита рота блан бутун бир батальонга қарши жанг қилиш осон эмасди, албатта. Лекин Охунбоевдек шиддатли, саботли ва дов'юрак офицернинг муваффақиятни та'минлаши мумкин эди. Ундан ташқари, ён қанотга қараб кетган бояги икки ротанинг нима бўлгани ҳали аниқ ма'lум эмасди. Кейинги ма'lумотлар уларнинг қуршовга тушиб қолганини билдириди. Шундан кейин ўртада алоқа узилиб қолди. Аммо, улар қуршовдан чиқиб, немисларга орқа тарафдан зарба беришлари ҳам мумкин эди. Бу эса, жангни бир ёқли қилларди.

Капитан Енакиев взводини кутиб олиш ва тўпларни ўти яқин ҳам энг хилват йўлдан пиёдалар турган ерга етказиш учун разведкачиларни юборгач, ўзи картошка поялари ғарами орқасига ётиб олди ва, харитани ёзиб, капитан Охунбоевни кутабошлади. У, қандай ҳаракат қилишини Охунбоев келгандан кейин биргаликда ҳал қилмоқчи эди.

Інч орада Ваня ўз расчёти блан бирга юк машинасига тушниб капитан Енакиев тайин қилган жойга жадал кетмоқди инч. Буларнинг кетидан иккинчи тўп расчёти тушниб юк машинаси аранг етиб келарди. Иккала юк

машина ҳам қушдай учиб борарди. Шундай бўлса ҳам, ҳарвақтдаги одатича тик туриб келаётган сержант Матвеев, автоматнинг қўндоғи блан шофер кабинасини уриб:

— Нима қилганинг бу, Костя! Қани, тезроқ ҳайдасанг-чи! Тезроқ, қани тез-тез! — деб бақиришини қўймасди.

Шотиси юк машинага тиркалган тўп эса, қўғирчоқ каби ғилдираб, сакраб борарди. Солдатлар муйилиш ерларда оғиб кетишарди. Уларнинг шлёмлари бир-бирига тегиб кетар, улар бир-бирларининг өлкаларини ушлашиб қолишарди. Лекин бу чоғ ҳечким қулмасди. Бу нақанги сафарларда одат бўлиб қолган ҳазил-ҳузул гаплар ҳам ҳозир эшитилмасди.

Ҳаммаларининг башаралари жиддий бўлиб, худди ҳайкалдай қотган эди. Қўзлари устигача тушириб олган яшил шлёмлари бўлса, изгиринли тонг қоронғисида қорамтириб бўлиб қўринарди.

Вания қаерга кетаётганинни билмасди. Уларни ўринларидан шу қадар жадал кўчиришдики, бола бирон кишидан буни сўрашга ҳам улгуролмади. У фақат ўзларини ҳозир бошланиб кетган жангга ташлашларини ва бу жангда улар ҳар сафардагидан кўра бутунлай бошқача ҳаракат қилишларини фаҳмлаб олган эди.

Ҳамма сингари, Вания ҳам бўлажак ишни даҳшат ичидаги бетоқат бўлиб кутиб, бир қўли блан скамейкага маҳкам ёпишиб ва иккинчи қўли блан чўнтағидаги дистанцион калитини ушлаб-ушлаб қўярди.

Унинг лаблари бир-бирига маҳкам жиплашган; кўзлари жиддий ҳолда савол назари блан атрофга жовдирраб боқар, катта шлёми остида янада кичрайиб қўринган жажжи юзи худди бошқа солдатларники сингари тарашадай қотган эди.

Шудгор қилинган йўлсиз далалар ва полизларни босиб икки километрча юргач, машина жарликка қараб тушабошлади, уларнинг қаршисига узоқдан қўлларини

баланд күтариб ва аллақандай имо шиоралар қилиб, бир новча солдат югуриб чиқди.

Олдинги юк машина юришини хиёл секинлатди, бояғи солдат машина пиллапоясига ирғиб чиқди.

— Қани, ҳайда, ҳайдайвер,— деди у тезлик блан шоферга, қорайиб кетган баҳайбат қўли блан йўл кўрсатиб.— Кучинг борича ҳайда, сра тўхтама. Апави тепачдан илдам ўтиб олиш керак. Кўраяпсанми? У ерга борилганда миномётдан дўппослаб қолади.

Шофер дастакни қаттиқ тортиб қўйган эди, радиатор буғга қопланди. Машина зўр блан ғуввос солиб тепаликка кўтарилиб кетди.

— У ерда аҳвол қалай? — деб сўради сержант Матвеев, ҳамон пиллапояда туриб йўл кўрсатиб бораётган солдатдан.

— Немиснинг бутун бир батальони бизнинг икки ротага қарши турипти. Жуда ола-тасир. Пиёдалар тўпнинг ўт очишини кутишаяпти.

— Кимнинг пиёдалари?

— Охунбоевники.

Сержант Матвеев мароқ блан бошини силкитиб қўйди.

— Ҳозир бошлаймиз.

Ваня солдатга қараса, у Биденко экан.

— Биденко амаки! — деб юборди у шодланиб.— Кўринг, мен ҳам шу ердаман. Олтинчи номер хизматини Ҷаннуман. Менда, трубканни тўғрилайдиган маҳсус калит ҳам бор. Мана калитим!

Бола чўнтағидан дистанцион калитни чиқарди. Лекин Биденко Ваняни пайқамади. Худди шу тобда машина миғли тела устига чиққан эди. Энди у жуда зўр шиддат олан гизиллаб бормоқда эди. Шофер эса сўкина-сўкина жон-жаҳди блан дастакни силтаб, олға интиларди.

Бирга паракайига тўртта мина машина ёнига тушиб бўрилди. Уқ яшикларининг қасир-қусури, моторнинг ғуввоси, мишина кетидан ўнқир-чўнқирлар оша сакраб-

сакраб келаётган тўпнинг гулдур-гулдури орасида бола миналарнинг учеб тушганини ҳам, ёрилганини ҳам эшитолмади. Фақат унинг картошка эгатидан қўпорилиб, осмонга кўтарилиган қопқора тупроқ уюмига бирдан кўзи тушиб қолди ва ўзини ҳаво тўлқини силтаб юборганини сезди.

Шундай бўлса ҳам, бу тўртта мина унчалик яқинга тушиб ёрилмагани учун, ҳечқандай зарар етказмади. Ҳаш-паш дегунча машина хатарли ердан ўтиб олди. У тепаликдан пастга жадал тушиб бораркан, тепалик усти портлашлардан қопқора қуюнга қопланган эди.

— Ана энди кечгача қуруқ ерга ташлай беради! — деди ғазаби келиб Матвеев ва олипта мўйлови блан севастопольча қирқилган чакка соchlарини, гўё отишмадан ўз жойида омон қолганини билмоқчи бўлгандай, силаб-сийпаб қўйди.

— Тўхтат! — деди Биденко.

Машина қаттиқ бурилиб тўхтаркан, тўпнинг оғзи душман тарафга тўғриланиб қолди. Тўпчилар ерга ирғиб тушиб, тўпни передокдан чиқарабошлишди. Ана шундагина Ваняга Биденконинг кўзи тушди.


— Ия чўпон боламисан? Оббо, оғайнимей! Сен ҳам шу ердамисан?

У бақувват қўллари блан болани кўтариб, баланд юқ машинадан ерга тушириб қўйди.

— Мана кўринг, Биденко амаки,— деди ҳовлиққанича Ваня разведкачига дистанцион калитни кўрсатиб.

— Ўхў, туппа-тузук тўпчи бўлиб қопсан-ку!

Биденко болага шод-ҳуррам қарап блан бирга, озмоз ғайирилиги ҳам келди, у бурун ўз тарбиясида бўлган боланинг усти-бошини тўпчилар қанчалик тузатиб қўйганликларини аниқламоқчи бўлди. Ванянинг усти-бошида биттагина ўзгариш бор эди, тўпчилар унга шлём кийгизиб қўйган эдилар. Бу нарса Ваняни эски солдатларга янада кўпроқ ўхшатиб юборган эди. Қолган нарсаларининг бариси худди аввалгича эди. Тўғри, Ваня-



Энди юк машина жуда тез юриб кетди.

пинг кийим-кечаги энди аввалгидай яп-янги бўлмай, анча уринган, гижимланган, этиги эзилиб, қўнжи пастга сидирилган, шинелининг енгига бир ерига тўп мояни тегиб доғ бўлиб қолган эди.

Буларнинг ҳаммаси Биденқога ичидан ҳатто жуда ёқиб тушган эди. Бу аломатлар унинг меҳр қўйган боласига янада кўпроқ ҳарбий тус бериб турар эди. Лекин у ҳарқалай гап қотишдан ўзини тутолмади-да:

Ҳамма ёғинг узилиб-юлқилиб, увадаңг чиқиб қолинти-ку... Қараб бўлмайди-я,— деб қўйди.

Амакижон, айб менда эмас. Бирхил вақтда очинмасдан, тўи ёнида, шундоқ ерда ётиб қоламиз.

— Тұп ёнидамиш...— деди алам қилиб Биденко.— Биздалигинға топ-тоза юрардинг. Ҳархолда ҳукумат берган уст-бошни аяб, озодароқ кийиш керак.

Вания, бу гапларни Биденко шунчалик тили қичиб айтаётганини тушиунарди. Биденко уни аввалгидай яхши күришини найқаб турған әди. Бирданига унинг күнгли күтарилиб кетди ва унға кейинги вақтда үз бошидан кечгән қувоңчли ва мұхым воқиаларни, я'ни: бир марта үз құли блан түп отганини, кечаги кундан бошлаб уни олтинчи номер қилиб құйғанларини, капитан Енакиев үзиге үғил қилиб олаётганини ва бу ҳақда дивизион командирига рапорт берганини,— ҳамма-ҳаммасини айтиб бергисен келди.

У разведкачидан, Горбунов қалай, деб сұрагиси ва уларда қандай яхни гаплар бориличини, қанақанги янги үлжалар олинганини билгиси келди.

Лекин буларшының ҳечбірнің айтиб улгуролмади. Теварак-атрофда жаңғ бормоқда. Ҳар дақықа жуда ғанымат әди. Ортиқча гапланинға илож бўлмади.

Тұплар передокдан чиқарылды, ўқ яшиклари машинадан туширилди, бу ишилар бир ярим минут ичидә бажарилди, ана шу чоқ сержант Матвеев:

— Гилдиракларга ўтилсөн! — деб команда бериб қолди. Бу — Вания ҳалитача ҳен әшитмаган янгича команда әди.

Номерлар шу заҳотиёқ тұпни құршаб, стволини күтаришди-да, ҳарбир гилдирак ёнига икки кишидан туриб олишди. Улар гилдирак қалпоқларига қайишни тақиб, инқиљлашиб, ҳаллослашиб, Биденко юрганича күрсатиб бораётган томонға қараб, тұпни жадал тортиб кетишли.

Қолған солдатлар ўқ яшикларига ёпишиб, тұпнинг кетидан судраб қолишли.

Болага ҳечким ҳечніма демаса ҳам, **НІМІС ҚИЛІШІНІ №** раклигини ўзи тушунди. У яшикка тақылған **арқосынан** ушлаб олиб, яшикни ўрнидан құзғотишга урниди. Лекин яшик зил-замбіл әди. Шунда Ваня күп ўйлаб иетіб тур май, дистанцион калит блан яшикнинг қонқогини очиб, қуюқ қилиб мой суркалган иккита узунчоқ ўқни **иккі** елкасига қўйди ва юқ зўридан чўққайғанича ҳалинилар кетидан югуриб қолди.

У етиб борганида, тўп картошка пояларининг каттағарами олдига ўрнашиб, жангга ҳозир бўлиб турган әди. Унинг яқинида иккинчи тўп ҳам турарди.

Қапитан Енакиев ҳам шу ерда әди.

Ваня уни ҳечқачон ҳозирги ҳолатда кўрмаган әди. У оддий солдатлардай шлём кийиб, оёқларини ёзиб, тирсакларини ерга маҳкам тираб, дурбинга тикилганича, узала тушиб ётар әди.

У блан бир қаторда, бўйнига тасмасидан маҳкам бойланган ола-була плаш-палатка ёпинган Охунбоев автоматига суюниб, ёнбошлаб олган әди. Унинг олдида дастурхон каби харита ёзиглиқ әди. Ваняниң кўзига харита бетида бир нуқтага қаратилган иккита йўғон қизил ёй аломати кўриниб қолди. Бу ерда яна икки киши ётипти, булар наводкачи Ковалёв блан иккинчи тўп наводкачиси әди, унинг фамилиясини Ваня ҳали билмас әди. Уларнинг ҳар иккovi батарея командири тикилган тарафга қараб турардилар.

— Яхши кўраяпсизларми? — деб сўради капитан Енакиев.

— Яхши кўраяпмиз,— деб жавоб беришди ҳар иккала наводкачи.

- Нишонгача неча метр келади, деб ўйлайсиз?
Етти юз метр келар.
- Гўгри. Етти юз ўттиз. Ушанга қараб отасизлар.
- Хўн бўлади.
- Аниқ мўлжал олинглар. Тез-тез отинглар. Сур'ат-

ни бўшашибирманглар. Пиёдалардан ажралиб қолинмасин. Алоҳида команда бўлмайди.

Капитан Енакиев ҳарбир сўзни худди мих қоққандай чўрт кесиб, кескин ва қисқа қилиб уқдириб айтди. Охунбоев учининг ҳар сўзини ма’қуллаб, бошини тебратар ва садафдай оппоқ тишиларини кўрсатиб, бутунлай кўнгилсиз, галати илжаярди.

— Умумий сигнал блан бараварига ўт очилсин! — деди капитан Енакиев.

— Битта қизил ракета отилади,— деди сабри чидамай Охунбоев, харитани сафар сумкасига солаётуб.— Мен ўзим отаман, кузатиб туринглар.

— Хўп бўлади.

Охунбоев тасма учини сафар сумкасининг темир илгагига суқиб уни маҳкам тортиб қўйди.

— Кетдим! — деди у, кескин қилиб ва хайрлашмасданоқ. Кейин олдинга қараб, катта-катта қадам ташлаб кетди, у томонда милтиқ отишмаси тобора кучаймоқда эди.

— Саволлар йўқми? — деб сўради капитан Енакиев наводкачилардан.

— Йўқ.

— Тўпларга ўтилсин.

Шундап кейин ҳар иккала наводкачи сургалиб ўз тўплари олдига қараб кетишиди. Ана шундагина Вания атрофда одам кўп эканини кўрди: бу ерда батареячилар ҳам, пиёда аскарлар ҳам, сумка осиб олган икки санитар қиз ҳам, тери қопланган яшик ва темир ғалтак ушлаган бирнеча телефонист ҳам, қўли ва бошини дока блан бойлаган бир ярадор ҳам бор эди — уларнинг бариси ерга ётиб олишган эди. Агарда улар бир жойдан иккинчи жойга ўтадиган бўлсалар, сургалишиб ўтардилар.

Бундан ташқари, Вания гоҳ-гоҳ ҳавода аллақандай қушнинг аниқ, янгроқ чирқиллашига ўхшаш бир товуш келаётганини энди пайқади. Билса, бу—дайди ўқларнинг

сөвози экан. Шундан кейингина у, пиёда аскерлар ғана ерга жуда яқин турганини билиб қолди. Шу ондаёқ ўши пиёдалар сафига кўзи тушди. Пиёдалар шундоқ уларнинг ёнгинасида эди.

Картошка даласи ўртасидаги тепачаларга аллақачоноқ Ваняning кўзи тушган эди. Бу тепачалар унга картошга пояларининг ғарами бўлиб кўринди. Энди у, мана шуларнинг худди ўзи пиёдалар сафи эканини аниқ тушунди. Бу тепачаларнинг нариёфида эса, ҳозир бизнинг одамлардан ҳечқим бўлмай, фақат немислар жойлашган эди.

Шу пайт у, аста энгалиб олиб, ўз тўпи олдига борди-да, снарядларни ерга қўйди ва яшик ёнидаги ўзининг олтинчи номери ўрнига ер бағирлаб ётиб олди.

Ваняга бугун унинг атрофида бўлаётган ишларнинг ҳаммаси ҳаддан ташқари секин бораётгандай ғалати туйилди. Ҳақиқатда эса бу ишлар ниҳоят даражада тезлик блан бўлаётган эди.

Ваня эндигина, бир амаллаб капитан Енакиевни ўзимга қаратсан-у, унга кулиб дистанцион калитни кўрсатсан ҳамда: «Саломат бўлинг, ўртоқ капитан!» — десам, хўп соз бўларди-да, деб ўйлаб турган, хуллас, у ҳам ўз тўпи блан бирга бўлиб, ҳамма солдатлар қатори жанг қилаётганини капитанга билдиришни ният қилган эдики, шу чоғ олдинги томондан астагина қарсиллаб осмонга қизил ракета кўтарилиб қолди.

Капитан Енакиев ўрнидан ирғиб туриб, қисқа, кескин ва шиддат блан:

— Ҳужум қилиб келаётган немис сафларига қарата рўпарадан тикка огоњ! — деб қичқирди.

— Огоњ! — деб ҳайқириб юборди сержант Матвеев ҳам.

Ана шу дақиқанинг ўзидаёқ ва балки бундан ҳам олдинироқ, иккала тўп ҳам отиб қолди. Ўша заҳоти тўплар яна гумбирлаб қолди, унинг кетидан тағин усти-устига ўқ чиқарди. Тўплар кетма-кет тўхтовсиз отабошлади

Отилган ўқ овозлари портлаш овозлари блан қўшилишиб кетди. Тўп атрофини даҳшатли гулдурос босди. Ўқдоридан бурқсиб чиққан аччиқ, ёқимсиз дуд одамнинг кўзини қалампирдай ачиштириб ёшлантиради. Ҳатто Ванянинг думоғи бу дуддан какра мазасини туйгандай бўлди.

Тутун босган гильзалар ствол ичидан кетма-кет сачраб чиқиб ерга тушаркан, сакраб-сакраб юмалаб кетарди. Лекин энди гильзаларни йигадиган одам йўқ эди. Уларни шундайича оёқ блан итариб юборишарди.

Ваня қўли қўлига тегмай, ўқларни қутичадан чиқариб, устидаги қалпоқларини тушириб турди.

Ковалёв ишни ҳамавақт тез қиласди. Лекин у ҳозир айниқса яшин тезлигидай чакқон ҳаракат қилмоқда эди. Ковалёв панорама ёнидан жилмасдан турганича, бир йўла икки қўлинин ишга солиб стволни кўтарадиган ва бурадиган механизмларни тезоблик блан, ба'зан ҳар томонга қаратиб айлантириб турарди. Дам-бадам мўйловларини кемшук тишлари блан ямлаб туриб, тепки шнурини қаҳр-ла қисқа тортиб қўяди. Шунда тўп такрор-такрор қаттиқ ларзага келиб, оппоқ порох дудига қопланиб кетарди.

Капитан Енакиев бўлса Ковалёв блан бир қаторда тўп фидирагининг у томонида, дурбиндан кўз узмай, ўз снарядларининг тушиб ёрилишини кузатиб турарди. Енакиев, яхшироқ кўриш учун гоҳо четга ўтар, гоҳо олдинга югуриб бориб, ерга ётиб оларди. Бир сафар, яқин ерга бирнече мина тушиб ёрилди, шунда Ваня битта ўқ парчасининг тўп қалқонига қарсиллаб келиб текканни эшилди. Ана шунга қарамай, капитан Енакиев ниҳоятда эпчиллик блан ғарам устига иргиб чиқиб, бирмунча вақт тик тураверди.

Капитан Енакиев яна тўп олдига қайтиб келди да, қўли блан Ковалёвга алланимани кўрсатиб, шошганича:

— Ҳа-ҳа, худди шундай, дуруст. Яна бир марта,— деб қўйди.— Энди икки чизиқ ўнгроққа қаратиб отиш ке-

рак. Құраяпсанми, уларнинг миномёти туринти. Қани, ұша ёққа түғрила! Ұч дона. Огоны!

Тұп яна қаттиқ ларзага келди. Қапитан Енакиев бўлса, дурбиндан кўзини узмасдан, тез-тез гапириб турди:

— Ҳа, ҳа, худди шундай. Балли, Василий Иванович, худди чуқурчасига туширдинг. Овози ўчди, песнинг. Энди, марҳамат қилиб яна пиёдаларни кўзлаб уравер. Ҳа, итваччалар! Ерга қапишиб олишди-я, бошларини кўтармайди. Боплаб уравер, Василий Иванович.

Бир гал, айниқса ўринлатиб отилганда, капитан Енакиев, ҳатто хохолаб юборди ва дурбинни ташлаб, чапак чалиб қўйди.

Вания ўз капитанини ҳечқачон ҳозиргидай чаққон, тек тик ва яшарган ҳолда кўрган эмасди. Солдат ўз командири блан қандай фахрланса, у ҳам ўз капитани блан доим шундай фахрланарди. Аммо ҳозир солдат сифатидаги фахрланиш устига, бошқа бир туйғу, я'ни ўғлининг ўз отаси блан фахрланиш туйғуси ҳам қўшилишган эди.

Тұсатдан капитан Енакиев қўлини кўтарған эди, иккала тұп ҳам жимиб қолди. Шунда Вания бир жойга йигилган, камида ўнтача пулемётнинг шошилинч блан ола-тасирига олиб бўғилиб-тиқилиб тариллай бошлаганини эшитди. Отишма шовқуни шундай зўр эдики, бундан Ваниянинг а'зойи-баданини совуқ тер босди. Бу яхши бўлдими, ёки ёмон бўлдими, Вания тушунолмай қолди. Броқ у капитан Енакиевнинг башарасига қарагандан кейин жуда соз бўлганини пайқади.

Кейинчалик бола солдатлардан эшитса, булар Охунбоевга қарашли ўн иккита пулемёт экан. Бу пулемётлар яшириб қўйилган бўлиб, немислар жуда яқинлашиб келишига довур дамини чиқармай турган. Кейин тұсатдан, ҳаммаси бирданига ўт очиб қолган.

— Ҳа, думини хода қилиб қолди-ку! — деди капитан Енакиев. — Қани, чекинаётган немис сафларига қаратиб майды ўқ сочар снарядлар блан отинглар. Нишон ўттиз беш. Трубка ўттиз беш. Огоны! — деб қичқирди у.

Шу блан ҳарқайси тўп олти мартадан ўқ чиқарди; сўнгра у яна қўли блан енгилгина ишора қилиб, ўт очишни тұхтатди.

Пулемётлар муттасил ўқ ёғдираверди, броқ, энди уларнинг бир-бировидан ошиб тушган гуввос ҳайқириғи устига даланинг ҳар томонидан жуда кўп одамларнинг: «урра-а-а-а!» солиб қичқиришган овозлари қўшилиб кетди.

— Олға! — деди капитан Енакиев ва ҳечқаёққа алақсимасдан олға томон югуриб кетди.

— Филдиракларга ўтилсин! — деб қичқирди, чеккасидан қон оқабошлаган сержант Матвеев.

Тўплар ҳам яна олдинга қараб жилиб кетди. Энди улар тағии ҳам илдамроқ силжиб борди. Жангда қизишиб кетган пиёда аскарлар тўпларнинг қаршиисига югуришиб чиқиб қолар ва қаттиқ ҳайқириқ солишиб, тўпчиларга филдирак кегайларидан итаришга ёрдамлашарди. Ба'зигерлари ўқ солинган яшикларни кўтаришиб ё сургашиб боришарди.

Бу орада капитан Охунбоев немисларнинг ерга ётиб, окоп қазиб олишига асти имкон бермай, уларни ҳамон қувиб бормоқда эди. Охунбоев фақат ўн икки пулемётни қўққисдан ишга солиши блангина қаноатланиб қолмади. Ў, миномёт батареясини запасда сақлаб қўйган, яхшилаб ниқобланган бу миномётлардан ҳали бир марта ҳам ўқ чиқарилгани йўқ эди.

Тўплар ҳозирча йўлда бўлиб ҳали отолмаётгани сабабли, миномёт батареясига навбат етди. Батарея, ўқларни гуж қилиб туриб, тум-тарақай қочаётган немислар устига бир варакайига ўқ ёғдириди. Немислар жуда тез қочаётганидан уларни қувиб бораётган пиёда аскарлар ва булар қагорида тўплар ҳам анчагача тўхтаб ололмадилар.

Енакиевнинг тўплари сра ҳам тўхтамасдан, адрнинг қоқ белигача силжиб борди, бу ер блан немисларнинг асосий позициялари орасида жуда оз масофа қолгақ эди.

Шу ерга келганды немислар полиздаги узун зонуриниң нариги томонида тұхтаб қолаолган әдилар. Лекин шу пайтда тұплар етиб келиб қолди ва жанг яна авж өлиб кетди.

Тұплар энди ўқчи аскарлар ячейкалари орасида туради. Ваня ўнг ва чап тарафда пиёда аскарларнинг ер бағырлаб ётиб олиб отаётганларини күрди. У ўқ узатиб туручиларнинг рух яшикларини судраб тез юрганларича ўқчиларнинг кетига бориб ётиб олаётганларини ҳам күрди.

Ваняның қулогига офицерларнинг отишга команда беріб қичқирған овозлари әшитиларди.

Ҳамма жойда уйдум-чуқурлар ҳосил бўлиб, улардан тутун бурқасаб кўтарилемоқда эди. Ҳамма ёқда отилиб бўлган темир гильзали пулемёт ленталари, пачоги чиққан немис сувдонлари, оғир рух илгаклар қадалган, чармдан қилинган сафар жабдуқларининг бўлак-сўлаклари, ёрилмай қолган миналар, пора-пора бўлган немис плаш-налаткалари, қонга беланган латталар, фотокарточкалар, откириткалар ва яқиндагина жанг бўлиб ўтган майдонни ҳарвақт қоплаб ётадиган бир талай ахлатлар очиилган эди.

Замбарак яқинида тупроқ тусли кўкимтири тор мундир ва каттакон кулранг резина этик кийган бир неча немис мурдаси чўзилиб ётарди.

Аввалигига Ваня, бу ерда узоқ туриб қоламиз шекилли, деб ўйлади.

Лекин, капитан Охунбоев атаканинг бўшашиб кетаётганини кўриб, ўзининг учинчи, сўнгти козирини ишга солди, бу — сра ишлатилмаган янги взвод эди, капитан Охунбоев бу взводни аҳвол жуда танг келиб қолтандагина ишлатаман деган мақсадда асрәб келар эди. Бу взводни у яширинча ва ниҳоятда илдамлик блан олиб келди, взвод сафини жуда усталик блан ёйди-да, Енакиев тұплари ёнидан олиб ўтиб, ҳали дурустроқ ўрнашиб ололмаган немисларнинг қоқ ўртасига қараб ўзи атакага бошлаб борди.

Бу тантана дақиқаси эди. Броқ, бугун эрта блан Ваняниг атрофида бўлган барча воқиалар нақадар теззоблик блан ўтган бўлса, бу тантана дақиқаси ҳам шунчалик тез ўтиб кетди.

Тўп расчёти янги жойга чаққон ўрнашиб олиш учун эндиғина белкуракларга тутинган эдик, Ваня атрофидаги ҳамма нарсаларнинг тўсатдан алланечук ёмон бир аҳволга тушиб қолганини сезди. Жанг гулдиросидан сўнг чўккан бу жимжитликда болага жуда хавфли ва ҳатто даҳшатли бир аҳвол юз бергандай туйилди.

Капитан Енакиев тўп қалқонига суюниб, кўзини қисганича узоқларга тикилиб турарди. Ваня ҳечқачон унинг бетида ҳозиргилай гамгинлик аломатини кўрмаган эди.

Ковалёв унинг ёнида қўли блан олдинги томонни кўрсатиб турарли. Улар аста-секин бир-бирлари блан гаплашиб қўяр эдилар. Ваня қулоқ солди. Унга булар худди аллақандай жумбоқ ўйнаётгандай кўринди.

— Бир, икки, уч,— деди Ковалёв.

— Тўрт, беш,— деб қўшиб қўйди капитан Енакиев.

— Олти,— деди Ковалёв.

Ваня командир блан наводкачи тикилаётган тарафга қаради. Ваняниг кўзига хира бўлиб, хунук уфқ ва унинг тепасида бирнеча балаңд чўққи том, бирнеча кекса дарахат ва темирйўл водокачкасининг шарпаси илашди. У, бошқа ҳечнарсани кўрмади.

Лекин шу чоғ капитан Охунбоев келиб қолди. Унинг бетлари чўғдай қизиб, қизариб кетган, у ҳар вақтдагидан кўра ҳам яхлит кўринарди. Дуддан қорайған бетларидан қоп-қора тер қўйилиб, анордай қизарган иягидан чак-чак томарди. У, бетидаги терни плаш-палаткасининг этаги блан артиб турарди.

— Уч минг метр наридан водокачка томонга қараб бешта танк бостириб келаяпти,— деди у, нафас олиб.

— Олтита,— деб тўғрилаб қўйди капитан Енакиев,— икки минг саккиз юз метр нарида.

— Балки шундайдир,— деб қўйди Охунбоев.

Капитан Енакиев дурбинга қаради-да:

— Пиёда аскарлари ҳам бор экан,— деди.

Капитан Охунбоев шошилиб унинг қўлидан дурбинни олиб, у ҳам ўша томонга қарайбошлади. У дурбинни уфқнинг ўғидан буёғига суринг анчагача тикилди. Охир дурбинни қайтариб берди.

— Икки ротача пиёда аскари бор, — деб қўйди Охунбоев.

— Ҳа, тахминан шунча,— деди капитан Енакиев.— Сизнинг аскарларингиз қанча қолган?

Охунбоев бу саволга тўпна-тўғри жавоб бермади.

— Талафот катта,— деди тажанглик блан ва бўйнига плаш-палаткасининг тасмасини бойлаб, этигининг йифилиб қолган қўнжини тортиб қўйди-да, автоматини силкитганича катта-катта қадам ташлаб олдинга югуриб кетди.

Орада ўтган бу сўзлар қанчалик секин айтилган бўлмасин, «танклар» деган сўз ўша заҳотиёқ ҳар иккала тўпга етиб борди.

Солдатлар, ҳечқандай гап-сўзсиз тез-тез ер қазишга тушишди. Бешинчи ва олтинчи номерлар бўлса, яшиклардан бронятешар ўқларни шоша-пиша олиб, уларни алоҳида қилиб тахтай бошлишди. Ваня жанг вақтида ўзи турадиган ўрнини маҳкам ёдида тутиб, ўқларга уннаб кетди.

Худди шу чоғ, капитан Енакиевнинг кўзи болага тушиб қолди.

— Бу қанақаси! Ҳали сен шу ердамисан?— деди у.— Бу ерда нима иш қилаяпсан?

Ваня ўша заҳотиёқ таққа тўхтаб, қаддини ростлади.

— Биринчи тўпнинг олтинчи номери бўламан, ўртоқ капитан,— деди у чаққонлик блан, қўлини шлёмининг четига обориб. Унинг шлёмидағи тасмачаси иягиға ёпишмасдан осилиб турарди.

Онгигина айтганда, бола бунда хиёл найрангвозлик қилиди. Аслда у, олтинчи номер эмас, балки фақат олтинчи номер ҳузурида запас ҳисобланарди. Аммо у олтинчи

номер бўлишини ва ўз капитани ҳам тутинган отаси олдидада обрўйлироқ бўлиб кўриниши азбаройи истаганидан беихтиёр ёлғон гапирди.

У Енақиев қархисида қаддини ростлаб, кўк кўзларини катта очиб, унга тикилиб турарди. Батарея командирининг кўриб қолганидан унинг кўзлари қувончдан порлаб кетди.

У капитанга тўп кетидан ўқларни ташиб борганини, ўқ қалпоқчаларини туширганини ва яқингина жойда мина ёрилганда ҳам сра қўрқмаганини айтиб бермоқчи эди. У, бўлиб ўтган ҳамма нарсани капитанга айтиб бериб, ма’қуллатмоқчи, ундан ҳам солдатча: «Қойил!» деган сўзни эшитмоқчи эди.

Лекин шу тобда капитан Енақиев Ваня блан гаплашиб туришга мойил эмасди.

— Нима бўлди сенга, эсингни единѓми? — деди капитан Енақиев чўчиб.

У: «Тушунмаяпсанми, ахир? Устимизга танклар босиб келаяпти-я! Бу ерда ўлиб кетасан-а, тентак! Қоч бу ердан!» — деб бақириб юборгиси келди. Лекин, ўзини босди. У, жиддий ҳўмрайиб, тишлари орасидан кескин қилиб:

— Жўна ҳозир бу ердан, — деди.

— Қаёққа? — деб сўради Ваня.

— Орқага. Батареяга. Иккинчи взводга. Разведкачилар олдига. Истаган жойингга.

Ваня капитан Енақиевнинг кўзларига боқиб туриб, ҳамма нарсага тушунди. Лаблари қалтираб кетди. У янада қаддини баландроқ тутди.

— Ҳечқаёққа кетмайман, — деди у.

— Нима? — дея ажабланиб такрор сўради капитан Енақиев.

— Ҳечқаёққа кетмайман, — деди яна бола ўжарлик блан, қўзларини ерга тикиб.

— Сенга буораман, эшитдингми? — деди секин капитан Енақиев.

— Ҳеч кетмайман, — деди Ваня. У шунчалик титроқ



— Қизиласкар Солнцев! — деб қичкирди Енакиев, ҳаммага
әшигарлы қилиб.

овоз блан ғапирган эдики, ҳатто унинг киприклари ёшланди.

Ана шу чоғ капитан Енакиев бу кичкина одамнинг, ўз солдати ва ўз ўғлиниң дилида кечәётган ҳамма нарсани дарҳол пайқади. У бола блан тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқлиги ва бефойдалигини тушунди, зотан ҳозир бунинг фурсати ҳам эмас эди.

Унинг лабларида ёшларга хос беғубор, шўх, айёр бир табассум билинар-билинмас акс этди. У, сафар сумкасидан ма’лумот ёзиладиган бир варақ кулранг қофоз олиб, тўп қалқони устига қўйди-да, кўк қалам блан дарров бирнеча оғиз сўз ёзди. Қейин қофозни кичкинагина кулранг конвертга солиб ёпишитирди.

— Қизил аскар Солнцев! — деди у, эшитсин учун, баланд овоз блан.

Вания сафда юргандек қадам ташлаб келиб, пошналарини тақ этиб қўйди.

— Мен, ўртоқ капитан.

— Сизга жанговар топшириқ. Шу пакетни дарҳол дивизион команда пунктига, штаб бошлиғига етказинг. Тушундингизми?

— Тушундим.

— Қайтариб айтинг-чи.

— Шу пакетни дивизион команда пунктига, штаб бошлиғига дарҳол етказиб бериш буюрилади,— деб қайтарди Вания бурро қилиб.

— Тўғри.

Капитан Енакиев конвертни узатди. Вания пакетни чаққон олди. Шинелининг тұгмаларини ечди-да, пакетни гимнастёркасининг чўнчагига солиб қўйди.

— Кетсам рухсатми?

Капитан Енакиев узоқдан эшитилаётган моторлар гулдуросига қулоқ солиб, жим қолди. Қейин бирданига ўғирилди-да, қисқа қилиб:

— Хўш? Нима қилиб турибсиз? Боринг! — деб қўйди.

Броқ Ваня жовдираган күзларини ўз капитанидан узолмасдан, қаддини ростлаганича тураверди.

— Нима дейсан? Хүш? — деди эркалаб Енакиев.

У, болани ўзига тортди-да, бирдан жуда тез ҳаракат қилиб, маңкам бағрига босди.

— Топшириқни бажар, ўғлим, — деди ва эскирган жамш құлқопли құли блан астагина Ваняни ўзидан нари сурди.

Ваня чап кифти блан айланди-да, шлёмини тұғрилаб олиб, алақсимасдан югуриб кетди. У, юз метрча нари бормасдан, орқа тарафидан түп овозларини эшитиб қолди. Капитан Енакиевнинг түплари танкларга қарши ўқ уза бошлаган эди.

26

Ваня ҳарсиллаб ва терга ботиб артиллерия позициясiga етгач, қидира-қидира дивизион команда пунктини топган пайтда, капитан Енакиевдан ажралышған бояги тепаликда соятдан бери қызғин жанг бормоқда эди.

Бутун тепаликни аралаш-қуралаш бўлиб паға-паға буруқсиган оқиши-қорамтири ва кулранг қуюқ тутунлар қисплаб олган эди. Улар янги туғилған қўзининг баррасидек бурама ва жингалак эди.

Тутун орасида портлашлар зарбидан чақмоқлар чақиларди. Ер зириллаб турарди. Гёё алла қаерда катта бир дарвоза тўхтовсиз қаттиқ очилиб-ёпилиб тургандай, ҳаво безовта кезмоқда эди.

Яқин ва узоқ ерларда турган батареяларимиздан отилған ўнларча снарядлар ҳар лаҳза бош устидан шутепалик тарафиға ғиз-ғиз ўтиб турарди.

Штаб бошлиғи Ваняга қарамасдан пакетни олиб ўқиди-да:

— Ҳим. Хабарим бор, — деб қўйди.

Кейин пакетни ҳарбий ма'лумотлар сақланадиган папкага солди.

Ваня штаб блиндажидан чиқди-да, орқасига қараб, физиллаб кетди. У, капитан Енакиев турган тепаликнинг ёлғиз ўзидагина эмас, балки бутун фронт бўйлаб жанг бораётганини эндиғина пайқаб қолди. Жанг ҳаракати аста-секин ғарбга силжиб бормоқда эди.

Ваня югуриб бораркан, моторлаштирилган пиёда аскарларнинг юк машиналари унинг ёнидан физиллаб ўтиб қоларди; танклар чуқурликлардан ўрдак сингари лапанглаб борар; ўзиорар замбараклар ўрмаловчи занжирларини ғизирлатганларича, — кўринишда секин, аммо аслида тез ҳаракат қилас; телефончилар ўзларининг таёқ ва ғалтакларини олиб, йўл-йўлакай линияни узайтириб чопишар; баланд-пастликлардан физиллаб сакраб кетаётган «виллис» машинасида тепаси қизил, ўзи кулранг папах кийган генерал харитани худди газета сингари ёзиб борарди.

Хуллас, атрофдаги бутун нарса жойидан қўзғалган, ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамма олға томон шошилмоқда эди.

Ваня ўзига таниш бўлган жойни аранг таниди, бу жой ҳам ўзгарган, алланечук бегона, ғалати бўлиб қолганди. Ваня ўз тўпидан ажралгандан буён қанча вақт ўтганини билолмади. Унга гўё бирнеча минутгина ўтгандай туйилди. Аслида эса бирнеча соат вақт ўтиб кетган эди. У, тепаликда жанг давом этаяпти деб ўйлаб, жуда шошмоқда эди.

У ерда аллақачон ҳамма иш битиб кетганини Ваня билмасди: танклар қириб ташланган, атака қайтарилиган, қўлга кирган тепалик мустаҳкамлаб қўйилған, замбараклар турган ер эса деярлик орқа томонда қолиб кетганди. Ҳаммадан ҳам, буларнинг қандай рўй берганига унинг ақли етмасди. Капитан Енакиевнинг икки замбарати ва Охунбоев батальонининг қолган-қутган кучлари ҳамма ўқларини отиб тугатганидан кейин, ўзларини қуршаб олган немисларни қирқ минут давомида қўл гранаталари блан қайтариб тургани, гранатлар ҳам қолмагани-

дан кейин, найзалар, белкураклар ва қўлларига **німа дун** келса шу блан жанг қилганлари унга ма'лум **чимасди**. Немислар ҳадеб босиб келавергандан кейин капитан Енакиев дивизионга телефон қоқиб, дивизион батареяси·нинг ўз томонига қаратиб ўт очишини сўради.

Буларнинг ҳечбиридан Ваняниг хабари йўқ эди. Лекин у таниш ерга яқинлашган сари, аллақандай вахими аста-секин унинг қалбига ғулғула солаверди.

Аммо бу ер ҳам энди таниб бўлмайдиган ҳолга келган эди. Ваня буни аранг таниб олди.

Мана, бу ер уларнинг бирори марта рўпарадан туриб ўқ узган марраси. Ваня буни картошка поялари ғарамидан билиб олди, капитан Енакиев унинг устига чиққанида, поялар бир оз ёнга оғиб қолганди. Илгари бу ғарамнинг ёнида ўқлардан бўшаган, ёрилиб кетган яшик ётарди. У ҳозир ҳам шу ерда ётипти. Броқ кимдир бу яшикнинг ўқ тахлайдиган катак тахтачаларини нима учундир суфуриб олган-да, тағин шу жойнинг ўзига, музлаган ерга ташлаб кетган. Шундан бошқа кўзга таниш нарса йўқ эди. Энг муҳими, ўша вақт шу ерда турган кишилар энди қўринмасди, Ваняга бу ер ўша кишилар туфайли таниш бўлиб қолган эди.

Бола нари кетди.

Илгари Охунбоев пиёда аскарлари ётган далада ҳозир ёниб кўмирга айланган юк машинадан тутун бурқиб турарди. Унинг атрофини портлаган ва чочилган тўп патронлари босиб кетганди. Ваня, бу ҳойнаҳой капитан Енакиевга ўқ етказиб бермоқчи бўлган юк машина бўлса керак деб ўйлади.

Яна нари боргац, Ваня немисларнинг пачоқланган иккита танкини кўрди, илгари улар йўқ эди. Очилиб ётган танкнинг биридан немиснинг кулранг обмоткаси куйгац, қалин пошнасига темир михлар қоқилган бир оёғи тарвақайлаб чиқиб турарди. Тўпининг стволи ёрилиб кетган иккинчи бир танк ёнидаги чуқур ичидаги электр лампочкасига ўхшаган аллақандай дарз кетган бир шиша ётарди.

Бу шиша ичидан силқиган ялтироқ қуюқ суюқлик фосфор сингари сариқ ва хира алангга бериб секин ёнар эди.

Яна нарироқдаги ерларнинг ҳаммаси ўйилиб, ўнқирчўнқир бўлиб кетган. Қатта-кичик чуқурларнинг оралиғи шунчалик яқинки, оёқ қўйиш учун текис жой ҳам қолмаган. Ҳар қадам сайин дам пастга тушиб, дам кўтарилиб юриши керак. Вания бу ердан ўттиз қадамча юриб, бутунлай тинкаси қуриди.

Оғир шлём кийган бошини иссиқ тер босди. Зилдай шинель елқасини босарди.

Ваниянинг ёнидан бирнеча нотаниш тўлчилар ўтди; уларнинг бири елкасига яшил антенна ўрнатилган кўк яшикни қўйиб борар эди, бу антенна уч дона энсиз барғчиқарган қамишга ўхшаб кетарди.

Баланд қора бияга миниб олган нотаниши бир тўпчи-капитан ва унинг кетидан елкасига автомат осган нотаниши бир разведкачи ўтиб кетди.

Осмонни қалин булут босган, совуқ шамол қор учқунларини олиб келаётган, дилни ғаш этучи бу пайтда теварак-атрофдаги ҳамма нарса нотаниш, бегона бўлиб туйилди.

Шу вақт Вания бирдан ўз замбарагини кўриб қолди. У сал бир ёққа ёнбошлаган ва негадир бир ғилдираги йўқ, бу ғилдирак ўрнига бирнечта бўш ўқ яшиклари устма-уст тахлаб қўйилган эди.

Тўп яқинида ён тахталари очиқ юқ машинаси турар, бирнеча киши унга алланимани авайлаб ортмоқда эди.

Бола юраги орқага тортиб яқинроқ борди. Тўп қаршисидаги дала немис мурдалари блан тўлиб кетган эди. Ҳамма ерда тўда-тўда бўш гильзалар, пулемёт ленталари, босиб-янчилган портлатиш асбоблари, қонга беланган белкураклар, халталар, пачоги чиққан гильзалар, йиртиб ташланган хат, ҳужжатлар очилиб ётарди.

Бутунлай абжаги чиққан мана шу нарсалар орасида таниш тўпи бирмунча камроқ шикастлангандек кўринди, тўп станогида бошини хам қилиб ва қўлларини осилти-



— Майли, чүпон бола, майли. Шунақа ҳам бўлади.
Вақти келганд солдат ҳам йиғлайди.

риб, бутун гавдаси блан очиқ затворга суялганича капитан Енакиев ўтиарди.

Ванянинг назарида капитан Енакиев ухлаётгандек кўринди. Бола унга ўзини ташламоқчи бўлди-ю, броқ аллақандай ғайри-ихтиёрий зўр бир куч уни тўхтатиб, ҳайкалдай қотишга мажбур этди.

У қимиrlамай, капитан Енакиевга тикилиб қолди, унга термулган сайин кўз олдидаги манзара уни баттарроқ даҳшатга соларди.

Капитан Енакиевнинг гавдасига қўйгандек ярашиб тушиган шинели ит талагандай пора-пора бўлган ва қонга беланган эди. Шлёми ерда юмалаб ётарди, қор учқунлари қўнган кулранг соchlарини шамол елпиб турарди.

Капитан Енакиевнинг боши жуда қўйи этилганидан

юзи кўринмасди. Лекин ундан тинмай чакиллаб қоп томиб турарди. Кон тома-тома тўп станоги остида ҳалқоб ҳосил бўлган эди.

Капитан Енакиевнинг қўлларида негадир қўлпоқ йўқ эди. Бир қўли айниқса яққол кўриниб турарди. У оппоқ оқариб кетган, панжаларининг қони қочган, тирноқлари эса қўкариб кетганди.

Эскироқ бўлсаям, тои-тоза, ихчам этик кийган оёқлари ғайри табиий бир ҳолда чўзилган бўлиб, худди ҳозирнинг ўзгинасида пошналари блан ер тепиб, юриб кетадигандай эди.

Вания Енакиевга тикилди, бу кишининг капитан Енакиев эканини билган бўлса ҳам, бунга ишонмас, асти ишонгиси келмасди. Йўқ, бу мутлақо бошка — жонсиз, аллақандай нотаниш бир киши эди ва айниқса у, болагашу лаҳзада унинг атрофини қуршаб олган бутун нарсалар каби ёт кўринди.

Шу чоғ қўққисдан аллаким Ваниянинг погони устига оғир қўлини мулојимгина қўйди. Вания юқорига тикилиб қараса, Биденко экан. Зўр гавдали, меҳрибон ва қадрдан разведкачи унинг қархисида турар ва эркалаб жилмаярди.

Унинг бақувват бир қўли Ваниянинг елкасида эди, дока блан қалин қилиб ўралган ва қонли латта боғланган иккинчи қўлини эса худди чақалоқ кўтаргандай қовушмасдан қўкрагига босиб турар эди.

Шу чоғ Ваниянинг дили алланечук ўксиб кетди. У Биденконинг бағрига ташланиб, уни белидан қучоқлаб олди, куйинди ҳиди босган дағал шинелига юзини суркаб, беихтиёр қўзидан дона-дона ёш тўкди.

— Биденко амакижон... Биденко амакижон... — деб юборди бутун вужудини титроқ босиб ва йигидан ўзини тутолмай Вания.

Биденко бўлса унинг бошидан оғир шлёмини астагина олди-да, тарашланган ҳароратли бошини дока ўраган қўли блан силаб туриб, ҳаяжон блан деди:

— Майли, чўпон бола, майли. Шунаقا ҳам бўлади. Вақти келганда солдат ҳам йиғлайди. Илож йўқ. Ахир уруш-да.

27

Ҳалок бўлган капитан Енакиевнинг чўнтағидан кичкина хат топиб олдилар. Бу хатни у, ўз томонига қартиб ўт очишларини сўраш олдидан ёзган эди. Гарчи бу хат шошиб-пишиб ёзилган бўлса ҳам, капитан Енакиев буни жуда осойишта шароитда ўз блиндажида ўтириб ёзган деб ўйлаш мумкин эди. Хат жуда аниқ, бирон жойи ҳам ўчирилмасдан ёзилган эди.

Ваҳоланки, бу хатни ёзаркан, ўша даҳшатли, сўнгги дақиқада унинг атрофида деярлик ҳечким қолмаган эди.

Капитан Охунбоев плаш-палаткаси остидан қўлларини икки ёнга ёзиб узала тушиб ерда ётарди. Ўқ унинг кенг пешонасининг қоқ ўртасидан тешиб ўтганди. Ковалёв бўлса худди ҳозиргина этигини ечиб, пайтавасини бошқатдан ўрамоқчи бўлиб ерга ўтирганда, тўсатдан ёнига оғиб тушган ва шу куйи қотиб қолган эди.

Шундай бўлса-да капитан Енакиев хатида уни ёзган куни, ойи, йили ва соатигача қўйишни унутмаган. У ҳатто шу хатни ёзган ерини: «Саккизинчи сонли нишон районида» деб кўрсатиб ҳам қўйган. У имзо чеккандан кейин нуқта қўйишни ҳам унутмаган.

Хатни учбурчак қилиб буклаб, топиш осон бўлсин деб гимнастёркасининг сиртқи чўнтағига солиб қўйган.

Бу хатда капитан Енакиев ўз батареяси блан видо’лашган, барча жанговар ўртоқларига салом айтган ва қўмондонликдан сўнгги ҳарбий ҳурмат кўрсатиб, ўзини Германияда эмас, балки жонажон совет тупроғида дағи этишиларини сўраган.

Бундан ташқари, тутишган ўғли Вания Солнцевнинг тақдирни тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишларини, уни аввал яхши солдат ва кейинчалик лаёқатли офицер қилиб этиширишларини илтимос қилган.

Капитан Енакиевнинг сўнгги ўтинчи шараф блан ба-
жарилди: уни совет тупроғида дағи этдилар.

Бўрон қабр устини биринчи ёқсан қор блан қоплаган-
дан кейин, Вания Солнцевни полк команда пунктига, ко-
мандир ҳузурига чақирдилар. Бу ерда Вания, яна тагин
солдат тақдирида ўзгариш бўлишидан дарак беручи сўз-
ни эшилди.

Артиллерия полкининг командири Ванияга уни Суво-
ров мактабига юборажакларини билдири ва:

— Тайёрлан,— деди.

Орадан тўрт кун ўтгач, вокзалдан қадимий рус шаҳ-
рининг марказига олиб борадиган паст-баландлик катта
кўчадан ефрейтор Биденко Вания Солнцевни бошлаб бо-
тарди.

Улар шошилмасдан боришар экан, юзларида ғурур
блан бирга билинар-билинмас норозилик сезиларди, одат-
да фронтчилар фронт орқасидаги шаҳар кўчаларидан
ўтганларида бундаги ҳётнинг суст ва тартибсизлигидан
ажабланиб, шундай ҳолатга тушарди.

Биденко қўли боғланган, юксиз, енгилгина қадам бо-
сиб борарди. Бола елкасига кўк буюм халтасини осиб
олган эди.

Бу халтага бир талай керакли-кераксиз нарсалар со-
линганди, ўз ўғилларини узоқ сафарга жўнатаётган раз-
ведкачилар блан тўпчилар бу нарсаларни Ванияга совға
қилишган эди.

Буюм халтасига алифбе китоби блан компас солин-
ган ўша машҳур тўрва ҳам жойланган эди. Пушти ранг
целлULOид идишда ҳушбўй атир совун блан тёшик-тёшик
кўк целлULOид қин ичида тиш чўткаси бор эди. Унда
тиш парошоги, ип-игна, этик чўткаси ва мой ҳам бор
эди. Бир банка чўчқа гўшти, кичкина халтачада кесма
қанд, битта гугурт қутичада туз, яна бир қутичада қуруқ
чой ғамланган эди. Кружжа, лабда чалинадиган гармош-
ка, ўлжа зажигалка, учи тиғли бирнечча снаряд парчаси ва
йирик калибрли немис пулемётининг иккита ўқи ҳам бўлиб,

буларнинг бири сариқ, иккинчиси қора патронли эди. Бир буханка нон блан юз сўм пул ҳам бор эди.

Лекин халта ичидаги нарсаларнинг энг қимматлиси— «Суворовский натиск» газетасига ва яна унинг устидан рўмолчага маҳкам қилиб ўраб олинган капитан Енакиевнинг погонлари эди, бу погонларни капитан Енакиевдан хотира бўлсии деб Ваняга хайрлашиш чорида полк командири топширган ва кўз қорачиғидай сақлаб, Ваня ҳам эҳтимол уларни тақиши даражасига етган пайтигача эҳтиёт қилишини тайинлаган эди.

Полковник болага капитан Енакиев погонларини топшираётib, бундай деган эди:

— Сен ўз ота-онангнинг яхши ўғли бўлгансан. Разведкачилар блан тўпчиларга ҳам яхши ўғил бўлдинг. Капитан Енакиевга муносиб — яхши, довюрак, уддабурро ва қобил ўғил бўлдинг. Ҳозирда ҳам бутун артиллерия полкимиз сени ўз ўғли деб билади. Буни ёдингда тут. Энди ўқишга жўнайисан, мен умид қиласманки, қадрдан полкингга испод келтирмайсан. Ишонаманки, сен энг яхши ўқучи, кейинчалик эса энг яхши офицер бўласан. Аммо шуни билиб қўй: ҳарвақт ва ҳамма ерда, аввал-охир сен ўз она Ватанингнинг ҳамда шу Ватанинг энг асл фарзанди Сталиндек улуғ одамнинг содиқ ўғли бўлмоғинг керак. Хайр, Ваня Солнцев, улғойиб офицер бўлганингда, ўз полкинга қайт. Биз сени кутамиз ҳам ўз қадрдан кишиимиздай қабул қиласмиз.

Ваня блан Биденко қалин қор босган шаҳарни бошдан-охир ўтиб, Екатерина замонидан қолган ва олди баланд устунлар ҳамда арклар блан безалган катта уй олдига келиб тўхтадилар.

Шаҳар қирқ иккинчи йилда бирмунча вақт немислар қўлида бўлиб, бу уйнинг қайбир жойларида ёнғин аломатлари ҳали ҳам сақланарди.

Жимжимадор темир панжараларни қиров босган эди. Уйнинг атрофида бирнечча кекса қайин дараҳтлари ўсган. Унинг тепасидаги қарғалар ин қўйган баланд шох-

ларини панжара сингари қиров босган, бу шохлар қизғаш ҳавода омонат осилиб турғандай күринар ва бутунлай күмкүк бўлиб товланарди.

Ботиб бораётган нурсиз қуёш совуқ туманда тухум сарифига ўхшаб күринарди, бу чоғ кўҳна ёнғин минорасининг ёниб кетган деворлари устида зағчалар учишиб юарди:

Биденко блан Вания контролъ будқадан ўтдилар, кейин катта гумбазли йўлакда Биденко Вания блан бирга ҳужжатлар солинган пакетни навбатчи офицерга топширди, ўзи бўлса йўғон равоқ остидаги қадимги ёғоч сандиқ устида ўтириб кутабошлади.

У анча вақт кутди. Бу орада ёш трубачи бирнече бор зинапоя тагидан чиқиб келиб, соатга қараб карнайини чалиб қўйди. Қалин тош деворли ва полига катақ-катақ тош ётқизилган бу кенг йўлакда карнайнинг қаттиқ овози қулоқни кар қилгудай янгради. Бу овоз мис панжарали тош зинапоядан юқорига таралиб, аста тинар ва фақат заиф акс садо бинонинг аллақайси чекка бурчакларида йўлаклар, синфлар ва заллари бўйлаб анчагача кезарди.

Бу ерда ҳарбир иш карнай чақириғи блан бўларди. Бу уйнинг кўз илғамас ҳаётини карнай бошқариб туарди. Карнай чалиниши блан бирдан юзларча одамнинг ғовур-ғувури ва тапир-тупур оёқ товушлари эшитилиб қоларди. Яна шу карнай овози бирдан сув қўйгандек жимлик ўрнатар, бу пайт умивальник жўмрагидан томиб турган сувнинг чакиллаши блан зинапоя остидаги соатнинг тик-тик этишидан бошқа овоз эшитилмасди. Бир сафар карнай овози кўзга кўринмаётган ротага сафга тизилишни буюрди, шунда Биденконинг қулоғига яна ўша кўзга кўринмаётган ротанинг шов-шув қилмасдан қаердадир саф тортгани, бир-икки санашиб, икки қатор бўлиб, бир ёққа бурилишгани ва кейин «Ать-два, ать-два, ать-два... левой! левой!» командаси блан, пишиқина ботинка кийган юзларча оёқнинг бараварига шаҳдам қадам ташлаб, тезгина юриб кетгани эшитилди.

Бир сафар зинапоянинг иккинчи супачасида қора мундир ва қизил ҳошияли узун шим кийган кичкина, сариқ бола пайдо бўлди. Боланинг бу ерга жуда авайлаб, қўрқа-писа чиқиб желганига қараганда, карнай, шу фурсатда унинг бу ерга чиқишига рухсат этмаганилигини ва боланинг сўрамасдан, ўз бошича чиққанини билиш мумкин эди.

Бола бу ўртада ҳечким йўқ деб ўйлаб, қорнини зинапоя панжарасига тиради-да, сепкилли пучук башарасида мамнунлик акс эттириб, пастга сурғалиб тушабошлади. Бу чоғ Биденкони қўриб қолиб жуда уялиб кетди, мундирини тузатиб, катак-катак текис тош ётқизилган полдан худди сафдагидек юриб бориб ён тарафидаги эшикка кириб кетди.

Биденко бўлса ма'юс ўтирас ва кечга томон ўқтин-ўқтин оғрий бошлаган ярадор қўлини силар эди. У Ванияни ташлаб кетишга кўзи қиймас эди, чунки у энди умрбод ажралаётгандарини сезаётган эди.

Зинапоянинг биринчи супачасида деворнинг бир тарафини бутунлай қоплаган катта сурат осилган эди. Бу суратда худди ўзи осилиб турган ердагидек оқ зинапоянинг расми туширилган эди. У худди шу зинапоянинг давомига ўхшаб қўринарди. Унинг чеккаларида бурунги замон замбараклари, барабан, байроқ ва карнайларнинг расми солинган эди. Зинапоядан қизил погонли қора мундир кийган кичкина бир бола юқорига чиқиб борарди. Елкасига кулранг плашининг барини ташлаб олган, шпортақилган, қўнжи тиззадан баланд этик кийган, кўкрагига олмас юлдуз қадаган ҳамда кенг пешонаси теппасида бир тутам кулранг сочли Суворов юқоридан болага қўлини узатиб турад эди.

Карнай ва байроқлар ўртасидан зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилаётган бола, Биденконинг назарида, ўзининг Ванияси, чўпон боласи бўлиб, Суворов худди унга қўлини чўзаётгандай туйилди.

Броқ, шу пайт ён тарафдаги эшик очилиб, даҳлизга

навбатчи офицер блан Ваня кириб келди. Биденко сакраб ўрнидан туриб, қаддини ростлади. Биденко Ванияни энди Суворов мактаби кийимида кўраман деб кутган эди. Броқ бола шинельсиз ва сочсиз (дарҳол сочини олдиришган эди) бўлса ҳам, ҳамон ўзининг армия кийимида эди.

Навбатчи офицер:

— Ўқучи Солнцев, кузатиб келган одамингиз блан хайрлашишингиз мумкин,— деди-да, ўзини четроққа олиб турди.

Ваня Биденко олдига келди. Улар нима қилишларини билмай, анча вақт жим қолишиди.

Шу чоғ бола ўзининг бутун ҳаётини бирма-бир хотиридан ўтказди. Шунда у, ўзининг кечириб келган ҳаётининг умрбод тугаганини ва энди асло эски ҳаётига ўхшамаган бошқача бир ҳаёт бошланаётганини англади.

— Хайр, чўпон бола,— деди энг охир Биденко.

— Оқ ўйл бўлсин,— деди Ваня.

У Биденконинг бағрига ташлангуси, уни саккизинчи сонли нишон районидаги мажақланган тўп ёнида бўлганидай қучоқлаб олгуси, куйинди ҳидли шинелига юзларини суртиб йиғлагуси келди. Аммо кўпдан бери унинг ҳаётини бошқариб юрган аллақандай қудратли бир куч уни тўхтатиб қолди.

Биденко индамасдан қўлинни узатди. Бола бу ҳайбатли, дағал қўлни биринчи марта қисар экан, унинг бутун кучи ва мулойимлигини ҳис этди. Шунда Биденко ўзини тутиб туролмай, худди саккизинчи сонли нишон районида бўлганидек, Ваниянинг сочсиз бошини бу сафар ҳам дока бойланган қўли блан силади.

Биденко мис пружинали оғир ташқари эшикни очар экан, Ваня дабдурустдан овозининг борича:

— Хайр, Биденко амаки!— деб бақириб юборди.

Разведкачи бўлса орқасига ўгирилмай, кўчага чиқиб кетди.

Бирнече соатдан кейин Ваня, эртага **эрталабдан** бошлаб кийиш учун капитенармусдан¹ формалии кийим-бош олди. Уларни бўйига ўлчаб кўргач, карнайиниг **булруғига** амал қилиб, бошқа шогирдлар блан бирга катта-кон иссиқ уйда, алоҳида кроватъда, устига ян-янги ти-вит одеял ёпиб уйқуга кетди.

Унинг ястиғи остида капитан Енакиевнинг погошлари туради.

Тонг отаётганда, туриш вақти яқинлашиб қолганда кекса генерал, мактаб бошлиғи ўз одатига кўра, ўғиларининг қандай ухлаётганини кўриш учун ётоқхона-ларни айланиб чиқди. У одатда ҳаммадан эрта уйго-нарди.

У, Ваняниңг кровати олдида тўхтаб, болага узоқ тикилиб туриб қолди. Ваня қаттиқ уйқуга толған бўлса-да, устидан одеялини тепиб ташлаб, беҳаловат ётарди. Унинг юзида кўраётган тушларининг аломатлари акс этиб, ҳар дақиқа унинг туси ўзгариб туради.

Кўраётган тушлари боланинг бутун борлигини қаттиқ чулғаб олганидан, генерал унинг устига одеялни ёниб, ястиғини тўғрилаб қўйганини ҳам сезмади.

Генерал унинг уйқу ичида мамнунлик акс этиб турган юзига боқар ва шу кичик солдат қалбининг энг чуқур ерларигача қўл солиб, унинг дилидаги ҳамма нарсанинг яқиндан билгиси, юрагидаги энг нозик ҳисларигача пай-қаб олгуси келарди.

Ваняниң бошидан кечган воқиалар ипидан-игиасига-ча генералга ма’лум эди. У, батареяда Ванияни чўюон бола деб юритишганини ҳам, албатта, биларди. Бу нем генералга жуда ёқиб тушган эди. Генералининг ўзи ҳам оддий деҳқон оиласидан чиққан эди. У, гоҳо-гоҳо ўзининг болалик чоғларини эслаб қўйишни яҳши кўрарди.

¹ Каптенармус -- ҳарбий қисмларда хўжалик мудири.

Ҳозир генерал ухлаб ётган чўпон болага тикилар экан, бир маҳал ефрейтор Биденко эслагани каби, у ҳам ўзининг болалик чоғларини эслаб кетди: қишлоқ, наҳор пайти сутдек оппоқ туман босган ям-яшил майса-зорда сигирларнинг ўтлаб юриши, шудринг томчиларининг бинафша ранг, кўмкўк, қипқизил, сарғиш тусда рангбранг товланиши, қамишдан қирқиб ясаб олган кичкина сибизғасини пуфлаб, нозик, майин, бир-бирига ўхшаш ҳамда шўх-шўх овозлар янгратгани ёдига тушди.

У боланинг одеял остидан чиқиб турган қўлларига беихтиёр термулиб қолди. Боланинг жажжи бармоқлари уйқу аралаш гўё сибизға тешикчалари устида юраётган-дек қимирларди.

Улуғ Сталин байроқлари остида илгари Царицин, Кронштадт ва Орёл ёнида жанг қилган, гражданлар урушининг қаҳрамони, Улуғ Ватан уруши вақтида ҳам ўша шонли байроқлар остида яна ўша Орёл ва ҳозир Сталинград деб аталган ўша Царицин ёнида жанг қилган довюрак кекса генерал, тепа соchlари тушган, юзларини қалин ажин босган, кўзлари ўткир чақнаб турган бу мард ва забардаст одам, болага тикилиб турган ерида бирдан бошини эгди-да, оқ оралаган мўйлабларини си-лаб туриб, мулойим кулиб қўйди.

Шу пайт, ўриндан туришга унданб ҷалинган карнай овози зинапоядан йўлаклар ва заллар бўйлаб ёйилди.

Ваня карнайнинг ўриндан туришга унданбаган, ўткир, ҳукмрон овозини шу заҳотиёқ әшитган бўлса-да, лекин тез уйғонақолмади. У, қаттиқ уйқига толган кўзларини бирданига очолмай, бирмунча вақт жим ётаверди.

Шунда генерал қаддини букиб, секингина боланинг қўлидан тортди.

Худди шу пайт Ваня уйғониш олдидан сўнгги тушни кўраётган эди. Ҳали яқиндагина ўнгига бўлиб ўттан во-қиалар тушига кирган эди.

Ванянинг тушида, узунасига кетган оппоқ йўлдан оқ

рангдаги юк машина капитан Енакиевнинг жасадини олиб бораётган эмиш. Теварак-атрофда қиши либосига бурканган жуда гўзал рус қарағайзори ёйилиб ётипти. Полк байроти блан қопланган тобутнинг тўрт чеккасида бўйинларига автомат осган тўрт солдат турипти, Вания буларнинг бешинчиси бўлиб, тобутнинг бош тарафида турарди.

Тун пайти. Бутун ўрмонда совуқ изгирин кезади. Кекса арчаларнинг учлари юлдузларнинг нурида гўё фосфор блан ишқалангандек ялт-юлт товланади. Тизза бўйи қорга кўмилган арчаларнинг бўйи бениҳоя баланд. Буларга қараганда телефон симёочлари гугурт чўпларидек кичрайиб кўринарди. Чамандек юлдузлар ёйилган осмон эса, арчалардан ҳам баланд. Осмоннинг, оппоқ уч бурчак бўлиб кетган йўл блан туташиб, қора баҳмал тусда учбурчак шаклини олган жойидаги юлдузлар айниқса гўзал порламоқда. У ерда бирнече катта-катта ва жуда равшан ёруғ беручи юлдузлар жимир-жимир товланиб турипти, гўё булар дун'ёдаги энг нодир ҳам энг йирик олмослардан ўйилган дейсиз.

Гоҳо юлдузлар бетига прожекторнинг ингичка совуқ шу'ласи тушиб ўтади. Броқ бу шу'ла юлдузларнинг ўткир нурини ўчиришга ҳам, лоақал хидалантиришга ҳам қодир эмас. Юлдузлар янада равшанроқ, янада гўзалроқ чақнамоқда.

Атрофни зўр сукунат босган, бу сукунат арчалар, юлдузлар ва ҳатто ана шу зимзиё чексиз осмондан ҳам ошиб тушгудай эди.

Тўсатдан ўрмоннинг қоронғи ва олис бағридан аллақандай овоз эшитилди. Вания буни дарров пайқади. Бу овоз карнайнинг ўриндан туришга ундан ўткир, ҳукмрон овози эди. Карнай уни чорлаётган эди. Шу замон ҳамма нарса сирли бир тарзда ўзгариб кетди. Йўл ёқаларидаги арча дарахтлари ўрнини генералларнинг савлатли плашлари ва бароқ буркалари эгаллади. Ўрмон нурафшон зал-

га айланди. Үрмөндаги йўл ўрнида замбараклар, барабанлар ва карнайлар қуршаган катта мармар зина пайдо бўлиб қолди.

Вания ана шу зинадан югуриб кетди.

Югуриш унга қийин бўлди. Лекин елкасига кулранг плашининг барини ташлаб олган, шпор тақилган, қўнжи тиззадан баланд этик кийган, кўкрагига олмос юлдуз қадаган ҳамда ёрқин пешонаси тепасида бир тутам кулранг сочли чол юқоридан унга қўлини узатди.

У, Ваниянинг қўлидан тутиб, пиллапоялар орқали баландга етаклаб олиб чиқиб кетди; улар чиқиб бораётган жойнинг энг юқорисида, тўрт даф'а бўлган ғолибона урушдан гувоҳлик бериб туручи жанговар байроқлар шу'ласига кўмилиб Сталин турарди. Эгнидаги шинелининг қайтарма ёқаси орасидан бриллиант маршаллик юлдзузи ялт-ялт товланарди.

Фуражкасининг текис козирёги остидан хиёл қисилган, сергак, ўткир кўзлари Ванияга талабчан тикилган эди. Вания унинг қора мўйлаблари остидан жиддият блан оталарча жилмайиб турганини кўрди, гўё унга Сталин:

— Кел, чўпон бола... Дадил қадам ташлаб келавер! — дегандек бўларди.



На узбекском языке

В. КАТАЕВ

СЫН ПОЛКА

(ПОВЕСТЬ)

Госиздат УзССР — Ташкент — 1953

(1.)

ТҮЛИКСИЗ ЎРТА ВА ЎРТА МАКТАБ БОЛАЛАРИ УЧУУ

Редактор *М. Усмон*

Техредактор *Я. Пинхасов*

Корректор *М. Рустамов*

Босмахонага берилди 7/V 53. Бөсишгө рух-
сат этилди 8/VIII 53. Р 05828. Қоғоз формати
84×108/32—3,438 қоғоз листи — 11,28 печ. л.
Найр. л. 9,7+1 вклейка. Индекс: б/а. Дого-
вор № 370—52. Тиражи 75000. Баҳоси 3 с. 90 т.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-
шинг № 1 босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кү-
часи, 33. Заказ № 228. 1953.



3c. 20 T.